

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР**

**Тошкент - 2011**

**Назарова Г.Г., Халилов Х.Х., Сафаров Н.Ч. Эркин иқтисодий ҳудудлар /проф. А.Ш.Бекмуродов таҳрири остида (дарслик), ТДИУ, 2011 й. 313 бет.**

**Такризчилар: и.ф.д., проф. Шодиев Р.Х., и.ф.н., доц. Зиядуллаева Л.С.**

Ушбу дарсликда эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришнинг назарий асослари, макро ва микроиқтисодиётдаги аҳамияти, ЭИХларни ташкил этишнинг жаҳон таҷрибаси, Ўзбекистон Республикасида ЭИХларни ташкил этиш ва ривожлантириш йўналишлари ва хусусиятлари каби масалалар кўриб чиқилган.

Дарслик иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг бакалаврлари ва магистрлари учун мўлжалланган, ундан аспирантлар, ўқитувчилар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

**Назарова Г.Г., Халилов Х.Х., Сафаров Н.Ч. Свободные экономические зоны /под ред. проф. А.Ш.Бекмуродова (учебник), ТГЭУ, 2011 г. 313 стр.**

**Рецензенты: д.э.н., проф. Шодиев Р.Х., к.э.н., доц. Зиядуллаева Л.С.**

В данном учебнике рассмотрены теоретические основы развития свободных экономических зон, мировой опыт создания свободных экономических зон, направления и особенности создания и развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан.

Учебник предназначен для бакалавров и магистров высших учебных заведений экономического направления, а также для аспирантов, преподавателей, широкого круга читателей, интересующихся вопросами развития свободных экономических зон.

**G.G. Nazarova, H.H. Halilov, N.C.Safarov, Free Economic Zones /edited by prof. A. Sh. Bekmurodov (textbook), TSUE, 2011, p. 313.**

**Reviewed by: Shodiyev R.H., associate prof. Ph.D. in Economics, Ziyadullaeva L.S., prof. Ph.D. in Economics**

This textbook covers theory for development of the free economic zones, their role in the macro- and microeconomics, world experience in establishing FZEs, trends and features for FZE establishment and development in Uzbekistan.

The textbook is for bachelor and master program students majoring in economics and may also be used by postgraduate students, teachers and general public interested in the issues regarding the development of free economic zones.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ. ....	11
1-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА. ....	16
1.1. “Эркин иқтисодий ҳудудлар” тушунчаси. ....	16
1.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари . . . . .	30
1.3. Жаҳон мамлакатларини иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудлар. . . . .	35
1.4. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар. . . . .	43
1.5. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар. . . . .	49
2-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ МАКРО ВА МИКРОИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ. ....	58
2.1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг макроиқтисодиётдаги ўрни	58
2.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг микроиқтисодиётда тутган ўрни . . . . .	64
2.3. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни. . . . .	70
3-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ. ....	78
3.1. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг Буюк Британия усули. . . . .	78
3.2. Буюк Британия қироллиги таркибига кирувчи Белиз эркин иқтисодий бизнес маркази. . . . .	84
3.3. Мэн эркин иқтисодий ҳудудининг (иқтисодий эркин оролнинг) ривожланиш хусусиятлари. . . . .	87
3.4. Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудуди. . . . .	93
3.5. Британ-Виргин эркин иқтисодий ҳудуди. . . . .	96
3.6. Науру эркин иқтисодий ҳудуди. . . . .	97
3.7. Тунис эркин иқтисодий ҳудудларини ривожланишида хорижий инвестицияларнинг роли. . . . .	103
3.8. Панама эркин иқтисодий ҳудудларини ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари. . . . .	114
4-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА МАЛЬТА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДИНИНГ КОМПАНИЯ ВА БАНКЛАРИ. . . . .	121
4.1. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида денгиз флоти	

кемаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. . . . .	121
4.2. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро савдо корхоналари. . . . .	123
4.3. Мальта ЭИҲда жойлашган халқаро холдинг компаниялар. . . . .	127
4.4. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялар. . . . .	129
4.5. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида ташкил этилган банклар ва оффшор банкларнинг фаолияти. . . . .	131
<b>5-БОБ. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР. . . . .</b>	<b>141</b>
5.1. Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш хусусияти . . . . .	141
5.2. Хитой Халқ Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларни ривожланишининг умумий асослари ва босқичлари . . . . .	158
5.3. Сянган (Гонконг) муҳим маъмурий аҳамиятга молик райони. . . . .	172
5.4. Хитой иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни. . . . .	178
<b>6-БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР. . . . .</b>	<b>190</b>
6.1. Россия Федерациясида ЭИҲларнинг ташкил этилиши. . . . .	190
6.2. Россияда ЭИҲларни ривожлантиришнинг асосий муаммолари . . . . .	194
6.3. Олтой эркин экологик ҳудудининг ҳудудлараро ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлари. . . . .	197
6.4. Калининград вилоятида жойлашган «Янтарь» эркин иқтисодий ҳудудининг ривожланиш имкониятлари. . . . .	206
<b>7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ. . . . .</b>	<b>213</b>
7.1. Республикада эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий индикаторлари. . . . .	213
7.2. Орол эркин-экологик ҳудуди. . . . .	243
7.3. Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудуди. . . . .	247
7.4. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди. . . . .	261
7.5. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг истиқболлини белгилаш ва ривожланиш муаммоларини бартараф этишнинг ҳуқуқий	

асослари . . . . .	288
7.6. Эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш борасидаги имтиёзлар. . . . .	299
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. . . . .	310

## СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ .....	11
ГЛАВА 1. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ В МИРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ КАК ФАКТОР ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ. ....	16
1.1. Понятие “свободные экономические зоны” .....	16
1.2. Виды свободных экономических зон. ....	30
1.3. Свободные экономические зоны в экономическом стран мира. ....	35
1.4. Свободные экономические зоны в экономике развитых стран. ....	43
1.5. Свободные экономические зоны в экономике развивающихся стран. ....	49
ГЛАВА 2. ЗНАЧЕНИЕ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В МАКРО И МИКРОЭКОНОМИКЕ. ....	58
2.1. Место свободных экономических зон в макроэкономике ..	58
2.2. Место свободных экономических зон в микроэкономике ..	64
2.3. Место свободных экономических зон в привлечении инвестиций в экономику .....	70
ГЛАВА 3. МИРОВОЙ ОПЫТ СОЗДАНИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН .....	78
3.1. Специфика создания свободных экономических зон в Великобритании .....	78
3.2. Свободный экономический бизнес центр Белиз в составе королевства Великобритании .....	84
3.3. Особенности развития свободной экономической зоны (свободного экономического острова) Мэн .....	87
3.4. Бермудская свободная самоуправляемая экономическая зона .....	93
3.5. Британо-Виргинская свободная экономическая зона .....	96
3.6. Свободная экономическая зона Науру .....	97
3.7. Роль иностранных инвестиций в развитии свободных экономических зон Туниса .....	103
3.8. Специфические особенности развития свободных экономических зон Панамы .....	114
ГЛАВА 4. КОМПАНИИ И БАНКИ СВОБОДНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЫ МАЛЬТА В МИРОВОЙ	121

ЭКОНОМИКЕ . . . . .	
4.1. Порядок регистрации морских судов в свободной экономической зоне Мальта . . . . .	121
4.2. Деятельность международных торговых предприятий в свободной экономической зоне Мальта . . . . .	123
4.3. Международные холдинговые компании, расположенные в свободной экономической зоне Мальта . . . . .	127
4.4. Деятельность страховых компаний в свободной экономической зоне Мальта. . . . .	129
4.5. Деятельность банков и оффшорных банков, созданных в свободной экономической зоне Мальта . . . . .	131
ГЛАВА 5. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ, СОЗДАННЫЕ В КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКЕ. .	141
5.1. Особенности экономического развития Китайской Народной Республики . . . . .	141
5.2. Основы и этапы развития свободных экономических зон, созданных в Китайской Народной Республике . . . . .	158
5.3. Административная территория особого значения Сянган (Гонконг) . . . . .	172
5.4. Место свободных экономических зон в привлечении иностранных инвестиций в экономику Китая. . . . .	178
ГЛАВА 6. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ, СОЗДАННЫЕ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ . . . . .	190
6.1. Организация СЭЗ в Российской Федерации . . . . .	190
6.2. Основные проблемы развития СЭЗ в России . . . . .	194
6.3. Межрегиональные правовые и экономические отношения Алтайской свободной экологической зоны . . . . .	197
6.4. Возможности развития свободной экономической зоны «Янтарь», расположенной в Калининградской области . . . . .	206
ГЛАВА 7. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН, СОЗДАННЫХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН . . . . .	213
7.1. Экономико-правовые индикаторы создания свободных экономических зон в Республике Узбекистан . . . . .	213
7.2. Аральская свободная-экологическая зона. . . . .	243
7.3. Свободная производственная экономическая зона Джиззак	247

7.4. Свободная индустриально-экономическая зона Навои. . . . .	261
7.5. Правовые основы определения перспектив и решения проблем развития свободных экономических зон. . . . .	288
7.6. Льготы в сфере привлечения иностранных инвестиций в свободные экономические зоны. . . . .	299
СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ. . . . .	310



## TABLE OF CONTENTS

PREFACE .....	11
CHAPTER 1. FEZ AS A PRINCIPAL FACTOR IN ATTRACTING INVESTMENTS IN THE WORLD ECONOMY .....	16
1.1. Concept of FEZ .....	16
1.2. Types of FEZ .....	30
1.3. FEZ in the World Economic Development .....	35
1.4. FEZ in the Economy of Developed Countries .....	43
1.5. FEZ in the Economy of Developing Countries .....	49
CHAPTER 2. FEZ IMPORTANCE IN MACRO AND MICROECONOMICS .....	58
2.1. FEZ Role in Macroeconomics .....	58
2.2. FEZ Role in Microeconomics .....	64
2.3. FEZ Role in Attracting Investments .....	70
CHAPTER 3. WORLD EXPERIENCE IN FEZ ESTABLISHMENT .....	78
3.1. British Method of FEZ Establishment .....	78
3.2. Belize FEBC of the Kingdom of Great Britain .....	84
3.3. Features of the Development of Man FEZ (Free Economic Isle) .....	87
3.4. Bermuda Free Self-Governing Economic Isle) .....	93
3.5. British Virgin FEZ .....	96
3.6. Nauru FEZ .....	97
3.7. Role of Foreign Investments in the Development of Tunis FEZ .....	103
3.8. Peculiarities of Panama FEZ Development .....	114
CHAPTER 4. MALTA FEZ COMPANIES AND BANKS IN THE WORLD ECONOMY .....	121
4.1. Ship Registration Procedure in Malta FEZ .....	121
4.2. International Business Companies in Malta FEZ .....	123
4.3. International Holding Companies in Malta FEZ .....	127
4.4. Insurance Companies in Malta FEZ .....	129
4.5. Banks and Offshore Banks in Malta FEZ .....	131
CHAPTER 5. FEZ IN CHINA .....	141
5.1. Features of China Economic Development .....	141
5.2. Common Grounds and Stages of FEZ Development in China .....	158
5.3. Xianggang (Hong Kong) Special Administrative District .....	172
5.4. FEZ Role in Attracting Foreign Investments to Chinese Economy .....	178
CHAPTER 6. FEZ IN RUSSIA .....	190
6.1. Establishment of FEZ in Russia .....	190
6.2. Major Issues of FEZ Development in Russia .....	194

6.3. Interregional Legal and Economic Relations of Altai FEZ .....	197
6.4. Chances for Development of Yantar FEZ in Kaliningrad Oblast .....	206
CHAPTER 7. MAJOR TRENDS AND DEVELOPMENT ISSUES OF FEZ IN UZBEKISTAN .....	213
7.1. Economic and Legal Indices of FEZ in Uzbekistan .....	213
7.2. Aral Free Environmental Zone .....	243
7.3. Jizzah FEZ .....	247
7.4. Navai FEZ .....	261
7.5. Legal Framework for Forecasting and Solving of Development Problems of FEZ .....	288
7.6. Benefits for Attracting Investments to FEZ .....	299
CITED LITERATURE .....	310

## КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) хўжалик юритишнинг янги шаклларида бири бўлиб, халқаро майдонда 50-60- йилларнинг бошларида пайдо бўлиб, 70-йилларнинг ўрталарида эса жаҳон хўжалигида кенг оммавийлашиб борди.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг яратилишида ташкилотчилар томонидан олиб борилаётган очиқ иқтисодиёт тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. ЭИХларнинг фаолияти асосан ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғлиқдир. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги хўжалик ташқи олам учун юқори даражада очиқликка, божхона ва солиқ режимлари эса ташқи инвестициялар учун қулайликка эга бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади, яъни бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлардан кенг фойдаланилади.

Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этувчи давлат бу ҳудудда ишчи кучини янги ташкил этилган корхоналарга жалб этиш билан бир қаторда, янгидан-янги иш юритиш жараёнларни ривожлантириб, рақобатлашувга қодир корхоналар яратиш хусусиятига ҳам эга бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятларидан бири, бу ҳудудлар таркибида қўшма корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатиш тажрибаси ошиб борган сари эркин иқтисодий ҳудудда янги иқтисодий қонунларни ишлаб чиқиш учун кенг йўналишлар вужудга кела бошлаши билан бир қаторда раҳбар-мутахассисларнинг малакасини ошириш, уларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш вазифаси ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллаб боради.

Эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги ва ташкил этилиш турларига қараб таснифланади. Бу тасниф асосида ЭИХлар хўжалик ихтисослиги бўйича, биринчидан эркин савдо ҳудуди; иккинчидан саноат ва ишлаб чиқариш ҳудуди; учинчидан техника-технологияни жорий этиш ҳудудлари; тўртинчидан хизмат кўрсатиш ҳудудлари; бешинчидан комплекс ҳудудлар; олтинчидан халқаро ҳудудларга бўлинади.

Ташкил этиш турларига қараб эса ЭИХлар биринчидан территориал ҳудудларга, иккинчидан махсус тартибот (функционал) ҳудудларга бўлинади.

Жаҳон иқтисодиётида сервис хизматини кўрсатиш ҳудудлари таркибига кирувчи оффшор ҳудудлар муҳим роль ўйнайди. Эркин иқтисодий оффшор ҳудудлари деб махсус солиқ тизими ўрнатилган ҳудудга айтилади ёки бу ҳудудни чет эл инвестицияси учун солиқ имтиёзлари қўлланиладиган ҳудуд деб ҳам аташ мумкин. Жаҳон хўжалигида катта мавқега эга бўлган оффшор ҳудудларга Мальта, Мэн, Британ-Виргин, Науру, Гонконг, Кипр, Багам ва Бермуд ороллари, шунингдек Сингапур, Лихтенштейн, Люксембург, Швейцария, Панама, Гибралтар бўғози мамлакатларини ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг 70 дан ортиғида солиқ гаванларидир.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши қайси мамлакатда бўлишидан қатъий назар макро ҳамда микроиқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда, яъни иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизими, пул муомаласи ва эмиссиясига, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импортига, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта захиралари миқдорига, чет эл капитали қўйилмаларининг миқдорларига, валюта курсининг ҳаракатига, ташқи савдо ва тўлов механизмларини ташкил этишига ўз таъсирини кўрсатади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Чунки эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар эса белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан кенг фойдаланиб, ўтказиладиган ҳисоб-китобларда, яъни миллий валюталар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ҳозирги кунда бир-бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 400таси эркин савдо ҳудудлари, 400таси илмий-ишлаб чиқариш ҳудудлари, 300таси ишлаб чиқариш экспорт ҳудудлари, 100таси эса махсус ҳудудлардан (оффшор марказлар,

рекреация ҳудудлари, экологик-иқтисодий ҳудудлар ва туристик ҳудудлардан) иборатдир.

Замонавий жаҳон хўжалигини ривожланиши шароитида мамлакатлар миқёсида ЭИҲлар сонининг ўсиб бориши натижасида уларнинг экспорт салоҳияти ва шунингдек яратилаётган иш ўринларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатларга келаётган валюта тушумларининг ва бандлик кўрсаткичларини ортишига сабаб бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигига фан-техникани қўллаб-қувватлаш ҳудудлари хосдир. Бу ҳудудлар фавқулодда ёки давлат кўмагида йрик илмий марказлар доирасида махсус ташкил этилади. Уларда миллий ва хорижий тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалаш, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади ва ягона солиқ ва молиявий имтиёзлар тизимидан кенг фойдаланади. Фан-техникани қўллаб-қувватлаш ҳудудлари АҚШ, Японияда кенг тарқалган.

60-йилларнинг ўрталарига келиб ривожланаётган мамлакатларда ЭИҲлар пайдо бўлди. Экспертларнинг фикрига кўра уларнинг сони 300дан ортиқдир. Ривожланаётган мамлакатлардаги кўпгина ЭИҲлар Ирландиядаги Шеннон ҳудудининг андозасида экспорт-саноат ҳудудлари шаклида ташкил топган бўлиб, улар асосан денгиз портлари ва аэропортларда жойлашган. Уларни ташкил этишдан мақсад алоҳида саноат тармоқларини тез ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда илғор техника ва технологияларни жалб қилишдир. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланган мамлакатларникига ўхшаш мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу қолақ ҳудудларни ривожланувчи ҳудудларга айланишини таъминлайди. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда асосий эътибор хорижий капиталларни жалб қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан кейин, ЭИҲларнинг турли шаклларини ташкил этиш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди. Республикамиз Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда навбатдаги босқич иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштиришдаги устувор йўналишлардан бири ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни

фаоллаштириш ҳамда валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштиришдир – деб таъкидлаб ўтган эди.

Бугунги кунда чет эл фирма ва компанияларининг мамлакатимизда шаклланаётган товар ва хизматлар бозорига кириш жараёнлари сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Шу билан биргаликда республикаимизда экспорт салоҳиятини кучайиб бориши ва тайёр маҳсулотлар экспортини йўлга қўйилиши иқтисодий тараққиётни барқарорлашувида муҳим роль ўйнамоқда. Очик турдаги иқтисодиётни яратмай туриб мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига кириб бориши қийин. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу муаммоларни ҳал этишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Республикаимизда эркин иқтисодий ҳудудларни яратилишига очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Уларнинг фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва жадаллаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудлар иқтисодиёти ташқи оламга юқори даражада очикликка, божхона, солиқ ва инвестиция режимлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулайликка эга.

Эркин иқтисодий ҳудудларда ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар учун хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг ҳар қандай турлари билан шуғулланишга йўл қўйилади. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, биринчидан бу мамлакатни халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига янада чуқурроқ кириб боришини таъминлайди, иккинчидан ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар айниқса импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдиради, учинчидан, туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантиради, тўртинчидан, валюта тушумларини ортиб боришини таъминлайди, бешинчидан миллий ва хорижий илмий-техник янгиликларни тадбиқ этиш ва кейинчалик унинг натижаларини жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ҳам кенг қўллаш имкониятини беради, олтинчидан кўплаб хорижий капиталларни жалб қилиш имконини яратади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар ва инвестицион муҳит мавжуд бўлиб, шубҳасиз, бу соҳанинг ривожланиши мамлакатимизнинг иқтисодий равнақига ўз ҳиссасини қўшади ва унинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг магистратура бўлими 5А 341101 – “Халқаро иқтисодий муносабатлар” мутахассислиги бўйича таълим олувчи талабалар “Эркин иқтисодий ҳудудлар” фанини ўрганишади. Ушбу фан мутахассислик фанларидан бири бўлиб, талабалар фанни яхши ўзлаштиришлари учун узок йиллик педагогик фаолиятга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш билан бир фаторда, чоп этилган кўплаб илмий-монографик ишларни, мақолаларни, Республикамиз Президентининг Фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳам чуқур ўрганишлари лозим.

“Эркин иқтисодий ҳудудлар” фани бўйича дарсликни тайёрлашда ТДИУнинг “Халқаро иқтисодиёт” кафедрасини профессор-ўқитувчилари и.ф.д., профессор Г.Ғ. Назарова, и.ф.н., доцент Х.Х. Халилов, катта ўқитувчи Н.Ч. Сафаровлар иштирок этишди. Дарслик биринчи бор кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланганлиги учун ҳам баъзи бир жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Ушбу дарсликни тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини ва танқидий фикрларини берган профессор-ўқитувчиларга ва шунингдек техник ишларни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган катта ўқитувчи Н.М.Салихова, асс. Ф.Саидназаров ва магистр У.Халиловларга муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

*Ушбу дарслик муаллифларнинг жонажон мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрамига ва минглаб иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаб берган қадрдон университетимизнинг 80 йиллигига бағишланган камтарона туҳфасидир.*

# 1-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

## 1.1. “Эркин иқтисодий ҳудудлар” тушунчаси

Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИҲлар) жаҳон иқтисодиётида хўжалик юритишнинг янги шаклларида бири бўлиб, халқаро майдонда XX асрнинг 50 ва 60- йилларининг бошида пайдо бўлди, 70-йилларнинг ўрталарига келиб эса жаҳон хўжалигининг майдонида кенг географик кўламида оммавийлашди. Бундай ҳудудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ниҳоятда ривожланган классик мамлакатлар АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда, кейинчалик эса Хитой, Польша, Венгрия ва Болгария каби ўртача ривожланган давлатларда ҳам ташкил топди. Жаҳон хўжалигини ривожланиш тажрибасидан маълумки, ЭИҲлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро аэропортларда, темир ва автомобиль йўлларига яқин бўлган ҳудудларда сайёҳлик ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган саноат марказларида ташкил топган. Чунки, бундай ҳудудлар товар ва моддий бойликларни жаҳон бозорларига олиб чиқишда, хорижий инвестицияларни миллий давлатлар иқтисодиётига жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, илмий адабиётларда ЭИҲларга умумий бир таъриф берилмаган. Россиялик олимлардан бири Д. Адрианов ЭИҲларга қуйидагича таъриф беради: “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар ечимини топишда кенг имкониятларни яратиб беради. Хорижий ҳамда миллий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятида муҳим қулайликларни яратади»<sup>1</sup>. Е.Ф. Авдокушин эса “Эркин иқтисодий ҳудуд мамлакат ёки давлатнинг бир қисми бўлиб, аниқ бир ижтимоий- иқтисодий ва технологияларга оид муаммоларни ечимини хал қилишга йўналтирилиб, иқтисодий фаолият юритувчилар учун махсус шарт-шароитлар яратиб берадиган бошқарувнинг махсус маъмурий тизимига эгадир”<sup>2</sup> деб таъкидлаб ўтган эди. Бизнинг фикримизча ЭИҲлар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади,

<sup>1</sup> Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, 1997, №3-сон, 42-бет.

<sup>2</sup> Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М., 2004. 120-бет.



яъни бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан кенг фойдаланилади. Киото (Япония) шаҳрида 1973 йил 18 майда қабул қилинган “Божхона жараёнларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция” қарорларида эркин иқтисодий ҳудуд деганда мамлакатнинг шундай ҳудуди тушуниладики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий бојхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин бојхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади<sup>1</sup> деб кўрсатилган.

Жаҳон хўжалигида халқнинг моддий фаровонлиги, турмуш тарзи кўп жиҳатдан ЭИХларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бундай ҳолатларни биз ЭИХлар ташкил топган ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар мисолида кўплаб кузатишимиз мумкин. Хуллас, қайси мамлакатда чет эл инвестициялари ва тадбиркорларнинг фаолияти учун кенг имтиёзлар яратилган бўлса, иқтисодиётларини тиклаб олишлари учун амалий ёрдам берилиб имкониятлар яратилган бўлса инвестиция миқдори ҳам, тадбиркорларнинг ишчанлик қобилияти ҳам ўша ерда юқори бўлади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун ЭИХлар амалда территориядаги ишчиларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрациялашувига ёрдам берувчи махсус ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларга “махсус иқтисодий ҳудуд” атамаси мос келади. ЭИХларни яратилишига уларнинг ташкилотчилари томонидан очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Уларнинг фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва жадаллаштириш билан боғлиқдир. ЭИХлардаги иқтисодиёт ташқи олам учун юқори даражада очикликка, бојхона, солиқ ва инвестиция режимлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулайликка эга бўлади.

Миллий мустақилликка эришган мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг биринчи босқичи даврида (1991-1995 йиллар) ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун бозор сегментини ўрганиш ва шу ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарф қилинган меҳнатнинг истеъмол қийматини аниқлаш ва айланма маблағларнинг ҳаракатсизлигини тўхтатиш каби бир қатор муаммолар вужудга келган эди. Бундай муаммолар аслида биз учун

---

<sup>1</sup> Назарова Г.Ф., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Т., ТДИУ, 2005. 159-бет.

ўтмишдан мерос бўлиб, у истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчиларга бириктириб қўйилиши ва маҳсулот сотишнинг марказлаштирилган ҳолда ташкил этилишининг оқибатидир. Бундай муаммолар мустақилликка эришган кўпгина ўтиш даври мамлакатларнинг ривожланишини биринчи босқичи даврида ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам бундай мамлакатларнинг хўжалик субъектлари таркибида корхона фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи маркетинг, яъни ишлаб чиқарилаётган молнинг бозорини олдиндан ўрганиш каби стратегик тадқиқотлар бўлимлари муваффақиятли иш олиб боришган эди. Аслида “маркетинг” биз учун янгилик эмас, ота-боболаримиз ҳам қадимда шу усулда ишлаганлар. Албатта, боболаримиз маҳсулот “маркетинг”ини билиш билан чекланиб қолишмаган, балки ЭИҲлар фаолиятини ҳам билишган. Аждодларимиз халқаро савдо “карвон” йўлларида турли хилда хизмат кўрсатувчи марказлар карвонсаройларни ташкил этган бўлиб, улар ҳам маълум имтиёзларга эга бўлишган. Хуллас айтиш лозимки, ушбу марказларда жаҳон хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ЭИҲларнинг баъзи бир белгиларини кўришимиз мумкин.

Маркетинг (хўжалик) бошқарувчиси ишлаётган устанинг ишга келиш сабабларини сўрамаса ҳам, улар ишдан бўшаб кетаётганида албатта бунинг сабабларини сўрашган, чунки хўжалик бошқарувида яратилган қайси имтиёзлар устага маъқул бўлмаганлиги ёки бўлмаса қаерда бундан ҳам яхши имтиёзлар борлиги билан қизиқишган. Шу мақсадда ота-боболаримиздан мерос қолган ва иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудларни қаерда ва қандай ташкил этиш лозим? деган савол туғилганда Республикамиз олимлари ва мутахассислари ҳам “ЭИҲлар” тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб маълум бир хулосаларга келганлари эътибордан холи эмас. Шу мақсадда ўрганилаётган муаммонинг ечими мамлакатимизда қай даражада ўз ўрнини топаётганлигини ўрганиш мақсадида биз баъзи бир фактик материалларга мурожаат этишни лозим топдик. Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар (XIV-XV асрлар) давлатида ЭИҲлар “сандиқчилар” ва “темирсозлар” маҳаллалари кўринишида фаолият кўрсатган, чунки бу маҳаллалар ўзларининг моддий-техника таъминоти ва маҳсулотини сотиш “маркетинги” баҳолари ва

молиявий барқарорлиги марказлаштирилган ва ўзига хос тарзда ташкил этилган”<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган фикр бир эмас, балки бир неча олимлар томонидан билдираётганлигини тасдиқлаш мақсадида қуйидаги фикрни келтириш ўринлидир.”... Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Темурийлар давлатининг маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳрида эркин савдо ҳудудининг ташкил этилиши боболаримиз ишларини давоми бўлиб ҳисобланса ажаб эмас...”<sup>2</sup>.

Эркин иқтисодий ҳудудлар Ўзбекистон Республикаси учун янгилик бўлмай, балки аجدодлар анъанасининг давомидир. Ўзбекистонда ЭИХларни ташкил этиш тўғрисидаги қарашлар концепцияси иқтисодчи олимларимиз томонидан ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилган. Жумладан, А.Ғ. Рахимовнинг фикри бўйича Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида Эркин савдо ҳудудини ташкил этиш учун қулай имкониятлар мавжуд, чунки бу район орқали Эрон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Россияга олиб борадиган йўллар кесишганлиги сабабли товарлар савдосини жадал ривожлантириш мумкин. Шу билан бир қаторда шундай ҳудудни Жиззахда ҳам ташкил этиш лозим, лекин бу иқтисодий ҳудуд Хазораспдан фарқли ўлароқ, кўпроқ индустриал саноат ҳудудларини ташкил этиш учун мўлжалланган. Саноат ҳудуди таркибида 60 дан ортиқ корхоналарни ташкил этиш ҳамда барча зарур алоқа воситаларини қуриш ишлари режалаштирилган. Ушбу корхоналар 15 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаши лозим бўлиб, ҳозирги кунда хонаки лойиҳалар устида қизғин ишлар олиб борилмоқда. Комплексида маиший, маъмурий ва тижорат тузилмалари ҳам ўрин олиши мўлжалланган. Лойиҳага кўра ушбу ЭИХнинг ишлаб чиқариш корхоналари олдида қуйидаги вазифалар қўйилган эди:

- корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаши ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши;

- экспортга ихтисослашган корхоналар, капитал талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариши;

- табиий экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва бошқалар.

---

<sup>1</sup> Рахимова А.Ғ. Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим кадам. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил №25 (109) сони.

<sup>2</sup> Шукуров Д. XXI асрда “Ипак йўли”. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил №54 сони.

“Саноат ҳудудлари”нинг қурилиши ва ундаги корхоналарнинг фаолияти, маҳаллий ва ҳудудий корхоналарнинг бизнес имкониятларини янада ошишига олиб келади. Бевосита ва билвосита бандликнинг ўсиши кузатилади. Ишлаб чиқаришда самарадорликни ўсиши аҳолига қўшимча иш ўринларини яратилишига имкон беради. ЭИҲларда хорижий корхоналарнинг фаолият юритиши янги техника-технологияларни кириб келишига ва аҳоли билим савиясининг ўсишига олиб келади.

Қуруқликда ташкил этилган портлар контейнер порти ва омборлардан иборат бўлади. Ўз навбатида, темир йўл терминали, божхона хизмати, юклаш-ортиш каби механизмлар ҳам ушбу портда вужудга келади. Порт контейнер терминали ва логистик марказ вазифаларини бажаради. Бу портда транспорт воситалари алмашинуви содир бўлади. Лойиҳани амалга оширишда қўшма корхоналар муҳим роль ўйнайди. Ушбу қўшма корхоналарда Ўзбекистоннинг улуши 40 %ни, Япониянинг улуши эса 60 %ни ташкил этади. Япония экспертларининг фикрига кўра, бўлғуси саноат паркни қуруқликдаги портни ва шунингдек комплекс инфраструктурани бунёд этиш учун 185 млн. АҚШ доллари атрофида маблағ зарур бўлар экан.

Мутахассислар томонидан таклиф этилган яна бир лойиҳа Наманган вилоятининг Давлатобод туманида ташкил этилиши мумкин бўлган ЭИҲдир. Умумий аҳолиси 1,7 млн. кишини, майдони эса 2218 га. ташкил этган туманда саноат паркни қуриш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу саноат ҳудудининг майдони 50 га. дан ортиқ бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон – АҚШ “Airleasing” қўшма корхонасининг хорижий компаниялар билан (Буюк Британия, Италия, АҚШ ҳамда Самарқанд вилоятининг маъмурияти) бирга ишлаб чиққан “Жанубий Пири” деб номланган лойиҳаси Самарқандни нафақат халқаро туризм марказига, балки ҳудуднинг коммуникация йўллариини транссиё ва паневропа транспорт тизимлари билан боғловчи йирик Марказий Осиё транспорт бўғинига айлантиришни ва шунингдек шаҳар яқинида эркин савдо ҳудудини ташкил этишни ҳам кўзда тутди. Лойиҳа ташаббускорларининг фикрига кўра, ушбу аэропортдан кунига Ҳиндистон, Покистон, Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Европа давлатларининг ўнлаб самолетлари қўниб фойдаланишлари мумкин бўлади. Лойиҳанинг иқтисодий таҳлил шуни кўрсатдики, масалан БОИНГ-747 самолетида фойдаланиш орқали ҳар бир рейсдан 12

минг АҚШ доллари фойда қилиш мумкин. Бу эса йилига ҳаво йўллари учун 5 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда келтириши мумкин.

Лойиҳа тўлиқ инвестициялар асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳани амалга ошириш халқаро туризмни ривожланишига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки Самарқандга хорижий компанияларнинг рейсларини ортиши Европа-Жануби-Шарқий Осиё маршрути бўйлаб кетаётган туристлар оқимининг (шу жумладан транзит) кўпайишига олиб келади.

Лойиҳани амалга оширилиши нефтни экспорт қилишга катта имкониятлар яратади. Қоровулбозордан то аэропортгача 120 км. қувур ўтказиш орқали 500 минг тонна керосинни авиа учишлар учун сотиш имконини бериб, йилига 100 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда олишни таъминлайди.

Экспертларнинг фикрига кўра, ЭИХларнинг фаолият кўрсатиш шакли сифатида Самарқанд махсус очик халқаро туризм ҳудуди (МОХТХ) бўлиши мумкин. Бу ҳудудда махсус ҳуқуқий тартиб ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб, у ўз ичига божхона, солиқ, молия соҳаларини, хорижий фуқароларнинг ҳаракатини тартибга солишни олади. Ушбу ҳудудни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида”ги Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида замонавий халқаро туризм инфратузилмасини яратиш бўйича чоралар тўғрисида”ги 1995 йил 3 июн 210-сон қарорида келтирилган. Ушбу фармонни бажариш мақсадида Самарқандда ЭИХни ташкил этиш лойиҳаси тайёрланиб, у Давлат Мулк қўмитасида ҳам кўриб чиқилди ва унинг баъзи бир жойларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Лойиҳалаштирилаётган махсус очик иқтисодий ҳудуд ўзининг фақат географик жойлашуви билангина эмас, балки табиий ресурслари, хўжалик салоҳияти, турли этно-ижтимоий таркиби, маданий анъаналари, археологик-тарихий ёдгорликлари билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бир қаторда Самарқанд халқаро стандартларга мос келадиган сервис хизматларининг кенг таркибини ўз ичига олувчи меҳмонхона комплексларига эга. Бу ерда уяли ва электрон алоқа хизматлари яхши йўла қўйилган, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўл коммуникациялари ривожланган.

1996 йилда МОХТХни ташкил этиш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимияти томонидан мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, улар Россиянинг Калининград вилоятидаги “Янтарь” эркин ҳудуди фаолияти билан яқиндан танишиб чиқди. Ушбу гуруҳ аъзолари Исроил, Туркия, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини умумлаштирди. 1997 йилнинг бошида Самарқандда МОХТХни ташкил этиш концепцияси, дастури ва низомини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, у 1997 йилда ушбу ҳудуд лойиҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар устидаги барча ишларни тугатди. Лойиҳа халқаро туризмни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир этувчи вазирлик ва ташкилотларга юборилиб, лойиҳа юзасидан таклиф ва мулоҳазалар олинди.

Бироқ, ҳозирги кунга қадар ушбу лойиҳа юзасидан тегишли қарорлар қабул қилингани йўқ. Лойиҳа турли давлат муассасаларида кўриб чиқилиб, ўрганилмоқда.

Республикамизда ЭИХларни ташкил этиш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилишига қарамай, уларни амалга оширилиши муаммолигича қолмоқда. Уларга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- ЭИХларни ташкил этишга доир методик ёндашувнинг йўқлиги;

- ЭИХлар бўйича баъзи бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги;

- истиқболли ЭИХлар лойиҳасини молиялаштириш муаммосининг мавжудлиги;

- Молиявий ва валюта механизмнинг мукамал эмаслиги ва ҳоказолар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги ЭИХларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади:

- жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга бўлган корхоналар асосида илмий ва технологик ҳудудларни ташкил этиш. Тошкентда бундай ҳудудлар “Фотон”, “Ўзэлектроаппарат” каби ишлаб чиқариш ассоциациялари ёрдамида ташкил этилиши мумкин;

- Хоразм, Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларида агросаноат ҳудудларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Агросаноат ҳудудларини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида бой ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин;

- Жиззах вилоятининг Зомин туманида туристик ҳудудни ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- Тошкент ва Сирдарё вилоятларида эркин божхона ҳудудларини яратиш орқали сақлаш, навлаш, қадоқлаш каби хизматлар эвазига катта фойда олиш мумкин;

- Йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда технопарклар ва инкубаторлар яратиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикасида юқорида қайд этилган лойиҳалардан ташқари, корхона ва маҳалла тамойиллари асосида иқтисодий кооперация ҳудудлари ташкил этилган бўлиб, улар енгил саноат ва маҳаллий саноат соҳаларида иш юритмоқда.

Ўзбекистонда “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан кейин, ЭИХларнинг турли шакллари ташкил этиш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, хорижий инвесторлар учун манфаатли лойиҳалардан бири “Саноат ҳудудлари”дир. Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Япониянинг “Сумитомо” корпорациялари ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, Тошкентдан 10 км. жанубда жойлашган Бектемир районида майдони 102 га. дан иборат универсал комплекс, 40 га. лик порт ва 62 га. лик эркин ишлов бериш маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, Жиззах вилоятида етиштирилаётган пахтани қайта ишлаш асосида тўқимачилик саноатини ривожлантириб, Европа ва Осиёда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Тошкент, Самарқанд, Ургенч, Зарафшон, Чирчиқ ва Асака шаҳарларида технология полислари ёки паркларни, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида эса туризмни ривожлантириб, туристик комплексларни барпо этиш мақсадга мувофиқ.<sup>1</sup>

Юқорида келтириб ўтилган фикрлар албатта АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқа мамлакатлар тажрибасини илмий ўрганиш асосида айтилган. Шу маънода юқорида қайд этилган фикрни давом эттирувчи иккинчи бир тадқиқотчи шундай деган эди: “... Ўзбекистон Республикасида миллий хусусиятлар асосида “технополислар” ташкил этиш лозимдир. Бундай ЭИХларнинг ташкил этилиши иқтисодий реформаларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи омиллардан биридир...”.<sup>2</sup> Келтирилган мулоҳазаларнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган қўшни Қирғизистоннинг “Бишкек” ва Қозоғистоннинг

<sup>1</sup> Рахимова А.Ф. Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим кадам. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил №25 (109) сони.

<sup>2</sup> Эркаев Б. Миллий хусусиятли технополис. “Правда востока” газетаси 5 май 1996 й.

“Лисаков” ЭИХларни кўрсатиш мумкин. Бироқ, ЭИХларни ташкил этишда шошма-шошарликка йўл қўймасдан, балки мустақкам пойдевор устига куриш мақсадга мувофиқ эканлигини Республикамиз Президенти И.А Каримов ўз асарларида, оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан бўлиб ўтган учрашувларда ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда бир бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000дан ортиқ ЭИХлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 400таси эркин савдо ҳудудлари, 400таси илмий ишлаб чиқариш ҳудудлари, 300таси ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт ҳудудларни, 100таси эса махсус ҳудудлардан (оффшор марказлари, рекреация ҳудудлари, экологик-иқтисодий ҳудудлар ва туристик ҳудудлар) иборатдир.<sup>1</sup> Оффшор марказларида жаҳон депозитларини 1/3 тўпланган бўлиб, бу депозитлар ҳажми 2005 йилда бутун жаҳон товарлар айланмасининг 10-25 фоизини ташкил этган (1.1-жадвал).

## 1.1-жадвал

### Эркин иқтисодий ҳудудларнинг кўрсаткичларини ўсиш динамикаси

1970 йил	2004 йил
30та мамлакатда мавжуд	120тадан кўпроқ мамлакатда мавжуд
80та эркин ҳудуд	2000дан ортиқ эркин ҳудуд*
Экспортнинг умумий ҳажми 4 млрд. АҚШ долл.	Экспортнинг умумий ҳажми 600 млрд. АҚШ долл.
Иш ўринлари – 1 млн.	Иш ўринлари – 50 млн. дан ортиқ

\* сони 1000 дан ортиқ бўлган ҳудуд-корхоналар киритилмаган.

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Оффшор ҳудудларнинг асосий қисми АҚШда жойлашган бўлиб, 1996 йилда уларнинг сони 300дан ортиқ бўлган. 100га яқин оффшор ҳудудлар Ғарбий Европада жойлашган бўлиб, оффшор ҳудудларнинг 150дан ортиғи ривожланаётган мамлакатлар ҳудудига тўғри келади (уларнинг 50 фоизи Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келади). ЭИХларни тез ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири бу ҳудудларда (70-йилларда атиги 10та ЭИХлар ташкил этилган бўлса, 80-йилларнинг бошларида 50та, 90-йилларнинг бошида эса 300га яқин ЭИХлар фаолият кўрсата бошлаган, ривожланаётган

<sup>1</sup> Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, 1997, №3-сон.



мамлакатлардан бири Ҳиндистонда эса биринчи ЭИҲ 1965 йилда ташкил этилган) яратиб берилаётган имкониятлардир (1.2-жадвал).

### 1.2-жадвал

#### Дунё бўйича эркин иқтисодий ҳудудларнинг тақсимланиши

Ҳудудлар	ЭИҲлар сони
Шимолий Америка	366
Марказий Америка	288
Жанубий Америка	41
Марказий Европа	161
Шарқий Европа	39
Осиё	280
Африка	67
Тинч океани	14

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Бу имкониятлар ҳар иккала томон учун қурилиш, саноат ва бошқа кенг кўламдаги ишларни ривожлантиришни рағбатлантиради. Масалан, чет эл ишбилармонлари учун ЭИҲлар янги ишлаб чиқариш воситаларни сотиб олишга ва янги корхоналарини қурилишига катта миқдорда капитал қўйилмаларни сарф этиш имконияти туғилади (1.3-жадвал).

### 1.3-жадвал

#### Мамлакатлар бўйича ЭИҲлар кўрсаткичлари

Мамлакатлар	ЭИҲлар сони	Экспорт ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Иш ўринлари сони
АҚШ	266	20,0	400 000
Хитой	190	12,0	360 000
Индонезия	115	4,2	200 000
Филиппин	100	27,0	907 000
Таиланд	30	4,7	120 000
Ҳиндистон	13	1,3	87 000
Шри-Ланка	9	1,2	150 000
Бангладеш	6	1,2	120 000
Тайван	5	6,1	90 000
Покистон	4	0,1	40 000
Жанубий Корея	3	5,0	80 000

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Шу билан бирга бу ишларни қисқа муддатда мукамал бажаришга бўлган эҳтиёж ва шарт-шароит яратилади. Ишбилармонлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзлари учун маъқул бўлган баҳоларда сотиш ва ҳаттоки чет элларга экспорт қилиш имкониятлари ҳам туғилади (1.4-жадвал).


#### 1.4-жадвал

### Халқаро майдонда ташкил топган ЭИҲларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўсиш динамикаси

№	Мамлакатлар номи	Қайд этилган корхоналар сони (1996 йил)	Сўнгги уч йил мобайнидаги ўсиши, (фоиз ҳисобида)	Корхоналар сони (1997 йил бошига)	Сўнгги уч мобайнидаги ўсиши, (фоиз ҳисобида)
1.	Британ-Виргин ороллари	43000	48,2	208000	100
2.	Ирландия	16000	14,3	150000	36,4
3.	Панама	15201	1,7	337004	20
4.	Багам ороллари	12000	33,3	50000	127,3
5.	Мэн ороли	5776	16,3	38536	20,5
6.	Кипр	4400	89,9	26900	136,9
7.	Люксембург	3600	1,8	55000	17,5
8.	Кайман ороллари	3565	14,7	38716	39,6
9.	Гибралтар бўғози	3260	6,8	59600	17,3
10.	Лжерси	3100	1,3	30500	8,2
11.	Теркс ва Кайкос	3000	56,6	15000	36,4
12.	Нидерландия-Антиль	2200	10,0	22500	18,4
13.	Маврикий	1550	219,6	4550	574,1
14.	Гернси	1448	6,5	14550	3,8
15.	Белиз	1430	104,3	4810	270,0
16.	Барбадос	1293	546,5	12804	1064,0
17.	Антигуа	1000	33,3	5500	120,0
18.	Бермуд ороллари	988	28,6	8659	19,0
19.	Мадейра	600	50,0	2210	84,2
20.	Гонгконг	570	26,7	4429	34,2

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.15-бет.

Агар ЭИХларда қайд этилган корхоналар сони 1995 йилда 147500та бўлган бўлса, 1996 йилда 123981та , 1997 йилда эса 1089268тага етган эди. Келтирилган 1.4-жадвалдан кўришиб турибдики, 1996 йилда Британиянинг Виргин ороллари ЭИХларида 43 минг корхона қайд этилган бўлса, 1997 йилда эса 20800тага етган. 1996 йилда қайд этилган корхоналар эса кейинги уч йилга нисбатан 48,2 %га ўсган бўлса, 1997 йилда эса 100 %га ўсган. Худдий шундай ўсиш динамикасини Ирландиянинг ЭИХлар фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун 1996 йилда Ирландияда қайд этилган корхоналар сони 16000тани ташкил этилган бўлса, 1997 йилда 150000тага етган. 1996 йилда сўнгги уч йил ичида қайд этилган 15201 корхоналар сонининг ўсиш динамикаси 14,3 %ни ташкил этган бўлса, 1997 йилда 36,4%ни ташкил этган. 1996 йилда Панама ЭИХда 15201 корхона фаолият кўрсатган бўлса, 1997 йилда 337004 та корхона фаолият кўрсатган. 1996 йилда Багама оролларида 12000 корхона фаолият кўрсатган бўлса, 1997 йилда 50000 корхона фаолият кўрсатган. 1995 йилга қадар ушбу ЭИХларда 1475000 корхона рўйхатга олинган бўлса, биргина 1996 йилнинг ўзида 123981 корхона рўйхатга олинган. 1997 йилда эса бу рақам 1089268ни ташкил этган (1.1-расм).



**1.1-расм. ЭИХларда фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг ўсиши динамикаси\***

\* Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.16-бет.

Келтирилган 1.1-расмда кўриниб турибдики, 1995 йилга қадар ЭИХларда қайд этилган корхоналар сони А нуқтадан 1996 йилда В нуқтага қараб ҳаракатланган. 1997 йилда эса В нуқтадан С нуқтага ҳаракатланиш давом этган. А ва В нуқталар оралиғидаги диапазон камайган бўлса, В ва С оралиғидаги диапазон юқорига қараб ривожланган. Демак, биз бунда ЭИХларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўсиш динамикаси давом этганлигини кўришимиз мумкин. ЭИХларда фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг кўпайиши шуни кўрсатмоқдаки, ушбу ҳудудларда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш корхоналарнинг фаолият юритиши учун қулай бўлган барча имтиёзлар яратиб берилган.

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХни ташкил этувчи давлат бу ҳудудда ишчи кучини янги ташкил этилган корхоналарга жалб этиш билан бир қаторда, иш юритиш жараёнларини ривожлантириб, рақобатлашувга қодир бўлган янги корхоналарни яратиш имконига ҳам эга бўлади. Рақобатда ютиб чиққан моллар ва моддий бойликларни жаҳон бозорига чиқиши эса моддий жиҳатдан ривожланаётган давлатларга кўплаб даромад келтиради. Бундай имкониятлар албатта ривожланаётган давлатлар учун катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида ЭИХлар миллий давлатларни иқтисодий ривожланиши учун кучли туртки бўлганлиги учун ҳам 70-йилларда халқаро майдонда ана шундай эркин иқтисодий ҳудудлар кўплаб ташкил этила бошланган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири ташқи савдони ривожлантириш, чет эл мамлакатлари билан товар ва моддий бойликларни айирбошлашдир.

Бундай эркин иқтисодий ҳудудлар Венгрия, Руминия, Болгария ва Хитойда кенг ривожланиб борди. Хитойда ЭИХлар кейинги йилларда кўплаб ташкил топмоқда. Чунки, Хитой иқтисодиётида ЭИХларнинг бирламчи вазифаси ушбу мамлакат ишбилармонларини жалб этишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ишбилармонлар, албатта, хитойлик ёки хитой миллатига мансуб Гонконг, Макао ёки Тайвань оролларида яшовчи аҳоли бўлишлари лозим. Хитойда ташкил этилган ЭИХлар фаолиятини биз ушбу дарсликни кейинги бобларида батафсил кўриб чиқишимизни ҳисобга олиб, ушбу бобда жаҳон хўжалигида ташкил этилган ЭИХларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида тўпланган қарашлар концепциянинг назарий билимлар мажмуасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида қабул қилинган «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида ЭИХларга шундай таъриф берилган: «Эркин иқтисодий ҳудудлар деб минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузилган ва аниқ маъмурий чегаралари белгиланган алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ҳудудга айтилади». Ушбу таърифдан маълумки, иқтисодий ҳудудларда юридик шахслар ва фуқаролар учун хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг ҳар қандай турлари билан шуғулланишга кенг йўл очилади. Албатта бундай фаолият турлари қонуний ҳужжатлар билан руҳсат этилган бўлиши лозим. Бундан ташқари ЭИХларнинг ташкил этилиши чет эл капиталини, шунингдек халқаро меҳнат тақсимотини жадал суръатлар билан ривожланишига ва шунингдек бошқа турдаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Бундай ҳолатлар албатта, тармоқ иқтисодиёти учун чет эл инвестициясини, хориждаги янги фан-техника ва технология асосида ишлаб чиқарилган асосий воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жалб этишга асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон хўжалигида бундай эркин иқтисодий ҳудудларни хорижий мамлакатларда ихтисослашган, эркин ташқи савдо қила оладиган, хорижий давлатларга чиқа олувчи саноат ва божхона минтақалари ҳам деб юритилади. Ҳозирги кунда бир қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар томонидан эркин иқтисодий минтақалар чегарасида чекланган ерлар ажратиб берилмоқда. Ушбу ерлар қўшни давлатлар билан чегарадош, темир ва автомобиль йўлларига яқин, ер ости табиий бойликларга эга бўлган ишчи кучи етарли даражада бўлган районлар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида ЭИХларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти шундаки, ушбу ҳудудларда қўшма корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатиш тажрибаси тобора ортиб боради, янги иқтисодий қонунларни ишлаб чиқиш учун кенг имкониятлар вужудга келади, мутахассис-раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни иқтисодий жихатдан рағбатлантириш вазифаси кенгайиб боради.

## 1.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудлар маъмурий бошқариш тизими ва шунингдек молиявий ҳамда моддий-техник таъминланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:<sup>1</sup>

- Ташқи савдо ҳудудлари. Бундай ҳудудларга эркин божхона ҳудудларини, эркин савдо ҳудудларини, консигнация ҳудудларини киритиш мумкин;

- Функционал ҳудудлар. Бундай ҳудудларга юқори техник-технологик ҳудудларни, тадбиркорлик ҳудудларни, агрополис ҳудудларни, экспорт-импорт ишлаб чиқариш ҳудудларни, эркин саёҳат ҳудудларни, банк ва оффшор ҳудудларни киритиш мумкин;

- Эркин иқтисодий-интеграция ҳудудлар. Бундай ҳудудларга кўшма ҳамкорлик қилиш ҳудудларни киритиш мумкин;

- Халқаро ташкил этилган махсус ҳудудлар.

**Эркин савдо ҳудудлар.** Бундай ҳудудлар ўз ичига консигнация (яъни товарларни сотиш учун бериш) омборларини, эркин божхона ҳудудларини, шунингдек, товарларга ишлов бериш ўраш-жойлаш, саралаш, сақлаш ҳудудларини олади. Эркин савдо ҳудудлари АҚШда кўплаб ташкил этилган бўлиб, улар ташқи савдо ҳудудлари (Foreign Trade Zones) деб аталади. Бугунги кунда АҚШда 200 дан ортиқ эркин савдо ҳудудлари ва субҳудудлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҳудудларнинг фаолиятини назорат қилиш асосан ташқи савдо ҳудудлари Департаментига юклатилган.

Эркин божхона ҳудудлар. Асосан чет элда ишлаб чиқарилган ва мамлакатимизга кириб келаётган маҳсулотларни имтиёзли тўлов асосида сақлаш, тамғалаш ва навларга ажратиш, ишлов бериш, зарур ҳолатларда бутлаш ва сотиш каби вазифаларни бажаради. Бундай эркин божхона ҳудудлари асосан дарё ва денгиз портларида, чегарага яқин бўлган темир йўл тармоқларида ва аэропортларда хорижий валютада даромад олиш мақсадида ташкил этилади.

**Эркин ишлаб чиқариш ҳудудлари.** Улар асосан мақсадли ижтимоий иқтисодий дастурга асосланган бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида ажратилган территорияда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни киритиш, эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий

---

<sup>1</sup> Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.10-бет.

мустақиллик ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойилларига асосланиб фаолият кўрсатади.

Эркин ишлаб чиқариш ҳудудларида ишлаб чиқарувчиларга баҳоларни бозордаги талаб ва таклиф асосида белгилаш, шерикни танлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сони ва турларини белгилаш, ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ҳал этиш ва уларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини миллий ва хорижий валютада белгилаш каби ҳуқуқлар берилади. Бундан ташқари ушбу ҳудудларда ишлаб чиқариш муносабатларига мос келувчи молиявий институтлар ҳам ташкил этилади. Миллий ва хорижий валюталарда операциялар олиб боровчи давлат ва тижорат инвестиция банклари, тижорат-хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари ҳам фаолият кўрсатади.

**Эркин экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари.** Халқаро майдонда ушбу ҳудудлар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Ирландиядаги «Шеннон» аэропорти эркин экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларининг типик намунаси ҳисобланади. Ушбу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда туристларнинг кўплиги, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг ҳаво йўллари шу ҳудудда кесишганлиги ва шунингдек бошқа кўплаб қулай имкониятларнинг мавжудлигидир. «Шеннон» аэропортида сотувга қўйилган хорижий фирмаларнинг товарлари ўз эгаларига кўплаб фойда келтиради.

**Эркин илмий-техник ҳудудлар.** Бундай ҳудудлар асосан илмий ишлаб чиқариш ва ўқув марказларида жойлашган бўлиб, фаолият кўрсатади. Бундай ҳудудларга одатда хорижий юксак техник ва технологик ишлаб чиқариш ва молиявий жиҳатдан салоҳиятга эга бўлган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилган бўлади. Бундай ҳудудларни ташкил этишдан мақсад фан ва техника ривожланишида муҳим йўналишларни очиб бериш ва уни халқаро майдонда нуфузини оширишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам бундай эркин иқтисодий ҳудудлар Фан ва техника Давлат Қўмитаси ва шунингдек Фанлар Академиясининг ташаббуслари билан ташкил этилади. Эркин илмий-техник ҳудудларни молиявий ва техник-технологик таъминлаш юқорида қайд этилган ташкилотларнинг ресурслари ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу ҳудудларни молиялаштириш ишлари марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан, шунингдек чет эл инвестицияси ҳисобидан ҳам олиб борилиши мумкин. Лекин

жавобгарлик ишлари Фан ва техника Давлат Қўмитаси, Фанлар Академияси зиммасига юкланади.

Эркин илмий-техник ҳудудлар ташқи иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан бир қаторда мамлакатнинг ички умумий хўжалик масалаларини ечимини топишга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларда илмий тадқиқот ишларни амалга ошириш учун ва шунингдек атроф-муҳитга зиён-заҳмат етказмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш учун барча имкониятлар мавжуд бўлади.

**Эркин иқтисодий оффшор ҳудудлар** деб махсус солиқ имтиёзларига эга бўлган ҳудудга айтилади. Бундай ҳудудларни баъзан чет эл инвестициялари ва солиқ имтиёзлари қўлланиладиган ҳудудлар ҳам деб айтиш мумкин. Маълумки, жаҳон мамлакатларида солиқ тизими бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Швецияда компания фойдасининг 63-65% солиққа тортилса, АҚШнинг Делавер штатида эса олинандиган фойда миқдоридан қатъий назар 400 АҚШ долларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай компания рўйхатга олиниши даврида солиққа тортилиш шароитларга қараб икки турга (оддий ва оффшор компанияларга) бўлинади (1.5-жадвал).

### 1.5-жадвал

#### Эркин иқтисодий оффшор компанияларни оддий компаниялардан фарқланиш белгилари

Компания статуси	Оддий компаниялар	Оффшор компаниялар
Хўжалик фаолияти	Мамлакат ҳудудида ва ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиши мумкин	Норезидентлар шуғулланиши мумкин
Таъсисчилар	Фуқаролиги бўлган ва чет эллик фуқаролар	Мамлакат ташқарисида асосий филиал рўйхатдан ўтган мамлакатда фаолият кўрсатади
Даромад манбалари	Мамлакат ҳудудида ва чет элларда ҳам бўлиши мумкин	Мамлакат ташқарисида, чунки оффшор компаниялар учун маҳаллий ресурслардан (табiiй, молиявий) фойдаланиш таъқиқланади
Солиқ ставкалари	Солиқ кодексида белгиланган тартибда	Имтиёзли солиқ ставкалари ёки фиксацияланган тўловлар амал қилади

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 21-22 бетлар.



Эркин иқтисодий ҳудудлар территориясида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун хўжалик масалаларни маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳал этиш, капитал қўйималарни олиб кириш ва олиб чиқиш, чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш, имтиёзли божлар асосида савдо қилиш, ер ва бошқа кўчмас мулкларни узоқ муддатли ижарага бериш, корхоналарга тўла хўжайинлик қилиш ва имтиёзли солиқ тўлаш борасида бир қатор эркинликлар берилди.


Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ижобий самарадорлигини белгиловчи асосий ижобий омиллардан бири бўлиб инфраструктуранинг юқори даражада ривожланганлиги, об-ҳаво шароити, хомашё, иқлим ва меҳнат ресурсларига яқин жойлашганлиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ЭИҲларда салбий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга ишсизлик, инфляция даражасининг юқорилиги ва кучли ижтимоий табақаланиш киради.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ўзларининг божхона ҳудудларига ҳам эга бўлиб, территорияга кириб чиқиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Мамлакатимиз ва хорижий фуқароларнинг бу ҳудудга кириб чиқиши руҳсатнома асосида амалга оширилса, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш эса божхона постлари орқали амалга оширилади. ЭИҲлар географик жиҳатдан жойлашувига қараб “ташқи” (икки ёки бир неча мамлакат ҳудудида жойлашган) ва “ички” (бир мамлакат ҳудудида жойлашган) ЭИҲларга ҳам бўлинади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни Республикамизда ташкил этиш жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, товар ишлаб чиқарувчи-тадбиркорлар палатасининг жойлардаги бўлимлари ва Олий мажлис қарорлари асосида амалга оширилади. Бундай таклифлар албатта Республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тамойилларига асосланган бўлиши лозим.

Эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги бўйича, биринчидан эркин савдо ҳудудлари, иккинчидан саноат ва ишлаб чиқариш ҳудудларга, учинчидан техник ва технологияни жорий этиш ҳудудларга, тўртинчидан хизмат кўрсатиш ҳудудларга, бешинчидан комплекс ҳудудларга бўлинади. ЭИҲларни ташкил этиш турларига қараб эса, биринчидан территориал ҳудудлар, иккинчидан махсус тартибот ҳудудларга бўлиш мумкин (1.2-расм).

## Жаҳон иқтисодиётида ЭИХлар таснифи



**1.2-расм. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг таснифи\***

\* Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналар ривожланишининг хорижий тажрибаси. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2001.

Жаҳон хўжалигида оффшор тадбиркорлик компаниялар ўзининг ривожланиш хусусиятлари билан қуйидаги турларга бўлинади. Биринчидан, банк-оффшор марказлари, иккинчидан савдо-оффшор компаниялари, учинчидан суғурта-оффшор кептик компаниялари, тўртинчидан инвестиция-оффшор компаниялари, бешинчидан туристик ва рекреацион ҳудудларга бўлинади. Бундай компаниялар иқтисодиётда бир қатор имтиёзларга эга бўлиб улар биринчидан, солиқ ставкаларининг минимал миқдори, иккинчидан маъмурий назоратнинг юмшоқлиги ва ҳисоботларни топшириш муддатларини узоқлиги, учинчидан оффшор компаниялар фаолиятининг конфиденциаллиги, сир сақланиши ва бошқалар ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигида жуда катта иқтисодий мавқега эга бўлган оффшор ҳудудлар мавжуд бўлиб, уларга Мальта, Мэн, Британ-Виргин ва мингдан ортиқ банкга эга бўлган Науру ороллари, Гонконг, Кипр, Багам ва Бермут ороллари, шунингдек Сингапур, Лихтенштейн, Люксембург, Швейцария, Панама, Гибралтал бўғози каби мамлакатларни киритиш мумкин. 90-йилларга келиб оффшор ҳудудига эга бўлган Ингушетия, Қолмиқ, Олтой эркин иқтисодий ва экологик ҳудуди, Узоқ Шарқда эса Находка ЭИХлари фаолият кўрсата бошлади. Уларнинг ичида бугунги кунда Қолмиқ ва Олтой оффшор ҳудудлари муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

### **1.3. Жаҳон мамлакатларини иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудлар**

Жаҳоннинг кўпчилик ривожланаётган мамлакатлари учун ЭИХлар амалда территориядаги ишчи-меҳнаткашларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрациялашувига кўра махсус ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудлар «махсус иқтисодий ҳудудлар» дейилади. Бундай ҳудудларга ташкилотчилар очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида қарашади. Уларнинг фаолияти асосан ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғлиқдир. ЭИХлар иқтисодиёти бир томондан ташқи иқтисодий оламга юқори даражада очикликка, божхона, солиқ ва ташқи инвестициялар учун қулайликка эга бўлса, иккинчи томондан жаҳон миқёсида ҳаракатланувчи капиталлар учун ўзига хос «қопқон» бўлиб ҳам ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бунда халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини жаҳон бозорига чуқур интеграциялашуви билан боғлиқ бўлган ҳудудлар (эркин савдо, экспорт саноати, божхона ҳудудлари ва бошқалар) билан бир қаторда маълум бир ишлаб чиқариш тармоқларига эга бўлган махсус ҳудудлар ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Масалан, иқтисодий қолоқ районларни ривожлантиришни (саноатлаштиришни) қўллаб-қувватловчи ҳудудлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ўзининг яратилиш сабаби ва мақсадлари билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Дарҳақиқат, АҚШ каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар асосан депрессив (иқтисодий тушкунликка тушган) районларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган. Бундай ҳудудларда тадбиркорларга (кичик ва ўрта тадбиркорларга) мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан катта эркинлик ва молиявий имтиёзлар берилади. Аммо бу дастурлар хорижий капиталларни жалб этишга қаратилмаган.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам ЭИХлар худди шундай мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу иқтисодий қолоқ ҳудудларни ривожланувчи ҳудудларга айланишини таъминлайди. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда ушбу мамлакатларда ЭИХларни яратишдан асосий мақсад хорижий капиталларни кенгрок масштабда жалб қилишга қаратилганлигидир.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда иккита (ҳудудий ва нуқтавий) концептуал ёндашув мавжуд. Биринчи ҳолатда, ҳудудий эркин иқтисодий ҳудуддан резидент-корхоналар хўжалик фаолиятининг барча имтиёзли режимдан фойдаланади. Иккинчи ёндашув, яъни нуқтавий ёндашувда эса, фирмалар мамлакатнинг қайси қисмида жойлашганлигидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум турига қўлланиладиган имтиёзлардан кенгрок фойдаланилади. Биринчи ёндашувга Хитойдаги ЭИХларни, Бразилиядаги «Манаус» ҳудудини, ривожланаётган мамлакатлардаги кўплаб экспорт саноати ҳудудларни мисол қилиб кўрсатга бўлади. Айрим корхоналар (оффшор фирмалар, «дьюти фри» магазинлари) томонидан таклиф этилган «нуқтавий» ҳудудлар иккинчи ёндашувга киради.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Назарова Г.Ф., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005. 161-бет.

Жаҳон хўжалигида ЭИХларнинг энг содда кўринишларидан бири эркин (божсиз) божхона ҳудудларидир (ЭБХ). Ушбу ҳудудлар эркин савдо ҳудудлари каби биринчи авлод ҳудудларига кириб, улар XVII-XVIII асрлардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай ҳудудлар экспортга мўлжалланган товарларни сақлаш, қадоқлаш ва кичик ҳажмда қайта ишлаш учун хизмат қиладиган транзит ёки консигнацион омборлардан иборатдир. Бу ҳудудларни кўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона территориялари ҳам деб айтилади. ЭБХларда товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш божхона божларидан озод қилинади. ЭБХлар ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эркин савдо ҳудудлар ҳам жаҳон хўжалигида кенг тарқалган бўлиб, ушбу ҳудуд, айниқса АҚШда кенг ривожланган. 1934 йилда АҚШда савдони қўллаб-қувватлаш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо ҳаражатларини камайтириш мақсадида махсус қонун қабул қилинган. Бундай ҳудудлар АҚШ территориясининг маълум бир чегараланган қисми бўлиб, ушбу чегарада бошқа ҳудудларга нисбатан имтиёзли хўжалик режимлари ўрнатилган. Қонунда ҳар бир расмий портда ҳеч бўлмаганда битта эркин ташқи савдо ҳудуди ташкил этилиши мумкин деб кўрсатилган. АҚШ қонунчилигига кўра мамлакат ҳудудида фаолият олиб борувчи эркин савдо ҳудудлари умумий ва махсуслашган ҳудудларга (субҳудудлар) бўлинади. Умумий ҳудудлар унча катта бўлмаган майдонни (бир неча кв. км) эгаллаб, миллий божхона ҳудудидан ташқарида жойлашади. Бу ерда асосан келтирилган товарларни омборларда сақлаш ва қайта ишлаш (қадоқлаш, навларга ажратиш, тамғалаш) операциялари бажарилади.

Жаҳон иқтисодиётида илмий-техникани қўллаб-қувватлаш ҳудудлари учинчи авлод ҳудудларига кириб, одатда у 70-80 йилларда давлат кўмагида йирик илмий марказлар доирасида ташкил этилган. Бундай ҳудудларда илмий-ишлаб чиқариш фирмалар фаолият кўрсатиб, уларда миллий ва хорижий тадқиқотчилар фаолият кўрсатишади, лойиҳалаш ишларини амалга оширишади, ягона солиқ ва молиявий имтиёзлардан кенг фойдаланишади. Илмий-техникани қўллаб-қувватлаш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитойда кенг тарқалган. Бундай ҳудудлар АҚШда технопарк, Японияда технополис, Хитойда эса янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ҳам деб аталади. АҚШдаги энг йирик технопарк «Силикон Велли» ҳисоблаш техникаси ва компьютер ускуналарини ишлаб

чиқаришнинг 20 фоизини ишлаб чиқаради. Ушбу технопаркда ҳозирги кунда 20 мингга яқин ишчи ва хизматчилар иш билан банд бўлиб, бундай технопаркларнинг сони АҚШда 80 дан ортиқдир.

Япониянинг 20дан ортиқ технополисларида етакчи илмий ташкилотлар базаси яратилган. Хитойда ҳам бундай ҳудудлар фан ва техникани ривожлантириш бўйича давлат Дастурлари асосида яратилган. 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари фаолият кўрсатган. Осиёнинг «янги индустриал мамлакатлари»да илмий техникани кўллаб-қувватлаш ҳудудлари асосан инновацион марказлар сифатида шаклланган бўлиб, улар илмий-техника улуши юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштирилган.

Сервис хизмати кўрсатиш ҳудудларига оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари киради. Оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари тадбиркорларни қулай валюта-молиявий, фискал режим, юқори даражадаги банк ва тижорат сирларини сақланиши ҳамда давлат томонидан бошқарувнинг суствлиги билан ўзига тортади. Жаҳонда ҳозирги кунда 300дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида 70га яқин солиқ гаванлари фаолият кўрсатмоқда. Оффшор ҳудудлар фаолият олиб бораётган мамлакатларга Лихтенштейн, Панама, Норманд ороллари, Британиядаги Мэн ороли, Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария каби давлатларни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Кейинги ўн йилликларда оффшор ҳудудлар Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа мамлакатларда ҳам ташкил топди. Оффшор ҳудудларда саноат, савдо, банк, суғурта ва бошқа компаниялар умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки нисбатан паст солиққа тортилади (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар). Масалан, Швейцарияда нисбатан паст солиқ олинади, ҳатто маълум шароитларда умуман олинмаслиги ҳам мумкин. Оффшор ҳудудлардаги имтиёзларни биз яна валюта чеклашларининг йўқлигида, фойдани эркин олиб чиқиб кетишида, устав капиталининг паст даражалигида, божхона божлари ва хорижий инвесторлар учун йиғимларнинг мавжуд эмаслигида ҳам кўришимиз мумкин. Оффшор ҳудудларни ташкил этувчи мамлакатлар одатда қўшимча хорижий капитал маблағларини жалб қилишдан, рўйхатдан ўтган компанияни ҳудудда фаолият олиб боришидан, маҳаллий кадрлар учун иш жойларини яратилишидан миллий иқтисодиётнинг ривожланишидан манфаатдор бўлади.

Жаҳон хўжалигида комплекс ҳудудлар одатда маъмурий барпо этилган ҳудудда умумий хўжалик режимига нисбатан махсус имтиёзлар бериш орқали ташкил топади. Комплекс ҳудудларга Хитойдаги бешта махсус ҳудудни, КХРдаги «очиқ районлар»ни, шунингдек, Бразилиядаги «Манаус» ҳудудини, Аргентинадаги «Оловли ер» территориясини, саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти паст ривожланган минтақаларида ташкил топган эркин тадбиркорлик ҳудудларни киритиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида ишбилармонлик шартномаларини мамлакатлараро эмас, балки ҳудудий даражада ўрганишда ўзаро ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш шакли сифатида евроҳудудлар юзага келди. Евроҳудуд – бу турли мамлакатларнинг чегара ҳудудларини кўнгилли бирлашмаси бўлиб, у биринчи навбатда хўжалик соҳасида, ўзаро алоқаларни жадаллаштириш мақсадида тузилади. Евроҳудуд доирасида фаолият олиб боровчи ҳар бир мамлакатнинг ҳукумат олий органи бу ҳудудларга чегарада хўжалик ва бошқа алоқаларни жадаллаштиришни қўллаб-қувватловчи ваколат беради. Евроҳудудларни ташкил этишда Польша, Словакия, Чехия, Венгрия, шунингдек, Украина ва Белоруссия фаол иштирок этмоқда.

1994 йилда Хитойдаги Суйфенхе шаҳри ёнидаги чегарада Россия-Хитой ўртасида чегара ҳудудини яратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ҳудудлардан фойдаланиш айниқса, Хитой, Финляндия, Норвегия билан чегара ҳудудларида, савдони ривожлантиришга, ҳар икки томоннинг хомашё ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланган ҳолда йирик қўшма лойиҳаларни, бирлашмаларни амалга оширишда қўл келмоқда. Ҳозирги кунда чегара ҳудудларини (АҚШдаги ташқи савдо ҳудудлари, Ирландиядаги «Шеннон» ва бошқалар) ташкил этишдан ижтимоий-иқтисодий манфаатлар етарли даражада катта бўлиб, ушбу ҳудудларда етарли даражада иш жойлари яратилган, халқаро товар айирбошлаш жонлантирилган, илмий-ишлаб чиқариш салоҳияти оширилган. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ЭИҲлар фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати бу ҳудудлар халқаро бозор билан биргаликда ички бозорга ҳам хизмат қилишидир.

Ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб боровчи ЭИҲлар ривожланишининг бир қатор умумий белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйдагилардан иборат. Биринчидан, ушбу мамлакатларда экспорт саноати ҳудудлари кўп тарқалган. Юқорида айтиб ўтганимиздек,

экспорт саноати ҳудудларини ташкил этиш бир қатор иқтисодий сабаблар билан, яъни энг аввало экспортга йўналтирилган саноат товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий инвестициялар, илғор техника ва технология, замонавий техник ахборотларни жалб қилишга бўлган эҳтиёжлар билан белгиланади. Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг ЭИҲларида махсус хўжалик режимлар мавжуд бўлиб, хорижий тадбиркорлар учун янада очикроқ ва имтиёзлироқ бўлиб боради. Бунинг асосий сабаби ЭИҲлар ўртасида рақобатнинг кучайиши бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг бошқа ҳудудларга нисбатан қулайроқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқда. Учинчидан, эркин иқтисодий ҳудудларнинг шаклланишида комплекс ривожланиш юз бермоқда, яъни замонавий ИТР биринчи ўринга ЭИҲларни қўяди, зеро бу ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ақлий меҳнатни, илғор техникани кўп талаб қиладиган, янги ва юқори технологиялар яратиш билан боғлиқ бўлган соҳалар жамланади.

Хитойда махсус иқтисодий ҳудудлар кенг ривожланиб бормоқда. 80-йилларда кичик-кичик ҳудудларда ташкил этилган бўлса, 90-йилларга келиб ушбу ҳудудлар Хитой ҳукумати томонидан юзлаб квадрат километрга кенгайтирилди. Мамлакатда ва хорижда машҳур бўлган, шунингдек кўп йиллик тарихга эга махсус иқтисодий ҳудудлар – «Шенжен», «Чжухай», «Шантоу» ҳамда 1988 йилда яратилган «Хайнан»дан ташқари техник-иқтисодий ривожланиш ҳудудлари, янги ва юқори технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ҳам кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Шанхайдаги иқтисодий ривожланиш ҳудуди «Пудун»га алоҳида эътиборни бермоқда. Бу лойиҳа бир неча ўн йилликларга мўлжалланган. Чунки, бу ҳудуд келажакда Хитойнинг энг йирик саноат ишлаб чиқариш маркази бўлиб қолмасдан, балки Осиё-Тинч океани минтақасининг йирик савдо ва молиявий марказига айланиб боришига имкон яратади.

70-йилларда Махсус иқтисодий ҳудудлар (МИҲ)ни яратиш Хитой ҳукуматининг илгари сурган очик ташқи иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган эди. МИҲларни ривожланиш моделини танлашда хитойлик раҳбарлар асосан мамлакатнинг жорий эҳтиёжлари ва бошқа мамлакатларнинг махсус ҳудудларнинг шаклланиш тажрибасига асосланди. Сингапур, Тайван ва АҚШдаги тажрибалар пухта ўрганиб чиқилди. МИҲларни ташкил этишга тайёргарлик пайтида уларнинг шаклланишининг бир неча



вариантлари ишлаб чиқилди. Натижада хорижий инвестициялар жалб қилишга ва шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга қаратилган махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш йўли танланди. Бу махсус иқтисодий ҳудудлар «очиқ эшиклар» сиёсатини амалга оширган ҳолда мамлакатнинг бошқа районлари билан боғланиш вазифасини ҳам бажаради.

90-йилларнинг бошларига келиб порт шаҳарлардаги МИҲларда эркин божхона ҳудудлари, эркин (божсиз) савдо ҳудудлари вужудга кела бошлади. Хитойлик мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳудудлар бошқа мамлакатлардаги худди шундай ҳудудлар модели каби тез ривожланиб бормоқда. Хитойлик мутахассисларнинг фикрича, эркин савдо ҳудудларини ривожлантириш очиқ ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг йирик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хитойдаги МИҲларнинг шаклланиш тажрибаси шак-шубҳасиз муваффақият келтирди. МИҲларнинг ютуқларини хитойлик мутахассислар ҳам, хорижий мутахассислар ҳам, биринчи навбатда, иқтисодий ўсиш суръатининг барқарор ва юқорилигини, жалб қилинган хорижий инвестиция ҳажмининг кўплигини, ишлаб чиқариш самандорлигини ва шунингдек аҳоли турмуш даражасининг ўсишини кўрсатмоқда.

Хитойдаги МИҲлар асосан давлат мулки устун бўлган шароитда бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича эксперимент ҳисобланади. Хитойда «ҳамма бирданига» бозор механизмига ўтиши мумкин эмас деб қабул қилинган. МИҲларни хитойча бошқаришнинг хусусияти шундаки, бу ҳудудлар замонавий Хитой учун фақатгина хорижий ва миллий тадбиркорларни рағбатлантириш, инвестициялар жалб қилиш, у ёки бу соҳани ривожлантириш районлари эмас, балки ХХI асрда бутун бир ХХРнинг иқтисодий ривожланиш моделини барпо этиш тажрибаси ҳамдир.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланган мамлакатлардаги алоҳида ажратилган районларининг, у ёки бу ишлаб чиқариш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, хорижий капитални жалб қилишда, кичик ва ўрта тадбиркорликни жонлантиришдаги аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, бу ҳудудларни иқтисодиётини замонавийлаштиришнинг универсал модели деб таъкидлаб ўтиш қийин. Чунки, ЭИҲларнинг фаолияти мамлакатнинг бошқа ҳудудларига бўлган таъсир даражаси етарлича чегараланган. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳудудларни кенгайтириш

вазифаси махсус кўзда тутилмаган. ЭИХни ташкил этиш биринчи навбатда алоҳида бир минтақани иқтисодиётини у ёки бу соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари ЭИХларни ташкил этиш катта капитал қўйилмаларни, кейин эса уларни ривожлантиришда давлат томонидан кўмак берилишини талаб қилади. Чунки улар марказлашган маълум бир ёрдамларсиз деярли фаолият кўрсата олмайди. Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти томонидан 26 та мамлакат бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ЭИХларга хорижий инвестициялар жалб қилишда 1 долл. хорижий инвестиция учун 4 долл. сарфлаш керак бўлар экан. 80-йилларнинг охирида ХХРда тўртта эркин иқтисодий ҳудудга 4 млрд. долл. миқдорида хорижий инвестиция кириб келган, бу ҳудудни яратишда ХХРнинг сарфлаган маблағлари эса 22 млрд. долларни ташкил этган. Амалда Хитойдаги барча ЭИХлар тузилмаси марказлашган давлат маблағлари ҳисобига ташкил этилган.

## 1.6-жадвал

### Турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ЭИХлар

Соҳалар	Махсус ҳудуд
Нефт-кимё ҳудуди	Мап Та Фут ҳудуди (Таиланд)
Молия хизматлари ҳудуди	Лабуан Оффшор молия маркази (Малайзия)
Технологик парклар	Сингапур илмий парки
Эркин савдо ҳудудлари	Д1 Логистика парки (Чехия Республикаси)
Эркин аэропорт ҳудуди	Куала-Лумпур аэропортидаги эркин ҳудуд
Туристик ҳудуд	Барё ороли (Колумбия)

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг муваффақиятли ривожланиб боришига жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин бўлсада, уларни яратишда муваффақиятсизликка учраш ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Чунончи, 90-йилларда Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал каби мамлакатларда турли хилдаги ЭИХларни ташкил топиши нафақат муваффақият келтирган, балки уларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини батамом тўхтатган ҳам эди. Бундай ҳолатни асосий сабабларига сиёсий, иқтисодий ва ташкилий сабабларни кўрсатиш мумкин. Сиёсий сабабларга мамлакатдаги нотўғри сиёсий вазиятни,

фуқароларнинг ҳаяжонларини, уруш ҳаракатларини киритиш мумкин. Иқтисодий сабабларга эса, энг аввало, эркин иқтисодий ҳудуддаги инвестиция режими тўғрисидаги қонунчилик инвестор нуктаи назаридан олганда жуда мураккаблигини, тушунарсизлигини киритиш мумкин. ЭИҲларни бошқариш жараёнидаги ортиқча қоғозбозлик, махсус ҳудудни устунлик томонларини етарлича реклама қилмаслик ҳолатлар ҳам ЭИҲлар тақдирига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

#### **1.4. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар**

Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ЭИҲлар сони 500дан ортиқни ташкил этади. Уларнинг 200дан ортиғи Ғарбий Европада жойлашган бўлиб, асосан транзит товарларни ортиш-тушириш операцияларни амалга оширувчи денгиз портларидаги эркин савдо (солиқсиз) ҳудудларидир. Бунга мисол қилиб Германиянинг олти эркин портларини (Гамбург, қиль, Эмден, Куксхафен, Бремерхафен ва Бремен) кўрсатишимиз мумкин. Гамбургдаги “Эркин гавань” порт кема қурилиши ва таъмирлаш, нефтни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, унда 60 минган ортиқ киши иш билан банд. Буюк Британия қироллик давлати учун ишбилармонлик ҳудудлари характерли бўлса, Швейцария учун суғурта ва банк ҳудудлари кенг тарқалган. Ривожланиш хусусиятига эга баъзи мамлакатларнинг ҳудудларида техника ва технологияни жорий қилиш ва экспорт-саноат ҳудудлари вужудга келди (Шеннон аэропорти билан боғлиқ Ирланд ихтироси).<sup>1</sup>

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилишнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантирувчи ва шунингдек жаҳон бозорига чуқур интеграциялашувчи ҳудудлар (эркин савдо, экспорт саноати, божхона ҳудудлари ва бошқалар) билан бир қаторда маълум ишлаб чиқариш тармоғи ва фаолият турини рағбатлантирувчи махсус режимли ҳудудлар ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ЭИҲлар иқтисодий тушкунликка учраган районларда кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга йўналтирилган бўлиб, асосан ҳудудий сиёсатни амалга ошириш учун

<sup>1</sup> Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Т.: НУУз, 2005, С.148.

ташқил этилган. Ана шу мақсадларда тадбиркорларга (кичик ва ўрта тадбиркорларга) мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан катта фаолият эркинлиги ва молиявий имтиёзлар берилган эди. АҚШдаги ташқи савдо ҳудудлари, Ирландиядаги “Шеннон” ЭИХ ва бошқа ҳудудларни ташқил этишдан олинган ижтимоий-иқтисодий манфаатлар етарли даражада катта бўлиб, бу ҳудудлар туфайли кўплаб иш жойлари яратилди, халқаро товр айирбошлаш жонлантирилди, илмий-ишлаб чиқариш салоҳияти оширилди. Саноати ривожланган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати бу ҳудудлар халқаро бозор билан биргаликда ички бозорга ҳам хизмат қилишлигидир.

АҚШ ЭИХлар сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. АҚШда 300га яқин ЭИХлар мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда эркин иқтисодий ҳудудларнинг учта асосий тури (ташқи савдо ҳудудлари, тадбиркорлик ҳудудлари ва технопарклар) фаолият кўрсатади.

Эркин савдо ҳудудлари миллий ҳудуднинг чекланган қисмлари бўлиб, уларда хўжалик, шу жумладан ташқи савдо фаолиятининг имтиёзли режими ўрнатилади. Замонавий ташқи савдо ҳудудлари кўплаб хизмат турларини кўрсатиш: олиб кириладиган товарларни омборга жойлаштириш, саралаш ва қадоқлаш, шунингдек уни тўлиқ қайта ишлаш, маҳаллий ёки хорижий бутловчилардан айрим маҳсулот турларини йиғиш ва хатто ҳудудга келиб тушаётган ёки унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар негизида айрим ишлаб чиқариш турларини ташқил қилиш билан шуғулланади. Эркин савдо ҳудудларини яратиш учун қулай географик жойлашув ва ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли улар кўпинча портларда, аэропортларда ёки уларнинг яқинида ташқил этилади.

АҚШда тадбиркорлик ҳудудларини тузишдан асосий мақсад тадбиркорларга кўпроқ фаолият эркинлигини ва жиддий молиявий имтиёзларни бериш орқали қоқ ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришдир. Бу ҳудудлар учта “Д”, яъни дерегламентация, дефискализация ва дебюрократизацияга асосланган минтақавий ривожланишнинг муҳим марказларига айланган. Юридик мақом бўйича тадбиркорлик ҳудудлари АҚШда федерал, штат ва маҳаллий ҳудудларга бўлинади ҳамда тегишли даражадаги ҳукумат органлари томонидан ташқил этилади.

Ҳудудларда фаолият юритаётган америка компанияларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бандликни ошириш

мақсадларида турли имтиёзлар берилади. Федерал даражада қурилиш ва таъмирлаш ишларида тўланадиган солиқлардан 5 %ли чегирмалар, ҳар бир қўшимча ишга олинган ишчига солиқ чегирмалари, капитал қийматини оширишга солинадиган солиқни бекор қилиш қўлланилади. Турли штатлар даражаларида корхона даромад солиғини 50 фоизга камайтириш (Коннектикут штати), асбоб-ускуналарни сотишдан олинадиган солиқдан озод қилиш (Луизиана штати), қурилиш материалларини сотиш солиғидан озод қилиш (Канзас штати), асосий капитал солиғидан озод қилиш (Вирджиния штати) қўлланилади. Барча солиқ имтиёзларининг 70 фоизи тадбиркорлик ҳудудида янги иш ўринларини ташкил қилганларга берилади.

Тадбиркорларга иқтисодий рағбатлардан ташқари қатор бошқа имтиёзлар, хусусан, ҳужжатлар юритишнинг соддалаштирилган тартиби, атроф-муҳит муҳофазаси ва хавфсизлик меъёрлари бўйича стандартлар талабларини пасайтириш ҳам қўлланилади. Айрим штатларнинг ҳукуматлари ҳудудларга бевосита ёрдам кўрсатади. Масалан, Коннектикут штатида штат ҳудудларида жойлашган корхоналар фаолиятини молиялаштириш учун махсус жамғарма ташкил этилган.

Технопарклар (техник-татбиқ этиш ҳудудлари) фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги самарали шакли, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи венчур корхоналарни ташкил қилиш жойи сифатида эътибор қозонди. Эркин савдо ва тадбиркорлик ҳудудларидан фарқли равишда уларни ташкил қилиш учун ҳукуматдан руҳсат олиш шарт эмас. Паркларнинг аксарият қисми давлат ташкилотларидан ҳеч қандай имтиёзлар олмайди. Иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида фаолият юритувчи фирмалар шартнома асосида (асосан, муҳофаа саноати соҳасида) маълум имтиёзларга эга. Бундай шартномаларни имзолашда федерал ҳукумат юқори технологияли маҳсулотларнинг энг янги турларини тадқиқ қилиш, лойихалаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ қалтис лойихаларни амалга ошириш учун катта маблағлар ажратади. Бу тармоқларда банд бўлган фирмалар технопаркларда жамланганлиги туфайли мамлакатнинг бошқа саноат ҳудудларига қараганда қулайроқ вазиятга эга.

АҚШда икки турдаги технопарклар мавжуд: алоҳида шахслар ёки хусусий ташкилотлар ташаббуси билан ўз-ўзидан ташкил этилган

ва алоҳида штатларнинг кўрсатмаларига биноан ташкил этилган ҳудудлар. Иккинчи турдаги технопарклар ҳозир ҳам яратилмоқда, бироқ энг машҳур ва самарали фаолият кўрсатаётган парклар биринчи турга мансуб. Улар орасида Санта-Клара шаҳрида (Калифорния) Стэнфорд университетига яқин жойлашган “Силикон водийси”; Массачусетс технологик институти ва Гарвард университети яқинида жойлашган “128 Бостон маршрути”; учта университет – Дюк университети, Шимолий Каролина университети ва Шимолий Каролина штати университети жойлашган ҳудуд марказида ташкил этилган Шимолий Каролинадаги учбурчак-парк мавжуд. Бу учта парк нафақат АҚШнинг бошқа минтақаларида, балки хорижда ҳам шундай марказларни ташкил қилиш учун намунага айланди.

Технопаркларни молиялаштириш турли манбалар: университетлар ёки хайрия ташкилотлари, маҳаллий муниципалитетлар, федерал бошқармалар ёки вазирликлар, саноат фирмалари томонидан таъсис этилган жамғармалар, шунингдек ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Технопаркларнинг айримлари фойда келтирсада, бошқалари фойда кўрмайди.

Барча технопарклар мақсадли вазифани бажариш билан боғлиқ қуйидаги хусусиятга эга: янги турдаги маҳсулотларни ёки янги технологияларни ишлаб чиқаётган венчур компанияларга, алоҳида ихтирочиларга ва олимларга имтиёзли асосда ёрдам бериш. Бу ёрдам ўз ичига ишлаб чиқариш ва идора хоналарини, лаборатория ускуналарини ижарага беришни, маслаҳат хизматларини кўрсатишни, якка тартибдаги ихтироларни технологик экспертизасини амалга оширишни, ташкил этилаётган компанияларнинг бизнес-режасини тузиш, кичик бизнес бўйича маъмуриятдан қарз олишга ёрдамлашишни олади.

АҚШда ЭИХларни ташкил этиш ва бошқариш билан Ташқи савдо ҳудудлари департаменти шуғулланади. Департаментдан ЭИХни яратишга руҳсат олишдан бошлаб унинг фаолият кўрсатиши бошлангунча бўлган давр 6 ойдан уч йилгача давом этади.

Бирор-бир минтақада ҳудудни, корхонани ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ҳукумат бир неча мезонлардан фойдаланади. Улар орасида энг муҳимлари: минтақа аҳолисининг 70 %дан ортиғи бир кишига (оилага) тўғри келадиған даромад ўртача сахар даражасининг 80 %идан паст бўлиши керак; минтақада ишсизлик даражаси сахар даражасидан ортиқ бўлиши керак.

Кўпгина штатларнинг ҳудудларида имтиёзли ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати 10 йилдан 20 йилгача давом этади. Заруратга кўра у узайтирилиши ҳам мумкин. Айрим штатларда ҳудудлар сони чекланган (Коннектикут учун – 6, Кентукки учун -7).

Буюк Британия кўшма қироллиги ҳудудида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизими халқаро майдонда такомиллашган тизимлардан бири бўлиб, бу қонун-қоидалар, айниқса оффшор ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Уюшма манфаатлари билан чекланганлик (корпорация) солиғи 1965 йилда Молиявий қонун асосида қабул қилинган бўлиб, Буюк Британия иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун ушбу қонун амал қилади. Ушбу солиқ туридан фақатгина нокорпоратив корхоналар, «ўртоқчилик» компаниялар ва маҳаллий ҳокимиятгина озод этилган. Солиқ солиш базаси бўлиб, компания фойдаси ҳисобланиб, худди даромад солиғи тамойиллари асосида фойданинг кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. 1972 йилда ушбу қонунга ўзгартириш киритилиб 1973 йил 1 январдан бошлаб «солиқ системасининг классик» тури деб номланган ҳисоблашнинг янги тури амал қила бошлади. Ҳисоблашнинг «классик тизими» икки тамойилга асосланади. Биринчидан, фойдани солиққа тортиш даврида акциядорлар томонидан олинadиган дивидендлар солиқ базасига кўшилмасдан алоҳида даромад солиғига тортилади, иккинчидан майда корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, ёпиқ майда корхоналарни ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Буюк Британияда фаолият кўрсатаётган олди-сотди, ишлаб чиқариш, бошқариш, маслаҳат бериш, маркетинг ва савдо компаниялари бир қатор имтиёзларга эга бўлиб ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги иккиёқлама солиққа тортилмаслиги учун Европа Иттифоқининг 1990 йил 23 июлдаги «Бош компаниялар ва филиаллар» тўғрисидаги директивасига асосан декларация тақдим этишади. Солиққа тортилишнинг ҳар бир имтиёзли варианты махсус ҳужжатлар асосида бошқариб турилади.<sup>1</sup> Кўпчилик ҳолларда ҳукумат органлари миллий манфаатларни ҳисобга олиб, капитал киритаётган жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларга солиқ тизимини жорий этади. 1994 йилда Буюк Британия ҳукумати солиқ муносабатларида кўпроқ чет эл компаниялари учун қизиқиш ҳосил қилиш мақсадида мамлакатда халқаро компанияларнинг штаб квартирасини ташкил этиш

---

<sup>1</sup> Христов А.Г. Свободные экономические зоны мира. Журнал «Бизнес». 2003, №4, С.32.

тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан «Молия» қонунларига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Масалан, халқаро компаниялар Буюк Британия ҳудудида солиққа тортилмайдиган даромад олишлари ва ўзларининг Буюк Британиядаги акциядорларига солиқ олинмайдиган дивидендлар тўлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундай имтиёз кўпчилик Европа давлатлари учун характерли хусусиятга эга эмас. 1994 йилга қадар бу компаниялар дивидендлар тўлаш вақтида корпорация солиғи учун бўнак пулларини тўлашлари лозим бўлиб, бу сумма тўланадиган дивидендларнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик норезидент компаниялар солиқ кредитларини олишга мажбур бўлар эди. Ҳукумат эса бу сиёсатни оффшор тадбиркорлигини ривожлантириш учун салбий таъсир этувчи омиллар бўлганлиги учун Буюк Британияда халқаро холдинг компанияларининг штаб квартираларини жойлаштира олмас эди. 1994 йилда «Молия» қонунига киритилган ўзгартиришларда Британия компанияларига чет элдаги манбалардан олинган даромадлардан корпорация солиғини олишни бирмунча камайтирган бўлса, 1996 йилда қонунга киритилган ўзгартиришларда эса Буюк Британияда ўз штаб квартирасини ташкил этган халқаро холдинг компанияларнинг барчаси корпорация солиғидан озод этилди. Бунда халқаро холдинг компаниялар куйидаги шартларни бажаришлари лозим эди. Биринчидан, 100 фоиз чет эл компаниясига тегишли бўлмоғи, иккинчидан, бу компанияларнинг акциялари чет эл фонд биржаларида 100 фоиз котировка қилиниши ва бу компания Британия фонд биржалари рўйхатига киритилмаслиги, учинчидан ҳар бир акционер компания 5 фоиздан кам акцияга эга бўлмаслиги ва 80 фоиз акционерлар Буюк Британия норезидентлари бўлиши лозим.

Холдинг компаниясининг бенефициар шахси Буюк Британиянинг солиқ ва тўловларини амалга оширувчи департаментга аниқ бўлиши талаб этилади. Тўланадиган дивидендларга ва чет элдан олинган даромадларга корпорация солиғи тўлашдан озод этилади, инглиз фуқаролари томонидан олинган дивидендлар учун даромад солиғи тўланмайди. Солиққа тортиш ҳудудларининг энг юқори ставкалари Франция ва Италия бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланган мамлакатлардаги алоҳида бир районларининг у ёки бу ишлаб чиқариш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, хорижий капитални жалб қилишда, кичик ва ўрта тадбиркорликни



жонлантиришдаги аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, бу ҳудудларни иқтисодиётини замонавийлаштиришнинг универсал модели деб бўлмайди. Чунки, эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолияти мамлакатнинг бошқа ҳудудларига бўлган таъсир даражаси етарлича чегараланган. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш биринчи навбатда мана шу минтақани иқтисодиётини у ёки бу соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жуда катта капитал қўйилмаларни ва шунингдек уларни ривожлантиришда давлат қўллаб-қувватлашини талаб қилади.

### **1.5. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар**

60-йилларнинг ўрталарига келиб, ривожланаётган мамлакатларда ЭИХлар пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб Ҳиндистондаги “Кондла” ЭИХни кўрсатишимиз мумкин. Дастлабки йилларда ташкил топган ЭИХларни сони жуда кам бўлсада, аммо кейинчалик уларнинг сони жуда кўпайиб 300 дан ортиб кетган эди.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИХларнинг кўпчилиги Ирландиядаги “Шеннон” экспорт-саноат ҳудудлари андозаси шаклида (асосан денгиз портлари ва аэропортларда) ташкил топган эди. Уларни ташкил этишдан мақсад алоҳида саноат тармоқларини тез ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда илғор техника-технологияларни жалб қилишдир. Ривожланаётган мамлакатларда хорижий инвесторларга берилган турли имтиёзлар тўхталсак, улар Ғарбий Европа мамлакатларидан ҳам кўпроқ эканлигини кўраемиз. Хорижий инвесторлар ривожланаётган мамлакатларда асосан қийин ва оғир ишларга тайёр, арзон ишчи кучи жалб қилади. Энг кўп махсус иқтисодий ҳудудлар Осиё-Тинч океани минтақасининг ривожланаётган “янги индустриал мамлакатлари”да жойлашган. Сингапур ЭИХларида 220 мингдан ортиқ, Гонконгда эса 100 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилар ишлайди. Корея Республикаси, Тайван, шунингдек Малайзия ЭИХларида ҳам банд бўлганлар сони жуда юқори бўлиб, бу мамлакатларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми

Япония фирмаларига тегишли бўлсада, бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми АҚШга юборилади.<sup>1</sup>

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг сони ва аҳамияти бўйича иккинчи ўринда Лотин Америкасининг ЭИХлари туради. Лотин Америкасида бундай ҳудудлар Мексика, Бразилия, Чили ва бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатади. Улардан энг йириги Мексика ва АҚШ чегарасида жойлашган. Бундан асосий мақсад тайёр ва арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўзининг шимолий қўшнисини бўлган АҚШга сотиш. Ушбу ЭИХда 250 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи банд бўлиб, экспортдан келадиган тушумлари бўйича фақат нефтни сотишдан олинadиган даромаддан кейинги ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда Колумбиянинг “Таранкваль” ва Бразилиянинг “Манаус” ЭИХларининг роли тобора ортиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам ЭИХлар ривожланган мамлакатлар каби маълум мақсадларни кўзлаб ташкил этилган бўлиб, бу қолоқ ҳудудларни ривожланган ҳудудларга айланишини таъминлайди. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда ривожланаётган мамлакатларда ЭИХларни ташкил этишда асосий эътибор хорижий капиталларни жалб қилишга қаратилган.

Ривожланаётган мамлакатлардан бири Хитойда махсус иқтисодий ҳудудлар кенг ривожланган. 80-йилларда бундай ҳудудлар кичик-кичик ҳудудларда ташкил этилган бўлса, 90-йилларга келиб бундай махсус ҳудудлар Хитой ҳукумати томонидан бир неча юзлаб квадрат километрга кенгайтирилди (1.7-жадвал).

### 1.7-жадвал

#### Хитой Халқ Республикасидаги махсус эркин иқтисодий ҳудудлар

Махсус иқтисодий ҳудудлар	5та
Очиқ соҳилбўйи шаҳарлари	14та
Эркин савдо ҳудудлари	15та
Экспортга йўналтирилган ҳудудлар	17та
Иқтисодий ва технологик ривожланиш ҳудудлари	54та
Юқори технологияларни ривожлантириш ҳудудлари	53та
Чегарадаги иқтисодий ҳамкорлик ҳудудлари	15та

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

<sup>1</sup> Христов А.Г. Свободные экономические зоны мира. Журнал «Бизнес». 2003, №4, С.37.

Хитойда ва шунингдек хорижий мамлакатларда машҳур бўлган махсус иқтисодий ҳудудлар – «Шеньчжен», «Чжухай», «Шантоу» ҳамда 1988 йилда яратилган «Хайнан»дан ташқари барча техник-иқтисодий ривожланиш ҳудудлари, янги ва юқори технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ҳам кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Шанхайдаги «Пудун» иқтисодий ривожланиш ҳудудига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. «Пудун» иқтисодий ривожланиш ҳудуди ўзининг аҳамияти бир неча ўн йилликларга мўлжалланган бўлиб, келажакда нафақат Хитойнинг энг йирик саноат ишлаб чиқариш маркази бўлиб қолмасдан, балки Шанхайни Осиё-Тинч океани минтақасининг йирик савдо ва молиявий марказига айланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup>

70-йилларда махсус иқтисодий ҳудудларни (МИХ) яратиш Хитойда ҳукуматнинг илгари сурган очик ташқи иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлди. МИХларни ривожланиш моделини танлашда хитойлик раҳбарлар мамлакатнинг иқтисодий эҳтиёжлари ва бошқа мамлакатларнинг махсус иқтисодий ҳудудларининг шаклланиш тажрибаларига асосланди. Сингапур, Тайван, АҚШдаги тажрибалар пухта ўрганиб чиқилди. МИХларни ташкил этишнинг бир неча вариантлари таклиф этилди. Охир оқибатда экспортга йўналтирилган ва шунингдек, хорижий инвестициялар жалб қилишга, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга қаратилган махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш йўли танланди. Ушбу МИХлар «очик эшиклар» сиёсатини амалга оширган ҳолда мамлакатнинг бошқа иқтисодий районлари билан боғланиш вазифасини бажарди.

90-йилларнинг бошларига келиб ХХРнинг порт шаҳарларидаги МИХда эркин божхона ҳудудлари, эркин (божсиз) савдо ҳудудлари вужудга кела бошлади. Хитойлик мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳудудлар жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги худди шундай ҳудудларнинг ривожланиш моделлари каби ривожланган. Раҳбариятнинг гувоҳлик беришича, Хитойда эркин савдо ҳудудларини ривожлантириш очик ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг йирик йўналишларидир биридир.

Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудудларнинг шаклланиш тажрибаси шак-шубҳасиз муваффақият келтирди. МИХнинг ютуқларига мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатининг барқарорлиги, жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажмининг кўплиги, ишлаб

---

<sup>1</sup> Потанин В. Инвестиционный климат в Китае. Журнал «Внешняя торговля». 1995, №1, С.32.

чиқариш самадорлигининг юқорилиги ва ниҳоят, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши киради.

Хитойдаги МИХлар умуман олганда давлат мулкчилиги устун бўлган шароитда бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича эксперимент ҳисобланади. Хитойда «ҳамма бирданига» бозор механизмига ўтиши мумкин эмас деган тушунча мавжуд. МИХни хитойча бошқаришнинг хусусияти шундаки, бу ҳудудлар Хитой учун фақатгина хорижий ва миллий тадбиркорларни рағбатлантириш, инвестициялар жалб қилиш, у ёки бу тармоқларни ривожлантириш районлари бўлиб қолмасдан, балки ХХІ асрда бутун бир Хитойнинг иқтисодий ривожланиш моделини барпо этиш ва тажрибадан ўтказиш маконларидан бири эканлигидир.

Янги индустриал давлатлар орасида Жанубий Кореянинг ЭИХларни шакллантириш тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. 70-йиллар бошларида Корея Республикасида ЭИХлар ташкил этила бошланди. Бу мамлакатнинг ЭИХларида фаолият юритаётган корхоналар лицензиясиз экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Жанубий Кореядаги энг аҳамиятли ЭИХлар қаторига Пусан шаҳри яқинида жойлашган ва ўз портига эга бўлган “Масан” (майdonи 814 кв. км.) ҳудудини ва шунингдек Сеул шаҳри яқинида жойлашган “Ири” ҳудудини (майdonи 319 кв. км.) киритиш мумкин (1.8-жадвал).

### 1.8-жадвал

#### Корея Республикасининг ЭИХларида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг миллий мансублиги (1988 йил охири)

ЭИХларнинг номи	Япония	АҚШ	Финляндия	Германия	Сингапур	Корея	Жами
Масан	56	8	1	-	1	9	75
Ири	9	1	-	1	-	14	25
Жами	65	9	1	1	1	23	100

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ушбу ЭИХлар тармоқ ихтисослашувиغا эгадир. “Масан” ЭИХ асосан кимёвий экспорт маҳсулотларини, шунингдек тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, “Ири” ЭИХ эса безаклар ва қимматбаҳо тошлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу икки ҳудудни республиканинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туришининг

ўзига хос томонларидан бири у ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорда сотиш ман этилганлигидир. ЭИХларда жойлашган корхоналар фақат экспортга маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Имтиёзларнинг муддати тугагандан сўнг, ушбу ҳудудларнинг хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги камайди ва натижада республикадаги ишбилармонларга хорижий корхоналарни қисман ёки тўлиқ сотиб олишга руҳсат берилди.<sup>1</sup>

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг муваффақиятли шаклланишига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин, шундай бўлсада, бироқ уларни яратишда муваффақиятсизликлар ҳам учраб туради. Чунончи, Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал каби ривожланаётган мамлакатларда турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудларни яратилиши нафақат муваффақиятсизликка учради, балки уларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини бутунлай тўхтатган эди. Бундай ҳолатларни асосий сабаблари бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва ташкилий сабабларни кўрсатишимиз мумкин.

Жанубий Америкада фаолият кўрсатаётган ЭИХларининг орасида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири Панама эркин иқтисодий ҳудудидир. Панама ЭИХнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ердаги ҳудудларнинг барчаси ташқи савдо ҳудудлари хусусиятига эгаллигидир. Чунки, бу ерда Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг катта Гонгконгдан кейинги иккинчи ўринда турувчи Колон ташқи савдо ҳудуди жойлашган. Колон ташқи савдо ҳудуди 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг умумий майдони 485,3 гектарни ташкил этади. Агар Панама канали йил давомида мамлакат бюджетига 400 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда келтирса, Колон эркин иқтисодий ҳудуди йилига 10 млрд. АҚШ доллари миқдорида фойда келтиради. Колон ташқи савдо ҳудудига Панама мамлакати ЯИМнинг 13-14 фоизи тўғри келади. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда 15 мингдан ортиқ иш жойлари мавжуд бўлиб, шу билан бир қаторда билвосита 100 мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имкониятлари ҳам мавжуд.

Колон эркин иқтисодий ҳудудда 1600дан ортиқ компаниялар ташкил этилган бўлиб, уларнинг барчаси ўз фаолиятини бошлашдан олдин Панама мамлакатининг миллий давлат реестридан ҳуқуқий шахс сифатида қайд этилган. Америкада ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларга кира олмаган чет эл фирмалари бу ҳудуддан воситачи ҳудуд кўринишида фойдаланишади ҳолос. Колон эркин

---

<sup>1</sup> Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Т. НУУз, 2005. С. 166.

иқтисодий ҳудудида келган фирмаларнинг 93-95 фоизи асосан савдо қилиш ёки товар сотиб олиш учун келишади. Шунинг учун ҳам йил мобайнида ушбу ҳудуддан 120 мингдан ортиқ юкли контейнерлар ташилади. Товарлар асосан Гонконг, Хитой, Тайвань, Таиланд, Филиппин ва Индонезия мамлакатларидан импорт ёки экспорт қилинади. Колон иқтисодий ҳудудида нафақат товарлар савдоси, балки ишлаб чиқариш хизматлари (товарларни бўяш, ўраш, кутиларга жойлаш кабилар) ҳам кўрсатилади.<sup>1</sup>

Колон эркин иқтисодий ҳудуди орқали реализация қилинган товарлар божхона ва бошқа солиқ тўловлардан озод қилинади. Экспорт учун солиқ фақатгина Панамада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки бўлмаса бу ҳудудда қўшилган қиймат учун тўланади. Муниципиал ва сотишдан келадиган тушум учун солиқлар тўлаш бу ҳудудда амал қилмайди. 1995 йилга қадар даромад солиғининг дифференциал ставкалари 15 минг долларгача 2,5 фоизни, 100 минг долларгача эса 8,5 фоизни ташкил этган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга жўнатиш ва 30та панамаликни иш билан таъминлаган компаниялар 5 йил мобайнида солиқлардан озод этилган. 1995 йилдан кейин Панама ЭИҲда даромад солиғи 8,5 фоиздан 15 фоизгача кўтарилди. Бундан ташқари 8,5 минг доллардан юқори амалга оширилган ҳар бир операция учун олдиндан маблағ тўлови (солиқ тўлови) жорий этилди. Бирок, ушбу чора-тадбирлар кичик фирмаларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг молиявий жихатдан синишига ва иқтисодий ҳудуддан кетиб қолишига сабаб бўлган эди. Шунинг учун мамлакат парламенти Колон иқтисодий ҳудуд маъмуриятига 1997 йилдан бошлаб иқтисодий ҳудуддаги хўжалик субъектларини барчасини солиқ тўловларидан озод қилинганлигини маълум қилди. Албатта, бу тадбир мамлакат бюджетига йилига 40 млн. АҚШ доллари миқдорига йўқотиш келтирса ҳам, ҳудуддаги барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ҳукумат мазкур йўлни танлашга мажбур бўлиб, 1948 йилда қабул қилинган Колон эркин иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритган эди.

1993-1997 йилларда Колон эркин иқтисодий ҳудудида товар айланмаси 113,5 фоизга, яъни 0,3 млрд. долларга кўпайди. Реэкспорт қилинган товарлар, яъни яримтайёр маҳсулотларни олиб кириб, тайёр маҳсулот сифатида экспортга жўнатиш ҳажми эса 111,8 фоизга ёки 0,6 млрд. долларга кўпайди.

---

<sup>1</sup> <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Панамада нафақат эркин савдо ҳудудлари, балки замонавий техника-технология асосида ишлайдиган эркин ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил этиш тўғрисида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ана шундай тадбирлар жумласига 1993 йилда Сан Мигелито шаҳрида эркин ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш тўғрисидаги қонунни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Жаҳон хўжалигида кўриб ўтилган мамлакатлардан ташқари, бошқа ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам ЭИХларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади (1.9-жадвал).

### 1.9-жадвал

#### Ривожланаётган мамлакатларнинг экспортда ЭИХларнинг улуши

Мамлакатларнинг номи	Умумий экспортдаги улуши, % ҳисобида
Доминикан Республикаси	81
Маврикий	77
Филиппин	67
Коста-Рика	51
Туркия	45
Шри-Ланка	37
Бангладеш	20
Тайвань	5
Ҳиндистон	5
Бразилия	1,4
Покистон	1

Манба: <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Ривожланаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ЭИХлар бир қатор умумий ривожланиш жиҳатларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ушбу мамлакатларда экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари кенг тарқалганлиги, иккинчидан, ЭИХлардаги махсус хўжалик тартиби хорижий инвесторлар учун эркинроқ ва имтиёзлироқ эканлиги, учинчидан, ЭИХларнинг комплекс ривожланиши ва уларда савдо-саноат диверсификацияси рўй бериши ва бошқалар.

#### Хулоса

Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХлар) жаҳон иқтисодиётида ХХ асрнинг 50 ва 60- йилларининг бошида пайдо бўлди. 70-йилларнинг

ўрталарига келиб эса ушбу ҳудудларнинг ташкил топиши кенг географик кўламда оммавийлашиб борди. Бундай ҳудудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ниҳоятда ривожланган классик мамлакатлар АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда, кейинчалик эса Хитой, Польша, Венгрия ва Болгария каби ўртача ривожланган давлатларда ҳам ташкил топди.

Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда бир бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000дан ортиқ ЭИХлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 400таси эркин савдо ҳудудлари, 400таси илмий ишлаб чиқариш ҳудудлари, 300таси ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт ҳудудларни, 100таси эса махсус ҳудудлардан (оффшор марказлари, рекреация ҳудудлари, экологик-иқтисодий ҳудудлар ва туристик ҳудудлар) иборатдир.

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХни ташкил этувчи давлат бу ҳудудда ишчи кучини янги ташкил этилган корхоналарга жалб этиш билан бир каторда, иш юритиш жараёнларини ривожлантириб, рақобатлашувга қодир бўлган янги корхоналарни яратиш имконига ҳам эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида қабул қилинган «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида ЭИХларга шундай таъриф берилган: «Эркин иқтисодий ҳудудлар деб минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузилган ва аниқ маъмурий чегаралари белгиланган алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ҳудудга айтилади».

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудлар маъмурий бошқариш тизими ва шунингдек молиявий ҳамда моддий-техник таъминланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Ташқи савдо ҳудудлари. Бундай ҳудудларга эркин божхона ҳудудларини, эркин савдо ҳудудларини, консигнация ҳудудларини киритиш мумкин;

- Функционал ҳудудлар. Бундай ҳудудларга юқори техник-технологик ҳудудларни, тадбиркорлик ҳудудларни, агрополис ҳудудларни, экспорт-импорт ишлаб чиқариш ҳудудларни, эркин саёҳат ҳудудларни, банк ва оффшор ҳудудларни киритиш мумкин;

- Эркин иқтисодий-интеграция ҳудудлар. Бундай ҳудудларга қўшма ҳамкорлик қилиш ҳудудларни киритиш мумкин;

- Халқаро ташкил этилган махсус ҳудудлар.



Жаҳоннинг кўпчилик ривожланаётган мамлакатлари учун ЭИХлар амалда тереториядаги ишчи-меҳнаткашларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрациялашувига кўра махсус ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудлар «махсус иқтисодий ҳудудлар» дейилади.

60-йилларнинг ўрталарига келиб, ривожланаётган мамлакатларда ЭИХлар пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб Ҳиндистондаги “Кондла” ЭИХни кўрсатишимиз мумкин.дастлабки йилларда ташкил топган ЭИХларни сони жуда кам бўлсада, аммо кейинчалик уларнинг сони жуда кўпайиб 300 дан ортиб кетган эди. Ривожланаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ЭИХлар бир қатор умумий ривожланиш жиҳатларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ушбу мамлакатларда экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари кенг тарқалганлиги, иккинчидан, ЭИХлардаги махсус хўжалик тартиби хорижий инвесторлар учун эркинроқ ва имтиёзлироқ эканлиги, учинчидан, ЭИХларнинг комплекс ривожланиши ва уларда савдо-саноат диверсификацияси рўй бериши ва бошқалар.

### **Таянч иборалар:**

Эркин иқтисодий ҳудудлар, эркин савдо ҳудудлари, илмий ишлаб чиқариш ҳудудлари, экспорт ҳудудлар, оффшор ҳудудлар, техник-технологик ҳудудлар, экологик ҳудудлар, туристик ҳудудлар, “Шенжен”, “Чжухай”, “Шантоу”, “Хайнан”, “Пудун” ЭИХ.

### **Назорат учун саволлар**

1. Хўжалик юритишнинг янги шакли сифатида ЭИХлар қачон пайдо бўлди?
2. Жаҳон хўжалигида номлари турлича бўлган ЭИХларни тасвирлаб беринг.
3. Ташкил топган оффшор ҳудудларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келишини тушунтириб беринг.
4. Миллий давлатларда ЭИХлар қандай аҳамият касб этади?
5. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида ЭИХлар қандай аҳамият касб этишини очиб беринг.
6. Хитойнинг махсус иқтисодий ҳудудларига умумий тавсиф бериб, олиб борилаётган “очиқ эшиклар” сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.

## **2-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ МАКРО ВА МИКРОИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ**

### **2.1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг макроиқтисодиётдаги ўрни**

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудлар қайси мамлакатда ташкил этилишидан қатъий назар шу мамлакатнинг макро ва микроиқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда ЭИҲлар мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш системасига, пул муомаласи ва эмиссиясига, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импортига, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта заҳиралари миқдорига, чет эл капитали қўйилмаларининг миқдорларига, валюта курсининг ҳаракатига, ташқи савдосига, шунингдек тўлов механизмларини ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир доираси дастурларида ўзгарувчан иқтисодий ҳолатлар (масалан, ички кредитлар, давлат секторидаги бюджет камомади, халқаро резервлар ва ташқи қарзларни ҳисобга олиш ва ҳоказолар) ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият кўрсатиши учун энг муҳим омилларидан бири бўлиб, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, чет эллик инвесторлар ва шунингдек молиявий институтлар ҳисобланган Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) билан ҳамкорлик ҳисобланади. Чунки, бу икки молиявий институтлар жаҳон мамлакатларидаги молия ва валюта муносабатларининг умумий ҳажмини бошқариб, давлатлар тўлов балансларининг камомадларини ўз кредитлари орқали қоплайди.

Жаҳон хўжалигида бу икки молиявий институтлар (ХВФ, ХРТБ) билан ўзаро алоқадорликда тузилмаган ЭИҲларни ташкил этиш ва ривожлантириш бирмунча қийин кечади. Бундай тажрибани биз Болгарияда ташкил этилган ЭИҲлар фаолиятида кўришимиз мумкин. Чунки, 1989 йилда мамлакатда бошланган ўта қийин миллий қонунчиликдаги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ЭИҲлар фаолиятида ўз аксини топа олмади. Миллий компанияларнинг ЭИҲларда фаолият кўрсатиши таъқиқланганлиги ва сиёсий зиддиятларнинг кучайганлиги, чет эл инвесторларнинг мамлакатга кириб келиши сусайганлиги ва халқаро кредитлар берувчи молиявий

институтлар ХВФ ва ХРТБ билан ўзаро алоқаларнинг мустаҳкам эмаслиги ЭИХларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда жаҳонда миллиард доллар капиталга эгалик қилувчи кишилар сони 1000 кишини, 10 миллиондан ортиқ капиталга эгалик қилувчи кишилар сони эса бир неча миллион кишини ташкил этаркан. Лекин бундай маблағларга эгалик қилувчи давлатлар сони эса 250дан кўпроқдир. Демак, жаҳон хўжалигида ҳар қандай кичик давлат йирик мамлакатдан рақобатбардошлиги, ўз миллий валютасига эгалик қилиши ва макроиқтисодий барқарорлиги билан фарқ қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши макроиқтисодиётда қандай аҳамиятга эга бўлишлиги ва шунингдек иқтисодий самарадорликни қайси усуллар билан аниқлаш лозим деган саволга жавоб топмоқчи бўлсак, биз албатта бюджетнинг асосий даромади тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва улар тўлайдиган солиқлардан ташкил топишига амин бўламиз.

Жаҳон хўжалигида тадбиркорлар фаолиятининг даромадларини йиғиндиси – ялпи миллий даромаднинг маҳсулотлар йиғиндиси таркиб топган қисми ҳисобланиб, бу даромад қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Y = C + G + I + X \quad (1).$$

бу ерда:

$Y$  – тадбиркорлар даромади йиғиндиси;

$C$  – ҳукуматнинг харажатлари

$G$  – хўжаликларнинг харажатлари;

$I$  – инвестицияларнинг йиғиндиси;

$X$  – ташқи иқтисодий фаолият қолдиғи.

Жаҳон иқтисодиётида ташқи савдо сальдосини аниқлаш эса қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$X = E - M \quad (2).$$

бу ерда,

$E$  – экспорт қилинган товарлар (хизматлар) йиғиндиси;

$M$  – импорт қилинган товарлар (хизматлар) йиғиндиси.

Ташқи савдо сальдоси (қолдиғи) мусбат ёки манфий бўлиши мумкин. Агар  $E > M$  бўлса, яъни экспорт қилинган маҳсулотлар миқдори – импорт қилинган маҳсулотлар миқдоридан юқори бўлса қолдиқ мусбат ёки  $E < M$  бўлса, яъни экспорт қилинган маҳсулотлар

миқдори импорт қилган маҳсулотлар миқдоридан кичик бўлса қолдиқ манфий бўлади.

Тадбиркорлар фаолиятининг даромадларини аниқлаш формуласидан (1) кўришиб турибдики, ялпи миллий даромаднинг ортиши учун инвестицияларнинг кириб келиши ва ташқи савдо қолдиғининг мусбат даражаси (2) муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши эса – Республика иқтисодиётига инвестициялар оқимининг кўпайиши ва бунинг оқибатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ортиб бориши натижасида ташқи савдо сальдосини мусбат даражасининг кўтарилишига таъсир кўрсатади.<sup>1</sup>

Албатта, бу мутаносибликни аниқ мисоллар асосида ҳисоблаб кўрмоқчи бўлсак, қуйидаги шартли рақамларга мурожаат қилайлик (2.1-жадвал).

## 2.1-жадвал

### Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилгунга қадар тадбиркорлар даромади (минг сўмда)

Йиллар	Ҳукумат харажатлари (С)	Хўжалик харажатлари (G)	Инвестициялар йиғиндиси (I)	Ташқи иқтисодий фаолият қолдиғи	Жами даромад
1990	20000	800	12000	5600	38400
1991	22000	1000	16400	7300	46700
1992	24000	1378	24560	8700	58638
Жами	66000	3178	52960	21600	143738

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 25-бет.

Келтирилган 2.1-жадвалдан кўришиб турибдики, 1990-1992 йиллар мобайнида ҳукумат харажатлари 66000 минг сўмни, хўжалик харажатлари 3178 минг сўмни, инвестициялар йиғиндиси эса 52960 минг сўмни, ташқи савдони мусбат қолдиғи 21600 минг сўмни ташкил этган. Шу жадвални давом эттириб, ЭИҲларни ташкил этиб, биринчи босқич ҳисобланган инвестицияларни жалб этиш даврида тадбиркорлар даромадининг ўсиши ва инвестицияларнинг бу даромадлардаги фойдалилик коэффициентини ҳисоблаб кўриш лозимдир.

<sup>1</sup> Эштаев А., Хайдаров Н. Эркин иқтисодий зоналар ва инвестициялар. Маърузалар матни. Т. ТДИУ, 2005.

Агар фойдалилик даражаси ортиб борса, у ҳолда ЭИХларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, агар у камайса, ЭИХларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Жадвалдаги ҳукумат харажатлари, хўжалик харажатлари ва ташқи фаолиятнинг мусбат қолдиғини ўзгармас деб ( $C=G=I=constant$ ) ҳисоблаб жадвални давом эттирамиз (2.2-жадвал).

## 2.2-жадвал

### Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилгандан сўнг тадбиркорлар даромадининг ўсиши (минг сўмда)

Йиллар	Ҳукумат харажатлари (C)	Хўжалик харажатлари (G)	Инвестициялар йиғиндиси (I)	Ташқи иқтисодий фаолият қолдиғи	Жами даромад
2005	20000	800	24500	5600	50900
2006	22000	1000	32800	7300	63100
2007	24000	1378	49120	8700	83198
Жами	66000	3178	106420	21600	197198

Манба: Ҳолиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 26-бет.

Юқорида келтирилган 2.2-жадвалдан кўришиб турибдики, инвестицияларнинг кириб келиши тадбиркорларнинг оладиган даромадларини ўсишига олиб келди. Бу даромадлар 2005-2007 йиллар давомида 50900 минг сўмдан 83198 минг сўмга ёки 163 %га кўпайиб, бу йиллар мобайнида олинган жами даромад эса 197198 минг сўмни ташкил этди. Бу даромад ЭИХлар ташкил этилгунга қадар бўлган даромаддан 53460 минг сўм ёки 13 фоиз кўпдир. Инвестицияларнинг олинган жами даромаддаги улуши 1990-1992 йиллар мобайнида 36,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2005-2007 йиллар мобайнида эса 54 фоизни ташкил этган.

Юқорида келтирилган 2.1 ва 2.2-жадваллар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ЭИХларнинг ташкил этилиши ялпи миллий даромадни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Келтирилган мисолда фақат бир томонлама яъни фақатгина инвестицияларнинг ўсиши омили асосида ЭИХларнинг фойдалилик коэффициенти ҳисоблаб чиқилди, ҳолос. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор бўлиб, бу ЭИХларнинг ташкил этилиши билан экспорт қилиш қобилятининг ўсишидир. Албатта, экспорт

қобилиятининг ўсиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг мусбат даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бу даражанинг кўтарилиши ўз навбатида мамлакатдаги ялпи миллий даромаднинг ўсиши учун муҳим омилдир.

Шу билан бир қаторда ЭИҲларнинг ташкил этилиши миллий даромаднинг ўсишига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан банк резервларининг кўпайиши ва банк мультипликаторининг бир маромда туришига таъсир кўрсатади. Банк мультипликатори деб, барча ҳисоб варақалардаги маблағларнинг умумий суммаси ва оборотдаги нақд пул маблағларини йиғиндисининг банк резервларидаги маблағ билан оборотдаги нақд пул маблағларининг йиғиндисининг нисбатига айтилади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$M = \frac{D+C}{R+C} \quad (3).$$

бу ерда,

M – пул массасининг мультипликатори;

D – банклардаги ҳисоб-варақларда турган маблағлар миқдори;

C – муомаладаги нақд пул маблағларининг миқдори;

R – резерв маблағлари миқдори.

Халқаро тажрибада банк мультипликаторининг миқдори тахминан 2,6-3,0 коэффициентни ташкил этади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон мамлакатларида нақд пул массасини бошқариш механизми Марказий банклар зиммасига юкланган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси иқтисодиётдаги вазиятни мувофиқлаштириб туришдан иборатдир.

Марказий банк томонидан пул массасини бошқариб туриш механизмининг асосий кўринишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- очик қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги жараёнларни амалга ошириш, яъни иккиламчи казначейлик билетларини муомалага чиқариш;

- ҳисоб-ставкалари сиёсатини, яъни тижорат банклари заёмларига фоиз ставкаларини ўрнатилишини назорат қилиш;

- резерв фондлари нормативларини ўзгартириш ва бошқалар.

Очик қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги жараёнларни амалга ошириш деганда, муомаладаги нақд пул массасини қисқартириш мақсадида Марказий банк томонидан резерв маблағлар ҳисобига казначейлик билетларини сотиш ва бу тадбир орқали муомаладаги

накд пул массасининг миқдорини камайтириш тушунилади. Тахмин қилайлик, иқтисодиётда накд пул массасининг кўпайиши ёки эмиссиянинг юқори фоизи кузатилган тақдирда Марказий банк томонидан айланаётган пул маблағларининг массасини камайтириш тадбирлари амалга оширилади. Чунки, иқтисодиётда ортиқча, яъни товар билан таъминланмаган накд пул массасининг мавжуд бўлиши мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Марказий банк очик қимматбаҳо қоғозлар бозори орқали ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари ҳисобланган казначейлик мажбуриятларини муомалага чиқаради. Ҳукуматнинг қўшимча қимматбаҳо қоғозларининг муомалага чиқарилиши муомаладаги казначейлик мажбуриятларининг баҳосини пасайтириб, тижорат банклари томонидан сотиб олишга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Бу қимматбаҳо қоғозларни сотиб олган тижорат банклари (дилерлар) ўз миждозлари ҳисобланган тадбиркорларга ўз устамаси билан сота бошлайдилар.

Агар мамлакат иқтисодиётида молиявий ресурсларга бўлган таклифнинг етишмаслик хавфи ва шунингдек ишсизлар сонининг кўпайиши хавфи туғилган ҳолда, ҳукумат Марказий банки қимматбаҳо қоғозларни қайтадан сотиб ола бошлайди. Шунини қайд этиш лозимки, қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи бозорида казначейлик мажбуриятлари нафақат сотилаётган ва сотиб олинаётган қимматбаҳо қоғозлар миқдори билан, балки, тижорат банклари томонидан савдонинг, яъни сотиш ва сотиб олиш даражасининг юқорилиги ёки пастлиги билан ҳам ўлчанади. Шунинг учун ҳам Марказий банк ўтказилаётган тадбирларнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш учун таклиф қилинаётган пул маблағлари миқдори ва унинг фойдалилик даражасини муттасил ўрганиб боришига тўғри келади. Бу ҳолда резервлар асосида ҳисобланадиган мультипликатор асосида эмас, балки миждозлар қўлидаги пул маблағлари ва шунингдек улар томонидан жамғармага ажратилган маблағлар ҳам ҳисобга олиниши лозимдир.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида шунини айтиш керакки, молиявий маблағнинг етишмаслиги ва ишсизлар сонининг кўпайиб кетмаслиги учун ҳукумат томонидан чет эл маблағларини жалб этиш ва қўшимча иш жойларини ташкил этишнинг чора ва тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай чора ва тадбирлар жумласига ЭИҲларни ташкил этиш ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини

эътиборга олган ҳолда бу ҳудудларнинг фаолият кўрсатишини амалга ошириш лозим.

Бугунги кунда Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва инвестицияларнинг ҳаракати барча мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади, чунки давлатлар ўзларига фойда келтирувчи товарлар билан халқаро майдонда савдо-сотик ишларини олиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаражати турлича бўлади. Бу ҳолатда мамлакатларнинг ишлаб чиқаришининг абсолют харажатлари (давлатлараро харажатлар эмас), нисбий харажатлар, яъни ишлаб чиқаришнинг ўзини харажатларига устунлик мавқеига эга бўлади. Шунинг учун ҳам халқаро савдо-сотик майдонида импорт қилинадиган товарларга кетадиган харажатлар, ўша мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган камроқ товарларга нисбатан бўлсада импорт қилишга ихтисослаштирилади. Бундай усул экспорт қилинадиган товарлар учун ҳам қўлланилади, оқибатда товар ишлаб чиқариш учун кетадиган хом-ашё ва бошқа харажатларнинг камайиши ёки мамлакатда ЭИҲларнинг ташкил этилиши унинг экспорт потенциалини янада оширади. Экспорт қилинадиган товарлар гуруҳининг кўпайиши – Бутунжаҳон савдо ташкилотининг иштирокчиларини истеъмолини қондириш даражасини янада оширади ва бундан барча мамлакатлар манфаат кўради. Лекин мамлакатлар бир-биридан фақатгина чегаралари билан эмас, балки иқтисодий салоҳияти билан ҳам фарқ қилади, чунки ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий пул бирлиги ва мустақил пул-кредит сиёсати мавжуд. Шунинг учун халқаро майдонда товар ва хизматлар кўрсатиш бозоридан ташқари яна бир муҳим бозор миллий валюталар бозори фаолият кўрсатади. Бу бозорда валюталарнинг алмаштириш курси валютага бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро мутаносиблиги асосида белгиланади. Валюта курсини белгилаш чоғида валютага бўлган талаб ва таклифдан ташқари ўша мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг активлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳисоб ставкалари сиёсати деб Марказий банк томонидан тижорат банкларининг резерв фондларига ставка фоизларининг ўрнатилишига айтилади.

## **2.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг микроиқтисодиётда тутган ўрни**



Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши юқорида кўриб ўтганимиздек, нафақат макроиқтисодиётда, балки микроиқтисодиётда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ЭИХлар таркибида холдинг, траст ва турли корпоратив компаниялар ташкил этилиб фаолият кўрсатишлари ҳам мумкин.

Траст компаниялари таркибига траст операцияларини амалга оширувчи траст компаниялари ёки траст фондларини киритиш мумкин. Бизга тарихдан маълумки, траст компаниялари ёки траст фондлари мулкни ишонч асосида бошқариш учун ташкил этилган.

Траст операцияларини амалга ошириш асосан XVI асрда британияликларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро ишончлилик асосида кема ёки кемаларини бериб туришлигидан келиб чиққан, Римда эса «траст» сўзини «фидуция» (fiducia) деб аталиб, «фиуциар» ёки «фидуциарли» сўздан келиб чиққан бўлиб, «ишончли» ёки «ишончли шахс» маъноларини билдиради. Траст операцияларини амалга ошириш Рим императори Август (эрамиздан аввалги II аср) томонидан қонунийлаштирилгандан сўнг жуда оммалашиб кетган. Шунингдек, немис ва норвегияликлар ҳам траст операцияларини амалга оширишган. Муҳаммад пайғамбар (VI аср) даврида эса бундай операциялар бутун бир мусулмон оламига кенг тарқалган.

Мулкни ишончли вакилларга бошқариш учун топширувчилар ёки ишонувчилар кўпчилик ҳолларда молия бизнесининг назик қирраларини тушуна олмаган. Рақобатга бардош бера олмаган ҳолларида улар ўзининг ихтиёридаги активларини фойда олиш мақсадида, ўзи вафотидан сўнг ворислик қилувчи фойдасига ишлаш учун шартнома асосида траст компанияларига топширган. Траст мулкни бошқаришнинг асосий принципи шундан иборатки, мулк бошқарилиши учун ишончли вакилларнинг ихтиёрига ўтади, ишончли вакил эса бу мулкни унинг эгасининг, яъни бенифициарнинг фойдасига бошқаради. Бошқариш давомида ишончли вакил ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, олинadиган даромаднинг маълум қисмини ўзлаштириши қатъиян тақиқланади. Траст компаниялари учун эса бу мулкни бошқаришнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, бошқарувчида бошқаришни амалга ошириш учун ҳуқуқий соҳада, солиқ тизимида, ҳисоб-китоб ишларини юритишда маълум тажриба ва билимга эга бўлиш талаб этилади. Чунки, бу соҳада жуда кўп тушунмовчиликлар ва хатоликлар бўлиши, бу хатоликлар эса фирмани бирмунча оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бошқаришга

топширилган мулкни йўқотганлиги ёки зиён-заҳмат етказганлиги учун жавобгарлик мулк бошқарувчисининг зиммасига юклатилади. Кўзда тутилмаган табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, турли табиий офатлар) натижасида йўқотилган мулк учун жавобгарлик эса фойда олувчининг зиммасига юклатилади. Томонларнинг жавобгарлиги ўзаро тузилган шартнома орқали амалга оширилади.

Траст операцияларини олиб бориш жараёнида бошқарув субъектлари ҳам бўлиб, унда қуйидагилар иштирок этади:<sup>1</sup> – мулкни бошқарувчи (траст компаниялари), яъни бевосита ишониб топширилган мулкни бошқарадиган жамоа; – бошқаришни ташкил этувчилар ёки таъсисчилар; – фойда олувчилар.

Бошқарув объекти бўлиб эса, бошқариш учун топширилган мулк иштирок этади. Бошқариш учун топширилган мулкнинг турига нисбатан ҳеч қандай чегаралар қўлланилмайди. Бошқариш учун асосан қуйидаги мулк турлари берилиши мумкин:

- корхона ва ташкилотлар ёки фирмаларнинг активлари;
- банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар ва нақд пуллар;
- қимматбаҳо қоғозлар;
- миллий валютадаги банк депозитлари;
- чет эл валютаси ва бошқа қимматбаҳо буюмлар.

Шуни қайд этиб ўтишимиз лозимки, чет эл валюталари ва қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ишлари махсус руҳсатномаси бўлган траст компанияларга берилади ҳолос.

Ўзаро тузилган шартномага асосан, мулкни бошқарувчи маълум бир давр мобайнида, ўзига ишониб топширилган, лекин бошқа шахсга тегишли бўлган мулкни тўлалигича фойда кўриш ҳисобига бошқариш мажбуриятга эга бўлади. Томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари шартнома имзолаган кундан бошлаб кучга киради. Шу билан бир қаторда шартномада фойда олувчи шахснинг кўрсатмалари, бошқарувчига топшириладиган ҳисоботнинг муддати, бошқарув муддати тугагандан сўнг мулкка эгалик қилувчи мулкдорнинг шахсияти, бошқарувчини тақдирлашнинг миқдори ва шакллари, шунингдек кўзда тутилмаган бошқа шартлар ҳам шартномада кўрсатилади.

Шартномани бекор қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- шартнома муддати тугаганда;

---

<sup>1</sup> Данько Т.П., Округ З.М. Свободные экономические зоны. Учебное пособие. М.Инфра-М, 1998, С. 126.

- фойда олувчи шахс вафот этганда ёки фойда олувчи юридик шахс ликвидация қилинганда;
- фойда олувчи шахснинг шартномада кўрсатилган фойдани олишдан воз кечганда;
- мулк бошқарувчиси банкрот деб эълон қилинганда;
- мулк бошқарувчисининг ёки таъсисчининг мулкни шахсан ўзи бошқара олмай қолганлиги учун уни бошқаришдан воз кечганда;
- мулк бошқарувчисига бериладиган шароит бўлмаганлиги сабабли таъсис шартномадан воз кечганида;
- шартнома суднинг ёки арбитраж судининг ҳукми билан бекор қилинганда.

Траст операцияларини амалга ошириш асосан ишончли вакилларга мулкни бошқариш ҳуқуқини бериш асосида мулкдорнинг васияти ва ишончли вакилга мажбуриятни юклаш далолатномаси асосида амалга оширилади. Васиятни тўлдириш чоғида мазкур мулкни бошқариш учун кимни ишончли вакил сифатида қолдириш, бу шахснинг исми фамилияси, фирманинг номи, унинг оладиган иш ҳақи ва иш юритиш тартиблари кўрсатиб бериледи.

Траст компанияларида ишларни юритиш тартиби қуйидаги асосий ҳужжатлардан иборат бўлиши лозим;

- асосий иш ҳужжатлари;
- корреспонденциялар;
- инвестициялар;
- иш юритиш ҳужжатлари;
- счёт-фактуралар, квитанциялар, тилхатлар;
- банк ҳисоботлари (банк ҳужжатларидан кўчирмалар);
- солиқ солиш тартиблари ва бошқалар.

Агар траст компаниялари бажарадиган хизматларининг ҳажми катта бўлса, «доимий бухгалтерия ҳужжатлари» деб номланган ҳужжатлар мажмуини, шу билан бир қаторда «траст молияси тарихи» тўғрисидаги маълумотларни тўплаб бориш тавсия этилади. Траст компанияларида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш траст операцияларининг барча жараёнларини қамраган ҳолда амалга оширилади, яъни бошланғич маълумотлардан тортиб то йиғма балансни тайёрлашга қадар бошқарувчининг бевосита иштироки талаб этилади. Ҳисоб ва ҳисоботни тайёрлашда катта тажрибага эга бўлган фирмалар бухгалтерия ҳисоботини юритиш учун компьютер техникасидан кенг фойдаланади. Компьютер системаси маълумотларни сақлаш ва ҳисобот учун керакли бўлган ҳисобот

ҳужжатларни формаларини тайёрлаб бериш ва ҳисоблашда ўзгарувчан характерда бўлганлиги учун ҳам траст компанияларида ҳисоботни юритишда ниҳоятда қулайдир.

Эркин иқтисодий ҳудудлар таркибида холдинг компаниялар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Холдинг компаниялар очик турдаги акционерлик жамиятлар ҳисобланиб, унинг активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акцияларини назорат пакетлари ҳам кириб, холдинг компанияларига ушбу корхоналарнинг капитал қўйилмаларини тақсимланишида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида асосий овоз бериш билан иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Назорат пакетларининг умумий қиймат миқдори антимонопол ташкилот томонидан махсус ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилади. Акцияларнинг назорат пакетлари холдинг активи бўлиб ҳисобланган корхоналар-холдингнинг қаромоғидаги корхоналар бўлиб ҳисобланади. Бундай корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланиб, банкларда махсус ҳисоб, жорий ва валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Холдинг компаниялар ўз уставига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси территориясида қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, бир холдинг компания иккинчи бир холдинг корxonанинг қаромоғида ҳам бўлиши мумкин. холдинг корxonасининг активлари таркибига қимматбаҳо қоғозлар, махсус ташкилот томонидан шартнома асосида берилган ёки холдинг маблағлари ҳисобига сотиб олинган асосий ишлаб чиқариш воситалари, холдингнинг банкдаги ҳисоб рақами пул-валюта маблағлари ва бошқа маблағлари ҳам киради. холдинг компаниялар 100 % чет эл капитали ёки бўлмаса чет эл корхоналарининг акцияларини назорат пакетларини сотиб олиш ҳисобига ҳам ташкил этилиши мумкин. Шунингдек холдинг активлари таркибига сотиб олинган назорат пакетлари билан бир қаторда, паритет пакетларини (яъни икки иштирокчи 50 фоиздан) ва шунингдек бошқа корхоналар фаолиятида иштирок этиш пакетларини (назорат пакетларидан ташқари) ҳам киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида холдинг компанияларини ташкил этиш асосан амал қилаётган хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва шунингдек қимматбаҳо қоғозлар тўғрисидаги қонун ва қоидалар асосида амалга оширилади. холдинг компаниялар асосан кооперация таркибида ишловчи, лекин бир неча турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга ёрдам бериш ва

инвестиция сиёсатини юритиш мақсадида амалга оширилади. холдинг компаниялари ёки унинг қармоғида бўлган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш ҳуқуқини учинчи бир шахсга беришга йўл қўйилмайди (экспорт операциялари бундан мустасно). холдинг компанияларини давлат рўйхатига олиш Республика Молия Вазирлигига қарашли рақобат ва монополияга қарши структурани такомиллаштириш бош бошқармасининг руҳсати билан амалга оширилади. Мазкур бошқарманинг руҳсатисиз холдинг компанияларни давлат томонидан рўйхатига олиш катъиян таъқиқланади. Шундай ҳолатлар рўй берган тақдирда, яъни бош бошқарманинг руҳсатисиз холдинг компаниялар рўйхатга олинган бўлса, жавобгар шахслар қонун олдида ўрнатилган тартибда жавоб беради. холдинг компанияларни ташкил этишга руҳсат олиш учун бош бошқармага қуйидаги ҳужжат ва маълумотларни - холдинг компаниясини низомининг лойиҳаси, холдингни ташкил этиш учун муассасалар йиғилишининг баённомаси, холдинг таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятлари тўғрисида маълумотларни топшириш талаб этилади.

Холдинг компанияларни ташкил этишга қуйидаги ҳолларда руҳсат этилмайди: агар холдинг компания бирон-бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни монополлаштиришга олиб келса ёки маълум бир монополист корхона акцияларининг назорат пакетига эга бўлса.

Молия холдинглари деб, корхона активлари таркибида камида 50% бошқа инвестицияларнинг акциялари ташкил этган корхоналарга айтилади. Молия холдинглари активлар таркибига қимматбаҳо қоғозлардан ташқари молиявий маблағлар ва холдингни бошқариш аппарати учун лозим бўлган мулкӣ маблағларни ҳам киритиш мумкин. Агар молия холдинглари давлат рўйхатидан ўтиш вақтида юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга тўлалигича жавоб бермаган тақдирда, уни бошқариш учун бир йиллик муддат ҳам берилиши мумкин. Агар ана шу муддат ичида кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда, хўжалик судлари томонидан мазкур молия холдингларини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Молия холдингларига фақатгина инвестиция фаолияти билан шуғулланишга руҳсат этилади. Бошқа фаолият билан шуғулланиш катъиян тақиқланади. Шу билан бир қаторда молия холдингларига ўзларининг қармоғида бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига иштирок этишига ва шунингдек акционерлар

жамиятини назорат қилувчи органларига сайланишига руҳсат этилмайди. Улар фақат акционерларнинг умумий йиғилишларида иштирок этишлари мумкин ҳолос.

Холдинг компаниялар Давлат Мулк қўмитаси томонидан хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун хусусийлаштириладиган корхона томонидан мулкни бошқариш қўмитасига таклиф берилиши лозим бўлиб, улар қуйдагилардан иборат:

- холдингни ташкил этиш зарурияти, унинг мақсади ва вазифалари тўғрисида иқтисодий асослама;

- холдинг таркибига киритиладиган корхоналар рўйхати;

- холдинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотнома;

- холдингни ташкил этиш учун таъсис ҳужжатларининг лойиҳалари (холдингга қарашли корхоналар билан ўзаро алоқадорлик механизмини кўрсатган ҳолда).

- холдингга қарашли бўлган корхоналар жамоасининг холдинг таркибига кириши тўғрисидаги қарори ва бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

### **2.3. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни**

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ЭИҲларнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар эса белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиши ва ўтказиладиган ҳисоб-китобларда, яъни миллий валюталар бозорининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти деб фойда олиш мақсадида ўзидаги бор маблағларидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш турларидан бири билан шуғулланишга айтилади. Тадбиркорлик фаолияти – хўжалик масалаларини ечишда тўлалигича мустақил қарорлар қабул қилишни ва ҳар бир қабул қилинган қарорнинг натижаси ижобий бўлишни талаб этади. Чунки, бу

фаолият доимо таваккалчилик билан боғланган бўлиб, ҳар бир қилинган ҳаракат таваккалдир. Ҳаттоки, бирон бир компаниянинг акциясини сотиб олиш ва уни ушлаб туриш ҳам тадбиркор учун таваккалчиликдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ҳукуматнинг ва жамиятнинг маълум бир товар ёки хизматга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган товар маҳсулотлари ёки хизматлари билан бозорга чиқса, ана шу маҳсулотга талаби бўлган ва эҳтиёжи пул билан таъминланган харидор пайдо бўлади. «Бозор» сўзининг асл иқтисодий маъноси шундаки, у товар ва хизматлар айирбошлаш ёки олди-сотдиси амалга ошириладиган жойни англатади. Йирик иқтисодчи олим П.Самуэлсон ўз асарларида бозор муносабатларини таҳлил қила туриб, унга шундай таъриф беради: «Бозор – бу шундай тартибга солинган тузилмаки, унда товар сотувчилар ва сотиб олувчилар ҳам товарнинг миқдори ва баҳосини белгилаш учун ўзаро муносабатда бўладилар».<sup>1</sup>

Албатта, бу таъриф ўз маъноси жиҳатдан товар олувчилар ва сотувчиларнинг товарнинг миқдори ва баҳосини белгилаш учун ўзаро муносабатларини билдирса, бозор тўғрисидаги иккинчи бир таърифда эса, товар эгасининг ўз товари, товар олувчининг эса ўз маблағи билан бозорда пайдо бўлиши натижасида ўзаро олди-сотди муносабатларида товар сотувчи пулга, сотиб олувчи харидор эса товарга эгалик қилишидир.

Фикримизча, ҳар иккала таъриф ҳам ўз ўрнида тўғри маънони англатади, чунки бозорнинг характерли хусусиятларидан бири ҳам шундан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товар олувчилар ва сотувчиларнинг ўзаро муносабатларини;
- товар сотувчиларда маҳсулотни, товарни сотиб олувчиларда эса пул маблағларининг мавжудлигини;
- ўзаро шартлашувлар асосида товарнинг миқдори ва баҳосининг келишилувини;
- товарни сотиб олувчига маҳсулотни, сотувчига эса пулни ўтиши билан характерланади.

Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги кунда нефть, кўмир, буғдой ва бошқа хомашё материаллари билан савдо қилувчи чиқаго товар биржаси, Американинг йирик корпорацияларининг қимматбаҳо қоғозлари билан савдо қилувчи Нью-Йорк фонд биржалари билан

---

<sup>1</sup> Раззоқов А.А., Тошматов Ш, Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т: “Фан”, 2005.

ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқда. Албатта, шундай йирик биржа-бозорлар билан бир қаторда кичик фирмалар, телефон ва компьютерлар билан маълумотномалар йиғувчи хўжалик субъектлари ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Товар бозорларини ривожланишида, улгуржи ва чакана савдо субъектлари бўлиб ҳисобланган магазин ва супермаркетлар ҳам муҳим роль ўйнайди.



Маълумки, миллий валюта бозорида ҳар бир валютанинг нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқади. Фикримизнинг далили сифатида биз бозорда валюта муносабатларининг талаб ва таклиф асосида шаклланишини АҚШ ва Франция тадбиркорлари мисолида кўриб чиқишни лозим топдик. Америкада жойлашган фирма бир томондан Франциядан вино маҳсулотини импорт қилиш даврида, ўзидаги долларни франкка алмаштириш истагини билдиради. Чунки, француз фирмаси винони франкка сотиш истагини билдирган. Табиийки, бунда Францияга боровчи туристлар ҳам, ўзларидаги долларни франкка алмаштириш истагини билдиради. Иккинчи томондан эса, Францияга компьютер техникасини сотиб олиш учун АҚШга бораётган франциялик туристлар ҳам ўз франкларини АҚШ долларига алмаштириш истагини билдиради. Шундай қилиб, америкалик инвесторлар ўзларининг инвестиция қўйган мамлакатидан олган фойдаларини ўзларининг яшаб турган жойларига ўтказиш вақтида ҳам франкни долларга, франциялик инвесторлар ҳам ўзларининг инвесторлик фаолияти давомида топган долларини франкка алмаштириш таклифини билдиради. Оқибатда, олиб борилган халқаро савдо-сотик ишлари мобайнида миллий валютага талаб (масалан, доллар учун) ўша мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олаётган чет эллик инвесторларда ҳам ва шунингдек, маҳаллий экспортёрларда ҳам, чет эллик туристларда ҳам борлиги маълум бўлади. Таклиф эса маҳаллий импортёрлар, чет эллик экспортёрлар ва маҳаллий туристлар томонидан кўрсатилади. Шундай қилиб, валюта айирбошлаш чоғида чет эл валютасига бўлган талаб, миллий валютага бўлган таклифни шакллантирувчилар томонидан кўрсатилади. Иккинчи томондан эса чет эл валютасига бўлган таклифни шакллантирувчилар миллий валютага бўлган талабни билдирувчилар бўлиб ҳисобланади.

Мазкур валютанинг бошқа чет эл валютасига тенг миқдорда сотиладиган ва сотиб олинadиган баҳоси эса ўша валютанинг алмаштирилиш курси деб айтилади. Валютанинг алмаштирилиш курси бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бошқа валюта



бирлигига тенг нисбати билан белгиланади. Яъни, француз франкининг долларга нисбатан қиймати (франк/доллар) ёки немис маркасининг долларга нисбати (марка/доллар), аксинча долларнинг француз франкига нисбати (доллар/франк) ёки долларнинг немис маркасига нисбати (доллар/марка) каби шартли белгиларда белгиланади.

Бозордаги ҳар қандай товар каби ташқи бозордаги валютага бўлган талаб ва таклиф ҳам мазкур валютанинг баҳоси билан белгиланади. Бундай мутаносиблик валютага бўлган талаб ва таклиф эгри чизиқлари билан белгилаб берилди (2.1-расм).



**2.1-расм. Валюта бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши**

Келтирилган 2.1-расмдан кўриниб турибдики, талаб ва таклиф эгри чизиқлари бирмунча ўзгача характерга эга бўлиб, буни биз долларга бўлган талаб ва таклиф асосида кўриб ўтаемиз. Долларга бўлган таклиф америкалик импортёрлар ва франциялик экспортёрлар томонидан шаклланади. Бунда Франциядан олиб келиниб, АҚШ бозорларида сотилган товарлар анча фойда келтирганлигини кўраемиз. Қачонки, уларнинг Франциядаги баҳоси яъни товарнинг баҳосини франкнинг курсига кўпайтириб, доллар курсига бўлинганда франкнинг курси юқори бўлса, масалан Франция бозорида 1000 франк турадиган товар, АҚШ бозорида 250 долларга сотилса, долларнинг курси  $r\$ 5$  франк/доллар бўлганда 50 доллар фойда келтирса, ўша товар долларнинг курси  $r\$ 8$  франк/доллар бўлган ҳолда эса 75 доллар фойда келтириши мумкин экан.

Хуллас, юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, долларнинг курси қанча юқори бўлса француз товарлари америкалик импортёрлар учун шунча арзон бўлади, лекин франциялик экспортёрлар учун бу шунчалик қимматга сотилади. Шунинг учун ҳам доллар курсининг юқори бўлиши билан барча турдаги француз товарларини АҚШ бозорларида сотилиши фойдалироқдир.

Бозорда француз франкига алмаштириладиган долларга бўлган талаб америкалик экспортёрлар ва франциялик импортёрлар томонидан шаклланади. Чунки, долларнинг курси кўтарилиши билан америка товарлари француз бозорида қимматлашиб, унчалик катта фойда келтирмайди ва бу товарларни сотишдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки, Францияга экспорт қилинаётган товарларнинг миқдори камайиши билан франкга бўлган талаб ҳам камаяди. Мисол учун америка бозорида 100 доллар турувчи маҳсулот, франция бозорида доллар курси  $r\$ 5$  франк/доллар бўлган ҳолда 500 франк,  $r\$ 8$  франк/доллар бўлганда 800 франкни ташкил этади. Натижада француз бозорида мазкур товарга бўлган талаб 10000 дона/кундан 5000 дона/кунга камаяди. Товарнинг сотилиш эса 5000000 франк/кундан – 4000000 франк/кунга қисқаради. Бу қисқариш француз импортёрлари томонидан долларга бўлган талабнинг 1 кун давомида (1 млн.долл./кун. агар доллар курси  $r\$ 5$  бўлганда) 500 минг долларга (0,5 млн. долл./кун доллар курси  $r\$ 8$  бўлганда) камайишига олиб келади. Худди шундай манзарани биз америкалик экспортёрлар томонидан ҳар бир маҳсулотни 100 доллардан Францияга сотганда ҳам маҳсулот сотиш ҳажмининг

камайишини кўришимиз мумкин. Шундай қилиб, юқорида келтирилган мисолда талаб ва таклиф эгри чизиғининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар икки мамлакатда бирининг валютасига талаб кучайса иккинчи бир мамлакатда эса ана шу мамлакатнинг товари ва хизматларига бўлган талабнинг кучайганлигини кўрамиз, аксинча таклифнинг кучайиши эса биринчи мамлакатда иккинчи бир мамлакатнинг товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг кучайганлигини кўрамиз.

### Хулоса

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудлар қайси мамлакатда ташкил этилишидан қатъий назар шу мамлакатнинг макро ва микроиқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда ЭИҲлар мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш системасига, пул муомаласи ва эмиссиясига, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импортига, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта захиралари миқдорига, чет эл капитали қўйилмаларининг миқдорларига, валюта курсининг ҳаракатига, ташқи савдосига, шунингдек тўлов механизмларини ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир доираси дастурларида ўзгарувчан иқтисодий ҳолатлар (масалан, ички кредитлар, давлат секторидаги бюджет камомати, халқаро резервлар ва ташқи қарзларни ҳисобга олиш ва ҳоказолар) ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият кўрсатиши учун энг муҳим омилларидан бири бўлиб, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, чет эллик инвесторлар ва шунингдек молиявий институтлар ҳисобланган Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараккиёт банки (ХРТБ) билан ҳамкорлик ҳисобланади. Чунки, бу икки молиявий институтлар жаҳон мамлакатларидаги молия ва валюта муносабатларининг умумий ҳажмини бошқариб, давлатлар тўлов балансларининг камоматларини ўз кредитлари орқали қоплайди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бу икки молиявий институтлар (ХВФ, ХРТБ) билан ўзаро алоқадорликда тузилмаган ЭИҲларни ташкил этиш ва ривожлантириш бирмунча қийинчиликлар билан кечади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ЭИҲларнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб

чиқарувчилар ўз маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар учун берилган солиқ ва божхона имтиёзлари уларнинг даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Таянч иборалар:**

ЭИХлар, макро ва микроиқтисодий сиёсат, сиёсий барқарорлик, ХВФ, ХРТБ, инвестициялар, тадбиркорлик, талаб ва таклиф, траст компаниялар, холдинг компаниялар.

### **Назорат учун саволлар**

1. Мамлакатнинг макро ва микроиқтисодий ривожланишида ЭИХларни аҳамиятини кўрсатиб беринг.

2. ЭИХларни фаолият кўрсатишида йирик молиявий институтларнинг (ХВФ, ХРТБ) иқтисодий аҳамияти нимада?

3. Ташкил этилган ЭИХлар миллий давлатларнинг миллий даромадини кўпайтиришда қандай роль ўйнайди?

4. ЭИХлар таркибида холдинг, траст ва бошқа турли корпоратив компанияларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятларини характерлаб беринг.

5. ЎзР иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишда Навоий ЭИИХнинг аҳамиятини кўрсатиб беринг.

### **3-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ**

#### **3.1. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг Буюк Британия усули**

Буюк Британия территориясида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизимида жорий этилган қонун-қоидалар жаҳон иқтисодиётида энг такомиллашган тизимлардан бири бўлиб, ушбу қонун-қоидалар, айниқса оффшор ҳудудларни ташкил топиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг собиқ СССР ҳукумати раҳбарияти Англия лейбористлар партиясининг делегациясини қабул қилишганда, ушбу ҳукумат делегация раҳбарларидан бири, – «...инглиз қироличаси даврида ҳам социализм ҳукмронлик қилиши мумкин...» деган эди. Раҳбарнинг айтган ушбу сўзларидан шундай маъно келиб чиқадики, инглизлар ҳаттоки ўз қироличалари билан ҳам ҳақ-ҳуқуқларини таллашиб тортишишлари мумкин экан. Демак, ушбу давлатда қонун устуворлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, қонун устувор бўлган давлатда, албатта солиқ тизими ҳам мукамал бўлади. Мамлакатда ЭИҲларни ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши эса солиқлар тизими билан чамбарчас боғлиқдир.

Буюк Британияда уюшма манфаатлари билан чекланганлик (корпорация) солиғи 1965 йилда мамлакатнинг Молиявий қонунлари асосида қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун Буюк Британия иқтисодиётида ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун амал қилиб келмоқда. Ушбу солиқ туридан фақатгина нокорпоратив корхоналар, «ўртоқчилик» компаниялар ва шунингдек маҳаллий ҳокимиятгина озод этилган ҳолос. Солиқ солиш базаси бўлиб, компания фойдаси ҳисобланади. Бунда даромад солиғи тамойиллари асосида фойданинг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. 1972 йилда ушбу қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, у 1973 йилнинг 1 январидан бошлаб «солиқни ҳисоблаш тизимининг классик» тури деган ном билан амал қила бошлади.

Солиқ ставкасини ҳисоблашнинг «классик тизими» икки тамойилга, яъни, биринчидан фойдани солиққа тортиш даврида акциядорлар томонидан олинандиган дивидендлар солиқ базасига қўшилмасдан алоҳида акциядорларга бериш вақтида даромад

солиғига тортилади, иккинчидан, кичик корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, ёпиқ кичик корхоналарни ташкил этишга асосланади.

1970-1974 йилларда ҳукмронлик қилган консерваторлар ҳукумати копорация солиқ турига кўплаб ўзгартиришлар киритди. Ёпиқ турдаги кичик корхоналарга солинадиган жарима ва санкциялар бекор қилиниб, дивидендлар солиқ солиш базасига киритилди. Бу ҳолда компания корпоратив солиқ ҳисоблаш даврида акциядорлар томонидан олинадиган дивидендларни ҳам кўшиб солиқ миқдорини аниқласа, уни акциядорларга тақсимлагандан сўнг ҳам акциядорлар яна бу миқдордан даромад солиғи тўлашади. Хуллас, бу дивидендлар икки маротаба солиққа тортиладиган бўлди. Демак, бу солиқ тури икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабки даромад солиғи деб юритилган. Дастлабки даромад солиғи даврида компаниянинг дивидендлар билан солиқ солиш тизимининг қўлланилиши билан солиқ миқдорининг бюджетга тушадиган миқдори юқори даражада ошиб кетган. Шуларнинг ҳисобига эса ёпиқ турдаги кичик корхоналардан олинадиган солиқ миқдори камайтирилган.

### 3.1-жадвал

#### Буюк Британияда амал қилаётган солиқ ставкалари

№	Йиллар	Солиқ ставкаси, фоиз ҳисобида
1.	1983	50
2.	1984	45
3.	1985	40
4.	1986	35
5.	1987	35
6.	1988	35
7.	1989	35
8.	1990	34
9.	1991	33
10.	1992	33
11.	1993	33
12.	1994	33
13.	1995	33
14.	1996	33

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 40-бет.

Буюк Британияда солиқ ҳисоблашнинг молиявий йили, яъни ҳисобот даври 1 апрелдан то келгуси йилнинг 31 мартигача давом этади. Бунда солиқ ставкаси эса дастлабки йилдаги каби амал қилади. Масалан, ҳисобот йили 1992 йилнинг 1 апрелидан бошланиб, 1993 йилнинг 31 мартига қадар давом этади. Солиқ солиш базаси бўлиб эса 1992 йилдаги солиқ ставкаси амал қилади.

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ ставкалари 1983 йилда 50 фоизни ташкил этган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарига келиб 33 фоизни ташкил этади, яъни солиқ ставкаси 17 фоиз камайган.

Агар компаниялар тарқатиб юбориладиган бўлса, солиқ олиш ставкаси олдинги молиявий йилида амал қилган солиқ ставкаси бўйича олинган. Агар солиқ 1992 йил учун ҳисобланадиган бўлса, 1992-1993 молиявий йилидаги компания фаолиятидаги даромадлар ҳам ҳисобга олинган. Шу йиллардаги капиталнинг ўсиши ҳам молиявий йилидаги даромадга қўшилиб солиққа тортилган ва ҳеч қандай имтиёз қўлланилмаган.

1992 йилдан бошлаб Буюк Британияда кичик ёпиқ компаниялар учун солиқ ставкаси 25 фоиз қилиб белгиланган. Ушбу ставка компаниялар даромади 250000 ф.ст.гача бўлган ҳолларда қўлланилади. Агар корхоналар даромади 250000 ф.ст.дан юқори бўлиб, 1250000 ф.ст.дан ошмаса корпоратив солиқ маржинал ставка асосида ҳисобланади. Яъни 2500000 ф.ст.гача 25 % ундан юқори миқдор учун эса 33 % асосида солиққа тортилади. Ҳозирги кунда эса бу рақам 35 фоизга тенгдир. Кичик ёпиқ компаниялар учун фақатгина инвестициядан келадиган фойдагина солиқдан озод этилиб, бунда компаниянинг даромади учун солиқ ставкаси сақлаб қолинади.

Агар компаниянинг даромади 250000 ф.ст.дан бировгина ошган бўлса, масалан, шартли равишда 72000 ф.ст. деб олсак, бу ҳолда компания оилавий ташкил этилган бўлса, бу 72000 ф.ст. фойда миқдорини компания аъзоларига моддий рағбатлантириш сифатида тарқатиб, унинг 25 %ни ижтимоий суғурта фондига ўтказилган. Юқоридаги мисол асосида кўриб чиқсак, иқтисод қилинган миқдор  $250000 * 0.25 + 72000 * 35 - 250000 * 0.25 = 25200$  фунт стерлингни ташкил этади.

Буюк Британияда компания даромади асосан фойда ва капиталнинг ўсиш миқдорининг йиғиндисидан ташкил топади. Корхона фойдаси «даромад солиғи»ни ҳисоблаш тартиби асосида ҳисоблаб чиқилиб, ҳисобот даврига нисбатан қуйидаги кўринишни ташкил этади:

1. Чет эл валютасининг курслари ҳисобига олинган фойда ва зарарлар. 1989 йилда компаниялар учун фойдани ҳисоблашнинг бундай йўли мамлакатда бекор қилинган. Чунки олинган ссудалар ўз табиатига кўра капиталнинг ўсиши ҳисобланиб, лекин ундан кўрилган зарар фойдадан олиб ташланмаслиги керак. Лекин солиқ тўловчи ссуда олган пайтда маълум вақтга, айтайлик 5 йилга, ресурс билан бирга бу вақт бирлиги ичида ундан фойдаланиш мавқеини ҳам бирга олади. Олинган заём қайси ҳолда даромад ҳисобланади, қайсики, бу маблағ молиявий-хўжалик фаолиятида ишлатилган бўлса. Агар у бўш ётган бўлса, даромад ҳисобланмасдан унинг учун қўшимча фоизлар тўланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу масала ҳозирги кунда ҳам ўз ечимини топа олгани йўқ. Фақатгина 1991 йилнинг 19 мартда эълон қилинган «Чет эл валюталарини алмаштириш давридаги фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳужжат мамлакатда бирон-бир ислохотни ўтказиш учун асос бўлиши мумкин.

2. Хизматчилар ҳисобидан ишончли трастларни бошқаришга сарф қилинадиган фойда компания харажатларидан олиб ташланиши мумкин. Бу ҳол компания акцияларини сотиш учун хизматчиларни моддий рағбатлантириш дастурининг талабларига жавоб берган ҳолдагини руҳсат этилади.

3. Озод қилинган инвестиция даромади. Инглиз компаниялари бир томондан, норезидент корхоналари билан тузилган шартномалар асосида чет давлатларга инвестиция чиқаришдан ва дивидендлар олишдан келган фойда солиққа тортилмайди. Лекин шунини қайд этиш лозимки, бу фойда майда корхоналар даромадини ҳисоблаш даврида умумий асосда даромадга қўшилади. Бу билан майда корхоналарнинг кейинчалик босқичма-босқич солиқдан озод қилиш даражасини аниқлашда ҳисобга олинади. Агар компания даромад солиғи тўлашдан озод қилинган манбалардан фойда олган бўлса (қурилиш ташкилотларидан, қарзли мажбуриятлардан фоизлар) фойда суммаси даромадга қўшиб ҳисобланиб, солиққа тортилмасдан корпоратив солиқ ҳисобидан бериладиган кредитни олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Буюк Британияда акционер капиталининг ўсиши компания активларининг ўсишидан олиннадиган солиқ турини ҳисоблаш учун муҳим аҳамият касб этиб, юридик ва жисмоний шахслар учун баравар қўлланилади. Йилига бу ўсиш 5800 фунт стерлингни ташкил этса, у ҳолда бу миқдор солиққа тортилмайди. Агар капитал бир



компания томонидан иккинчи бир компанияга берилиб, уни иккинчи компания ишлатмагунга қадар капитал ҳисобланмайди. Шунинг учун иккинчи компания бу капитални ишлатмагунча биринчи компаниянинг акциядорлари ҳам, компаниянинг ўзи ҳам бирмунча ноқулай аҳволда қоладилар. Чунки, биринчи компаниянинг активлари ҳисобига берилган капитал икки марта солиққа тортилади. Биринчи бор у реализация қилинган капитал ҳисобидан корпоратив солиғини тўласа, иккинчи бор эса асосий воситаларни реализация қилганлиги учун солиқ тўлайди. Бунда компаниялар учун ўзларининг активларини сотиш мақсадга мувофиқ эмас, балки уларни ўзларида сақлаб қолиб, ижарага бергани маъқулдир.

Ҳисобот йили мобайнида фойда ҳисобига қилинган харажатлар корпоратив солиғини ҳисоблаш даврида даромаддан чиқариб ташланади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қилинган ҳар бир харажат даромадни камайтиради, шунинг учун ҳам бунда бир марта қилинган харажат икки мартаба даромадни камайтирмаслиги керак. Компаниялар ўзларининг харажатларини кўпайтириб, йилнинг охирида кейинги йил учун ҳам харажатларни тўлаган бўлсада, бу харажатлар ҳисобга олинмайди. Ҳеч қачон компаниянинг харажатлари унинг даромадидан ошиб кетмаслиги лозим. Фойда ҳисобига қилинадиган асосий харажатлар қуйидагилардан иборат:

- йиллик фоизлар ва тўловлар;
- банк кредитлари учун тўланадиган фоизлар;
- патентдан фойдаланганлик учун гонорарлар, ерлар учун тўланган ренталар ва бошқалар.

Шундай қилиб, қарз мажбуриятлари учун тўланган фоизлар биринчи бандга мос келса, банк учун тўловлар иккинчи бандга мос келади. Қилинган ушбу харажатлар фойдадан чиқариб ташланади, қачонки, биринчидан бу тўловлар амалга оширилгандан сўнг даромаддан олиб ташланмасдан фақатгина компенсация қилинган бўлса, иккинчидан тўловлар компания фойдасидан ҳисобот даврида олиб ташланиб, фоизлар учун тўловлар ҳисобга олинмаган бўлса, (гарчи компаниянинг капиталидан харажат қилинганлиги кўрсатилган бўлса ҳам), учинчидан тўловлар, хайрия мақсадларида қилинганлигидан ташқари маълум миқдорда компенсация қилинган бўлса.

1986 йилги «Молия» қонунига кўра ёпиқ турдаги компаниялар учун қилинган хайрия мақсадидаги «малака ҳадя»си тўловларини ҳам даромаддан чиқариб ташлашга руҳсат этилди. Ушбу мақсаддаги

тўловлар молиявий ҳисобот йилида олинган дивидендларнинг 3 фоиздан ортмаган миқдорда тўланади. Хайрия мақсадидаги очик турдаги компанияларга бериладиган «малака хадя»си тўловларига 1990 йилнинг 1 октябридан бошлаб қўшимча баъзи-бир ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришларга асосан очик турдаги компаниялар учун чегараланган минимал тўловнинг 400 ф.ст. миқдори олиб ташланди. Шу билан бирга бу тўловларни амалга оширишда шартномалардан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилди. Шартнома асосида тўланган тўлов миқдори солиқ солиш базасидан чиқариб ташланди.

Молиявий ҳисобот йилида олинган фоизларнинг тўловини амалга ошириш учун компания тўла мавқега эга бўлади. Яъни компания олди-сотди (олинган фоизлар тўлалигича ёки қисман савдо мақсадлари учун ишлатилиши лозим) ёки инвестицион ишончли пайчилик (траст) фондларини ташкил этиш, ер сотиб олиш мақсадида олинган заёмларга фоиз тўлаш имкониятларига эга бўлди.

Буюк Британияда савдо ва инвестиция билан шуғулланувчи компаниялар кўпчиликни ташкил этганлиги учун ҳам ушбу талаблар унчалик кўрқинчли эмас эди. Тўланган фоизлар икки йўл билан (умумий харажатларга киритилиб, савдо мобайнида олинган даромаддан чиқариб ташланиши ёки бўлмаса фойда ҳисобидан қилинадиган харажатлар таркибига киритилиши) харажатлардан чиқариб ташланиши мумкин. Албатта, бунда барча компаниялар учун фойда миқдорини камайтириш ҳисобига солиқ имтиёзларига эга бўлиши қулайроқдир.

Компания ҳисобот йилида олинган зарарларни қоплаш ишларини ўзларининг низомлари асосида амалга оширади. Ушбу низомларда зарарни қоплашнинг бир неча усуллари кўриб чиқилган. Бу усулларнинг қайси бирини қўллаши албатта компаниянинг ҳисобот йилида олинадиган фойдасининг миқдорига қараб амалга оширилади. Улар қуйидагилардан иборат.

– ҳисобот йилида олинган зарар келгуси йиллар давридаги фойданинг ҳисобига қопланиши мумкин. Бу ҳолда компания томонидан бериладиган ариза 6 йил давомида тақдим этилиши лозим. Зарарни қоплаш асосан ҳисобот йилларидаги савдо фойдасини камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Агар савдо зарарни қоплаш учун етарли миқдорда бўлмаса олинган фоизлар ва дивидендлар ҳам савдо фойдаси таркибига киритилиб ҳисобланади ва бу миқдордан ҳам солиқ тўланади. Ҳисобот йилидаги барча харажатлар шу йилдаги

даромад ҳисобига ҳам қопланиши лозим, фақатгина унчалик сезиларли бўлмаган миқдоргина кейинги йил ҳисобига ўтказилиши мумкин.

– компания ҳисобот йилида олинган зарарни жорий ва ўтган йиллардаги фойданинг ҳисобига ҳам қоплаши мумкин. Бунинг учун олинган барча фойда, ҳаттоки капиталнинг ўсишини ҳам кўрсатиш зарур. Агар шу ҳолда ҳам зарарни қоплашнинг ҳеч иложи бўлмаса, ўтган 3 йилнинг фойдаси миқдорига қопланиши мумкин. Бунинг учун компания зарарни ўтган йиллар фойдаси ҳисобига қопланиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилган бўлиши лозим. Аризанинг кучга кириши, агар ўтган йиллар фойдаси ўша йилларда олинган зарарни тўлалигича қоплаганидан сўнг руҳсат этилади. Бу талабни амалга оширишда қуйидаги асосий сабабларга эътиборни қаратмоқ лозим:

– янги зарарнинг қопланиши илгариги мавжуд бўлган зарарнинг қопланишини янгилайди, шунинг учун ҳам кейинги кўрилган зарар 12 ой муддатдан ошиб кетмаган бўлиши керак;

– ҳисобот йилидаги зарар ўтган йиллардаги фойданинг ҳисобига босқичма-босқич қопланиб боради, масалан 1992 йилда олинган зарар биринчи 1991 йил ҳисобига, қолгани 1990 йил, сўнгра эса 1989 йил ҳисобига қопланади;

– асосий воситалар учун ҳисобланган эскириш суммасига берилган чегирма ҳам зарар миқдорининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Буюк Британияда фаолият кўрсатаётган олди-сотди, ишлаб чиқариш, бошқариш, маслаҳат бериш, маркетинг ва савдо компаниялари бир қатор афзалликларга эга ҳисобланади. Айниқса, иккиёклама солиққа тортилмаслик тўғрисидаги Европа Иттифоқининг 1990 йил 23 июлдаги «Бош компаниялар ва филиаллар» тўғрисидаги директиваси муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда солиққа тортилишнинг ҳар бир имтиёзли варианты махсус ҳужжатлар асосида бошқариб турилади.

Кўпчилик ҳолларда ҳукумат органлари миллий манфаатларни ҳисобга олиб, капитал киритаётган жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларга солиқ тизимини жорий этади. Буюк Британия ҳукумати 1994 йилда солиқ муносабатларида кўпроқ чет эл компаниялари учун қизиқиш ҳосил қилиш мақсадида мамлакатда халқаро компанияларнинг штаб квартирасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан «Молия» қонунларига ҳам бир қатор ўзгартиришлар

киритилди. Масалан, халқаро компаниялар Буюк Британия ҳудудида солиққа тортилмайдиган даромад олишлари ва шунингдек, ўзларининг Буюк Британиядаги акциядорларига солиқ олинмайдиган дивидендлар тўлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бундай имтиёзлар кўпчилик Европа давлатлари учун характерли эмас. Бу компаниялар 1994 йилга қадар дивидендлар тўлаш вақтида корпорация солиғи учун бўнак пулларини тўлашлари лозим бўлган, тўланадиган ушбу сумма эса дивидендларнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик норезидент компаниялар солиқ-кредитларини олишга мажбур бўлишган. Ҳукумат эса бу сиёсатни оффшор тадбиркорликни ривожлантириш учун салбий таъсир этувчи омиллар бўлганлиги учун ҳам Буюк Британияда халқаро холдинг компанияларининг штаб квартираларини жойлаштира олмас эди.

1994 йилда «Молия» қонунига киритилган ўзгартиришлардан сўнг Британия компанияларига чет элдаги манбалардан олинган даромадларидан корпорация солиғини олиш бирмунча камайтирилди. 1996 йилда киритилган ўзгартиришлардан сўнг эса Буюк Британияда ўз штаб квартирасини ташкил этган халқаро холдинг компаниялари корпорация солиғидан озод этилди.

Халқаро холдинг компаниялари қуйидаги шартларни бажаришлари лозим эди: биринчидан, холдинг 100 % чет эл компаниясига тегишли бўлиши, иккинчидан, бу компанияларнинг акциялари чет эл фонд биржаларида 100 % котировка қилиниши, учинчидан компания Британия фонд биржалари рўйхатига кирмаслиги, тўртинчидан ҳар бир акционер компаниянинг 5 фоиздан кам бўлмаган акциясига эга бўлиши, бешинчидан 80 % акционерлар Буюк Британиянинг норезидент компанияси бўлиши лозим эди.

Холдинг компаниясининг бенефициар шахси Буюк Британия солиқ тўловларини амалга оширувчи департаментига аниқ бўлиши талаб этилади. Тўланадиган дивидендларга ва чет элдан олинган даромадларга корпорация солиғи тўлашдан озод этилади, инглиз фуқаролари томонидан олинган дивидендлар учун даромад солиғи тўланмайди. Солиққа тортиш ҳудудларининг энг юқори ставкалари Франция ва Италия бўлиб ҳисобланади.

### **3.2. Буюк Британия қироллиги таркибига кирувчи Белиз эркин иқтисодий бизнес маркази**

Белиз Буюк Британия қиролиги таркибиг кирувчи мустақил давлат ҳисобланиб, шимолда Мексика билан, жануб ва жануби-ғарбда эса Гватемала давлатлари билан чегараланиб туради. Мамлакатнинг ички қисмлари ҳам «кайес» деб номланган кичик-кичик оролчалардан иборат бўлиб, бу жаннатмакон оролчалар сувости саёҳатида муҳим роль ўйнайди. Дунёдаги энг аччиқ, ктшт организмини ўтдек куйдирувчи қалампирлар ҳам айнан шу оролда етиштирилади. Мамлакатнинг жанубий қисмлари «Майя» тоғлари ва Кокоскомб ландшафт тизимлари билан ўралган бўлиб, бу тизимларнинг энг баланд нуқтаси Виктория (1120 метрни ташкил этади) чўққисидир. Мамлакатнинг умумий ер майдони (ороллари билан бирга қўшиб ҳисобланганда 22923 кв.км.ни ташкил этиб, жанубдан шимолгача бўлган узунлиги 280 км.ни, шарқдан ғарбгача бўлган узунлиги эса 109 км.ни ташкил этади.

Белиз давлатининг пойтахти Бельмапон шаҳри бўлиб, шаҳар 1970 йилда барпо этилган. Пойтахти асосан 1961 йилда бўлиб ўтган Хетти довули оқибатида вайрон бўлган Белиз-Сити шаҳридан 80 км. жануби-ғарбда қад кўтарган бўлиб, унинг аҳолиси 5000дан ортиқроқ кишини ташкил этади. Шу билан бир қаторда мамлакатда Белиз-Сити, Сан-Игнасио, Бенк-Виехо, Дель Кармен, Манки-Ривер, Пунта, Горда каби йирик шаҳарлар мавжуд.

Мамлакат иқлими доимо субтропик-пассат шамоллари билан юмшаб туради. Қирғоқ бўйларида температура + 10,0 градусдан то + 30-31 градусгача ўзгариб, иссиқлик ҳарорати мамлакатнинг ички қисмларига борган сари кўтарилиб боради. Ёғингарчилик миқдори эса шимолда ўртача 1.295 мм.ни ташкил этса, жанубий туманларда 4.445 мм.ни ташкил этади. Ёғингарчилик миқдори кам бўладиган ойлар асосан февралдан майгача қадар бўлиб, баъзи ҳолларда бу ҳолат август ойигача ҳам чўзилиши мумкин.

Мамлакатнинг умумий аҳолиси сони 216000 кишини (1995 йил) ташкил этади. Аҳолининг 23-24 фоизи Белиз-Сити шаҳрида яшайди. Мамлакат аҳолисининг 48 фоизи шаҳарликларни ташкил этса, қолган 52 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Аҳолининг этник таркиби асосан креоллар (Африкадан келганлар), метислар (испанлар ва майяликлар) ва гарифунлардан (карибликлар) иборат. Бундан ташқари мамлакатда испанлар ва бошқа европаликлар, шунингдек ҳиндлар, хитойликлар, араблар ҳам яшайди. Мамлакат аҳолисининг умумий зичлиги 1кв.км. майдонга 9 киши тўғри келади. Аҳолининг 80 фоизи олий ва ўрта маълумотга эга бўлиб, меҳнатга лаёқатли

аҳоли сони 69720 кишини (1995 й.) ташкил этади. Давлат тили бўлиб инглиз тили ҳисобланади. Баъзи туманларнинг мактабларини бошланғич синфларида испан тили ҳам ўқитилади. Маҳаллий аҳолининг бир қисми эса гарифун, майя, кетчи ва креол тилларида ҳам гаплашишади. Мамлакат Конституциясида дин эркинлиги берилган бўлиб, аҳолининг 62 фоизини католиклар, 28 фоизини христианлар, қолган 10 фоизини эса иудизм ва ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади.

Мамлакатнинг давлат қурилиши Вестминстр тизимидаги парламент тамойилларига асосланади. Давлатнинг ижроия маҳкамаси – Бош Вазир ва унинг Маҳкамасидан иборат бўлиб, қонун чиқарувчи орган эса 28та сайланувчи ва 8та тайинланувчи аъзосига эга бўлган Умумий палата ҳисобланади (яъни қуйи ва юқори палаталардан иборатдир). Давлат бошлиғи бўлиб қиролича жаноби олийлари Елизавета II ҳисобланиб, унинг бу ердаги вакили эса Генерал губернатордир. Тайинланган Генерал губернатор Белиз фуқароси бўлиши талаб этилади.

Мамлакатда умумий сайлов 5 йилда бир марта ўтказилади. Сайловда 18 ёшдан ошган ҳар бир фуқаро сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Мамлакат Бош Вазири Генерал губернаторга Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориш тўғрисида ўз таклифини ҳам бериши мумкин. Белиз ҳудуди маъмурий жиҳатдан олти туманга (Белиз, Кайо, Коросаль, Оранж Уолк, Стани Крик ва Толедо) бўлинган.

Белиз эркин иқтисодий районининг пул бирлиги бўлиб Белиз доллари (BZ \$) ҳисобланади. Белиз доллари ўз қиймати бўйича АҚШ долларига нисбатан 1/2 нисбатни ташкил этади. Яъни, икки Белиз доллари бир АҚШ долларига айирбошланади. 1995 йилда Белиз мамлакатининг ялпи ички маҳсулоти 986 млн. BZ\$ ташкил этиб, аҳоли жон бошига тўғри келган миллий даромад 4718 BZ\$ ташкил этган.

1994 йилда мамлакатнинг жанубий қисмида жойлашган Коросаль туманида эркин савдо зонаси ташкил этилди. Зонанинг асосий мақсади ва моҳияти қуйидагилардан иборат бўлган эди:

- чет эллик дипломатларга улгуржи ва ва чакана савдо хизматларини кўрсатиш;
- чет элга сафарга кетаётган кемаларга товарларни сотиш ёки айрибошлаш;
- божхона хизматчилари назорати асосида товарларни сув, қуруқлик ва ҳаво йўллари орқали экспорт қилишни ташкил этиш;

- улгуржи товарларни божхона хизматлари ҳудудига олиб кириш ва сақлаб бериш ишларини амалга ошириш;
- товар маҳсулотларини бир тадбиркордан олиб иккинчи тадбиркорга сотиш, яъни воситачилик функцияларини бажариш ва бошқалар.

Коросаль эркин савдо зонасида, биринчидан чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш қаттиқ назорат қилинмайди, иккинчидан иқтисодий зонада тадбиркор шу ердаги банкларнинг бирида, исталган давлатнинг пул бирлигида ҳисобрақамини очиши мумкин, учинчидан эркин савдо зонасига олиб кирилган товарлардан солиқ ёки божхона тўловлари олинмайди, тўртинчидан янги ташкил этилган корхоналар ёки фирмалар 5 йил мобайнида турли солиқ тўловлардан озод қилиниб, бу муддат давлат томонидан 10 йилга узайтирилиши ҳам мумкин, бешинчидан экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар эса 25 йил муддатга турли солиқлардан озод этилади. Коросаль эркин савдо зонасида ташкил этилган янги ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмалари беш йилдан сўнг давлат бюджети учун солиққа тортилувчи фойданинг миқдорига кўра қуйидаги миқдорда солиқ тўлашлари лозим бўлади:

15000 BZ \$ гача – 2 фоиз;

15000 дан 30000 BZ\$ гача – 4 фоиз;

30000 дан 100000 BZ\$ гача – 6 фоиз;

100000 BZ\$ дан юқорисига эса 8 фоизлик солиқ ставкалари ўрнатилган.

Ушбу солиқ ставкалари эркин иқтисодий ҳудудда ишлайдиган ишчилар сонига қараб камайтирилиши ҳам мумкин.

10 кишидан 30 кишигача – 1 фоиз;

30 кишидан 50 кишигача – 1,5 фоиз;

50 кишидан ортиқ – 2 фоизга камайтирилиши мумкин.

90-йиллардан Белиз эркин иқтисодий бизнес марказида экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш дастури амал қилиб келмоқда. Мазкур дастур асосида фаолият кўрсатиб келаётган инвесторларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Агар инвестор ноёб ишлаб чиқариш билан, яъни компьютер эҳтиёт қисмларини олиб кириб йиғадиган бўлса, улар учун барча имтиёзлар ва хаттоки бутун бир иш фаолияти мобайнида солиқдан озод қилинган. Шундай қилиб, Белиз эркин иқтисодий зонаси табиий ресурсларга унчалик бой эмаслигига ва шунингдек яқиндагина мустамлакачилик тизимидан озод бўлганлигига қарамасдан бизнес оламида ўзига яраша халқаро

мавқега, айниқса чет эллик инвесторларни кўплаб жалб этиш хусусиятига эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

### **3.3. Мэн эркин иқтисодий ҳудудининг (иқтисодий эркин оролнинг) ривожланиш хусусиятлари**

Қадимги грек афсоналарида айтилишича Мэн иқтисодий эркин орол ўрнида «Нуминор» номи билан боғлиқ машҳур орол бўлганлиги учун ҳам халқаро майдонда фаолият кўрсатаётган ушбу иқтисодий ҳудудга кўплаб кириб келишмоқда.

Мэн иқтисодий оролда солиқ тизими XVIII асрлардан бери ҳукмронлик қилиб келади. Бу давр «вассаллар патриархиясининг вотчинаси» ҳисобланиб, асосан британия монархлари «фритредерчилик» билан шуғулланиб келганлар. Кейинчалик Лондондаги маъмурият томонидан назорат қила бошлангандан сўнг бундай савдога барҳам берилган. XX асрнинг 50-йилларига қадар Мэн ороли Буюк Британиянинг бошқа ороллари орасида ўзининг мавқеини йўқотган бўлса, 60-йилларнинг бошларига келиб эса солиқ миқдорини камайтирган ҳолда тадбиркорлик фаолиятни (оффшор) кенгайтира бошлаганлигини кўрамыз.

1972 йилда Буюк Британиянинг Европа иттифоқи умумий бозорига кўшилиш тўғрисидаги шартномасининг 3-бандига мувофиқ Мэн оролига ассоциацияланган статус берилди. Ушбу статусга мувофиқ Мэн оролида Европа иттифоқига (ЕИ) аъзо мамлакатларнинг меҳнат ресурслари ва капиталининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча имкониятлар яратиб берилди. Шу билан бирга бу орол ягона божхона иттифоқига аъзо бўлиб кирганлиги ҳам учун оролдаги мавжуд солиқ тизимидан қайтий назар ЕИ мамлакатларининг тадбиркорлари каби 17,5 % кўшимча қиймат солиғини тўлайдиган бўлди.

Мэн оролида оффшор тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муҳит ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оролдаги барча молиявий ташкилотлар ташкил этилган молиявий назорат ва суғурта компанияларнинг назорат қилувчи комиссиялари томонидан бошқариб борилади. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган бу тадбирлар, биринчидан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва иккинчиданкириб келаётган инвестицияларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир.



Мэн иқтисодий оролида оффшор бизнесни фаолият кўрсатиши учун барча қулайликлар (мехмонхоналар, замонавий алоқа воситалари, ишончли банклар, суғурта компаниялари ва ҳоказолар) яратилган. Ушбу компания ва банкларда юқори малакали ҳуқуқшунослар, аудитор бухгалтерлар, воситачилар ва менежерлар хизмат қилади. 80-90-йилларда оролнинг оффшор тадбиркорлиги соҳасида хизмат қилувчилар сони 200 фоизга кўпайган бўлиб, жами аҳоли сонининг 14 фоизини ташкил этган. 90-йилларнинг охирида Мэн ҳукуматининг регистрида 35 мингдан ортиқ хорижий компаниялар рўйхатга олинган бўлиб, бу компанияларнинг 5,5-6 мингтаси эса биргина 1996 йилнинг ўзида ташкил этилган.

Мэн оффшор иқтисодий ҳудудидаги қонунчиликни ва амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни икки тоифага ажратиб ўрганиш мумкин. Биринчи тоифага умумий ишлаб чиқариш корхоналар кирса, иккинчи тоифага эса банкларни, суғурта компанияларни ва молиявий институтларни киритиш мумкин. Жаҳоннинг бошқа оффшор зоналарида амал қилаётган қонунлардек, Мэн оролида ҳам солиқ имтиёзлари асосан чет эллик ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган компанияларга берилган.

Жаҳон иқтисодиётида ташқи фойда деб оффшор компаниялар томонидан рўйхатга олинган ҳуқуқлар мажмуасидан ташқарида олинган фойда тушунилади. Яъни берилган солиқ имтиёзларидан ташқарида олинган фойдадир. Мэн иқтисодий оффшор ҳудудида банк ва бошқа қўйилма маблағлардан олинган фоизлар, оффшор бўлмаган компанияларнинг баъзи бирларини акцияларининг дивидендлари имтиёзли мавқега эга бўлиб, улардан солиқ олинмайди. Норезидент компаниялар деб оролдаги мавжуд ҳуқуқий қоидалар мажмуасидан ташқарида туриб бошқарилувчи ва назорат қилинувчи компанияларга айтилади. Бу компанияларнинг оролда фаолият кўрсатишининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида ушбу корхоналарни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Бунда биринчидан резидент компанияларга оролнинг ҳар бир фуқароси томонидан ташкил этилиши мумкин бўлган ва ҳеч қандай имтиёзларга даъвогар бўлмаган оффшор компаниялар тўғрисидаги қонунларга асосан ҳеч қандай чегаралар қўлланилмайдиган компанияларни киритиш мумкин. Бундай компанияларнинг фаолияти одатда оролнинг ўзида туриб бошқарилади ва назорат қилиб турилади. Иккинчидан норезидент

компанияларга эса оролда яшамайдиган фуқароларга қарашли бўлган компанияларни киритиш мумкин. Бундай компанияларни 3 тоифага (норезидент компаниялар, озод қилинган компаниялар, халқаро компаниялар) бўлиш мумкин.

Биринчи тоифага кирувчи норезидент компанияларга оролнинг ўзида ташкил қилиниб, рўйхатдан ўтказилаётган вақтда амал қилаётган қонун ва қоидаларга асосланувчи, маълум жиҳатдан бошқарув ва назоратни талаб этувчи, рўйхатдан ўтказувчи давлат ташкилотларига декларация тақдим этувчи компаниялар мажмуасини киритиш мумкин. Бундай компанияларнинг директорлар кенгаши оролдан ташқарида ҳам фаолият юритиши мумкин, чунки компания аъзоларининг кўпчилиги норезидент бўлиб, бу оролда доимий яшаш жойи талаб этилмайди. Оролнинг ўзида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида олиб борилган фаолиятдан топган даромадидан эса стандарт миқдорда 20 % солиқ тўловларини амалга ошириб боради.

Иккинчи тоифага кирувчи озод қилинган компаниялар одатда Мэн оролининг ўзида ва оролдан ташқарида ҳам ташкил этилиши мумкин. Лекин оролдан ташқарида ташкил этилган озод компаниялар кейинчалик бу оролдан рўйхатдан ўтиши шарт қилиб қўйилган. Бундай компаниялар резидент компаниялар ҳисобланиб, директорларнинг биттаси ёки юқори малакали секретарлардан бири шу мамлакатнинг фуқароси бўлиши лозим.

Учинчи тоифага кирувчи халқаро компаниялар тўғрисидаги қонун оролда асосан 1994 йилда кучга кирган бўлиб, ушбу қонун 1984 йилда қабул қилинган озод этилган компаниялар тўғрисидаги қонунга асосланиб, баъзи бир қўшимчалар билан тўлдирилган холос. Бундай компанияларнинг ташкил этилиш жойи, резидент ёки норезидентлиги озод этилган компаниялар каби чегараланмаган. Лекин улардан фарқли ўлароқ халқаро компаниялар очик турдаги акциядорлар жамияти бўлиши ҳам мумкин. Бандан ташқари халқаро компанияларга банк ва суғурта фаолиятлари билан шуғулланишга руҳсат этилмайди ҳамда ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа соҳалардаги чеклашлар қўлланилмайди. Шу билан бир қаторда хориждаги операциялар, оролдаги бошқа оффшор компаниялар билан олиб борилган иқтисодий алоқалардан олинадиган фоизлар ва дивидендлардан олинадиган солиқ ҳажми 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Халқаро компаниялар йилига 300 фунт стерлинг миқдорида тўлов тўлайди.

Мэн иқтисодий оролида ташкил этилган ушбу компанияларнинг фаолияти оролнинг “Компаниялар тўғрисида”ги қонунига асосан тартибга солинади. Ўзларининг фаолият кўрсатиш шаклларига кўра ушбу компаниялар масъулияти чекланган коммандит ташкилотларга (пайлар асосида акциядорларнинг капиталисиз ташкил этилган компаниялар, маъсулияти чекланган акциядорлик жамиятлар ва жавобгарлиги чекланмаган акциядорлик жамиятларга) бўлинади.

Ташкил этиладиган ушбу компанияларнинг жавобгарлиги Бош прокурорнинг қарори асосида назорат қилинади. Компаниялар ўзлари фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолияти йўналиши билан “тахаллус” асосида ҳам иш юритишлари мумкин. Лекин бундай тахаллуслар ҳам албатта рўйхатдан ўтказилмоғи лозим. Бундай “тахаллус”ларда, биринчидан компанияларга директорлик қилувчи шахснинг исми ёки фамилияси ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин. Агар уларнинг исми фамилияси ўзгарган бўлса, олдинги исми ва фамилиясини ҳам кўрсатиш талаб этилади, иккинчидан “тахаллус”ларга компаниянинг рўйхатдан ўтказилган жойи, номи ва номери ҳам кўрсатилиши мумкин, учинчидан компания раҳбарияти компания учун тўланган акционерлик капиталининг миқдори тўғрисидаги маълумотномани ҳам кўрсатиши мумкин.

Коммандит акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш даврида пайдорларнинг рўйхати келтирилиб, уларнинг ҳуқуқлари доираси ҳам белгиланиши лозим. Йиллик молиявий ҳисобот топширилганда ҳам оффшор корхоналар учун жорий қилинган 42 ф.ст. тўланганлиги тўғрисида квитанция ва пайчилар рўйхати илова қилинади. Шу билан бирга корхона раҳбарлари тўғрисидаги маълумотномалар ҳам талаб этилади.

Компанияни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш босқичлари асосан компания учун руҳсатнома олиш, компания низоми ва таъсис ҳужжатларни такдим этишдан иборатдир. Агар низом таъсис ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқилмаса, бу ҳужжатларда компаниянинг мақсадини ёритиб бериш талаб этилмайди. Агар низом бу ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиладиган бўлса, бу ҳужжатларга талаб кучлироқ бўлади ва уларда қуйидагилар кўрсатилиши талаб этилади:

- Компаниянинг тўлиқ номи;
- Мэн оролида жойлашган манзилгоҳи;
- Акциядорлар ва пайчиларнинг жавобгарлиги чекланганлиги тўғрисидаги қарор;

- Компанияни тугатиш даврида коммандит жамиятлари иштирокчиларининг мажбуриятлари;
- Компаниянинг имтиёзлари ва ваколатлари ва бошқалар.

Коммандит жамиятларига янги аъзолар қабул қилаётган вақтда уларга аъзолик бадалларининг миқдори компания низомида кўрсатилиши лозим. Оффшор тадбиркорлик фаолияти даврида талабларга бўйсунмаслик ёки уларни қўпол равишда бузишлик ҳолларига йўл қўйган компаниялардан қонун йўли билан 65 фунт стерлинг миқдорида жарима тўлаши талаб этилади. Компанияларни ташкил этишда уларга юридик маслахатларни берган юристларнинг хизмат ҳақи компаниянинг катта кичиклиги ва тайёрланадиган ҳужжатларнинг ҳажмига караб 100 фунт стерлингдан 850 фунт стерлинггача белгиланган. Компания номи келишилгандан сўнг компания низомини рўйхатдан ўтказиш бир-икки ҳафта ичида амалга оширилади. Компания ташкил этилгандан сўнг директорлар кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилади. Бу йиғилишда иккинчи директор ва секретарнинг ваколатлари тасдиқланиб, компания манзили ва муҳри тўғрисидаги ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Кенгашнинг ваколатлари компания низомида белгиланган бўлиб, “Компаниялар тўғрисида”ги қонунда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсата бошлайди. Компания умумий йиғилишига қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган:

- Директорларни тайинлаш;
- Йиллик ҳисоботни текшириш учун аудиторларни тайинлаш ва уларга моддий рағбатлантириш миқдорларини белгилаш;
- Дивидендларни тўлаш миқдорини белгилаш;
- Компания низоми ва таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш;
- Акциядор капитали таркибидаги ўзгартиришларни тасдиқлаш;
- Компанияни тугатиш ва бошқалар.

Умумий йиғилиш компания аъзоларининг шахсий иштироки билан ва шунингдек, уларнинг иштирокисиз, яъни модемлар, факслар орқали ҳам ўтказилиши мумкин. Овоз бериш эса шахсан ёки ишончли вакиллар орқали амалга оширилади. Қабул қилинадиган қарорлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- Йиғилишга камида 7 кун қолгунга қадар компания аъзоларига таништириладиган умумий қарорлар;

– Йиғилишга 21 кун қолгунига қадар таништириладиган, махсус қарорлар, бу қарорларнинг қабул қилишда йиғилиш қатнашчиларининг камида 75 фоизи овоз бериши талаб этилади;

– Йиғилишга 4 кун қолгунга қадар таништириладиган махсус қарорлар билан бир қатордаги фавқулоддаги қарорлар;

Барча қабул қилинган қарорларнинг нусхалари қарор қабул қилингандан сўнг 1 ойлик муддат ичида рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тақдим қилиниши лозим. Компанияга тегишли барча ҳужжатлар – акциядорлар рўйхати, йиллик бухгалтерия ва бошқа турдаги ҳисоботлар, умумий ва директорлар йиғилишининг қарорлари компаниянинг асосий манзилгоҳидаги архивда сақланиши зарур.

Мэн иқтисодий оролда компаниялардан ташқари оффшор тадбиркорлик билан шуғулланувчи халқаро шерикчилик асосида маъсулияти чекланган жамиятларни ҳам тузиш мумкин. Бундай ширкатларнинг бош шериклари бўлиб резидент халқаро компаниялар, норезидент фирмалар ва маъсулияти чекланган жамиятлар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Мэн оролида фаолият кўрсатаётган барча банкларни ва суғурта компанияларни, қурилиш ташкилотлари, инвестиция, ижтимоий суғурта ва бошқа ихтисослаштирилган компанияларнинг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш ҳамда солиққа тортиш юқорида қайд этилган қонун-қоидалар асосида амалга оширилади. Бироқ, ушбу оролда ҳам таваккалчи компанияларни ёки янги банкларни ташкил этиш масалалари муаммолигича қолмоқда. Чунки, бу ерда янги банкларни эмас, балки фаолият кўрсатиб турган банкларнинг филиалларини очишга руҳсат этилади. Шунинг учун ҳам Мэн оролида доимо мавжуд оффшор тадбиркорлиги билан боғлиқ қонун-қоидаларни такомиллаштириш устида изланишларни олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

### **3.4. Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудуди**

Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудуди Атлантика океанининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 7та йирик ва 150дан ортиқ майда оролчалардан ташкил топган. Умумий майдони 54 кв.км.ни ташкил этиб, аҳолиси 60 минг кишидан ортиқдир. Мамлакатнинг пул бирлиги бўлиб Бермуд доллари (BD\$) ҳисобланади (ушбу доллар курси мамлакатда АҚШ доллари билан

баравар курсда юритилади). Бермуд ороллари жахоннинг энг сўлим ва сирли оромгоҳлардан бири бўлиб, бу ерда ташкил этилган оффшор зоналар ўзининг ишончлилиги билан дунё ҳамжамиятининг ҳурматига сазовордир. Оролнинг характерли томони шундаки, 1995 йилда бўлиб ўтган кучли довулнинг эпицентри бўлишига қарамасдан Бермуд ороллари макроиқтисодиётда катта муваффақиятларга эришган эди.

Бермуд оролларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар фойда ва даромад солиғини, дивидендлардан олинадиган солиқни, кўчмас мулк ва мерос солиқларини тўлашмайди. Эркин иқтисодий ҳудудда фаолият кўрсатаётган компаниялар таъсис шартномалар асосида рўйхатга олиниб, уларнинг шахси, молиявий барқарорлиги ва фаолият йўналишлари ўз вақтида назорат қилиб турилади.

Бермуд эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган компанияларга нисбатан баъзи-бир чекланишлар ҳам қўлланилади. Масалан, оффшор компанияларга депозитлар қўйишга руҳсат этилмайди. Чунки, бу одат Бермуд оролининг миллий урф-одатларига зид бўлиб, унинг устидан назоратни Молия вазирлигининг кўрсатмаси билан Бермуд оролининг ғазначилиги амалга оширади.

Бермуд оролларида компанияни ташкил этишнинг дастлабки босқичида компаниянинг номи рўйхатга олиш ташкилотлари билан келишиб олинади. Сўнг компаниянинг шуғулланиши мумкин бўлган йўналишларини тўлалигича акс эттирувчи маълумотлар орол рўзномаларининг бирида эълон қилинади. Шундан сўнг эса таъсис шартномасига Молия вазирининг руҳсатномасини олиш учун Бермуд оролининг ғазначилигига ариза берилади. Аризага таъсисчининг исми-шарифи, яшаш жойи, компаниянинг ҳар бир аъзосининг яшаш жойи кўрсатилади. Бундан ташқари уларнинг даромадлари тўғрисидаги декларация ҳам қўшиб топширилади.

Бермуд оролларида компанияни рўйхатдан ўтказиш учун 12000 BD\$ миқдоридаги минимал устав капитали талаб этилади. Бироқ бу оролда рўйхатдан ўтказилган компанияларнинг асосий қисми Гонгконг резидентлари бўлганлиги учун улардан 100000 HK\$ миқдоридаги минимал устав капитали талаб этилади. Акциядорлар компанияларига фақатгина ўзларининг номлари ёзилган акциялар чиқаришга руҳсат этилади.

Бермуд оролларида ташкил этилган компания хусусий “траст”га тегишли бўлса, у ҳолда молия вазири учун ғазначиликка қуйидаги маълумотларни топшириш лозим бўлади:

- Компаниянинг номи, манзили ва унинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар;
- Компанияни ташкил этувчининг исми-шарифи, фамилияси ва фуқаролигини кўрсатувчи ҳужжат;
- Компаниянинг ижрочи “ишончли вакили”нинг исми-шарифи, фамилияси ва фуқаролигини кўрсатувчи ҳужжат.
- Иккала мулкдор томонидан имзоланган таъсис шартномаси;

Бермуд оролларида жисмоний шахсдан ҳар доим ҳам декларация талаб қилинавермайди. Фақатгина таъсис этувчининг шахсий декларацияси ёки наф олувчига тавсия бериш билан кифояланиши мумкин. Агар наф кўрувчига ишониб топширилган мулкнинг тузилиши мураккаб бўлса, у ҳолда муассис холдинг компаниялар занжирида фаолият кўрсатиши мумкин.

Бермуд оролларида ишончли бошқарув асосида мулкни бошқариш компанияларини ташкил этиш учун руҳсат этилган. Бундай корхоналарни ташкил этиш 1991 йилда қабул қилинган “Ишончли мулкларни бошқариш компаниялари тўғрисида”ги қонунга асосан ташкил этилиб, фаолият кўрсатиш учун лицензия берилиши талаб этилади. Лицензия олиш даврида компания раҳбарияти компаниянинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини ва бу хизматлар кўрсатишнинг самарадорлиги юқори даражада бўлишлигини исбот қилиб бериши лозим.

Бермуд оролларида суғурта ва қайта суғурта қилиш компанияларини ташкил этиш эса хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифати билан баҳоланади. Бу компанияларни ташкил этиш 1978 йилда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонунга асосан амалга оширилади. Компаниялар устави ва таъсис ҳужжатлари эса ушбу қонуннинг талаблари асосида ишлаб чиқилади. Асосий фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун эса компания руҳсатнома олиши зарур. Руҳсатномани олиш даврида компания фаолияти тўлиқ текширувдан ўтказилади. Компания ўз таъсис ҳужжатларини Бермуд ороли ғазначилигига топширишдан олдин тажрибали мутахассислар билан маслаҳатлашиб олиши лозим. Чунки, Молия вазири компания фаолиятининг асосий йўналишлари миллий анъаналарга зид бўлса, компанияни рўйхатдан ўтказиш учун руҳсат бермайди. Компаниянинг таъсис ҳужжати рўйхатдан ўтказилгандан сўнг компания ўз фаолиятини бошлаши мумкин. Компания фаолиятини бошлашидан олдин ички бошқарув тузилмаларини шакллантириб

олиши лозим. Компаниянинг биринчи йиғилиши одатда вақтинчалик директорлар кенгаши вазифасини бажарувчи йиғилиш ҳисобланиб, унда таъсисчилар томонидан тавсия қилинган вакиллар иштирок этади. Йиғилишда вакиллар биринчидан компаниянинг низом лойихасини ва компаниянинг ички бошқарув тузилмаларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолайди, иккинчидан акцияларни таксимлайди, учинчидан акциядорлар йиғилишининг баённомасини ва йиғилишда қабул қилинган компаниянинг номини кўрсатувчи ҳужжатларни ҳукумат органларига топшириш учун қабул қилади.

Бермуд оролларида Халқаро бизнес компаниялар (International business companies) ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Оролларда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларнинг сифатли ва ишончли иш юритишлари билан Лондон, Нью-Йоркда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларидан сўнг 3 ўринда туради. Оролларда компанияларни солиқ тўлашдан озод этиш Молия вазири томонидан амалга оширилади. Компаниялар фойда солиғини камайтирилган миқдорда тўлаб, шунингдек капиталнинг ўсишидан олинадиган даромад солиғи ва акциядорлар даромадидан олинадиган солиқларни ҳам тўлайди.

### **3.5. Британ-Виргин эркин иқтисодий ҳудуди**

Британ – Виргин ороллари Кариб денгизи бассейнида жойлашган бўлиб, Буюк Британия ҳукумати томонидан тайинланган губернатор томонидан бошқарилади. Ушбу давлат жаҳон хўжалигида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тинч давлатлардир. Пул бирлиги бўлиб АҚШ доллари ҳисобланади. Британ-Виргин оролларида бутун дунёга машҳур бўлган молия корпорацияларининг (Barglays, Deloitte d Touche, KPMG, Chase Manhattan) офислари жойлашган. Шунингдек ушбу оролларда 200 мингдан ортиқ компаниялар рўйхатдан ўтган бўлиб, улар имтиёзли солиқ тизимлари асосида фаолият кўрсатади. Бу компаниялар ичида суғурта ва кэптив суғурта фаолияти билан шуғулланувчилар, ўзаро ёрдам фондлари, холдинг ва траст компаниялари ва шунингдек жаҳоннинг бошқа турли хил компанияларининг ваколатхоналари ўзлари учун мустақам шароитни яратган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунинг унутмаслик лозимки, «оффшор» бизнес фаолияти шундай нозик тадбиркорлик фаолиятики, бунда фақатгина солиқ тизими имтиёзларини эмас, балки бу компанияларнинг фаолиятини назорат



қилиб туриш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам орол маъмурияти турли хил маблағларнинг оролга кириб келишини назорат қилиб, оролдаги бошқарув усулларни йилдан-йилга такомиллаштириб келмоқда. Орол давлатининг гербида тасвирланган Буюк Британия байроги чет эл инвесторларини турли нопок йўллардан (жиноий ишлардан) сақлаб турувчи герб сифатида тасвирланган.

Британ-Виргин оролларида солиқ ставкалари паст бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори эса юқоридир. Оролларда 1 акра (1 акра – 0,405 га.) ернинг баҳоси эса 100 минг АҚШ долларига тўғри келади. Шу билан бирга аҳоли маълумотлилигининг юқорилиги жиҳатдан ҳам Кариб бассейнидаги бошқа ороллардан фарқ қилади. Чунки бу ерда АҚШ ва Буюк Британиянинг обрўли олийгоҳларини битириб чиққан тажрибали мутахассислар хизмат қилишади. Оролларда иммигрант аҳоли юқори бўлиб (умумий аҳолининг 51-52 фоизини ташкил этади) асосан Кариб бассейнининг шарқий районларидан келган Доминикан Республикасининг фуқароларидир. Агар шу тенденциялар оролларда давом этгудек бўлса, тез кунларда маҳаллий аҳолининг ассимиляцияси, яъни урф-одатлари мутлақо йўқолиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатда ҳозирги кунда иммиграциянинг қонун-қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилмоқда.

Британ-Виргин ороллари давлати молия ва туризм соҳалари бўйича хизматлар кўрсатишдан йилига 200 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад кўради. 80-90-йилларда оролнинг оффшор механизмини шакллантирувчи халқаро бизнес компаниялари гарчи қисқа муддатли инқирозларни бошдан кечириб келаётган бўлсада, жаҳон давлатлари билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириб келмоқда.

### **3.6. Науру эркин иқтисодий ҳудуди**

Науру давлати Тинч океани хавзасининг марказида, яъни экватордан 42 км. жанубда ва 167 градус шарқий узунликда жойлашган. Науру оролига энг яқин жойлашган орол Ошен ҳисобланиб, ушбу ороллар ўртасидаги масофа 300 км.ни, Австралиянинг Мельбурн шаҳридан эса 4000 км.ни ташкил этади. Бу оролга биринчи бўлиб келган европаликлар Науру оролининг гузал табиати ва иқлимни, аҳолисининг меҳмондўстлигини жуда

ёқтириб қолишган эди. Шунинг учун ҳам Науру оролига кит овловчилар ва савдо кемалари тез-тез кириб туришади.

Науру дунёдаги ягона пойтахтсиз давлат бўлиб, унинг умумий майдони 21 кв.км.ни, орол айланасининг узунлиги эса 19,3 км.ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу орол Буюк Британия қўшма қироллигининг энг кичик аъзо-давлатларидан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда ишсизлар синфи деярли йўқ, чунки 1907 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган фосфор конлари деярли барча аҳолини иш билан таъминлаб бурибди. Ушбу конларда ишлаётган ишчиларнинг жон бошига тўғри келадиган даромадлари гарчи юқори бўлсада, бироқ Катта Ердан узоқда жойлашганлиги сабабли аҳолининг турмуш даражаси бирмунча паст. Кўпчилик аҳолида транспорт воситаси бўлиб мотоцикл ҳисобланади, чунки унда бутун оролни айланиб чиқиш мумкин.

Мамлакатда 100 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 700 минги туб аҳоли ҳисобланиб, этник келиб чиқиши жиҳатдан полинезияликларга яқин бўлган 12та уруғга бўлинади. Аҳолининг қолган қисмини эса фосфор конларида ишлаш учун Тинч океанининг бошқа оролларида келганлар ташкил этади. Орол аҳолисининг кўпчилиги инглиз тилида гаплашиб, ва давлат тили ҳам инглиз тили ҳисоблансада, маҳаллий туб аҳоли ўзининг қадимги тили ва маданиятини сақлаб қолган.

Науру иқлими экваториал иссиқ иқлим бўлиб, йиллик ўртача ҳарорат 28,0 градусни ташкил этади. Ёғингарчилик асосан ноябрь ва февраль ойларига тўғри келиб, бу вақтда ғарбий томондан шамоллар эсиб туради. Йилнинг қолган даврларида эса куруқ ва очиқ ҳаво бўлиб, асосан пассат шамоллари таъсирида бўлади.

Науру давлатини 18 кишидан иборат бўлган парламент бошқаради. Парламент аъзолари ёшларига қараб ўтказиладиган референдумлар орқали сайланади. Вазирлар Маҳкамаси таркибига 5 вазир киритилиб, Вазирлар маҳкамасининг раиси бир вақтнинг ўзида мамлакат Президенти бўлиб ҳам ҳисобланади. Мамлакатнинг Олий судини эса Бош ҳакам бошқаради. 1888 йилга қадар мамлакат Маршалл оролларида протекторати сифатида Германия қарамоғида бўлган. Немисларнинг йирик савдо корхонаси ҳисобланган Jaluit Gassellschaft фирмаси протекторат орол давлатларни ривожлантириш учун катта молиявий маблағ ажратган. Бунинг эвазига эса бирмунча иқтисодий имтиёзларга ва хаттоки Маршалл ороллари ва Наурудаги табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

1900 йилда Буюк Британия компанияси Науру ва Ошен оролларида тасодифан фосфор конларини очишди. Австралиянинг Pacific Islands Company фирмаси буюкбританияликларнинг Науру оролида табиий бойликларни излаб топиш ва қайта ишлаш бўйича изланишлар олиб бориши юзасидан Германиянинг Jaluit Gassellschaft компанияси билан музокаралар олиб борган эди.

Тинч океани фосфат компанияси 1905 йилдаги шартномага асосан мувофиқ Науру давлатида ўтказиладиган қазув-қидирув ишлари натижасида етказиладиган моддий зарарни қоплаш мажбуриятини олган эди. Шунинг учун ҳам 1907 йилда бошланган фосфат қазиб чиқариш ишлари ҳозирги кунга қадар (Иккинчи жаҳон уруши йилларини ҳисобга олмаганда) давом этиб келмоқда. Мамлакат ҳудуди Биринчи жаҳон уруши йилларида Австралия кўшинлари томонидан босиб олинган бўлсада, 1921 йилга қадар Науру ороли Буюк Британия назорати остида бўлган. Биринчи жаҳон урушидан кейин Германия мустамлакаларининг парчаланиши оқибатида Науру оролини қўла киритиш учун ғолиб чиққан капиталистик давлатлар ўртасида кураш кўпайиб кетган эди. Жумладан, АҚШ бу оролнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, оролда бошқарувнинг мандат тизимини қўллашни таклиф қилиб чиққан бўлса, бошқа капиталистик давлатлар эса аннексия (босқинчилик) кўринишида қолавергани маъқул деган фикрни олға сурган.

Австралиянинг ўша даврдаги Бош Вазири Хьюз ҳам Науру давлати устидан назорат қилишнинг мандат усулини қўллаб-қувватлаб, ўз фикрини қуйидагича изоҳлаб берган эди: «...Науру давлати ер юзида харажатларга нисбатан даромадлари ошиб бораётган ягона давлат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакат ҳудудидан қазиб олинган фосфор ўғитлари нафақат тижорат мақсадлари учун, балки деҳқончилик қилинадиган ерларимизнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳам лозимдир. Агар бу фосфор бўлмаса – ерларимизнинг ҳосилдорлиги пасайиб, аҳолининг даромадлари камайиб ўзларига етарли бўлмай қолиши натижасида бошқа жойларга иш излаб кетиб қолиши мумкин...». Янги Зеландия давлати эса Австралия ҳукуматининг бундай фикрига қарши чиқиб, Науру оролини яқка ўзи идора этишини билдирган эди.

Буюк Британия ҳукумати бошқаришнинг оптимал йўлини излаб топди. Бу усул Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия ҳукумат бошлиқлари томонидан ишлаб чиқилиб, «The Nauru Island Agreement» деб номланган қўшма шартнома имзоланди. Ушбу

шартнома асосида конга эгалик қилувчи Тинч океани фосфор компаниясига барча харажатларни қайтариб бериш кўзда тутилади ва дастлабки беш йил мобайнида Австралия ҳукумати бошқариб турадиган бўлди.

1968 йилда Науру ҳукумати конларга эгалик ҳуқуқини сақлаб келган шартнома аъзоларига 21 млн. долл. атрофида товон пули тўлаб, фосфор конларига мустақил эгалик қила бошлади. Бу даврга келиб конларнинг 1/3 қисми қазиб олинган бўлиб, орол ер майдонининг 4/5 қисмини ташкил этган. 1970 йилда мустақиллик туфайли дунёга келган Науру фосфор корпорацияси фаолият кўрсата бошлади.

Науру фосфорит конларидан фойдаланиб келаётган Австралия ва Янги Зеландия давлатлари йилига 2 млн. тонна фосфор қазиб ола бошлади. Шу билан бир қаторда Япония, Жанубий Корея, Филиппин каби янги истеъмолчи давлатлар ҳам пайдо бўлди. Науру фосфор компанияси нафақат маҳсулот қазиб олиш ва уни экспорт қилиш билан, балки оролдаги ерларни қайта тиклаш фондига маблағларни йиғиш ишлари билан ҳам шуғулланган эди. Науру ҳукумати ҳатто Австралия ҳукуматидан ерларга етказилган зарарни тўлаши зарур эканлигини ҳам 1968 йилдан бери таъкидлаб келмоқда. Ушбу талаблар Буюк Британия ва Янги Зеландияга ҳам тегишли бўлган.

Австралия ҳукумати Науру оролида «Davey committee» номли кўмита ташкил этди. Бироқ, кўмита ҳақиқатда ҳам оролдаги ерларни қайта тиклаш зарурлигини тан олган бўлсада, лекин ҳеч қандай ишни амалга оширмади. Чунки Австралия ва Буюк Британия давлатларини Янги Зеландиянинг кичик ороллариининг муаммоси мутлақо қизиқтирмасди, компенсация (товон) тўлашни эса умуман ҳаёлига ҳам келтирмасди. Фақатгина 1987 йилга келиб, бу уч ҳукумат маъмурияти томонидан активлари 60 млн. долл.га тенг бўлган Британия фосфор компаниясини тарқатиб юбориш тўғрисидаги ўзаро битимни имзолашди. Собик шериклар қарорга мувофиқ, агар Науру ҳукумати Британия фосфат компаниясининг мулкани тўлалигича қўлга киритса, ер учун ҳам компенсация тўловини амалга оширадиган бўлди. Шунинг учун ҳам Науру ҳукумати томонидан 1986 йилда мазкур муаммоларни ўрганиш ва компенсация тўловини амалга ошириш масалаларини ҳал этиш мақсадида мустақил комиссия тузилган эди. Юқоридаги масалаларни ўрганиб чиққан Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия ҳукумат аъзоларидан иборат комиссия оролдан фосфор ўғитини қазиб олиш даврида

коннинг очилган қисмидаги ерларни қайта тиклаб, уни яроқли ҳолга келтириш учун, конни эксплуатация қилган Германия ҳукумати жавобгар деган хулосага келди. Шу билан бир қаторда, комиссия ўтказган текширишлар асосида собик шериклар томонидан оролда фосфор қазиб олишда биринчидан фосфор қазиб олинган жойлардаги ерларни қайта ишлаб, яроқли ҳолга келтириш тўғрисидаги мажбуриятларга риоя қилмаганликларини, иккинчидан ерни қайта ишламасдан Науру халқига катта зиён келтирганликларини, учинчидан табиий ресурсларга тегмаслик тўғрисидаги тамойилга мутлақо риоя қилмаганликларини ва ҳоказоларни ҳам кўрсатиб ўтган эди.

Бандан ташқари комиссия аъзолари собик шерикларни Науру мамлакатада қазиб олинган фосфордан катта фойда олганлигини, мамлакат мустақил деб эълон қилингандан сўнг эса ўзининг мулкини ўзига 21 млн. долл.га сотиб олишга мажбур этганлигини ҳам қайд этган эди. Комиссиянинг бундай хулосаси Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия каби давлатларнинг ҳукумат бошлиқларига юборилган бўлсада, улардан ҳеч қандай жавоб хати олинмаган эди.

1989 йилда Науру ҳукумати 1920 йилдан то 1967 йилгача оролдаги бойликларни қазиб олиб ва ерларни қайта тиклаш учун қайғурмаган шерик Австралия давлатини халқаро судга берган эди. 1993 йилда Гаага халқаро суди Австралия ҳукуматидан етказилган зарарни қоплаш учун 100 млн. доллар миқдорида маблағни ундириш тўғрисида ҳукм чиарди. Мазкур ҳукм асосида ундириб олинган маблағни сарф этиш учун Науру ҳукумати стратегик режа лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу режа асосида мамлакатда ерларнинг ҳосилдорлиги тикланди, оҳакли тупроқлардан оҳакли мрамар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва оролдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга эътибор қаратилди. Оролдаги асосий муаммолардан бири ичимлик суви манбаларини излаб топиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди.

Науруда тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳам бўлса бу давлатда ҳеч қандай солиқ ва йиғимлар олинмаслигидир. Оролда муниципал хўжалик ва тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолияти асосан мамлакатнинг 12та туманидан сайланган вакиллар томонидан назорат қилиб турилади. Фаолият кўрсатаётган барча агентликлар, телеграф, телефон ва телекоммуникация тармоқлари мамлакатни АҚШ, Буюк

Британия, Австралия, Ҳиндистон, Филиппин, Япония, Гонконг, Сингапур каби давлатлар билан боғлаб туради.

1975 йилда мамлакатнинг Марказий банки Парламент томонидан қабул қилинган «Банклар фаолияти» тўғрисидаги қонунга асосан ташкил этилган бўлиб, у барча тижорат банклари билан корреспондент алоқаларини ўрнатган эди. Науру Марказий банки бир вақтнинг ўзида ҳам Миллий банк, ҳам Халқаро банк вазифасини ўтайди. 1972 йилда «The Republik of Nauru Finance Corporation» корпорацияси «Молия ташкилотлари» тўғрисидаги қонунга асосан ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади хўжалик субъектларини ва қурилишларни капитал қўйилмалар орқали молиялаштиришдан иборат эди. Науру мамлакати ўзининг миллий валютасига эга эмас. Улар миллий валюта ва муомала воситаси сифатида асосан Австралия долларидан фойдаланишади. шунинг учун ҳам мамлакатда валюта назорати мавжуд эмас.

Науру давлатида аҳолидан даромадсолиғи олинмайди. Чунки солиқлар ва йиғимлардан бюджетга тушадиган тушумлар бюджет даромад қисми ҳисобига қопланади. Бюджетнинг даромад қисми асосан экспорт қилинадиган фосфор маҳсулотидан, шунингдек молия, балиқчилик ва денгиз флотидан келадиган солиқ тушумларидан ташкил топади.

Науру эркин иқтисодий ҳудудида қонунчиликни таркиб топиши бошқа иқтисодий ҳудудларга нисбатан бир мунча фарқ қилади. Жумладан, бошқа эркин иқтисодий ҳудудларда солиқ имтиёзлари кенг қўлланилса, бу ерда эса солиқ тизими мутлақо йўқ. Лекин шундай бўлсада, мамлакатда жиноятчиликка қарши қаттиқ кураш олиб борилади. Агар хўжалик субъектларнинг фаолиятида бундай ҳолатлар юз берса, яъни инвесторлар ёки акциядорларнинг ҳуқуқлари поймол этилса, бундай ҳолатга йўл қўйган хўжалик субъекти билан шартномалар дарҳол узилиб, чет эл фуқароси бўлса мамлакатдан чиқариб юборилади.

Ҳар бир корпорацияда рўйхатдан ўтказилган котиб бўлиши шарт. Мамлакатда директорлар кенгаши ёки акциядорлар йиғилишини қаерда ва қачон ўтказилишига талаб қўйилмайди. Бироқ, савдо корхоналари бир йилда бир марта ўзларининг йиғилишларини ўтказиб туришлари шарт. Холдинг компаниялар учун эса бундай талаб қўйилмаган. Науру иқтисодий ҳудудида корпорацияларни рўйхатдан ўтказиш учун 2-3 кун вақт кетади холос. Рўйхатдан ўтган корпорация агар банк, суғурта ёки траст операцияларини амалга

оширмоқчи бўлса, у ҳолда лицензия олиши талаб этилади. Банк лицензияси 1972 йилда қабул қилинган “Корпорациялар” тўғрисидаги ва 1975 йилда қабул қилинган “Банклар” тўғрисидаги қонунларг асосан амалга оширилади. Лицензияни бериш даври агар тўлдирилган ҳужжатлар тўлиғича талабга жавоб берса, 3-4 ой ичида амалга оширилади.

Науру мамлакатада ерга тўлалиғича эгалик қилиш ҳуқуқи фақатгина туб аҳолига руҳсат этилган. Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларини ривожлантириш учун Науру мамлакатага капитал киритиш унчалик самара бермайди. Чунки бу ерда макроиқтисодиётнинг ушбу соҳаларини ривожлантириш учун имкониятлар етарли эмас.

Шундай қилиб, Науру мамлакатада фақат савдо ва холдинг компаниялари, банклар, суғурта компанияларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

### **3.7. Тунис эркин иқтисодий ҳудудларини ривожланишида хорижий инвестицияларнинг роли**

Шимолий Африкада жойлашган Тунис Республикаси 1956 йил 20 мартда Франциянинг протекторатлигидан озод бўлиб, мустақилликка эришди. Тунис шарқда Ливия, ғарбда Жазоир давлатлари билан чегараланиб, унинг шимолий қисмларини 1300 км.га чўзилиб кетган Ўрта ер денгизининг сувлари ювиб турибди. Майдони 163,6 минг кв. км.ни ташкил этиб, пойтахти Тунис шаҳри (аҳолиси 1 млн. кишидан ортиқ) ҳисобланади. Тунис географик жойлашувига кўра Африка материги ва араб давлатларининг ичида Европанинг етакчи корпорациялари учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. 60-йилларда мамлакат Президенти бўлган Зин Ал Абидин Бен Али ўз нутқларининг бирида “...бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар қаторидан фой олиш учун биз ўзимизнинг иқтисодиётимизни ташқи дунё инвестициялари учун очиқ деб эълон қилдик...” деган эди.<sup>1</sup> Бунда биз мамлакат иқтисодиётига чет эл инвесторларини жалб этишнинг биринчи омили сифатида катта масофага чўзилиб кетган (1300 км.дан ортиқ) денгиз чегараларини кўрсак, иккинчи омили сифатида бу ердаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни кўрамыз. Тунисда мусулмонлар,

---

<sup>1</sup> Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 116-бет.

христианлар, яхудийлар истиқомат қилади. Мамлакатда инсон шахсига нисбатан ҳурмат жуда юқори туради.

Бундай одат қадимги Карфаген замонлардан бери амал қилиб келмоқда. Чунки бу даврда биринчи бўлиб “инсон ҳуқуқлари” деган ибора ишлатилиб, унга амал қилинган. Шунинг учун ҳам Тунисда қонун устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар полициячи ҳужжатларингизни текшириб, у тўғри бўлса, сизга омад тилайди. Агар бирон-бир иш билан мурожаат этсангиз, иложи бориша муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Мамлакатда маҳаллий ва чет эллик кишиларнинг ҳуқуқлари баб-баравар қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Агар чет эллик бирон-бир жиноят содир этса, шу заҳоти ҳисбга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилади. Тунисда наркотик ва психотроп моддалар, қалбаки пуллар ва валюта жиноятлари, фоҳишабозлик билан шуғулланган кимсалар ўта ҳавфли жиноятчи ҳисобланиб, қонун олдида қаттиқ жавобгарликка тортилади.

Тунис аҳолиси мамлакатнинг шимолий-шарқий туманларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келган (умумий аҳолининг 1/3 қисми). Мамлакатнинг жанубий чўл туманларида яшовчи аҳоли эса асосан туя ва эчкиларни боқишади.

80-йилларга келиб мамлакатнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги номутаносиблик (дисбаланс) кескин ўзгарди. Қишлоқ жойларда яшаётган камбағал аҳолининг кўпчилиги иш ва тирикчилик қилиш учун порт шаҳарларига келишди (ҳозирги кунда аҳолининг 54-56 фоизи шаҳар аҳолиси бўлиб ҳисобланади).

Мамлакатда урбанизация жараёнларининг кучайиб бориши билан аҳоли сони ҳам ўсиб борди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакат аҳолиси 2000 йилда 10 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2025 йилда 14 млн. кишига етиши башорат қилинмоқда. Мамлакатда аҳоли сонининг табиий ўсиши билан ишсизлар сони ҳам ортиб бормоқда (90-йилларда ишсизлар сони умумий аҳолининг 15-16 %ни ташкил этган).

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши асосан макро ва микроиқтисодиётдаги кооператив ва шахмий мулкчиликка асосланган шакллари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг бошқа давлатлари каби Тунисда ҳам иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш (ишлаб чиқаришни замонавий техник-технологик жиҳозлаш, модернизация ва интеграциялашувни кучайтириш) талаб этилади. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун мамлакатда макроиқтисодиётни қайта кўриб чиқишнинг иқтисодий



стратегиясини аниқлаб олишни талаб этади. Бу борада тунисликлар ўзларининг авлодлари бўлмиш финикияликларнинг фаолиятларини ҳисобга олиб, савдо ишларини ривожлантира бошладилар. Бунинг натижасида кўпгина тунисликлар бугунги кунга келиб ташқи ва ички савдодан келадиган даромадлари ҳисобига кун кечирмоқда.

Мамлакатда ҳозирги кунда Тунис-Ля Гуллет, Сфакс, Бизерта, Габе ва Сусс каби 5та йирик савдо портлари фаолият кўрсатмоқда. Бу савдо портларининг йиллик юк ташиш айланмаси 15-16 млн. тоннани ташкил этади. Ҳозирги кунда Тунис савдо порти энг замонавий кемалар билан таъминланган бўлиб, унинг балансида 70дан ортиқ кемалар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тунис давлатининг асосий савдо ҳамкори бўлиб, ЕИ мамлакатлари ҳисобланади. 1995 йилда ушбу мамлакатлар билан тузилган ўзаро эркин савдо шартномасига кўра Тунисда ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ЕИ бозорларида ҳеч қандай бож олинмасдан савдога қўйиладиган бўлди. Ўз навбатида ЕИ мамлакатларининг саноат товарлари ҳам Тунис бозорларида божхона тўловларисиз савдо қилинадиган бўлди.

1997 йилнинг сентябрь ойида Тунисда бўлиб ўтган халқаро конференцияда (бунда дунёнинг 600дан ортиқ йирик тадбиркорларининг вакиллари қатнашган эди) Европа Комиссиясининг бош директори Мишель Ван Денъ Абелль ўз нутқида 2010 йилга бориб, ЕИ ва Ўрта ер денгизи хавзасидаги мамлакатлар билан эркин савдо ҳудудини барпо этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бундай эркин савдо ҳудудини ташкил этишнинг асосий мақсади икки минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат эди. Комиссия қарорларини қабул қилиниши эса Тунис мамлакатада йирик эркин иқтисодий минтақанинг ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этди.

90-йилларда Туниснинг макроиқтисодиётдаги асосий кўрсаткичлари қуйидагича бўлган эди: бюджет камомади 6 %дан 3,8 %гача камайиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг нарҳи кўтарилишига қарамасдан инфляция даражаси 4,7 фоизни ташкил этган эди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 93-95 фоизи халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилиб, рақобатбардош маҳсулотларни ташкил этган эди. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 93-95 % товарлар савдоси ва хизматлар кўрсатиш улушига тўғри келган. Экспортнинг йиллик ўртача ўсиши 8-9 %ни

ташқил этиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 87-88 % бозордаги талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқарилган эди. Мамлакатнинг миллий валютаси - 1 динорни 1 АҚШ долларига тенглаштириб, тўлиқ конвертация қилинган.

Макроиқтисодийни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб, ҳаво транспортида юк ташиш кўламининг кенгайиб борганлиги бўлди. Тунисда бта халқаро аэропорт жойлашган бўлиб, йилига ҳаво лайнерлари орқали 6-7 млн.дан ортиқ йўловчи ва 14-15 минг тонна атрофида юк ташилади. Албатта, бундай улкан ишларни амалга ошириш учун йирик капитал қўйилмалар ёи инвестициялар талаб этилади. Бунинг учун мамлакатнинг макроиқтисодийида ташқи савдо ва валюта тизимини эркинлаштириш ва солиқ соҳасида берилган имтиёзлар, ҳуқуқий кафолатлар чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодийида кўплаб кириб келишида муҳим аҳамият касб этади (чет эл инвестицияларининг ҳажми мамлакат иқтисодийида йўналтирилган маблағларнинг 20-22 %ни ташқил этади). Тунис ЕИ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Африка давлатлари билан инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида шартномалар имзолаган. Ҳозирги кунда мамлакат ҳудудида қишлоқ хўжалиги соҳасида, фойдали ерости қазилма бойликларини қазиб олиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида 1600 дан ортиқ чет эл инвестицияси асосида ташқил этилган компаниялар ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатда чет эл инвесторлари учун қуйидаги имтиёзлар яратиб берилган:

1. Капиталига 100 фоиз эгалик қилиш ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқ икки ҳолат, яъни ички бозорда қўйилган чет эл капиталининг ҳажми 50 фоиздан ошганда ёки ерни узок муддатга (40 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) ижарага олмоқчи бўлганда капитал қўйилмаларни тўлдириш талаб этилади.

2. ЭИХнинг иштирокчисини фаолияти экспорт маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, уларга нисбатан қуйидаги имтиёзлар белгиланди:

- экспорт қилинган маҳсулотдан олинган даромади 10 йил мобайнида солиқдан озод этилиб, кейинги 11 йилдан бошлаб эса 50 % миқдорида даромад солиғини тўлаши;

- қайтадан реинвестиция қилинган фойда ва даромадлар тўлиғича солиқдан озод этилиши;

- хомашё тўплаб, уларни яримтайёр маҳсулотларга айлантириш билан шуғулланган хизматлар соҳаси тўлиғича солиқ ва бошқа турли йиғимлардан озод этилиши;

3. Акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан олинган фойда тўлиғича солиқдан озод этилиши;

4. Нью-Йорк конвенцияси томонидан белгиланган иккиёқлама солиққа тортмаслик, инвестицияларни ва моддий манфаатдорликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома ва ҳукувий бузилишлик ҳолатлари рўй берган тақдирда арбитраж судига мурожаат этиш имтиёзлари ҳам белгиланди.

Тунисда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга тўғридан-тўғри жалб қилиш мақсадида хорижий инвестициялар билан шуғулланувчи махсус агентлик (The Foreign Investment Promotion Agency – FIPA - Tunisia) жорий этилди. Бундан ташқари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун инвестиция киритадиган тадбиркорлар учун эса саноатни ривожлантиришга ёрдам бериш агентлиги (Agency for the Promotion Industry – APL) ҳам ташкил этилди.

Мамлакатга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми тўқимачилик ва терини қайта ишлаш саноат тармоқларига, шунингдек электр ва электрон маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб қилинади. Тунис ЭИҲда фаолият кўрсатаётган 1200дан ортиқ компанияларнинг 1056таси экспортга маҳсулот ишлаб чиқариб, улар мамлакатда жорий этилган барча имтиёзлардан кенг фойдаланишади. Бу компаниялар ҳиссасига 500 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестициялар тўғри келади.

Тунис мамлакатада кишлоқ хўжалиги асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. 1998 йилда бу соҳада 90дан ортиқ хорижий инвесторлар билан шерикчиликда қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 44таси тўла қувват билан фаолият кўрсатиб турибди. Тунис иқтисодиётига Саудия Арабистони 42,2 %, Қувайт – 18,9 %, Франция – 11,5 % атрофида инвестициялар киритаётган бўлса, бошқа мамлакатлар ҳиссасига эса 27,4 % инвестициялар тўғри келади.

Тунисда туризм соҳаси ҳам инвестицияларни жалб қилувчи асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда туризмни ривожланишига ҳаттоки Президентнинг ўзи Бень Али ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Араб географлари ҳам ўз даврида Тунис, Жазоир ва Марокашни “куёш ботаётган юрт ороллари” деб баҳо беришган эди. Ҳақиқатдан ҳам бу давлатлар шимолдан Ўрта ер

денгизи сувлари билан, жанубдан эса Саҳрои Кабирнинг кумлоқ чўллари либ турганлиги учун ҳам бу мамлакатлар океандаги оролларга жуда ўхшаб кетади. Бундан ташқари бу мамлакатлар ичида Тунис географик жиҳатдан жуда қулай жойлашганлиги, юмшоқ иқлими, қадимги финикияликлар, римликлар, византияликлар ва французлардан мерос бўлиб қолган моддий маданияти туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Туризм соҳасидан келадиган маблағларнинг миқдори бўйича Тунис Африка давлатлари ичида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келади.

Тунисда ишлаб чиқарган миллий маҳсулотларнинг 50-55 фоизи туризм тармоғига тўғри келади. Чунки, мамлакатга жаҳоннинг турли давлатларидан йилига 4 млн.дан ортиқ турист келади. Агар туризмда банд бўлган кишилар сони 450 минг кишини ташкил этса, уларнинг 300 мингга яқини туризмга алоқадор бўлган соҳаларда хизмат қилади. Туризмдан келадиган чет эл валютаси Тунис мамлакати экспортининг асосини ташкил этади. Лекин мамлакат фуқароси йил давомида 500 динорни долларга алмаштириш ҳуқуқига эга холос.

Туризм соҳасида ҳам давлат мулки билан хусусий мулкчилик шакллари ўзаро алоқадорликда фаолит кўрсатади. Туризм вазирлиги билан Туризм бўйича миллий департамент халқаро майдонда асосан туризмни реклама қилиш масалалари билан шуғулланади. Шунингдек ушбу давлат ташкилотлари Тунис ва Сфакс шаҳарларида кўшимча музейларни қуриш ва диққатга сазовор бўлган қадимги ёдгорликларни сақлаш ва реконструкция қилиш каби вазифаларни ҳам бажаради. Хусусий инвесторлар эса туристларга хизмат қилиш, ётоқхона ва меҳмонхоналарни қуриш ишлари билан шуғулланишади. Уларнинг ёрдамида Набель, Хаммамет шаҳарларида ва шунингдек мамлакатнинг Жерба оролида замонавий дамолиш зоналари қурилган бўлиб, уларда дам олаётган туристларга сервис хизматлари кўрсатилмоқда.

Туризм мамлакатнинг ички ҳудудларига киритиш лойиҳалари устида ҳам жадал ишлар олиб борилмоқда. Биринчи навбатда туристларни мамлакатнинг шимолий туманлари бўлиб ҳисобланган Табарка шаҳрига, йирик диний марказлари бўлган Дугга ва Кайруан шаҳарларига ва Саҳрои Кабирнинг экзотик районларига (асосан ғорларда яшовчи троглодитларнинг яшаш турмуш тарзини ўрганишга) жалб этиш кўзда тутилган.

1989 йилда Тунис давлати ЕИ мамлакатлари билан эркин савдо ҳудудини ташкил этишни кутиб турмасдан чет эл инвесторларини

иқтисодиётга кўплаб жалб этиш мақсадида “Тунис – эркин иқтисодий ҳудудлари” тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу қонун асосида туризм, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида (айниқса, балиқчиликда), электроника, машинасозлик саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бир қатор имтиёзлар берилди. Тунисда қабул қилинган бу қонун Греция ва Йордания давлатларида амал қилаётган қонунлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва хизмат турларини экспорт қилувчи халқаро савдо компаниялари ҳам имтиёзли солиқлардан фойдаланилган ҳолда фаолият кўрсатишга руҳсат этилди.

Қонун қабул қилингандан сўнг мамлакат маъмурияти иккита ЭИХ ташкил қилинганлигини эълон қилди. Биринчиси мамлакат пойтахтидан унчалик узоқ бўлмаган Бизерт шаҳрида йирик халқаро порт ташкил қилинган бўлса, иккинчиси эса мамлакатнинг жанубида жойлашган Жарба оролига яқин бўлган Зарзис шаҳрида ташкил этилди. Бу ЭИХларда 2000-2010 йилларга бориб 8-9 минг иш жойлари яратилиб, экспорт қилинган маҳсулотлардан 140-142 млн АҚШ доллари атрофида фойда олиниш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда Бизерт ЭИХ ўзининг ривожланиш даражаси бўйича Шимолий Африкадаги французларнинг Гибралтари билан беллаша оладиган ҳудудлардан бирига айланганлигини кўраимиз.

Тунис мамлакатининг “Тунис – ЭИХлари” тўғрисидаги қонуни резидент ёки норезидент инвесторларнинг фойда олишлари учун имтиёзлар яратиб берди. Инвестицияни макроиқтисодиётнинг барча тармоқларига киритиши учун уларнинг устав фондидаги миқдори 50 % дан ошган бўлиши инвестициялар бўйича Олий комиссиянинг тасдиғидан ўтган бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари ЭИХда имтиёзлар қўлланилиши учун фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг бошқарувчиси билан миллий иқтисодиёт вазири ўртасида шартнома тузилиб, у инвестициялар бўйича миллий қўмита томонидан тасдиқланиши лозим. Бу шартномада томонларнинг иқтисодий зонада фаолият кўрсатиши мобайнидаги мажбуриятлари кўрсатилган меморандум илова қилиниши лозим. Меморандумда томонларнинг мажбуриятларидан ташқари мамлакатнинг хавфсизлиги, инсонларнинг соғлиғига хавф солувчи маҳсулотларни ишлаб чиқармаслик, мамлакат экологиясига зарар келтирувчи фаолият билан шуғулланмаслик тўғрисида бошқарувчи огоҳлантирилган бўлиши керак. Қонунда шартнома ва

меморандумдан ташқари компаниянинг низоми ҳам бўлиши кўриб ўтилган.

Тунис мамлакатининг ЭИҲларида норезидент компаниялар учун ер сотиб олишга рухсат этилмайди. Норезидент компаниялар ерни фақатгина ижарага олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириши мумкин. Бироқ, улар ерни мулк сифатида сотиб олиши учун ўлка губернаторининг махсус қарорини олган бўлиши талаб этилади.

Мамлакатда солиқ имтизларининг асосий қисми ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 100 фоизи экспортга ва чет элларда хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхоналар учун қўлланилади. Лекин бундай корхоналар ҳам мамлакат ҳудудида қуйидаги солиқларни тўлаб туриши талаб этилади:

- енгил автомобилларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ тўловларни;

- йўл транспорти учун тўланадиган умумий солиқ тўловларини;

- атроф-муҳитни тозалаш билан боғлиқ бўлган солиқ тўловларни;

- табиий бойликларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ тўловларни;

- қонунда кўрсатилган хизматларнинг самарадорлиги учун тўланадиган солиқ тўловларни;

- ижтимоий суғурта учун солиқ тўловларни (чет эллик резидентлар мамлакатда ўз фаолиятини бошлашдан олдин Тунисда амал қилаётган ижтимоий-суғурта тўловларидан воз кечишлари ҳам мумкин. Бу ҳолда улар Туниснинг ижтимоий-суғурта тўловларидан озод этилиб, ўз мамлакатада ушбу солиқ тўловларни амалга ошириши ҳам мумкин);

- жисмоний шахслардан экспортни 50 %дан камайтиргани учун даромад солиғини тўлаши (Тунисда даромад солиғининг бу тури компания ташкил этилгандан сўнг 10 йил ўтгандан сўнг озод этилиши мумкин);

- фойда (даромад) солиғидан биринчи 10 йилликда озод этилиши. Кейинги йилларда эса қонунда кўрсатилган тартибда тўлаб бориши талаб этилади.

Мамлакатда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар тўлиғича норезидентларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Бунда уларнинг импорт маҳсулотларининг тушумидан 66 %и эркин

алмаштириладиган валюта қийматини ташкил этса, бу компаниялар учун барча турдаги ишлаб чиқариш воситаларини импорт қилиш учун руҳсат этилади. бундай компаниялар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотининг экспорт қилинган қисми билан тенг нисбатни ташкил этган импорт қисмини мамлакат территориясида сотиш учун ҳам руҳсат этилади. Лекин бу нисбат умумий товар айланмасининг 20дан ошиб кетмаслиги шарт.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ва балиқчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг асосий қисми экспорт учун йўналтирилган компания ҳисобланади. агар бундай компаниялар етиштирган маҳсулотининг 70 %ни мамлакатдан ташқарига экспорт қилса, маҳсулотнинг қолган қисмини ўзларининг ички бозорларида сотиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Экспорт қилинган маҳсулотлар халқаро савдо коидалари ва ЭИҲлар тўғрисидаги қонун асосида амалга оширилади.

Экспортга йўналтирилган компаниялар Меҳнат вазирлигини огоҳлантирган ҳолда ўзларининг штатлари бўйича норезидент бўлган 4 кишини ишга олиши мумкин. Чунки, мамлакатда ташкил этилган ҳар бир корхона биринчи навбатда резидентларни иш билан таъминлашлари лозим. Норезидент кишиларни ишга қабул қилиш Меҳнат вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Экспортга йўналтирилган компания маъмурияти қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- компания хизматчиси йил давомида олган ялпи даромадидан (табақалаштирилмаган ҳолда) 20 фоиз миқдорида даромад солиғини тўлайди;

- божхона тўловлари ва импорт қилинган товарлар учун тўловлардан ҳарп бир хизматчиси учун бир йўловчи автомобилени импорт қилишдаги божхона тўловларидан тўлиқ озод қилинади.

Тунисда фаолият кўрсатаётган ушбу компанияларни назорат қилиш ишлари асосан ваколатли ҳукумат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Чунки, компаниянинг фаолияти қонунда кўрсатилган талабларга жавоб бермоғи лозим. Бундан ташқари компаниялар доимий равишда божхона кўригидан ўтиб туришлари керак.

Тунис ЭИҲларида фаолият кўрсатаётган резидент ва норезидент компаниялар ўрнатилган валюта режимига тўлиқ амал қилиши талаб этилади. экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар ишлаб чиқарилган маҳсулотларини чекланмаган миқдорда четга чиқариши

ва хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин. Бундан ташқари бу компаниялар ўз маҳсулотларини ва шунингдек хизматларини экспортга йўналтирилган компанияларга сотишлари ҳам мумкин.

Тунисда ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан фаолият кўрсатувчи компаниялар ҳам мавжуд бўлиб, бундай компанияга қуйидаги солиқ имтиёзлари берилган:

- қўшимча қиймат ва маҳсулотларни экспорт қилиш даврида истеъмол қилинган товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар учун тўланадиган солиқлардан озод этилади;

- жисмоний шахслар учун даромад солиғи бирмунча камайтирилиб, фойда солиғи биринчи ўн йилликда (операция ўтказилган кундан бошлаб) 50 фоиз миқдорида амалга оширилади;

- хомашё маҳсулотларни ёки импорт қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тўланган маблағларнинг миқдоридан божхона тўловлари компенсация қилинади;

- ишлаб чиқариш учун олиб кирилган асбоб-ускуналарнинг қуввати ва уларнинг экспорт салоҳиятига қараб божхона тўловлари компенсация қилинади;

- импорт товарларни қайта ишлашга ёки реэкспорт қилинишига руҳсат берилиб, депозитга катта миқдорда маблағларни қўйишга руҳсат этилади.

Мамлакатда экспортга маҳсулот чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи барча компаниялар рўйхатдан ўтиш учун Молия вазирлигига инвестиция қилишнинг шакли, режаси ва тартиби кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқаришнинг мақсади, тузилиш шартномаларини, ҳуқуқий шакли, чет эллик инвесторларнинг даражаси, лойиҳани кучга кириш муддати ва иш жойларини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Тунис ЭИҲда инвесторлар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва балиқчилик хўжалиги билан шуғулланувчи компанияларга ўз эътиборини қаратишади. Ушбу соҳалар учун 500 минг динордан 1 млн. диноргача инвестиция киритиш миқдори белгилаб қўйилган. Хўжаликнинг шуб соҳаларига инвестиция киритмоқчи бўлган тадбиркорлар турли хил кўринишдаги “давлат грант”лари (яъни қайтириб олинмайдиган ёрдамлар) ҳам берилган. Бу ёрдам маблағларининг миқдори қуйидагича бўлиши мумкин:

- инвестиция гранти лойиҳани умумий баҳосининг 6 % миқдорида бўлиши;



- лойиҳани кучга киритиш жараёнида Давлат гранти лойиҳанинг 1 % миқдорида (5 минг динар атрофида) бўлиши.

Туристлик фаолият учун инвестиция киритмоқчи бўлган инвесторларга қуйидаги тартибда Давлат грантлари белгилаб қўйилган:

- туристик лойиҳа учун 6 % миқдорида Давлат инвестиция гранти;

- лойиҳага киритилаётган ташқи инвестициянинг 1 % миқдоридаги (50 минг доллар атрофидаги) Давлат гранти.

Мамлакатда бундай “грант”ларнинг берилиш тартиби Молия вазирлиги томонидан 3 босқичда амалга оширилади:

1-босқич. Лойиҳанинг бошланғич даврида “грант”нинг 40 %и;

2-босқич. Лойиҳага қўйилган инвестиция маблағининг 60 %и ўзлаштирилгандан сўнг 40 фоиз;

3-босқич. Ишлаб чиқариш қуввати тўла ўзлаштирилгандан сўнг 20 %.

Давлат грантини олиш учун даъвогар компаниялар аризада кўрсатилган тартибда маълумотномани тақдим этишлари шарт.

Тунис иқтисодиётининг барча тармоқларидаги ҳисоб-китоб ишларини олиб бориши учун банк тизими ташкил топган. Пул-кредит ва монетар сиёсатни олиб бориш учун Марказий банк ва тижорат банкларининг фаолияти халқаро стандартларга жавоб беради. Бу банklar томонидан инвесторларнинг иқтисодиётга киритган маблағларининг 70 %и узоқ муддатли кредитлар (10-15 йилга – йиллик устама фойда 3 %) бериш шаклида амалга оширилади.

Тунис ЭИХларининг фаолиятида ҳам бир қатор муаммоларни кўришимиз мумкин. Жумладан, Иордания ва Греция усулларига асосланган ҳолда Тунис ЭИХларини фаолият юритиши бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Иордания маҳсулотлари араб давлатларининг бозорларини деярли эгаллаб олган. Бу эса ўз навбатида Тунис компанияларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифати анча пастлигидан (рақобатбардош эмаслигидан) дарак беради.

Тунисда уй-жой қурилиш ишларига ҳам бирмунча кўпроқ капитал қўйилмаларни қўйиш талаб этилади. Мамлакатга биринчи бор ташриф буюрган турист минглаб битирилмаган уйларни кўриб хайрон қолиши мумкин. Чунки, ҳар бир қурилиш эгаси ўзига хос амалий меъморчилик мўъжизасига эга бўлган уй-жой қуришга интилади. Шундай қилиб, мамлакатда ЭИХларни ташкил этиш

эндигина шаклланиб келаётган бўлсада, шунга қарамасдан Бермуд, Кайман ва ҳоказо ороллардаги ЭИХлар каби Тунис ЭИХларига ҳам чет эл инвесторларининг қизиқишлари ортиб бормоқда.

### **3.8. Панама эркин иқтисодий ҳудудларини ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари**

Жанубий Америкада фаолият кўрсатиб келаётган эркин иқтисодий ҳудудларнинг орасида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири Панама эркин иқтисодий ҳудудидир. Панама ЭИХнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ердаги ҳудудларнинг барчаси ташқи савдо ҳудудлари хусусиятига эгалигидир. Чунки, бу ерда Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг катта Гонгконгдан кейинги иккинчи ўринда турувчи Колон ташқи савдо ҳудуди жойлашган. Колон ташқи савдо ҳудуди 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг умумий майдони 485,3 гектарни ташкил этади. Агар Панама канали йил давомида мамлакат бюджетига 400 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда келтирса, Колон эркин иқтисодий ҳудуди йилига 10 млрд. АҚШ доллари миқдорида фойда келтиради. Колон ташқи савдо ҳудудига Панама мамлакати ЯИМнинг 13-14 фоизи тўғри келади. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда 15 мингдан ортиқ иш жойлари мавжуд бўлиб, шу билан бир қаторда билвосита 100 мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаши ҳам мумкин.

Панама эркин иқтисодий ҳудудида 1600дан ортиқ компаниялар ташкил этилган бўлиб, уларнинг барчаси ўз фаолиятини бошлашдан олдин Панама мамлакатининг миллий давлат реестридан ҳуқуқий шахс сифатида қайд этилган. Америкада ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларга кира олмаган чет эл фирмалари бу ҳудуддан воситачи ҳудуд кўринишида фойдаланишади ҳолос. Колон эркин иқтисодий ҳудудида келган фирмаларнинг 93-95 фоизи асосан савдо қилиш ёки товар сотиб олиш учун келишади. Шунинг учун ҳам йил мобайнида ушбу ҳудуддан 120 мингдан ортиқ юкли контейнерлар ташилади. Товарлар асосан Гонгконг, Хитой, Тайвань, Таиланд, Филиппин ва Индонезия мамлакатларидан импорт ёки экспорт қилинади. Колон иқтисодий ҳудудида нафақат товарлар савдоси, балки ишлаб чиқариш хизматлари (товарларни бўяш, ўраш, қутиларга жойлаш кабилар) ҳам кўрсатилади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

Колон эркин иқтисодий ҳудуди орқали реализация қилинган товарлар божхона ва бошқа солиқ тўловлардан озод қилинади. Экспорт учун солиқ фақатгина Панамада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки бўлмаса бу ҳудудда қўшилган қиймат учун тўланади. Муниципиал ва сотишдан келадиган тушум учун солиқлар тўлаш бу ҳудудда амал қилмайди. 1995 йилга қадар даромад солиғининг дифференциал ставкалари 15 минг долларгача 2,5 фоизни, 100 минг долларгача эса 8,5 фоизни ташкил этган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга жўнатилган ва 30та панамаликни иш билан таъминлаган компаниялар 5 йил мобайнида солиқлардан озод этилган. 1995 йилдан кейин Панама ЭИХда даромад солиғи 8,5 фоиздан 15 фоизгача кўтарилди. Бундан ташқари 8,5 минг доллардан юқори амалга оширилган ҳар бир операция учун олдиндан маблағ тўлови (солиқ тўлови) жорий этилди. Бироқ, ушбу чора-тадбирлар кичик фирмаларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг молиявий жиҳатдан синишига ва иқтисодий ҳудуддан кетиб қолишига сабаб бўлган эди. Шунинг учун мамлакат парламенти Колон иқтисодий ҳудуд маъмуриятига 1997 йилдан бошлаб иқтисодий ҳудуддаги хўжалик субъектларини барчасини солиқ тўловларидан озод қилинганлигини маълум қилди. Албатта, бу тадбир мамлакат бюджетига йилига 40 млн. АҚШ доллари миқдорида йўқотиш келтирса ҳам, ҳудуддаги барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ҳукумат мазкур йўлни танлашга мажбур бўлиб, 1948 йилда қабул қилинган Колон эркин иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритган эди (3.2-жадвал).

### 3.2-жадвал

#### “Колон” ЭИХнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари (млрд. доллар)

Кўрсаткичлар	1993 йил	1995 йил	1997 йил	1993 йилга нисбатан % ҳисобида
1. Товар айланмаси	9,6	10,6	10,9	113,5
2. Импорт	9,5	4,9	5,2	115,5
3. Рэспорт	5,1	5,7	5,7	111,8

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.127-бет.

3.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1993-1997 йилларда Колон эркин иқтисодий ҳудудида товар айланмаси 113,5 фоизга, яъни 0,3 млрд. долларга кўпайди. Реэкспорт қилинган товарлар, яъни яримтайёр маҳсулотларни олиб кириб, тайёр маҳсулот сифатида экспортга жўнатиш ҳажми эса 111,8 фоизга ёки 0,6 млрд. долларга кўпайди.

Панама ЭИХда ўсиш динамикаси товар айланмаси бўйича 1993-1995 йилларда, 90- йилларга нисбатан кўпроқ бўлганлиги яъни 1,0 млрд. долларга кўпайганлиги кузатилди, 1995-1997 йилларда эса 0,3 млрд. долларга яъни 1993-1995 йилларга нисбатан 0,7 млрд. долларга камайганлигини кўрамиз. Бундай камайишнинг асосий сабабларидан бири 1995 йилдан бошлаб киритилган даромад солиғи ва тўловларнинг бирмунча кўпайганлигидир, чунки бу даврда корхоналарнинг товар айланмаси бироз камайиб, бошқа ЭИХларга ўтиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилган.

Панамада нафақат эркин савдо ҳудудлари, балки замонавий техника-технология асосида ишлайдиган эркин ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил этиш тўғрисида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ана шундай тадбирлар жумласига 1993 йилда Сан Мигелито шаҳрида эркин ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш тўғрисидаги қонунни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

### **Панама эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган банк ва кредит муассасалар**

Халқаро ҳамжамиятга кирувчи давлатларнинг кўпчилик ишбилармон- тадбиркорлари Колон эркин иқтисодий ҳудуди ва шунингдек мамлакатдаги Халқаро банк маркази деб номланган сервис иқтисодий ҳудудларни алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишини билишмайди. Панамада фаолият кўрсатаётган банклар учун «марказ» сўзини қўллаш бирмунча нотўғри бўлиши ҳам мумкин, чунки банклар бир ҳудудда ёки бир иқтисодий туманда йиғилиб фаолият кўрсатмайди. Чет эл банкларининг мамлакатда рўйхатдан ўтганлари эса эркин иқтисодий ҳудудларда ёки мамлакат маркази ва бошқа шаҳарларда фаолият кўрсатиши мумкин.

1970 йилда мазкур банк ва кредит муассасалари фаолиятини назорат қилиш учун Панамада Миллий банк компанияси ташкил топди. Ушбу компания томонидан мамлакатда фаолият кўрсатиб келаётган барча банкларга «Банклар» тўғрисидаги қонунга асосан қуйидаги 3 турдаги лицензия бериладиган бўлди.

1. Бош лицензия. Ушбу лицензияга эга бўлган банклар барча турдаги операцияларни бажариш ҳуқуқига эга бўлди.

2. Халқаро лицензия. Ушбу лицензияга эга бўлган банклар асосан хорижий мижозларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Вакиллик лицензия. Бундай лицензияга эга бўлган банкларнинг ўзи мижозларга хизмат кўрсатмасдан, балки эркин иқтисодий ҳудуддаги хўжалик субъектларига бошқа банклар орқали хизмат кўрсатишда воситачилик қилиш ҳуқуқи берилди.

Юқорида қайд этилган лицензияларга эгалик қилувчи банкларнинг вакиллик варақалари ҳуқумат раҳбарияти томонидан огоҳлантирилмасдан очиб ёки ёпиб қўйилиши ҳам мумкин. Ушбу банклар томонидан активлар ва дивидендларнинг ўтказилиши чегараланмайди ва маблағларни мажбурий равишда депонентлаштирилмайди. Бунда ташқи операциялар учун солиқ тизими қўлланилмайди (фойда солиғи 8 фоизни ташкил этган ҳолда). Панама ЭИХдига хорижий инвесторларни жалб этувчи яна бир омиллардан бири тўловларнинг барчаси АҚШ доллариди амалга оширилишидир, миллий валюта ҳисобланган бальбао кўпчилик ҳолларда нумизматик характерга эга бўлиб қолган ҳолос.

Панама эркин иқтисодий ҳудудида хусусий банк очиш учун Миллий банкда фаолият кўрсатиб келаётган комиссия томонидан 90 кунга бериладиган вақтинчалик руҳсатнома бўлиши талаб этилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг эса доимий лицензия берилди. Банкларнинг минимал устав капитали қонун бўйича одатда 1 млн. АҚШ доллари атрофида бўлиши кўрсатилган бўлсада, амалда эса 3 млн. доллар атрофида бўлиши талаб қилинади. Панамада ташкил этилган чет эл банклари Миллий банк томонидан қаттиқ назорат қилиб турилади. Улардан ҳар ойда ўзларининг активлари ва даромадлари тўғрисида ҳисобот бериб туриши ва шунингдек 10 минг доллардан юқори бўлган банк операциялари ва депозитлар тўғрисида маълумотларни ўз вақтида бериб боришлари талаб этилади.

80-йилларнинг бошларидаёқ Панама эркин иқтисодий ҳудуди халқаро майдондаги йирик молиявий марказлардан бирига айланган эди. Чунки, бу вақтда мамлакатда 40 млрд. доллар капиталига эга бўлган 110дан ортиқ йирик банк марказлари, 30га яқин мамлакатларнинг авуарлари<sup>1</sup> ҳамкорликда фаолият кўрсатган эди. Бироқ 80-йилларнинг иккинчи ярмида Панама банклари Америка ҳуқуматининг олиб борган иқтисодий сиёсати оқибатида оғир

<sup>1</sup> Авуарлар – банк активлари ва пул маблағлари.

қийинчиликларни бошдан кечира бошлади. АҚШ ҳукумати ўз ҳудудида жойлашган Панама банкларининг авуарларини қаттиқ сиқувга олиб, икки ой мобайнида ёпиб қўйган эди. Бунинг оқибатида банк активлари 11 млрд. долларга камайиб, баъзи бир банклар эса ҳатто ўз фаолиятини мутлақо ёпиб ҳам қўйган эди. Лекин бундай ҳолатларга қарамадан Панама эркин иқтисодий ҳудудидан банкларнинг оммавий равишда кетиб қолиш ҳолатлари учрамади.

90-йилларнинг бошида ушбу молиявий марказлар ўз фаолиятини яна тиклай бошланди. Активларнинг йиллик ўсиши йилига 16,5 %ни ташкил этди. Банклар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ялпи миллий маҳсулотнинг 15 фоизини таъминлади. Лекин, банк активлари бу даврда 1982 йилги рекорд даражасига етмаган, яъни 35 млрд. доллардан ошмаган эди. Мамлакатда миллий банкларнинг активларини ўсиши характерли хусусиятга эга бўлиб, 8,5 млрд. долларни ташкил этган.

90-йилларнинг охирида Панамада 106та хорижий банклар фаолият кўрсатиб, уларнинг 60таси бош лицензияга, 28таси халқаро лицензияга ва 18таси эса вакиллик лицензияга эгалик қилишган. ЭИҲларда фаолият кўрсатадиган банкларнинг активлари мамлакатдаги умумий банкларнинг 2/3 қисмини ташкил этиб, активларнинг 27 фоизи ликвидли, 61 фоизи эса ташқи ва ички мижозларнинг заёмларига, 6 фоизи эса инвестицияларга йўналтирилган.

Панама эркин иқтисодий ҳудудининг яна бир характерли хусусияти шуки, чет эл кемаларини Панама мамлакати регистрдан (рўйхатдан) ўтиб, мамлакат байроғи остида юк ташиш ишларига жалб этилишидир. Бу кўрсаткич бўйича Панама жаҳон мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллайди. 90-йилларнинг охирида мамлакатда 13541 кема рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улар томонидан ташилган юкларнинг умумий ҳажми 95 млн. тоннани ташкил этган. Мамлакат бюджетига эса 50 млн. АҚШ доллари атропофиди соф фойда келиб тушган.

Мавжуд кемаларнинг 36 %и япониялик ишбилармонларга тегишли бўлган. Чунки бу ерда олинган даромад солиқдан озод қилинади. Бундан ташқари Панама географик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган. Яъни, ушбу ҳудудда Тинч океанини Атлантика океани билан боғловчи Панама канали жойлашган. Ушбу каналдан жаҳоннинг барча мамлакатларининг юк ташувчи кемалари ўтади. Шунинг учун ҳам бу портларда юкларни ўраш, сақлаш, маркировка

қилиш ва ортиб жўнатиш каби хизматлар кўрсатиш инфратузилмаси юксак даражада ривожланган. Ушбу канал орқали ҳозир кунда йилига 1337000 нетто тонна юк олиб ўтилади.

Мамлакатда кемаларни рўйхатдан ўтказиш асосан денгиз кемалари тўғрисидаги халқаро конвенциялар асосида амалга оширилади. Панамада кемаларни рўйхатдан ўтказиш, кемаларнинг юк кўтара олиш ва ташиш қобилиятлари ҳисобга олинмасдан, балки уларнинг эскириш қобилияти рўйхатга олинади. Масалан, 20 йил муддатга хизмат қилувчи кемалар ўтказилиб, улардан камроғи эса махсус муттахасислар кўригидан ўтади.

Шундай қилиб, Панама давлатида жойлашган ЭИХлар ва молиявий банк марказлари, савдо ҳудудлари ва юк ташиш хизматлари мамлакат иқтисодиётида муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу мамлакатда яратилган қулай имтиёзлар алатта халқаро майдонда кенг фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорларни эътиборини ўзига тортмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам жаҳон хўжалигига кириб боровчи кўплаб давлатлар Панама ЭИХлари тажрибасидан самарали фойдаланиб, ўз иқтисодиётини ривожлантириб бориши муҳим аҳамият касб этмоқда.

### **Хулоса**

Буюк Британия территориясида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизимида жорий этилган қонун-қоидалар жаҳон иқтисодиётида энг такомиллашган тизимлардан бири бўлиб, ушбу қонун-қоидалар, айниқса оффшор ҳудудларни ташкил топиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Буюк Британияда фаолият кўрсатаётган олди-сотди, ишлаб чиқариш, бошқариш, маслаҳат бериш, маркетинг ва савдо компаниялари бир қатор афзалликларга эга ҳисобланади. Айниқса, иккиёқлама солиққа тортилмаслик тўғрисидаги Европа Иттифоқининг 1990 йил 23 июлдаги «Бош компаниялар ва филиаллар» тўғрисидаги директиваси муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда солиққа тортилишнинг ҳар бир имтиёзли варианты махсус ҳужжатлар асосида бошқариб турилади.

Буюк Британия қиролиги таркибига кирувчи ЭИХларга Белиз мамлакатада 1994 йилда ташкил этилган Коросаль эркин савдо зонасини, Мэн иқтисодий эркин оролини, Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудудини, Британ – Виргин ороллари, Науру эркин иқтисодий ҳудудини мисол қилиш мумкин.

Шимолий Африкада кулай географик жойлашган Тунис Республикаси 1956 йил 20 мартда мустақилликка эришгач, эркин савдо портларини ташкил қилди. Ҳозирги кунда Тунис-Ля Гуллет, Сфакс, Бизерта, Габе ва Сусс каби 5 та йирик савдо портлари фаолият кўрсатмоқда. Бу савдо портларининг йиллик юк ташиш айланмаси 15-16 млн. тоннани ташкил этади. ЭИҲларнинг фаолияти “Тунис – ЭИҲлари” тўғрисидаги қонун асосида тартибга солинади.

Жанубий Америкада фаолият кўрсатиб келаётган эркин иқтисодий ҳудудларнинг орасида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири Панама ЭИҲлари бўлиб, бу ерда ОТМдаги энг катта Гонгконгдан кейинги иккинчи ўринда турувчи Колон ташқи савдо ҳудуди жойлашган. Колон ЭИҲ ҳудуди орқали реализация қилинган товарлар божхона ва бошқа солиқ тўловлардан озод қилинади. Унинг характерли хусусияти шуки, чет эл кемаларини давлат регистрдан ўтиб, мамлакат байроғи остида юк ташиш кўрсаткичлари бўйича Панама жаҳон мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллайди.

### **Таянч иборалар:**

Солиқлар тизими, корпорациялар, акциядорлар, “Молия” қонуни, холдинг компаниялар, Белиз эркин иқтисодий бизнес маркази, Мэн эркин иқтисодий ҳудуди, резидент ва норезидент компаниялар, Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудуди, суғурта компаниялар, халқаро бизнес компаниялар, Британ-Виргин ЭИҲ, Науру ЭИҲ, Панама ЭИҲ.

### **Назорат учун саволлар**

1. ЭИҲларни ташкил этишнинг Буюк Британия усулини мазмуни нимадан иборат?
2. Белиз эркин иқтисодий бизнес марказининг фаолиятини тавсифлаб беринг.
3. Мэн эркин иқтисодий ҳудудининг ривожланиши қандай хусусиятларга эга?
4. Бермуд эркин ўз-ўзини иқтисодий бошқариш ҳудудини ривожланишининг ўзига хос томонларини очиб беринг.
5. Британ-Виргин ва Науру ЭИҲлари фаолиятининг хусусиятларини характерлаб беринг.
6. Тунис ЭИҲларини ривожланишида хорижий инвестициялар қандай ўрин тутуди?



## **4-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА МАЛЬТА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДИНИНГ КОМПАНИЯ ВА БАНКЛАРИ**

### **4.1. Мальта эркин иқтисодий худудида денгиз флоти кемаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби**

Мальта давлати Ўрта ер денгизининг марказий қисмида жойлашган оролардан бири бўлиб, барча денгиз йўлларининг кесишган қисмида жойлашган. Унинг географик жihatдан қулай жойда жойлашганлиги оролни йирик халқаро савдо марказларидан бирига айланишига олиб келди. Мальта оролида ҳунармандчилик ташкил топди, денгиз флотларга кенг кўламда хизмат кўрсатиш ишлари ривожланди. Статистик маълумотларга кўра, Мальта чет эллик кемаларни рўйхатдан ўтказиш борасида жаҳонда биринчи ўнликка киради. Ортиб жўнатилган товарларнинг умумий миқдори 2007 йилда 1987 йилга нисбатан 8-9 баробар ўсган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Мальта ҳукумати денгиз товарайланмасида ўз обрўсини сақлаб туриш учун кемаларга сервис хизматларини кўрсатиш, эксплуатация қилиш ва қайд этишни ўз вақтида ва ҳеч бир қийинчиликларсиз ташкил этишни тўғри йўлга қўйган. Мальтанинг денгизда кўрсатадиган фаолияти асосан денгиз маҳкамалари томонидан мувофиқлаштириб турилади. Бу маҳкамалар денгиз марказлари ҳам ҳисобланиб, ўз таркибига маъмурий, ҳуқуқий, солиқ ва инфратузилма фаолиятини бошқариш хизматларини ҳам қўшиб олган.

Чет эллик кема корхоналарини рўйхатдан ўтказишнинг тартиб қоидалари асосан 1973 йилда қабул қилинган «Буюк Британия» қонунчилигига асосланган «Мальта» оффшор зонаси тўғрисидаги қонуннинг 234-моддасида ўз аксини топган, ушбу модда тижорат кема фаолияти тўғрисидаги далолатнома асосида назорат қилиб турилади. Ҳар қандай кема, яъни оддий яхталардан тортиб, нефть ташувчи танкерларга қадар Мальта байроғи остида рўйхатдан ўтказилади, агар бу савдо Мальтада ҳуқуқий ёки жисмоний шахсининг мулки бўлиб ҳисобланса. Кема биринчи маротаба 6 ойга, кейинчалик бу муддат яна 6 ойга чўзилиб тўлиқ ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади. Бундан ташқари кемалар “бербоут-чартер” кўринишида ҳам рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда кема Мальта байроғи остида чет элларда ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

“Мальта” оффшор худудида фаолият кўрсатаётган икки ҳиссадор ва битта компанияни миллати ва фуқаролигидан қатъий назар тайинланган директор бошқариши мумкин. Компанияни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар, яъни компанияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза, кема мальталиқ фуқарога ёки ҳуқуқий шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, мулкдорнинг декларацияси, кеманинг сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотнома ва ҳоказолар талаб этилади. Компанияни доимий рўйхатдан ўтказиш учун эса кеманинг сертификати ва охириги марта рўйхатдан ўтган мамлакат тўғрисидаги маълумотнома талаб этилади.

Компанияни доимий рўйхатдан ўтказиш учун эса кеманинг сертификати, охириги марта рўйхатдан ўтган мамлакатнинг рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотнома, кеманинг Мальта эркин иқтисодий худуди талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат, кеманинг қонуний эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, кемани бошқарувчи команданинг рўйхати, кеманинг вақтинчалик рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар талаб этилади.

Кемани “бербоут-чартер” учун рўйхатдан ўтказишга эса, кема Мальталиқ ҳуқуқий ва жисмоний шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, кема илгари “бербоут-чартер” кўринишида рўйхатдан ўтказилмаганлиги тўғрисида маълумотнома, кемани ижарага олувчининг аризаси, “бербоут-чартер” шартномаси ва декларацияси, рўйхатдан кўчирма, мулк эгасининг ёзма руҳсатномаси, кеманинг яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжат, бошланғич ёки йиллик тўловларни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқалар талаб этилади.

Кема Мальта оффшор худудида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, у иккинчи мажбуриятни гаров вазифасини ҳам ўташи мумкин. Халқаро банклар мальталиқ кемаларни гаров сифатида тан оладилар. Чунки Мальтада гаров тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар худди гаров асосларини кўрсатувчи инглизча усули билан тенглаштирилган. Шу билан бирга гаров асослари Мальтанинг «Фуқаролик» кодекси каби устунликка ҳам эга.

Жаҳон мамлакатларининг кўпчилиқ кемалари Мальта оролида рўйхатдан ўтиб ишлашни хоҳлайди. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, Мальтада кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ташкил этиш учун тўлов миқдорларнинг бошқа

мамлакатларга нисбатан камлиги, иккинчидан, 1000 тонна ва ундан юқори бўлган юкни сувда торта олиш қобилиятига эга бўлган кемаларнинг эгалари ва шунингдек ижарага оувчилар ва молиявий жиҳатдан ёрдам берувчиларнинг барчаси солиқ тўловларидан озод этилади, учинчидан, кема эгасининг миллати. Фуқаролиги ва экипаж аъзоларининг сонига ҳеч қандай талаб қўйилмаслиги, тўртинчидан кема хавфсизлик талабларига жавоб бериши, бенишчидан, акцияларни олиш ва сотиш даврида ҳеч қандай йиғимларнинг йўқлиги, олтинчидан агар кемаларни эксплуатация қилиш корхонаси оффшор компанияга мансуб бўлса, “оффшор компаниялар” тўғрисидаги қонунга асосан турли имтиёзларга эга бўлиши ва бошқалар.

Мальта ЭИХ бир қатор кема хўжаликлари ташкил этиш бўйича халқаро конвенциялар аъзосидир. Мальта кема хўжалигида ишловчиларнинг барчаси даромад ва мерос солиқларидан, акцияларни ва кемаларни сотиш ва ижарага бериш солиқларидан, кемаларни рўйхатдан ўтказиш вақтидаги солиқлардан озод қилиниши билан характерланади.

Мальта оролида иккиёқлама солиқ олинмаслиги тўғрисидаги шартномага эга бўлган давлатларнинг компанияларини рўйхатдан ўтказганда олинадиган солиқлар миқдори янада камайтирилиши кўзда тутилган. Мальта давлати Европа Иттифоқи божхона ҳудудидан ташқарида эканлиги билан ҳам характерланади.

Шундай қилиб, Мальтада кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ташкил этишнинг тўлов миқдорлари жаҳоннинг бошқа мамлакатларига нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари Мальтада бир қатор кема хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларнинг аъзоси эканлиги билан, кема хўжалигида мерос ва акцияларни сотиш ҳамда кемаларни ижарага бериш билан, шунингдек кемаларни рўйхатдан ўтказишда солиқлардан озод қилиниши билан ҳам ажралиб туради.

#### **4.2. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро савдо корхоналари**

1996 йилдан бошлаб Мальта ҳукумати оффшор компанияларни рўйхатдан ўтказишни тўхтатди. Бу тадбирни амалга оширишда илгари ташкил этилган оффшор компаниялар бир қатор муаммоларни, яъни 10 йил муддатга берилган солиқ имтиёзларидан

воз кечиш ёки савдо корхоналарини янги қонун ва қоидалар асосида қайта рўйхатдан ўтказишлари лозим эди. Шундай қилиб, мамлакатда эски анъанавий оффшор корхоналар ўрнида янги Халқаро савдо компаниялари ташкил топди. Халқаро савдо компанияларнинг афзалликлари шундаки, бу компанияларни Мальта территориясидан туриб ҳам ва шунингдек ташқаридан туриб ҳам бошқариш мумкин. Лекин бунда халқаро савдо фаолиятининг бир қатор турлари чеклаб қўйилади. Бу компанияга тегишли бўлган корхоналар Мальта давлатининг фуқаролари билан тадбиркорлик фаолиятини юритишига руҳсат этилмайди. Фақатгина тадбиркорлик фаолияти экспортга йўналтирилган бўлсагина руҳсат этилиши мумкин ҳолос. Бу ҳола бундай қўшма тадбиркорлик халқаро савдо фаолияти деб баҳоланади.

«Савдо фаолияти» деган тушунча бу ўринда фақатгина товар-моддий бойликларнинг олди сотдиси деб эмас, балки фойда келтирувчи барча фаолиятга тегишлидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, банк, суғурта ва траст (ишончли бошқарув) фаолиятлари билан шуғулланишда лицензия асосида олиб борилиши сақланиб қолинган. Халқаро савдо корхонасини рўйхатдан ўтказиш учун «revenue ruling» деб аталувчи «кичик лицензия»ни қўлга киритиш лозим бўлади. Кичик лицензияда корхонанинг қайси фаолият билан шуғулланиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу корхонанинг қайта рўйхатдан ўтганлигини билдиради. Бу лицензия 5 йил муддатда берилиб, кейинчалик эса яна узайтирилиши мумкин. Шу билан бир қаторда «кичик лицензия»га эга бўлган компания икки йил мобайнида мамлакат ҳудудида форс-мажор (фавқулоддаги ҳолатлар – ёнғин, сув тшқини, ер қимирлаш, сиёсий можаролар ва ҳоказолар) ўзгаришлар бўлган ҳолатда ҳам компания ўз мавқеини сақлаб қолиш имкониятига ҳам эга бўлади. Халқаро савдода корхоналарнинг эгаси ким эканлигига қараб, яъни резидент ёки норезидентлигига қараб дивидендлар тақсимланиши ва фойда солиғини тўланишида имтиёзлар берилади. Агар корхона эгаси Мальта фуқароси резидент бўлса, у ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмайди, яъни 35 % фойда солиғини тўлайди. Агар норезидент бўлса, 35 % фойда солиғини тўлаган захотиёқ унинг 7,5 % солиқ тўловчига қайтариб берилади. 2/3 қисми эса кейинги солиқ тўлаш даврида қайтариб берилиши ёки тўланадиган солиқлар ҳисобига қабул қилиниши ҳам мумкин. Бу ҳолда компаниянинг солиқ тўлаш ставкаси  $4,17\%$ ни ташкил этади, яъни  $35 - 7,5 - 23,33 = 4,17$  кўринишда бўлади. Мальта оролида

оффшор компаниялар учун эса солиқ ставкалар 5 % атрофида белгиланган.

Қуйида берилган жадвалда кўришиб турибдики, таққослаш учун учта акциядор танлаб олинган. Биринчи акциядорни шартли равишда биз А деб белгилаймиз. А-акциядор Мальта давлатининг резиденти ҳисобланиб, 10 % акция пакетига эга. Иккинчи акциядорни шартли равишда биз Б деб белгилаймиз, бу акциядор норезидент ҳисобланиб, у 40 % акция пакетига эга. Учинчи акциядорни шартли равишда биз В деб белгилаймиз, бу акциядор Мальта давлатининг компаниясини тўлиғича сотиб олган норезидент ҳисобланиб, у 50 % акция пакетига эга (4.1-жадвал).

#### 4.1-жадвал

#### Мальтада ташкил этилган компанияларнинг турларига қараб солиқ тўлаш ставкасини табақаланиши

№	Акциядорларнинг номланиши	Акцияларни тақсимланиши	Фойданинг тақсимланиши (Лм*)	Солиқ ставкаси %	Тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (Лм)
1	А-резидент акциядор	10	7115	35	2490
2	Б-норезидент акциядор	40	28460	35	9961
3	В-норезидентга тегишли Мальта компанияси	50	35575	35	12451
	Жами		71150		24902

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.71-бет.

Келтирилган 4.1-жадвалдан кўришиб турибдики, жорий йилда компания 7150 Лм. (Лм – Мальта лираси) фойда олган ва бу фойда акция пакетларининг миқдорига қараб тақсимланган. Яъни, А-акциядорга 10 % – 7115 Лм., Б-акциядорга 40 % – 28460 Лм., В-акциядорга 50 % – 35575 Лм. маблағ тўғри келган. Мамлакатда ўрнатилган солиқ ставкаси 35 %. Демак олинган фойдага нисбатан солиқ суммаси А-акциядор учун – 2490 (7115\*35) Лм., Б-акциядор

\* Лм – Мальта лираси

учун – 9961 (28460\*35), В-акциядор учун – 12451 (35575\*35) жами бўлиб 24902 Лм. тўланиши лозим.

А-акциядорлар томонидан солиқ тўловлари 100 % тўланади. Чунки, бу акциядор резидент ҳисобланиб, мамлакатда амал қилаётган солиқ тўлаш тартиби бўйича ҳеч қандай имтиёз белгиланмаган. Б ва В-акциядорлар учун қайд этиб ўтганимиздек, солиқ тўланаётган вақтда 7,5 % солиқ қайтариб берилади. Бу ставка Б-акциядор учун 2135 (28460\*7,5%) Лм., В-акциядор учун эса 2668 (35575\*7,5%) Лм.ни ташкил этади. Бундан ташқари норезидентлар учун тўланган солиқнинг 2/3 қисми кейинги солиқ тўлаш даврида қайтариб берилади. Бу маблағ Б-акциядор учун – 6640 (28460\*23,33 ёки 9961 нинг 2/3 қисми) Лм., В-акциядор учун эса 8300 (35575\*23,33 ёки 12451 нинг 2/3 қисми) Лм.ни ташкил этади (4.2-жадвал).

#### 4.2-жадвал

### Компанияларга берилган имтиёзлар асосида солиқларнинг миқдорларини тўлаш

№	Тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (Лм.)	И М Т И Ё З Л А Р				Имтиёзлардан сўнгги солиқ ставкаси (%)	Имтиёзлардан сўнгги солиқ суммаси (Лм.)
		Корхона ихтиёрида қоладиган солиқ ставкаси (%)	Корхона ихтиёрида қоладиган солиқ суммаси (Лм.)	Қайтарилиши лозим бўлган солиқ ставкаси (%)	Қайтарилиши лозим бўлган солиқ суммаси (Лм.)		
1	2490	-	-	-	-	35	2490
2	9961	7.5	2135	2/3 23.33	6640	4.17	1186
3	12451	7.5	2668	2/3 23.33	8300	4.17	1483
Жами	24902		4803		14940		5159

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.72-бет.

Тўланадиган солиқ суммаларидан бу имтиёзларни олиб ташлаб ҳисоблаганда Б-акциядор жами бўлиб 1183 (9961-2135-6640) Лм., В-акциядор эса 1483 (12451-2668-8300) Лм. солиқ тўлашлари лозим. Бу маблағлар эса олинган фойданинг 4,17 %ни ташкил этади (1186/28460 ёки 1483/35575).

Қайд этиб ўтиш лозимки, солиқ ҳисоботи компания рўйхатга олингандан сўнг 18 ой ўтгач, кейингилари эса охирги ҳисобот топширилгандан сўнг шунча вақт ўтгандан сўнг топширилади. Янги турдаги компанияларнинг солиққа тортиш концепциясининг характерли томони шундаки, фойда солиғини акицядорлар тақсимлаб олишлари билан солиқни тўлашлари лозим бўлади. Солиқнинг қайтариб бериладиган қисми эса компаниялар ўз ҳисоботларини солиқ идораларига тўлиқ тақдим этганидан сўнг олишади.

Мамлакатда халқаро савдо корхоналарини қайта рўйхатдан ўтказиш учун 1000 Лм. (3000 АҚШ доллари) миқдорида товон тўловини тўлашлари лозим бўлади. Бу янги халқаро савдо корхоналари шуниси билан характерланадики, “оффшор” корхоналарнинг ҳисоботларини текшириш солиқ идоралари учун ёпиқ бўлган бўлса, янги халқаро савдо корхоналарининг эшиклари эса солиқ ходимлари учун доимо очик бўлган. Мамлакатда ташкил топган янги халқаро савдо корхоналарининг яна бир характерли томони шундаки, халқаро носавдо оффшор корхоналари ўрнига янги халқаро холдинг компаниялар ҳам ташкил этила бошланди.

### **4.3. Мальта ЭИХда жойлашган халқаро холдинг компаниялар**

Мальтада ташкил этилган холдинг компанияларнинг фаолияти Молия вазирлиги томонидан назорат қилинади. 1997 йилда қабул қилинган қарорга мувофиқ мамлакатда янги солиқ тизими 5 йил давомида амал қилиб, кейинги йилларда эса янги солиқ тизими жорий этилиб, амал қилиши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мальта солиқ қонунига мувофиқ бошқа мамлакатлар ҳудудида ишлаб топилган даромадлар иккиёқлама солиққа тортилмаслиги зарур деб кўрсатилган. Мальтанинг иккиёқлама солиққа тортилмаслиги тўғрисидаги шартномаси асосан қуйидаги давлатлар билан – Австралия, Канада, Франция, Италия, Норвегия, Хитой, Швеция, Австрия, Ливия, Германия, Покистон, Швейцария, Кипр, Венгрия, Бельгия, Люксембург, Польша, Буюк Британия, Ҳиндистон, Нидерландия, Руминия, Албания, Малайзия, Қувайт, Чехия, Тунис, Жанубий Корея, Жанубий Африка ва бошқа мамлакатлар билан келишиб имзоланган. Ушбу мамлакатлар билан нафақат иккиёқлама солиққа тортилмаслик тўғрисидаги шартнома, балки бу мамлакатлар ҳудудида холдинг компанияларни жойлаштириш масалалари ҳам

келишиб олинган. Бу давлатлар худудида ишлаб топилган маблағларни ҳимоя қилиш, биринчидан маълум бир имтиёзларни берилишига, иккинчидан чет эл солиғи ҳисобига кредитларни фиксация қилишга, учинчидан, чет элларда фаолият кўрсатаётган дистрибьюторларни норезидент компаниялар тўлаётган даромад солиқлари ҳисобига ҳимоя қилинишига олиб келади. Шунингдек халқаро тадбиркорлик билан шуғулланувчи компанияларнинг норезидент акциядорлари оладиган дивидендларига нисбатан солиқ ставкаси камайтирилди.

Мальта ЭИҲда “малака иштирокчиси” деб ном олган холдинг (ҳиссадорлик) компаниялар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. “Малака иштирокчиси” деб чет эл компаниясининг акцияларини 10 %га эга бўлган компанияларга айтилади. Бундай компаниянинг ҳуқуқлари ва солиққа тортилиши тартиблари асосан мамлакатда амал қилиб келаётган “тадбиркорлик тўғрисидаги инвестиция лойиҳалари ва инвестиция хизматлари”, “Европа ҳамжамиятидаги компанияларнинг янги концепциялари”, “Касб маҳфийлиги” каби бир қатор қонунлар билан ҳимоя қилиб келинмоқда. Бу қонунларда солиқ солиш тартиблари мамлакатда ва шунингдек халқаро ҳамжамиятда амал қилиш тартиблари кўрсатиб берилган. Ушбу қонунлар асосан солиқ турларини камайтириб, мамлакатга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилишга қаратилган. Қонунда ҳаттоки, ҳиссадорлик жамияти солиқдан қарздор бўлиб чиққан тақдирда ҳам кредит олиши ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Мальтада янги ишлаб чиқилган қонунларга кўра инвестициядан олинadиган даромад солиғининг ставкаси 15 % қилиб белгиланган. Банкларда инвестиция даромади учун алоҳида ҳисобварақлари ҳам юритилади. Бу эса ўз навбатида олинadиган даромадларни ҳисобга олиш имконини берган эди. Чет элларда ишлаб топилган даромадларни иккиёқлама солиққа тортмаслик тўғрисидаги шартномага мувофиқ бундай даромадлар учун Мальта ҳукумати бир қатор имтиёзларни яратиб берган. Бироқ, бундай шартномаларга эга бўлмаган мамлакатларнинг компанияларига эса ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган.

Мальта компанияларининг акция эгалари, яъни бу компаниялардан дивиденд олувчи компаниялар ҳам ва шунингдек норезидент компаниялар ҳам тўланган даромад солиғининг бир қисмини қайтариб олиши мумкин. Бу миқдор кўпчилик ҳолларда тўланган солиқнинг 2/3 қисмини ташкил этади. Агар бе норезидент



компания “малака иштирокчиси” бўлса, яъни бошқа чет эл акцияларининг 10 %га эгалик қилувчи компания бўлса, тўланган солиқ тўловининг 100 % қайтариб берилади. Мальта компанияларини тўлиқ сотиб олган норезидент компаниялар ҳам олинган дивидендларидансолиқ тўлашда имтиёзларга эгадир.

Мальтада халқаро холдинг компаниялар учун ҳам махсус солиқ тизими ўрнатилган. Агар Мальта резиденти “малака иштирокчиси” ҳисобланиб, олинган даромади банкларда махсус ҳисобварақларида акс эттирилган бўлса, умумий асосда солиқ тўлайди. Бундай холдинг компаниялар чет элларда фиксация қилинган солиқ ҳисобидан кредит олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. агар норезидент бўлса, бу компания олинадиган фойдадан тўланадиган солиқнинг 100 %ни қайтариб кредит олиш имкониятига ҳам эга бўлиши мумкин.

Мальтадан ташқарида фаолият кўрсатаётган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб топган фойдаси учун 35 % миқдорида солиқ тўлайди. Агар бундай компаниянинг эгалари норезидент бўлса, улар 27,5 % миқдорида солиқ тўлайди ва тўланган солиқнинг 2/3 қисмини қайтариб, кредит олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Мальтада инвестиция фондаларига четдан кўплаб раҳбар ходимлар жалб қилинган бўлиб, уларга ҳам бир қатор молиявий имтиёзлар берилган. Яъни лицензияга эга бўлиб, инвестиция фондида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходим дастлабки 10 йилликда иш ҳақини олиш даврида даромад солиғини тўлашдан, қўшимча ишлаган иш ҳақи (лойиха, дастур ва бошқалар) даромадларидан солиқ тўлашдан ва ҳоказолардан озод этилади.

#### **4.4. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялар**

Мальта иқтисодий оффшор ҳудудида суғурта компанияларнинг фаолияти 1981 йилда қабул қилинган “Суғурта иши” тўғрисидаги қонун билан тартибга солиб турилади. Суғурта “Тадбиркорлик” фаолияти тўғрисидаги (1988 й.) қонунга асосан оролда халқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи раҳбар-ходимлар ҳукуматнинг тавсияси билан “Суғурта иши” тўғрисидаги қонунда кўрсатилмаган бўлсада, баъзи бир ўзгартиришларни киритиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатнинг эркин иқтисодий оффшор ҳудудида суғурта компаниялар ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Бундай компаниялар

одатда етарли молиявий ресурсларга, тадрибага, ахборот ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлгандан кейингина фаолият кўрсатишга руҳсат этилади. Агар компаниялар фақатгина суғурта компаниялари ёки воситачи суғурта компанияларини бошқариш билангина шуғулланиб келаётган бўлса, бундай компанияларга оффшор компаниялари имтиёзлари берилмайди.

Суғурта тадбиркорлиги қонуннинг нормаларига кўра суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай компания руҳсатнома ёки лицензия олиш учун ёзма равишда Молия вазирлигига мурожаат қилиши лозим. Оффшор суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун компания албатта ҳукмат комиссияси ва шунингдек Молия вазирлигини руҳсатини олган бўлиши керак. Шунингдек ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Молия вазирининг оффшор суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги қарори чиққанидан сўнг ҳам ҳукумат комиссияси ўзининг баъзи бир қўшимча талабларини ҳам қўйиши мумкин.

Мальтада ташкил этилган оффшор суғурта компаниялар бошқа мамлакатлардаги оффшор суғурта ва кептив компаниялардан фарқи шуки, уларнинг устав капитали 750 минг АҚШ долларидан, ликвидли активлари эса 2 млн. Лм. (мальта лирасидан) кам бўлмаслиги лозим.

Оффшор компаниялар ўз уставига ёки таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш даврида Молия вазирлигидан руҳсат олиш талаб этилмайди. Бироқ, ўз тузилмаларини қайта куриш даврида бошқа тадбиркорларга қўшилиши ёки компанияни сотиш тўғрисида шартномаларни тузилиши даврида албатта Молия вазирлигига қўшимча равишда ахборотталаб этилади.

Оффшор компаниялар йиллик даромад тушумининг 25 %ни резерв фондига ўтказишдан, шўъба оффшор компаниялар эса бу фондга ўз маблағларини сақлаб туришдан озод этилади. Шунингдек бу компаниялар ҳаётни суғурта қилиш билан шуғулланмаслар, тўлов қобиляти активлар қийматининг 15 % миқдорида ёки 100 минг Лм. миқдорида қилиб белгиланган. Ҳаётни суғурта қилувчилар учун эса бу рақам, яъни тўлов қобиляти активлар қийматидан ошмаган миқдоргача чегараланмайди.

Мальтадаги суғурта компаниялар одатда дивидендлар тўлаш ва тақсимлаш ишлари билан шуғулланмайди. Агар фойда аудитор текширувидан ўтиб, унинг натижаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлса, фойда тақсимланиши мумкин. Шунда ҳам бу

фойдадан резерв маблағлари учун тўловлар, маржалар ва бошқа харажатларнинг тўловлари амалга оширилгандан сўнг тақсимланади.

Мальта суғурта компанияларига тааллуқли бўлган баъзи бир қонун-қоидалар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, активлар қаторига кирмайдиган, иккинчидан бошқа компанияларга молиявий ёрдам бериш ёки инвестиция киритишни тақиқлаш каби ҳолатлар оффшор компаниялар учун татбиқ этилмайди. Демак, оффшор компаниялар ҳар қандай мулкка эгалик қилиши ва уни молиявий натижаларини ҳисоботга киритиши, шунингдек бошқа компанияларга молиявий ёрдам бериш ва инвестициялар фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Мальтадаги оффшор компаниялар ўз фаолияти давомида турли хилдаги таваккалчиликлар учун ажратмаларни ажратилиши қонун билан чегараланмайди. Холбуки бошқа суғурта компаниялар учун бу таваккалчиликлар учун 20 % (олинадиган фойдадан) қилиб белгиланган.

Мальтанинг оффшор компаниялари ўз фаолиятида бошқа компанияларнинг таваккалчиликларини ҳам қайта суғурта қилиши мумкин. Бироқ, қайта суғурта қилиш фаолияти ҳам албатта лицензиялаштирилган бўлиши лозим. Қайта суғурта қилиш маҳаллий компаниялар учун суғурта қилинган объектнинг 30 % миқдорида амалга оширилиши мумкин. Лекин қайта суғурта қилиш учун чегараланиш оффшор компаниялар учун татбиқ этилмайди. Оффшор суғурта компаниялар учун ҳисобот даври 31 декабрь билан чегараланмайди. Улар ўзларининг фаолияти ёки олинган фойда ва зарарлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари суғурта агентлари ва воситачилари учун тўловлар чегараланмайди. Улар ўзларининг тадбиркорлик фаолияти асосида келтирган фойдаларидан моддий рағбатлантирилади. Оффшор компаниялар тўлов қобилиятлигини йўқотган тақдирда хавфсизлик фондига тўланадиган ажратмалардан озод этилади.

#### **4.5. Мальта эркин иқтисодий ҳудудида ташкил этилган банклар ва оффшор банкларнинг фаолияти**

Мальтада ташкил этилган банклар асосан “Европа Иттифоқи”нинг кредит муассасалари тўғрисидаги тамойиллар асосида ташкил этилган банклар жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан

маблағларни қабул қилувчи ва ушбу маблағлар ҳисобидан ссуда бериб, олинган фоизлар миқдори эвазига фаолият кўрсатувчи кредит муассасалар туради.

Мальтада ташкил этилган банклар асосан 1994 йилда қабул қилинган “Банклар тўғрисидаги”, “Молиявий тузилмалар”, “Инвестиция фаолияти”, “Пул маблағларнинг бошқа мақсадларга йўналтирилмаслик”, “Малака маҳфийлиги” тўғрисидаги бир қатор қонунлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари Мальтада ташкил этилган банклар Марказий банк томонидан 1994 йилда ишлаб чиқилган директива-қонунларига ҳам қатъий бўйсунди. Бу директива-қонунлар асосан Европа Иттифоқи тамойилларига асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- лицензия олиш тўғрисидаги (январь 1994 й.);
- йирик ҳужжатлар тўғрисидаги (февраль 1994 й.);
- банк фондлари тўғрисидаги (март 1994 й.);
- тўловга қобилиятлилик коэффициенти тўғрисидаги (апрель 1994 й.);
- ликвидлилик талаблари тўғрисидаги (май 1994 й.);
- молиявий ахборотнинг мажбурийлиги тўғрисидаги (июнь 1994 й.);
- аудит натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш тўғрисидаги (июль 1994 й.) ва ҳоказолар.

Йирик харажатлар тўғрисидаги директива банклар фаолиятининг олдига асосан икки талабни қўяди. Биринчидан, йирик харажатларнинг ялпи лимити банк фоизлари миқдорининг 10 %дан ёки марказлашган банк маблағларининг 80 %дан ошмаслиги, иккинчидан, харажатларнинг умумий лимити эса банк фондларининг 25 %дан ошмаслигини билдиради.

Тўловга қобилиятлилик коэффициенти директиваси халқаро тажрибага асосланган бўлиб, тасодиф ҳолатлар туфайли капитал маблағлар йўқотилган тақдирда, банк бу йўқотишларни ўзининг резерв фондлари эвазига тўлалигича қоплашлик қобилиятини кўзда тутди. Бунда тўловга қобилиятлилик коэффициенти корхона фондларининг 8 %дан кам бўлмаслиги лозим.

Ликвидлилик талаблари тўғрисидаги директива банк миջозининг биринчи талаби асосида қўйилган маблағни олиш тўғрисидаги аризасини қондириш учун ўз ҳисобварақларидан айланма капиталнинг минимал миқдорини сақлаб туришини назарда тутди. Минимал қиймат эса айланма капиталнинг 30 % миқдориди

бўлиши мумкин. Банк фонди эса банкдаги жорий ва ҳисобрақамидаги маблағлар, депозитлар ва жамғармаларнинг умумий миқдорини минимум 30 %ни ташкил этиши мумкин.

Мажбурий молиявий ахборот директивасида ҳар бир банк давлат ташкилотларига назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банкка ўзининг фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни бериб туради.

Молиявий ҳисоботларни аудит натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш тўғрисидаги директивада эса банк ўтказилган аудит натижаларини 14 кун ичида ўзининг таъсисчиларига, Марказий банк ва ҳукумат ташкилотларига етказиши лозим. Бунда бир йилда йиғиладиган йиғимлар бешта филиали бор банклар учун 5000 Лм. ва бештадан ортиқ ҳар бир филиал учун 250 Лм.дан бошқа ҳар бир қўшимча филиаллар учун ҳам 250 Лм.дан йиғимларни йиғиш лозим.

Мальтада хорижий банкларнинг ваколатли ташкилотлари асосан банк қоидаларига амал қилиб иш юритади ва Марказий банк олдида ҳисобот бериб, олинган фойдадан ажратма бериб туриши талаб этилади. Мамлакатда чет эл банкининг филиалини ташкил этиш учун тақдим этилган ҳужжатлардан биронтаси талабга жавоб бермаса, у ҳолда Марказий банк томонидан рад жавоби ҳам берилиши мумкин.

Мальтада жойлашган банк филиалига берилган лицензия чет элда жойлашган банк филиаллари учун ҳам тегишли ҳисобланади. Чунки, хорижий мамлакатда жойлашган оролнинг банк филиаллари “Банклар тўғрисидаги” қонунга кўра ўз фондларига эга бўлиш шарт эмас. Лекин чет элларда ташкил этилаётган банк филиали 2 млн. Лм. ёки 6 млн. АҚШ доллари миқдорига устав фондига эга бўлиши шарт.

Мальтада жойлашган банк лицензия олиш учун банк фаолиятини назорат қилиш бўлими томонидан ўтказилган аудит текширувидан ва шунингдек чет элда очилган банк филиалларининг фаолият кўрсатиши учун қулай имкониятга эга бўлиши лозим. Мальтада фаолият кўрсатаётган банк шу мамлакатнинг ўзида филиал очмоқчи бўлса, бу ҳолда ушбу банкнинг бизнес режалари, ички назорат лойиҳалари ва бухгалтерия ҳисоботи бўлиши талаб этилади. Мальтада ташкил этилган чет эл банклари учун “Банклар тўғрисида”ги қонуннинг (1994 й) 16-бандига асосан йирик харажатлар тўғрисидаги директива талаблари қўлланилмайди. Бироқ, Мальтадаги назорат қилувчи ташкилотлар хорижий банк

ташкilotларидан йирик харажатларни олиб бориш тўғрисидаги маълумотларни бериб туришини талаб этади. Филиалга ўз фондларининг 25 %дан ва ялпи харажатлари лимитининг 80 %дан (яъни, бу миқдор фонд маблағларининг 10-25 % атрофида бўлиши керак) юқори бўлган харажатлар суммасига руҳсат этилмайди. Албатта бундай чеклашлар мамлакатда фаолият кўрсатаётган ташкilotлари билан, шунингдек чет эл банкларининг филиалларини марказий банкларининг назорат бўлимлари билан келишилган ҳолда олиб борилади. Мальтадаги чет эл банкларининг филиалларини фаолияти ўз навбатида уларнинг Марказий банки томонидан ҳам назорат қилиб турилади. Бундан ташқари Мальта назорат ташкilotлари пул маблағларининг ҳаракатини ҳам назорат қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Мальтада чет эл банклари филиали учун тўловга қобилиятлилик коэффициенти талаблари қўлланилмайди. Чунки, банк филиалидан ўз фондларини ташкил этишни талаб этмайди. Бироқ, Мальтанинг назорат ташкilotлари чет эл банк филиалининг Марказий банклари билан ўзаро келишиб, тўлов қобилиятлилиги коэффициенти талабга жавоб бермаган тақдирда огоҳлантирилиши мумкин.

Мальтада жойлашган чет эл банкларининг филиалларини ликвидлик даражаси “Банклар тўғрисида”ги қонуннинг 18 бандида кўрсатилгандек, агар банк филиали ўз фаолиятида ликвидлик даражаси паст бўлса, уни Марказий банки жавобгарликни ўз бўйнига олиб, қоплаши мумкин. Бу ҳолда Мальтадаги назорат ташкilotлари банк филиалини фаолиятини тўлиқ ўрганиб чиққанидан сўнг эътироз билдирмаслиги мумкин.

Мальтада банк фаолиятини солиққа тортиш тизимининг ўзига хос талаблари мавжуд. Мамлакатда иккиёқлама солиққа тортиш тизими қўлланилмайди. Чет элларда топилган фойда, қўшимча капитал ҳисобига олинган дивидендлардан, капитал қўйилмаларидан, пул маблағларининг мажбуриятлари ҳисобига олинган фойдадан келиб тушган даромадларгина солиққа тортилади. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, Мальтада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини олиб бориш тартиби халқаро стандартларга жавоб бериб, чет эл банкларининг филиалларини олган даромадларидан солиқ олинмайди.

Мальтада кўрсатилган хизматлар ва комиссия тўловлар учун тушумлар кимдан ва қаердан ўтказиб берилишига қарамасдан солиққа тортилмайди, шунингдек уларнинг ташқи фойда

ҳисобварақларида қайд этилмайди. Бундай ҳисобварақалар одатда мамлакатда рўйхатдан ўтган банклар учун юритилиб, бундай банкларнинг қўйилмаларини 35 %и норезидент компанияларга тегишли бўлиши мумкин. Одатда норезидент компанияларнинг барчаси тўлов ва солиқлардан, ҳаттоки акцияларни сотишдан олган фойдасидан ҳам солиқ тўламайди.

Мальта ташқи савдосида солиқ тизими учун бирламчи ставка деб ном олган иккиёқлама солиқдан озод этиш тизими жорий этилган бўлиб, бу ставка олинган фойданинг 25 %ни ташкил этади. Ушбу ставка баъзан 100 %ни ҳам ташкил этиши мумкин агар, мамлакатдаги банкларнинг филиаллари чет элларда ишлаб топган фойдалари харажатлар олиб ташлангунга қадар бўлган маблағлар доирасида бўлса.

Ушбу ставканинг қўлланилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши талаб этилади. Биринчидан, ташқи фойда ҳисобварақаларига келиб тушган маблағлар бир неча манбалардан ташкил топган бўлса, иккинчидан компания ёки банк филиали фаолият кўрсатган мамлакатида бундай ставка қўлланилмаган бўлса, учинчидан ўтказилган аудиторлик текшируви далолатномаси бўйича фойда ташқи ҳисобварақларига ўтказилган бўлса, тўртинчидан ташқи фойданинг 25 % миқдорида ставка белгиланган бўлса. Қачонки бунда аудитор текширувлари натижасида олинган фойда тасдиқланиб, бошқа манбалардан олинган фойда ҳам қўшиб ҳисобланган бўлса. Умумий фойданинг 35 % миқдорида солиққа тортилиб, ташқи фойданинг 85 %ни имтиёз асосида қайтариб берилиши ҳисобга олинади (4.3-жадвал).

Юқорида кўрсатилган жадвалдан кўриниб турибдики, банкнинг чет элда ташкил этилган филиали орқали олинган даромади 2500 АҚШ долларини ташкил этади. Филиалнинг харажатлари эса 1500 АҚШ доллари миқдорида бўлганлиги учун солиқ олгунга қадар бўлган даромад 1000 АҚШ доллари миқдорига қадар чегараланади. Демак, 1800 АҚШ доллар 25 % 450 АҚШ долларини ташкил этади. Шундай қилиб, солиққа тортилувчи даромад 1450 АҚШ долларини ташкил этади. Мальта ҳукуматининг солиқ ставкаси 35 % бўлиб, солиқ суммаси 507,5 АҚШ долларини ташкил этади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек ташқи солиқ чегирмаси умумий солиқнинг 85 %ни қайтариб бериш билан кифояланади. Ташқи савдо чегирмаси 507,5 АҚШ долларнинг 85 % 431,4 АҚШ долларини ташкил этади.

## Солиқ ставкаларининг қўлланилиши

1	Банкнинг Мальта территориясидан ташқарида олган фойдаси	2500 АҚШ доллари
2	Турли фоиз учун тўловлар	1250 АҚШ доллари
3	Бошқа харажатлар	250 АҚШ доллари
4	Жами харажатлар	1500 АҚШ доллари
5	Солиқ тўлагунга қадар фойда миқдори	1000 АҚШ доллари
6	Ташқи солиқ чегирмасининг ставкаси	25 %
7	Имтиёзнинг чегараланиши 1800 АҚШ доллари	450 АҚШ доллари
8	Солиққа тортилувчи фойда	1450 АҚШ доллари
9	Мальта солиғи 35 %	507,5 АҚШ доллари
10	Ташқи фойда солиғи чегирма ставкаси	85 %
11	Ташқи фойда солиғи суммаси	431,4 АҚШ доллари
12	Тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (507,5 – 401,4)	76,1 АҚШ доллари
13	Соф фойда (1000 – 76,1)	923,9 АҚШ доллари

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 82-бет.

Солиқ суммаси эса,  $507,5 - 431,4 = 76,1$  АҚШ долларини ташкил этади. Банкнинг ташқи фаолиятдан олинган соф фойдаси 1000 АҚШ доллари – 76,1 АҚШ доллари = 923,9 АҚШ доллариташкил этади. Шу билан бир қаторда тўланган солиқ суммасининг 2/3 қисми солиқ тўлангандан сўнг 14 кун мобайнида солиқ ташкилотлари томонидан қайтариб берилади. Ташқи фойда учун солиқ чегирмасини олиш учун қуйидаги шартлар бажарилмоғи лозим. Биринчидан, барча банк депозитлари Мальта территориясидан ташқарида бўлмоғи лозим, иккинчидан барча даромадлар Мальта ҳукуматидан ташқарида ишлаб топилган бўлмоғи лозим, учинчидан даромад топилган мамлакатда ҳам ташқи фойда солиқ чегирмаси 25 %дан ошган бўлиши лозим.

Мальтада ташкил этилган оффшор банк компаниялари асосан 1970 йилда қабул қилинган “Банк фаолияти” тўғрисидаги ва шунингдек “Банклар тўғрисида”ги (1994 й.) қонунлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Оффшор банкларнинг бошқа банкларнинг филиалларидан асосий фарқи уларнинг ташкил этилишида, солиқ тўлаш тизимларида ва шунингдек баъзи бир имтиёзларида кўринади. Оффшор банкларни бошқа ташкил этилган банклардан фарқини яна биз бошқа банкларнинг филиалларига лицензия беришни Марказий банк амалга оширса, оффшор банкларни



ташқил этишда эса Марказий банк орқали Молия вазирига мурожаат этилади. Молия вазири эса ўз навбатида ҳукумат комиссияси билан ҳам келишиб, рўйхатга олишга руҳсат беради. Бунда оффшор банклар барча кўрсаткичлар бўйича талабга жавоб бера олиши, етарли тажрибага эга бўлиши, ахборот ва молиявий ресурсларга эга бўлиши, ўзларининг активларини Марказий банкда сақлаши, халқаро нормаларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиши ва бошқалар талаб этилади.

Мальта ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан Молия вазири оффшор банкларни фаолият кўрсатиши учун лицензия бериши мумкин. Оффшор банклар турли хилдаги депозитларни (жорий, қайта тикловчи, талаб қилиб олинувчи, фиксация қилинувчи ва ҳоказоларни қабул қилиши ва бу депозитлар ва ресурслар ҳисобидан инвестиция бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари оффшор банкларга қонунда кўрсатилган бошқа ишлар билан ҳам шуғулланишга руҳсат этилади. Оффшор банклар ўз фаолиятида “банк” сўзини қўллаши учун албатта Молия вазирининг руҳсатномасини олган бўлиши шарт. Бироқ, оффшор банк Мальтада ёки бошқа хорижий давлатларда ўз филиалини ташқил этмоқчи бўлса, Молия вазирининг руҳсатномасини олиши шарт эмас.

Оффшор банк компанияларининг бошқа банк филиалларидан фарқи шундаки, уларнинг бошланғич капитали 1,5 млн. АҚШ доллари ёки 250 минг Лм. (Мальта лираси) бўлиши талаб этилади. Банк бошланғич капитални тўлиқ тўламагунга қадар резерв фонди учун йиллик тушумнинг 25 % миқдоридagi маблағнинг ўтказилиши талаб этилмайди.

Оффшор банк компанияларнинг бошқа банк филиалларидан фарқи яна шундаки, дивидендларнинг тўлови учун чегара ва акцияларнинг қўшимча эмиссияси, бериладиган ссуда ва заемларга фоизлар белгиланиши учун Молия вазирлигидан руҳсатнома олиш талаб этилмайди. Бироқ бошқа тижорат банклари учун қўлланиладиган кредит бериш ишлари тақиқланади. Оффшор банклар учун эса траст операцияларини амалга ошириш ишларига руҳсат этилади. Оффшор банклар аудитор текширувларини ўтказиб, текширув натижаларини эса оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиши мумкин.

Солиқ тўлаш тизими эса мамлакатда ҳукумат комиссиясининг қарори билан белгиланиб, умуман озод этилиши ҳам мумкин. Оффшор компаниялар учун фойда солиқ ставкаси 5 % қилиб

белгиланган, солиқнинг бошқа турларидан ушбу компаниялар озод қилиб, мамлакатнинг оффшор банк компаниялари бошқа бир корхоналар таркибига кириши, алмаштирилиши учун Молия вазирлигидан руҳсатнома олиши талаб этилмайди.

### Хулоса

Маълумки, Мальта давлати Ўрта ер денгизининг марказий қисмида жойлашган ороллардан бири бўлиб, барча денгиз йўллариининг кесишган қисмида жойлашган. Унинг географик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги оролни йирик халқаро савдо марказларидан бирига айланишига олиб келди.

Мальтада чет эллик кема корхоналарини рўйхатдан ўтказишнинг тартиб қоидалари асосан 1973 йилда қабул қилинган «Буюк Британия» қонунчилигига асосланган «Мальта» оффшор зонаси тўғрисидаги қонуннинг 234-моддасида ўз аксини топган, ушбу модда тижорат кема фаолияти тўғрисидаги далолатнома асосида назорат қилиб турилади.

Шундай қилиб, Мальтада кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ташкил этиш учун тўлов миқдорлари жаҳоннинг бошқа мамлакатларига нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари Мальта ЭИХ бир қатор кема хўжаликлари ташкил этиш бўйича халқаро конвенциялар аъзоси эканлиги билан, кема хўжалигида мерос ва акцияларни сотиш ҳамда кемаларни ижарага беришлари билан, шунингдек кемаларни рўйхатдан ўтказишда солиқлардан озод қилиниши билан ҳам ажралиб туради.

90-йилларнинг охирида Мальта ЭИХда анъанавий оффшор компаниялар ўрнида янги Халқаро савдо компаниялари ташкил топди. Ушбу компанияларнинг афзалликлари шундаки, бу компанияларни Мальта территориясидан туриб ҳам ва шунингдек ташқаридан туриб ҳам бошқариш мумкин бўлди. Худудда жойлашган холдинг компанияларнинг фаолияти эса Молия вазирлиги томонидан назорат қилинади.

Мальта солиқ қонунига мувофиқ бошқа мамлакатлар ҳудудида ишлаб топилган даромадлар иккиёқлама солиққа тортилмаслиги зарур деб кўрсатилган. Ушбу шартнома асосан Ғарбий Европанинг ўнлаб давлатлари (Германия, Франция, Италия, Буюк Британия ва бошқалар), Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатлари (Ҳиндистон, Австралия, Покистон, Малайзия ва бошқалар) билан келишиб имзоланган. Бу мамлакатлар билан нафақат иккиёқлама

солиққа тортилмаслик тўғрисидаги шартнома, балки бу мамлакатлар ҳудудида холдинг компанияларни жойлаштириш масалалари ҳам келишиб олинди. Чунки бу давлатлар ҳудудида ишлаб топилган маблағларни ҳимоя қилиш, биринчидан маълум бир имтиёзларни берилишига, иккинчидан чет эл солиғи ҳисобига кредитларни фиксация қилишга, учинчидан, чет элларда фаолият кўрсатаётган дистрибьюторларни норезидент компаниялар тўлаётган даромад солиқлари ҳисобига ҳимоя қилинишига олиб келган эди. Шунингдек халқаро тадбиркорлик билан шуғулланувчи компанияларнинг норезидент акциядорлари оладиган дивидендларига нисбатан солиқ ставкалари ҳам камайтирилди.

Мальта иқтисодий оффшор ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялар асосан 1981 йилда қабул қилинган “Суғурта иши” тўғрисидаги қонун билан тартибга солиб турилади. Суғурта тадбиркорлиги қонуннинг нормаларига кўра суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай компания руҳсатномани ёки лицензияни олиш учун ёзма равишда Молия вазирлигига мурожаат қилиши лозим. Оффшор суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун компания албатта ҳукмат комиссияси ва шунингдек Молия вазирлигини руҳсатини олган бўлиши керак. Қайд этиб ўтиш лозимки, Молия вазирининг оффшор суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги қарори чиққанидан сўнг ҳам ҳукумат комиссияси суғурта компанияларининг олдига ўзининг баъзи бир қўшимча талабларини ҳам қўйиши мумкин.

Мальтада ташкил этилган оффшор суғурта компаниялар бошқа мамлакатлардаги оффшор суғурта ва кептив компаниялардан фарқи шуки, уларнинг устав капитали 750 минг АҚШ долларидан, ликвидли активлари эса 2 млн. Лм. (Мальта лирасидан) кам бўлмаслиги лозим.

Мальтада ташкил этилган банклар “Европа Иттифоқи”нинг кредит муассасалари тўғрисидаги тамойилларига асосланган ҳолда ўз фаолиятини оби боради. Бу тамойиллар асосида ташкил этилган банклар жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан маблағларни қабул қилувчи ва ушбу маблағлар ҳисобидан ссуда бериб, олинган фоизлар миқдори эвазига фаолият кўрсатувчи кредит муассасалар туради.

Мальтада ташкил этилган банклар асосан 1994 йилда қабул қилинган “Банклар тўғрисидаги”, “Молиявий тузилмалар”, “Инвестиция фаолияти”, “Пул маблағларнинг бошқа мақсадларга йўналтирилмаслик”, “Малака махфийлиги” тўғрисидаги бир қатор қонунлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мальтада ташкил

этилган банклар Марказий банк томонидан 1994 йилда ишлаб чиқилган директива-қонунларига ҳам қатъий бўйсунди. Бу қонунлар асосан Европа Иттифоқи тамойилларига асосланиб ишлаб чиқилган.

### **Таянч иборалар:**

Мальта ЭИХ, оффшор зонаси тўғрисидаги қонун, солиқ қонунчилиги, холдинг компаниялар, “Суғурта иши” тўғрисидаги, “Банклар тўғрисидаги”, молиявий тузилмалар тўғрисидаги, “Инвестиция фаолияти” тўғрисидаги, “Малака махфийлиги” тўғрисидаги, “Пул маблағларни бошқа мақсадларга йўналтирганлик” тўғрисидаги қонунлар.

### **Назорат учун саволлар**

1. Мальта ЭИХнинг географик жойлашуви мамлакат иқтисодиётида қандай роль ўйнайди?

2. Мальта ЭИХда кема корхоналарга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос томонларини тушунтиринг.

3. Мальта ЭИХда фаолият кўрсатаётган халқаро компаниялар қандай афзалликларга эга?

4. Мальта ЭИХда жойлашган халқаро холдинг компанияларни иқтисодий фаолиятини тавсифлаб беринг.

5. Мальта ЭИХда жойлашган оффшор суғурта компанияларининг фаолиятини характерлаб беринг.

6. Мальта ЭИХда ташкил этилган банклар ва оффшор банкларнинг иқтисодий фаолиятини очиб беринг.

## **5-БОБ. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР**

### **5.1. Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш хусусияти**

Хитой дунёдаги қадимги Шарқнинг энг юқори цивилизациясига эга бўлган давлатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кўпгина Осиё мамлакатлари, хусусан, Япония, Корея, Тибет ва Вьетнам каби давлатлар Хитой маданиятидан таъсирланиб, Хитой фалсафасини, санъатини, моддий маданиятини, давлат тузилишини, технологиясини ва ёзув харфларини ўз маданиятига киритишган.

Хитой Халқ Республикаси қулай географик ҳудудда жойлашган бўлиб, Россия, Монголия, КХДР, Вьетнам, Лаос, Ҳиндистон, Бутан, Непал, Мьянма, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари билан чегараланиб туради. Унинг қуруқликдаги чегара узунлиги қарийб 15 минг км.ни, сув ҳавфзасидаги чегара узунлиги эса қарийб 21 минг км.ни ташкил қилади. Шунингдек, ХХР сув ҳавзасида Япония, Жанубий Корея ва Филиппин каби мамлакатлар билан чегараланиб туради.

Хитой Халқ Республикасининг ҳудуди 9,6 млн. кв. км.ни ташкил қилиб, ер майдонининг катталиги жиҳатдан жаҳонда Россия, Канада, АҚШдан сўнг 4-ўринда туради. Мамлакат 23та вилоят, 5та автоном район ва маъмурий бошқарувга эга бўлган 4та йирик шаҳардан (Пекин, Шанхай, Гонконг (Сянган) ва Тяньцзинь) иборатдир. Мамлакатнинг пойтахти – Пекин шаҳри ёки хитой тилида “Бэйцзин” (Бэйджин), яъни “шимолий пойтахт” демакдир.

Хитойнинг энг йирик индустриал шаҳарларидан бири Шанхай «мамлакатнинг эшиги» бўлиб ҳисобланади. Шанхай денгиз порти шаҳри бўлиб, Республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодий-географик жиҳатдан «энг қулай шаҳар»дир.

Хитой БМТ, ШҲТ, ЖСТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё тараққиёт банки ва бошқа кўплаб нуфузли ташкилотларга аъзо. Хитойнинг миллий валютаси - юань (CNY). 1 \$ = 8,6 юанга тенг (04.05.2006). Аҳолиси 1 млрд. 300 млн. кишини ташкил этиб, аҳолисининг кўплиги жиҳатидан дунёда 1-ўринда туради (дунё аҳолисининг 1/5 қисмини ташкил қилади). Мамлакатда 1 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарлар

сони 44та. Энг кўп аҳоли Шанхайда (14,5 млн.) ва Пекинда (14 млн.) яшайди.

XX асрнинг 80-йилларигача ХХР жаҳон хўжалигида “аграр” давлатлардан бири бўлган эди. Лекин, XX-XXI асрлар бўсағасида унинг иқтисодий тараққиёти мисли кўрилмаган даражада тараққий этиши билан жаҳон хўжалигида “тўртинчи иқтисодий мўъжиза”ни вужудга келтирди. Биргина 2003 йилни жаҳон хўжалигида “Хитой йили” десак муболаға бўлмайди. Бунинг сабаблари, биринчидан 2003 йилнинг бошларида жаҳонда пайдо бўлган юқумли “САСК” касаллиги Хитойнинг Гуанжоу вилоятидан чиқиб, қисқа вақт ичида бутун дунё мамлакатларига тарқалиши натижасида минглаб инсонлар қурбон бўлди, иккинчидан Хитой жаҳонда Россиядан сўнг учинчи бўлиб ўз космик кемасини фазога олиб чиқди, учинчидан ЯИМнинг ўсишини 14 %га таъминлади.

Хитойликлар ўз давлатларини ўзларининг тилида “Зонгуя” (Zhonggua) дейишади. Бу сўзнинг маъноси “Марказий давлат” ёки “Марказий қироллик” маъносини беради. “Хитой” деган сўз эса хорижликлар томонидан берилган. Хитой жаҳон хўжалигида биринчи бўлиб порох, ипак (шойи), қоғоз, чинни, компас каби маҳсулотларни ихтиро қилган давлат бўлиб ҳисобланади. шундай қилиб, бугунги кунда Хитой ҳаётининг қайси соҳасини олманг, тараққиёт ва янгилашиш рўй бераётганини гувоҳи бўламиз. Шунингдек, жаҳон оммасининг “XXI аср – Хитой асри” деб эътироф этиши ҳам бежиз эмас.

**ХХРнинг иқтисодий ривожланиш омиллари.** ХХР бир неча ўн йилликлар мобайнида дунёда энг юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этиб келмоқда (5.1-жадвал).

### 5.1-жадвал

#### Хитойда ЯИМнинг ўсиш суръатлари, (% ҳисобида)

йиллар	ўсиш	йиллар	ўсиш	йиллар	ўсиш
1990	13,8	1998	7,8	2002	9,1
1991	9,2	1999	7,6	2003	10,0
1992	14,2	2000	8,4	2004	10,1
1993	13,5	1999	7,6	2005	9,9
1994	12,6	2000	8,4	2006	11,1
1995	10,9	1999	7,6	2007	13,0
1996	10,0	2000	8,4	2008	9,6
1997	9,3	2001	8,3	2009	8,7

Манба: <http://www.allchina.ru/>

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, 2009 йилда ЯИМ 3,35353 трлн. юанни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 8,7 % ўсди.

Хитой мамлакатининг иқтисодий тараққиёти 1970-йиллардан сўнг қуйидаги омиллар асосида ривожланди:

- мамлакатнинг географик-иқтисодий жиҳатдан қулай жойлашганлиги;

- мамлакат йирик қазилма бойликларнинг захирасига эгаллиги ва кўплаб табиий ресурсларнинг мавжудлиги;

- мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланиб бориши;

- Хитой маҳсулотларини экспорт қилинишида демпинг сиёсатини қўлланилиши;

- 90-йиллардан бошлаб мамлакатда экспортнинг ортиб бориши;

- бозор иқтисодига ўтиш даврида “хитой модели”нинг аҳамияти;

- 80-йилларда Хитойда “кучли” иқтисодий ислохотларни олиб борилганлиги;

- Хитойда ЯИМнинг йилдан-йилга ўсиб бориши. 1978 йилдан 1997 йилгача ЯИМ ўртача йилига 9,6 %дан ўсиб борган эди.

- мамлакатда ишчи кучининг арзонлиги ва меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги;

- Хитойнинг ташқи савдосида Гонконг денгиз портининг аҳамияти.

- Хитойнинг “очиқ эшиклар сиёсати”ни амалга ошириши;

- ишлаб-чиқариш ресурсларининг доимий ўсиши;

- хорижий сармояларни ва технологияларнинг жалб қилиниши;

- туризмнинг ривожланиши. Ҳозирда Хитойга йилига ўртача 3-4 млн. сайёҳ, Гонконг ва Макаони қўшиб ҳисоблаганда 11 млн.дан ортиқ сайёҳ ташриф буюради.

- Хитой иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти ва бошқалар.

## 5.2-жадвал

### XXР ЯИМнинг таркиби

	ЯИМдаги улуши	Аҳоли бандлиги
Қишлоқ хўжалиги	19 %	50 %
Саноат	49 %	24 %
Хизмат кўрсатиш	32 %	26 %

Манба: <http://www.allchina.ru/>

1984 йилда Хитой ҳукумати мамлакатнинг 14 шаҳрига ташқи иқтисодий фаолиятни эркин юритиш ҳуқуқини берди. Ушбу денгиз шаҳар портлари ташқи савдо учун “очик” деб эълон қилинди. Шу билан бирга 4та эркин иқтисодий ҳудуд (Шэньчжэнь, Чжухай, Сяминь ва Шаньтоу) ташкил қилинди. Ушбу ЭИҲларнинг энг йириги Шэньчжэнь шаҳри бўлиб, ушбу шаҳар Гонконгга яқин бўлган ҳудудда жойлашган.

1978 йилда Бутунхитой ҳалқ вакиллари йиғилишининг бешинчи сессияси ривожланишнинг “Тўрт Модернизация” Дастурини амалга тадбиқ этишнинг 10 йиллик режасини қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу “Тўрт модернизация” дастури тўртта (қишлоқ хўжалиги; саноат; ҳарбий муҳофаа; фан ва техника соҳасини модернизация қилиш) йўналишдан иборат эди.

Ушбу 10 йиллик дастурда Ғарбдан завод фабрикалар учун тайёр асбоб-ускуналар ва янги технологияларнинг катта миқдорда импорт қилинишига катта эътибор берилди. 1978 йилнинг охирига бориб Хитой Халқ Республикаси хорижий инвесторлар билан 7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги бир қатор шартномаларни имзолади. 1982 йилгача Хитойга жами 430 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб қилинган бўлса, 2002 йилга келиб 44 млрд. 241 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди<sup>1</sup>.

**Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти.** 1984 йил октябрда Хитой коммунистик партиясининг (ХКП) Марказий Комитетини навбатдаги Пленумида Хитой ҳукумати “Хўжалик тизимини ислоҳот қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қабул қилинган тарихий қарорда мамлакатда “Хитойнинг ривожланиш хусусиятларига мувофиқ социализм куриш” вазифаси аниқ-равшан белгиланиб олинди ва ривожланишнинг иқтисодий давлат дастури (“Хитой модели”) ишлаб чиқилди. Ривожланишнинг ушбу “Хитой модели”да қуйидаги хусусиятларни кўришимиз мумкин:

- бозор ислоҳотларини бошлашдан аввал истеъмол бозорида маҳсулотнинг нарх-наволар динамикасини тиклаш, яъни бир хил тоифага ва сифатга эга бўлган маҳсулотларнинг нархларини тенглаштириш;

- бозор иқтисодини юзага келтириш ва шакллантириш;

---

<sup>1</sup> Султанова Л. «Экономические реформы в Китае». //«Рынок, деньги и кредит». –Т. 2003, март, С.64.



- бозорни янада шакллантиришда хусусий тадбиркорликни ва ёрдамчи хунармандчилик хўжаликларни ривожлантириш;
- инфляцияни олдини олиш мақсадида мамлакатда “қатъий тартибда” фаолият кўрсатиб, миллий валютанинг қадрини ошириш;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш, яъни саноат корхоналарини “мустақил хўжалик ташкилотларига” айлантириш;
- бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам хусусий секторларини ривожлантириш;
- мамлакатга хорижий инвестицияларни киритишда “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш ва чет эл капиталини жалб қилиши;
- мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларига давлат томонидан моддий ва иқтисодий ёрдам бериб, уларнинг ортиқча маҳсулотларини бозорларда сотиш имкониятларини яратиш;
- деҳқонлардан олиб қўйилган томорқа ерларини қайтариб бериш ва қишлоқ жойларда “оилавий пудрат” усулида ишлашга ўтишни таъминлаш ва ҳоказолар иқтисодий ислохотнинг асосий мақсадларидан бири бўлди.

#### **Хитойнинг 1950-1960 йиллардаги иқтисодий ўсиш даври.**

Хитой Халқ Республикасида саноатни ривожлантириш 1950-йиллардан бошланди. 1952 йилда Мао Цзедун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини социализмга ўтиш даври деб эълон қилди. 1952 йилда Хитой хўжалиги тарихида биринчи марта мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш режаси, яъни 1953-1957 йилларга мўлжалланган 1-беш йиллик режаси қабул қилинди. Бу 1-беш йиллик режа асосан собиқ Иттифоқ ҳукуматининг иқтисодий ривожланиш моделининг нусхаси бўлиб, унда ҳукуматнинг марказлашган режасига асосан, мамлакатда оғир саноатни ривожлантириш лозим эди. Ушбу режада иқтисодий секторнинг барча тармоқларини тубдан ўзгартириш, бироқ, энг асосийси оғир саноатни кенгайтиришга қаратилган эди. Ҳукумат давлат томонидан бошқариладиган юздан ортиқ йирик саноат корхоналарни ташкил этди.

1953 йилда мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилиб, жами 583 млн. киши рўйхатга олинди. Аҳолининг тез кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, Мао Цзедун томонидан “коллективизациялаш” даври бошланди. Унга кўра, ҳукумат қишлоқ жойларда жаъми 52 мингга яқин қишлоқ хўжалиги жамоаларини ташкил этди ва барча жамоа ташкилотларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши бўйича давлат буюртмаси берилиб,

унинг бажарилиши эса мажбурий этиб қўйилган эди. Бироқ, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, меҳнатни иш ҳақи билан рағбатлантиришнинг бекор қилиниши, янги фикр билан чиқиш ҳолларининг (эркин намоишларни) бўғиб қўйилиши каби қатор омилларни ўз ичига олувчи “катта сакраш” сиёсати (1958-1960 йй.) мамлакатни турғунлик ҳолатига келтириб қўйди. “Катта сакраш” ислоҳотининг асосий вазифалари мамлакатнинг 1958-62 йилларга мўлжалланган 2-беш йиллик давлат режасида ўз аксини топган эди. Бу ислоҳотнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий тараққиётининг тез суръатларда ўсишини таъминлашдан иборат бўлди. 1958 йилдан сўнг 1-беш йиллик режа чуқур таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши саноатнинг ривожланишига қараганда суст эканлиги аниқланди, шунга кўра режага бир қатор ўзгаришлар киритилди. Ўзгартиришларнинг асосий мақсади қилиб, мамлакат бўйлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилди. Бир вақтнинг ўзида саноат ривожланишини ҳам бир маромда ушлаб туришга эътибор берилди. Дастурнинг муҳим вазифаларидан яна бири арзон баҳоли рудалар ва “металл чиқиндилар”дан пўлат ишлаб чиқариш учун кичик металл эритиш ўчоқларини ташкил этиб, миллионлаб қишлоқ фуқароларини саноат тармоқлари учун хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жалб этилди. Шундай қилиб, ўтказилган ислоҳотларнинг натижаси шундан иборат бўлдики, “катта сакраш” ислоҳоти ўзини умуман оқламади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари издан чиқди. Саноатда ишлаб чиқарилган чўянлар сифатсиз бўлди. Мамлакатда юзага келган сиёсий тартибсизликлар, режалаштиришдаги камчиликлар, шунингдек, қатор табиий офатларнинг юз бериши мамлакат иқтисодиётининг янада юқори даражада ривожланишига тўсқинлик қилди. 1965 йилда ҳукумат томонидан 1966-76 йилларга мўлжалланган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурининг, яъни “Маданий инқилоб” ислоҳотининг тадбиқ қилиниши мамлакат хўжалигини тараққиёти ўрнига иқтисодиётни янада издан чиқаришга олиб келди. “Маданий инқилоб” бир пайтнинг ўзида сиёсий тадбирларни ҳам амалга оширди, яъни ҳукуматга норозилик туйғулари бўлган ва ҳукуматга қарши ўз ғоялари билан чиққан минглаб кишилар ўлимга маҳкум қилинди.

**Хитойнинг 1970 йилдан кейинги иқтисодий ўсиш даври.**  
“Маданий инқилоб” ислоҳотидан сўнг, 1970-йилларнинг охирига

келиб, мамлакатда аграр соҳани яна бир бор қайта ислоҳ қилиш ишлари бошланди. Оммавий тарзда деҳқон хўжаликларининг оилавий (томорқа) хўжаликларига айлантириши нафақат мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини салмоқли ўсишига, балки саноат, қурилиш ишлари ва спорт соҳасида ҳам бир қатор ислохотларнинг ўтказилишига сезиларли туртки берди.

Ҳукумат томонидан 1978-85 йилларга мўлжалланган 8 йиллик режали ривожланиш Дастури қабул қилинди. Энг муҳими, ушбу дастурда илм ва фанни ривожланишига катта эътибор берилди. Бунинг натижасида 80-йилларда мамлакатда ЭҲМ информатика, биотехнология ва микроэлектроника саноат тармоқлари вужудга келди.

80-йилларнинг бошларида, ҳукумат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш мақсадида аграр секторни қайта туза бошлади. Жамоа хўжаликлари ва ишлаб чиқариш бригадаларининг кўпчилик қисми тугатилди. Оилавий хўжаликлар эса асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжаликларга айлантирилди. Томорқа хўжалиги тизимига ўтилиши ва бозор сиёсатини қўллаш, қишлоқдаги туб аҳволни кескин ўзгартириб юборди ва натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ўсишига олиб келди. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалигидаги ушбу ҳолат “аграр мўжиза” сифатида талқин этилди. Жаҳон хўжалигида ҳали ҳеч бир мамлакат қишлоқ хўжалигида бундай мўъжизани яратмаган эди. Ҳатто БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотининг 1996 йил ноябрь ойидаги Бутунжаҳон конференциясининг қатнашчилари ҳам ХХР ўта ноқулай табиий ва демографик ҳолатига қарамай, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси мамлакатда юқори даражада ҳал этилганлигини ҳам қайд этиб ўтишган эди.

80-йилларда мамлакатда ҳудудий режалаштиришни такомиллаштириш мақсадида мамлакатда 3та иқтисодий ҳудуд ташкил этилди:

- Шарқий ҳудуд. Ушбу ҳудуд иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган саноат марказларидан бири бўлиб, кўплаб транспорт магистраллари, денгиз савдо портлари ҳамда қирғоқбўйидаги энг йирик индустриал шаҳарлар жойлашган ҳудуд ҳисобланади;

- Марказий ҳудуд. Ушбу ҳудуд асосан ёқилғи ва энергия маҳсулотларини, кимёвий маҳсулотларни, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳудуд ҳисобланади;

- Ғарбий ҳудуд. Ушбу ҳудуд асосан чорвачилик ва минерал хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган ҳудуд ҳисобланади.

Хитой кўплаб иқтисодий таҳлилларни, изланишларни ва шунингдек, жаҳон хўжалигида етакчи давлатлар бўлиб ҳисобланган – АҚШ, Япония, Германия ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишларини изчил ўрганиб чиқиб, 1985 йилда “Фан ва техникани 1986-2000 йилларда ривожлантиришнинг Давлат режаси”ни қабул қилди. Ушбу давлат режасига асосан илм ва фан йўналишида 12та (халқ хўжалигини индустриализациялаш ва модернизациялаш, биотехнология, энергетика, автоматизация, аэрокосмос, лазер техникаси, микротехнология ва ҳарбий саноатни) замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришнинг иқтисодий йўналишлари белгилаб олинди. Ҳозирги кунда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши айти пайтда “2006-2010 йилларга мўлжалланган Дастур” бўйича давом этмоқда. Ушбу дастур ўз ичига асосан макроиқтисодиётни ривожлантириш ва барча турдаги иқтисодий кўрсаткичларни йилдан-йилга ошириб боришни олади.

**XXРнинг саноати ва қишлоқ хўжалиги.** Хитой аграр-индустриал давлатдир. 1946 йилдан бошлаб мамлакатнинг саноат тармоқлари тез суръатларда ривожлана бошлади. Жумладан, 1949 йилда Хитой кўмир қазиб чиқариш бўйича дунёда 14-ўриндан 9-ўринга, электроэнергия маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 25-ўринни, чўян ишлаб чиқариш бўйича эса 23-ўринга кўтарилди. Умуман олганда, 1940 йилгача Хитой саноатининг иқтисодий аҳволи ўша пайтдаги ривожланган мамлакатлардан қарийб 100-120 йил орқада қолиб кетган эди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, республика собиқ Иттифоқнинг иқтисодий ҳамкорлигида қудратли саноати ривожланган мамлакатлардан бирига айланди.

1984 йилда бошланган ислохотларнинг асосий эътибори шаҳарлардаги ишлаб чиқариш тармоқларига қаратилди. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш корхоналарига янада кенгрок ҳуқуқлар берилди, ишчиларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш тамойили қайта тикланди, хорижий сармоялар ва технологиялар жалб қилинди.

2006 йилга келиб Хитой озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожланиши бўйича жаҳонда энг етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Ушбу йиллар (сўнгги 40-50 йиллар) мобайнида мамлакатда 400 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Йирик саноат тармоқлари денгиз қирғоқбўйи шаҳарларида

(Шанхай, Гонконг, Цзянсу, Ляонин, Шандун, Гуандун каби шаҳарлар) ташкил қилинди.

Хитой саноати 400га яқин ишлаб чиқариш саноат тармоқларига бўлинган. Шулардан энг ривожланган саноат тармоғи бўлиб озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоғидир. Чунки, ҳукумат 1970-йиларда мамлакатда вужудга келган очарчиликка барҳам бериш учун биринчи галда озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият берган эди. Мамлакатда ҳозирги кунда 70 мингдан ортиқ озиқ-овқат саноат корхоналари фаолият кўрсатиб турибди.

Мамлакатнинг иккинчи йирик саноат тармоғи тўқимачилик саноати бўлиб, ҳозирги кунда ушбу тармоқда 25 мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Бугунги кунда тўқимачилик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миқдори бўйича Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Сўнгги йилларда мамлакатда қайта ишлаш саноат тармоқлари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Хитой дунёда “чиқинди”ларни қайта ишлаш бўйича биринчи ўринда туради. Ҳатто АҚШ ва Канада каби океан орти мамлакатларидан ҳам чиқиндилар Хитойга келтирилмоқда. Ишлаб чиқариш саноат корхоналарида ишчиларнинг бандлиги бўйича ҳам Хитой дунёда биринчи ўринда туради.

Кейинги йилларда Хитойнинг АҚШ, Япония, Корея, Австралия ва шунингдек Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалари кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Мамлакатда ҳозирги вақтда кунига 2,5 млрд. юань атрофида саноат маҳсулотлари, жумладан 2,5 млн. тонна кўмир, 360 минг тонна нефть, 455 минг тонна цемент ишлаб чиқарилмоқда.

80-йиллардан бошлаб мамлакатнинг кемасозлик саноати ҳукумат назорати остида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кемасозлик саноати асосан, қирғоқбўйи шаҳарларда ривожланган. Лекин, ҳозирги кунда Янцзи дарёсида йирик кемаларнинг ҳаракати бўйича Хитой жаҳон мамлакатлари ичида юқори ўринлардан бирида туради.

Хитой ҳудудининг 7 %и қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бу тармоқнинг ривожланишига катта аҳамият бериб келинмоқда. Қабул қилинган 5 йиллик режаларда мамлакат қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини қуйидагича характерлаш мумкин.

1-беш йилликда (1953-57 йй.) мамлакат қишлоқ хўжалигида қишлоқ жамолари ташкил этилиб, қишлоқлардаги ерлар ва қишлоқ

хўжалик техникаларнинг барчаси ташкил этилган жамоалар мулкига айлантирилди.

2-беш йилликда (1958-62 йй.) мамлакат жуда катта экин майдонларга ғалла экишга киришди. Бироқ, олинган ҳосилнинг кўпгина қисми омборларнинг етишмаслиги туфайли нобуд бўлган эди. Шунингдек, саноат ва аграр сиёсатни нотўғри юритилиши донни чуқур экиши ва тўғри келмайдиган ерларга ҳам экиш туфайли бир қатор экологик муаммолар юзага келди. Бу эса ўз навбатида 3 йиллик очарчиликни келтириб чиқарган эди. 1959-61 йилларда мамлакатда 20 млн. кишига яқин аҳоли очарчиликдан ҳалок бўлди.

3-беш йилликда (1963-67 йй.) олдинги “5 йиллик режа”лар даврида мамлакат иқтисодиётида кескин ўзгаришлар бўлмаганлиги учун ҳам давлат иқтисодиётни қайта қуришни бошлади.

Қишлоқ хўжалигидаги аграр ислоҳотларнинг асосий натижалари Анхой вилоятида вужудга келди. Ислоҳотларнинг 1-беш йиллигидаёқ, яъни 1978 йилдан кейин етиштирилган маҳсулотларнинг ҳажми учдан бир миқдорга, деҳқонларнинг даромадлари эса 2 бараварга ошди. Шунга қарамай, аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланмаганлик муаммоси қисман бўлсада, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолмоқда.

1996 йилда ХХР дон етиштиришнинг энг юқори рекорд натижасига (480 млн. т., 1995 йилга нисбатан 15 млн. т. ортиқ) эришган бўлсада, хориждан 7 млн. т. миқдорида дон маҳсулотларини импорт қилган эди. Ҳозирги кунда мамлакатда 400-430 млн. тонна атрофида дон маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий базаси ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хитой қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари АҚШга нисбатан 12 баравар паст. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик тузилмасининг ўзи ҳам сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқилишга эҳтиёж сезмоқда. Агросаноат комплексининг ички тузилмаларини янада такомиллаштиришни, чорвачилик, техник ўсимликларнинг маҳсулотини, шунингдек, инфратузилманинг қайта ишлаб чиқарувчи соҳаларини ривожлантиришни кўзда тўтади. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар (об-ҳавонинг иссиқлиги, сув ва меҳнат ресурсларининг кўплиги ва бошқалар) мавжуд.

Хитой қишлоқ хўжалигида 10 минг хилга яқин гуруч турлари экилади. Дон маҳсулотлари ичида тарик етиштириш ўзининг

муҳимлиги бўйича мамлакатда иккинчи ўринда туради (ушбу донни етиштириш 6-7-асрлик тарихга эга). Ҳозирги кунда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатда тарикнинг бундай катта ҳосили етиштирилмайди. Бундан ташқари мамлакат қишлоқ хўжалигида шакар ва крахмалга бой бўлган ширин картошка “батат” ҳам катта миқдорда экилади. Хитойнинг чорвачилик хўжалигида чўққачилик энг ривожланган соҳадир. Кейинги ўринларда эса товукчилик ва балиқчилик хўжаликлари туради. Ҳозирги кунда Хитой гўшт етиштириш бўйича жаҳон мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Хитой чорвачилик хўжалигида 400 млн. атрофида чўққа, 210 млн.дан ортиқ қўй, 147 млн.дан ортиқ қорамол боқилади. 1995 йилнинг бошида бўлиб ўтган қишлоқ ишлари муаммоларига бағишланган Умумхитой йиғинида қишлоқ хўжалигида еттига(қишлоқларда иқтисодий сиёсатни асосий йўналишларини барқарорлаштириш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалигига инвестиция жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айланмасини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, қишлоқ хўжалигини назорат қилишда макроиқтисодиётнинг родини кучайтириш) асосий йўналишлари белгилаб олинди.

**XXРнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.** Хитой ЯИМнинг миқдори бўйича дунёда АҚШ ва Япониядан сўнг 3-ўринда туради. Лекин иқтисодчи мутахассисларнинг фикрига кўра, 2008 ёки 2010 йилларда биринчи ўринга чиқиши башорат қилинмоқда.

XXР жаҳон хўжалигида ўз нуфузига эга бўлган давлатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу давлат айниқса охириги 10 йилликлар ичида иқтисодий нуқтаи назардан олганда мисли кўрилмаган натижаларга эришди. 2006 йилда унинг валюта захираси 850 млрд.АҚШ долларни ташкил қилди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми эса 11 трлн. юанни, яъни тахминан 1 трлн. 400 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиши 1995 йилдан 2003 йилларгача ўртача йилига 8,5 %ни, 2003 йилда эса 14 %ни ташкил этиб, 1980-2005 йилларда ЯИМ ҳажми деярли 5 маротаба ўсди.

Хитойнинг умумий ташқи савдоси 955,6 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 495,4 млрд. АҚШ доллари экспорт маҳсулотларга, 460,2 млрд. АҚШ доллари эса импортга тўғри келади. Хитой 1978 йилда ташқи савдо бўйича 32-ўринни банд қилган бўлса, 2006 йилга келиб жаҳондаги энг етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Хитойнинг экспорт маҳсулотларига асосан енгил саноат

маҳсулотлари, тўқимачилик, радиотехника ва электроника, пойафзал маҳсулотлари, озиқ-овқат ва кимё саноати маҳсулотлари киради. Импорт маҳсулотларини эса баъзи бир нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобиллар, компьютер ва бошқа маҳсулотлар ташкил қилади.

Ислохотларни ўтказишнинг 30 йиллик даври мобайнида Хитойда ташқи савдо ҳажмининг йиллик қўшимча ўсиши 18 %дан ортиқ, яъни ЯИМ ўсишига нисбатан 2 баробар ортиқ бўлди. ЖСТга қўшилгандан сўнг, экспортнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиши 27 %ни ташкил қилди.

Ҳозирги вақтда Хитой экспорт бўйича дунёда иккинчи ўринни, валюта захиралари бўйича – биринчи ўринни эгаллайди. Хитой ташқи савдосининг ривожланиши 5.3-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар билан тавсифланади.

### 5.3-жадвал

#### Хитой ташқи савдоси, (млрд. долл.)

	Ташқи савдо		Экспорт		Импорт		Сальдо	
	Ҳажми, млрд. долл	Ўтган йилга нисбатан, %	Ҳажми, млрд. долл	Ўтган йилга нисбатан, %	Ҳажми, млрд. долл	Ўтган йилга нисбатан, %	Ҳажми, млрд. долл	Ўтган йилга нисбатан, %
2005 йил	1421,91	23,2	761,95	28,4	659,95	17,6	102,00	280,0
2006 йил	1760,40	23,8	968,94	27,2	791,46	19,9	177,48	68,1
2007 йил	2173,83	23,5	1218,01	25,7	955,82	20,8	162,20	47,7
2008 йил	2561,63	17,8	1428,55	17,2	1133,09	18,5	295,46	82,1
2009 йил	2210	-13,9	1200	-16,0	1010	-11,2	190	-23,7

Манба: IMF. World Economic Outlook

Хитой жаҳон хўжалигида кўмир қазиб олиш, пўлат қуйиш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича, шунингдек дуккакли экинларни (ёғ олинадиган-мош, ерёнғоқ, ловия, писта каноп) етиштириш бўйича, цемент ишлаб чиқариш, буғдой, пахта, гўшт етиштириш бўйича, “чиқинди” маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш бўйича, 2004 йилдан бошлаб эса телевизорлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Хитой аҳоли ва ишчи



кучининг кўплиги бўйича ҳам жаҳон хўжалигида биринчи ўринда туради.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири.** Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Хитой иқтисодиётига яққол таъсири 2008 йилнинг сўнгги чорагидаёқ кўзга ташланади. Бу даврда иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайди. 2008-2009 йилларда жаҳон инқирози энг кўп таъсир этган мамлакатларга Сингапур (ЯИМ ўсиш суръатларининг 7,5 п.п.га пасайди), Хитой – 5 п.п.дан ортиқ, Гонконг ва Филиппин – 4 п.п. киради (5.4-жадвал).

#### 5.4-жадвал

**Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатларида ЯИМ динамикаси,**  
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Хитой	9,1	10,0	10,1	10,4	11,6	13,0	9,0	8,4
Япония	0,3	1,4	2,7	1,9	2,0	2,4	-0,7	-0,3
Корея Республикаси	7,0	3,1	4,7	4,2	5,1	5,0	2,5	3,0
Гонконг (ХХР)	1,8	3,0	8,5	7,1	7,0	6,4	2,5	2,4
Тайвань	4,6	3,5	6,2	4,2	4,8	5,7	3,6	2,7
Сингапур	4,2	3,5	9,0	7,3	8,2	7,7	1,2	0,2
Малайзия	5,4	5,8	6,8	5,3	5,8	6,3	5,4	4,3
Индонезия	4,3	4,8	5,0	5,7	5,5	6,3	6,1	3,9
Таиланд	5,3	7,1	6,3	4,5	5,1	4,9	2,6	3,2
Филиппин	4,5	4,9	6,4	5,0	5,4	7,2	4,6	3,3
Вьетнам	7,1	7,3	7,8	8,4	8,2	8,5	6,2	...
Шарқий Осиё, Япониядан ташқари	7,1	6,9	8,0	7,6	8,4	8,7	6,9	5,9
Шарқий Осиё, Япония ва ХХРдан ташқари	5,4	4,1	5,9	5,0	5,6	5,8	4,3	3,0

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174 World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 2, 131-132.

Инқироз даврида Хитой экспорти ривожланган мамлакатлар талабининг пасайишига тез муносабат билдирди. Хусусан, инқироз бошланган йилнинг ўзидаёқ экспортнинг ўсиш суръати секинлашди - 2007 йилдаги 25,7 %дан 2008 йилда 17,3 %гача пасайди. (5.5-жадвал). 2009 йилда эса Хитой экспортининг кўшимча ўсиши бироз, яъни 14,8 %гача пасайиши, импорти эса 19,1 %га кўпайиши кутилади.

### 5.5-жадвал

#### Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатларида экспорт динамикаси, (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Хитой	22,4	34,6	35,4	28,4	27,2	25,7	17,3
Япония	2,5	13,3	20,4	6,0	8,0	9,9	10,0
Корея Республикаси	8,0	19,3	31,0	12,0	14,4	14,1	13,6
Гонконг (ХХР)	5,4	11,8	15,9	11,6	9,4	8,8	5,3
Тайвань	7,3	11,3	21,4	8,4	13,1	10,2	...
Сингапур	2,8	27,9	24,2	15,7	18,2	10,1	13,0
Малайзия	6,9	11,3	20,8	11,5	13,4	9,6	15,9
Индонезия	3,1	8,4	12,6	22,9	19,0	14,0	23,1
Таиланд	4,8	18,2	21,6	15,0	16,9	17,2	16,9
Филиппин	9,5	2,9	9,8	3,8	14,9	6,4	-2,9
Вьетнам	11,2	20,6	31,4	22,5	15,1	16,1	16,3
Шарқий Осиё, Япониясиз	9,7	19,4	25,5	17,2	18,3	16,3	18,0

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174. World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 37.

Хитойнинг асосий савдо шериклари бўлган Шарқий Осиё мамлакатлари экспорти ўзгаришини кўрадиган бўлсак, 2008 йилнинг сўнгги чорагида Сингапур экспорти 14 %, Корея Республикаси ва Таиланднинг экспорти – 10 %, Тайванда – 25 % қисқарди.<sup>1</sup> Умуман 2008 йилда ЭСКАТОнинг дастлабки баҳолашига кўра, Осиё мамлакатлари ўсиш тенденциясини сақлаб қолди. Бироқ, башоратларга кўра улар 2009 йилни пасайган кўрсаткичлар билан

<sup>1</sup> Потапов М. Мировой экономический кризис и Восточная Азия. // МЭ и МО. 2009, №12, с.19-25.

яқунлайдилар: Шарқий Осиё (Япониядан ташқари) бўйича экспорт ўртача 6,5 %, импорт эса 7,5 % ўсади (5.6-жадвал).

### 5.6-жадвал

#### 2002-2008 йиллар Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатларида импорт динамикаси, (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Хитой	27,1	39,9	36,0	17,6	19,9	20,7	18,4
Япония	-4,4	13,3	19,1	17,1	12,3	7,0	22,9
Корея Республикаси	7,8	17,6	25,5	16,4	18,4	15,3	22,0
Гонконг (ХХР)	3,3	11,7	16,9	10,5	11,6	10,0	5,7
Тайвань	5,0	13,1	32,1	7,9	11,2	8,2	...
Сингапур	0,4	17,1	27,4	15,3	19,1	10,2	21,5
Малайзия	8,2	4,4	26,4	9,2	14,7	12,0	9,5
Индонезия	2,8	10,9	28,0	37,4	6,3	14,9	31,3
Таиланд	4,6	17,4	25,7	25,9	9,0	8,7	27,6
Филиппин	18,7	3,1	8,0	8,0	9,2	7,2	-3,9
Вьетнам	21,8	27,9	26,6	15,0	22,7	21,9	37,0
Шарқий Осиё, Япониясиз	8,8	19,2	27,4	15,5	15,8	14,8	24,1

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174. World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 150.

Инқирознинг у ёки бу секторга таъсири кўп даражада унинг миллий хўжаликдаги ўрнига боғлиқ. Хитойда энг кўп зарар кўрган тармоқларга қуйидагилар киради: электроника (3,1 %га қисқариш), шунингдек тўқимачилик, тери буюмлар ва тайёр кийим-кечак (2,7 %га қисқариш), АСЕАН мамлакатларида эса бу соҳаларда мос равишда 1,4 % ва 3,1 %га қисқариш рўй берган.

Хитой ва бошқа Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўсиш манбаи бўлган экспорт ҳозирда улар иқтисодиётининг заифлик манбаларидан бирига айланди. Сўнгги 12 йил мобайнида ташқи савдога қарамликнинг ўсиши билан минтақа мамлакатлари экспортининг географияси ҳам ўзгариб борди. Унинг умумий ҳажмида Ҳиндистон, Хитой ва АСЕАН мамлакатлари каби шаклланаётган бозорларнинг улуши икки баробар - 1995 йилдаги 11,5 %дан 2007 йилда 23,6 %гача кўпайди. Евроиттифок, Япония ва

АҚШнинг улуши эса 8 п.п.га – 46 %дан 38 %гача камайди. Минтақанинг ўз экспорт улушини ва юқорида кўрсатилган шаклланаётган бозорларга қарамлигини кўпайтирган бошқа мамлакатларининг бозорларида ҳам ўхшаш ўзгаришлар рўй берди. Мазкур тенденция кўпчилик экспертларнинг Осиё ривожланган мамлакатлар бозорига қарамликни камайтириш йўлига ўтганлиги тўғрисидаги фикрларни айтишига асос бўлмоқда.

Бироқ, Осиё ривожланаётган мамлакатлари савдо оқимларини Хитой ва Хиндистонга қайта йўналтираётганига қарамай, уларнинг ялпи экспорти ЯИМга нисбатан тезроқ суръатлар билан ўсмоқда. Бу уларнинг АҚШ, ЕИ ва Японияга экспортга қарамлиги сақланиб қолаётганлигини англатади. Дарҳақиқат, уларнинг ЯИМда АҚШга экспортнинг улуши 1995-2007 йилларда 7,9 %дан 8,4 %гача ўсди, минтақанинг жами экспорт ҳажмида эса - 12,3 %дан 16,3 %гача ўсди. Умуман олганда, Осиё ривожланаётган мамлакатларининг экспорт квотаси (ЯИМда экспортнинг улуши) деярли 8,0 п.п.га кўпайди ва 37,5 %га етди.<sup>1</sup>

Шунингдек ҳозирги молиявий инқирознинг олдинги инқирозга нисбатан мураккаб ва комплекс характерини ҳисобга олиш зарур. Хитой иқтисодиёти 2001 йилда ЖСТга қўшилганидан сўнг унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайди ва мамлакат жаҳон бозори конъюнктурасига жиддий муносабат билдиради. Биринчи ва иккинчи тўлқин ЯИДларга келсак, жаҳон молиявий инқирози уларга янада кучли таъсир ўтказади, чунки улар минтақа ички савдосида, Хитой орқали АҚШ ва Японияга ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида оралик маҳсулотларни етказиб беришда кенг иштирок этади.

Шундай қилиб, АҚШ ва Европа бозорларидаги иқтисодий рецессия кўпгина Шарқий Осиё мамлакатлари қатори Хитой экспортининг пасайишига олиб келади.

Умуман олганда, Осиё минтақаси инқироз ҳолатларига аввалги ўн йилга нисбатан яхшироқ тайёр эканлигини кўрсатмоқда. Чунки ўтган давр мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди, савдо ва тўлов баланслари яхшиланди, хорижий валюта заҳиралари яратилди. Шунга қарамай, ҳозирги инқироз минтақа мамлакатларининг иқтисодий ўсишини анча пасайтирди. Бу мамлакат ЯИМнинг, шунингдек ривожланган мамлакатлар бозорларида талабнинг

---

<sup>1</sup> Мозиас П., Яковлева В. Внешнеторговая политика Китая после присоединения к ВТО. // МЭ и МО, 2009, №12, с. 64-68.

пасайиши натижасида экспорт ҳажмининг қисқаришида яққол кўринади.

**ХХР билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари.** Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олгандан сўнг 1992 йилнинг 2 январидан иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама алоқалар анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли хусусиятга эга бўлиб, бунинг негизида давлат раҳбарларининг ишончли ҳамкорлик борасидаги келишув ва шартномалари ётади.

Мамлакатлар ўртасида 150дан ортиқ давлатлараро ва бошқа турдаги келишувлар қабул қилинди. Иккала мамлакат раҳбарларининг мунтазам расмий ташрифлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ХХРга расмий ташрифлари 1992, 1994, 1999, 2001, 2005 йилларда бўлиб ўтди. Ўз навбатида, ХХР раислари Цзян Цзэминь (1996 й.) ва Ху Цзиньтао (2004 й.) Ўзбекистонда расмий ташрифда бўлишди. Ўзаро ташрифлар чоғида Ўзбекистонга 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестициясини олиб киришга доир бир қатор шартнома ва ҳужжатлар имзоланди. Биргина нефть ва газ соҳасини ривожлантириш учун 600 млн. АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияларини олиб кириш режалаштирилди.

Ҳозирги кунда Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатлари жаҳон хўжалиги иқтисодий ўсишининг етакчилари ҳисобланади. Мамлакатимиз ушбу минтақа мамлакатлари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни, шу жумладан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.<sup>1</sup>

1992 йилда имзоланган савдо-иқтисодий шартномага биноан ўзаро савдода энг қулай режим ўрнатилган. ХХР Ўзбекистоннинг етакчи ташқи савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2007 йилда ўзаро савдо 903,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2008 йилда унинг ҳажми илк бор 1 млрд. доллардан ошди ва 1511 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 2010 йил якунларига кўра, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо айланмаси 1740,2 млн.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

АҚШ доллари, шундан экспорт 739,2 млн. АҚШ долларни, импорт эса 1001 млн. АҚШ долларни ташкил қилди. Ўзбекистон учун манфий сальдо 261,8 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан анча камайди (5.7-жадвал).

### 5.7-жадвал

#### Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги товар айланмасининг динамикаси, (млн. АҚШ долларида)

Кўрсаткич-лар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Товар айланмаси	95,5	106,6	130	216,4	367,1	485,4	1511	2051,4	1740,2
Экспорт	22,5	14,86	17,3	53,3	101,5	228,2	257,5	489,0	739,2
Импорт	73,0	91,75	112,7	163,1	265,6	257,2	1253,5	1562,4	1001,0
Сальдо	-50,5	-76,8	-95,4	-109,8	-164,1	-29	-996	-1073,4	-261,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг маълумотлари

2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатларнинг раҳбарларини йиғилишида, ХХР ШХТ га аъзо-давлатларга қиймати 900 млн. АҚШ долларига тенг бўлган тижорат кредитларини таклиф этди. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам кредитларни жалб қилиш мақсадида 22та лойиҳалар таклиф этилди.

Ҳар йили иккала мамлакат ишбилармон доираларининг вакиллари иштирокида бизнес-семинарлар ўтказилади. 2007 йил январда Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти тақдироти ўтказилди ва унда Хитойнинг 200та компаниялари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистонда хитой сармоялари иштирокида 136та корхона фаолият кўрсатмоқда.

### 5.2. Хитой Халқ Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларни ривожланишининг умумий асослари ва босқичлари

80-90 йилларда ХХР иқтисодиётни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Мамлакат ЯИМнинг умумий миқдори бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқди. Мао Цзе Дун

вафотидан сўнг “ГАЙГЭ” иқтисодий ислоҳоти қабул қилинган бўлиб, улар ўз ичига қуйидагиларни олган эди:

- кўпукладли иқтисодиётни жорий этиш;
- нархни шакллантириш ислоҳотини (қатъий давлат нархи, келишилган ҳаракатланувчи нарх ва эркин бозор нархлари) ўтказиш;
- қишлоқ хўжалигини “келишув” пудратлари тизимига ўтиши;
- “Очиқ эшиклар” сиёсати ва бошқалар.

ХХРнинг иқтисодий ислоҳотларини асосини очиклик сиёсати (“Кайфан”) ташкил этди. Ушбу сиёсатнинг асосий моҳияти, биринчидан хорижий капитални Хитой иқтисодига олиб кириш, иккинчидан хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар қуриш, учинчидан ЭИХлар орқали инвесторларни жалб қилиш сиёсатидир.

Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ташаббуси 1979 йилда Хитой коммунистик партиясининг Марказий Қўмитаси томонидан илгари сурилди. Бунда илмий-техник ҳамкорликни авж олдириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестициялар жалб қилишга асосланган очик ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган эди. ЭИХлар орқали мамлакатга капитал, илғор технология, билим, бошқарув тажрибаси кириб келиши, бундан ташқари улар мулкчиликнинг турли шакллари иштирокида бозор механизмини ўзлаштириш майдонига айланиши керак эди.

1979 йилда Хитойда дастлабки ЭИХлар кичик қишлоқча бўлган Шэнчженда ташкил қилинди. Ушбу қишлоқча кейинги йилларда эса 2 млн. аҳолига эга бўлган замонавий шаҳарга айланди. 90-йилларда эса, бу ерда хорижий капиталларнинг иштирокида 3000дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб, унинг 2000таси қўшма корхона бўлган бўлса, 354таси эса тўлиқ хорижий мамлакатларга тегишли бўлган корхоналарни ташкил этган. 80-йилларда Шэнчжен ЭИХда бюджет маблағи жами инвестициянинг 10 %ни, марказий ва провинция бошқармалари ҳамда хитой корхоналарининг маблағи 7 %ни, ҳудуднинг ўз жамғармаси 37 %ни, ички кредитлар 22 %ни, хорижий капитал қўйилмалари эса 24 %ни ташкил этган.

Хитой ЭИХларининг асосий ривожланиш хусусиятлари биринчидан бозор тамойиллари асосида мустақил иқтисодий ривожланиш, иккинчидан хорижий капитал қўйилмаларига таяниб фаолият кўрсатиш, учинчидан замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида саноатнинг устунлик қилиши, тўртинчидан ишлаб чиқаришни экспортга йўналтириб, чет эл хомашёсини жалб қилиш, бешинчидан миллий ҳудудларни қамраб олиш, олтинчидан

ЭИХларни мамлакатнинг қолган қисмлари билан ўзаро алоқасини кенгайтиришдан, еттинчидан солиқ тизимини ЭИХларнинг минтақавий хусусиятига кўра турларга бўлишдан иборат.

XX-XXI асрлар бўсағасида Хитойда бта махсус иқтисодий ҳудудлар, 30дан ортиқ иқтисодий ва техник ривожланиш давлат ҳудудлари, 14та очик портлар ҳудуди ва шунингдек эркин савдо ҳудудлари, махсус солиқ ва савдо мақомига эга бўлган божхона ҳудудлари фаолият кўрсатган эди. ЭИХлар мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган минтақасидир. ЭИХларнинг фаолият кўрсатиш жойи қилиб Хитойнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмининг денгизбўйи қирғоқлари танлаб олинди. Ташкил топган бта ЭИХдан 4таси мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмининг денгизбўйи қирғоқларида жойлашган.

Хитойнинг ЭИХларни ривожлантириш сиёсати амалда хорижий капиталга бўлган сиёсатнинг ривожланиш жараёни эволюцияси билан мос келади. Бу эволюцияни уч босқичга ажратиш мумкин.

**I-босқичда (1978-1982 йиллар)** хорижий капитал жалб қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. 1982 йилда аниқланган хорижий инвестициялар учун маъқул соҳалар рўйхати асосида хорижлик ишбилармонлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органларини ташкил этиш босқичи узоқ давом этмади, бироқ мамлакат иқтисодиётини “очишда” муҳим босқич бўлди. Бу Хитойга хорижий инвестицияларнинг кириб келишини тартибга солишнинг ташкилий ва қонуний асосларини яратиш имконини берди. Айнан шу босқичда узоқ муддатли иқтисодий сиёсатнинг Хитойга хос хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётини ташқи дунёга максимал очиш имкони ўртасидаги мувозанатни сақлаш жараёнлари синовдан ўтди. Бу тажрибани амалга ошириш аниқ масалалар ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда муваффақиятли қўлланилмоқда. Биринчи босқичда дастлабки махсус иқтисодий ҳудудлар Гуандун провинцияси (Шеньчжен, Чжухай, Шаньтоу) ва Фуцзянь провинциясида (Сямин) ташкил этилди. Уларнинг майдони 15 кв. км.дан (Чжухай) 52,4 минг кв. км.гача (Ляодунь ярим ороли) тебранади.

Ички районлар аҳолиси эркин иқтисодий ҳудудлар чегарасини махсус паспортсиз босиб ўта олмайди. Эркин иқтисодий ҳудудлар учун танланган жойлар қишлоқ хўжалиги минтақалари бўлиб, уларда нафақат қайта ишлаш корхоналари, балки шаҳарлар ҳам барпо этилмоқда. Бу провинцияларнинг эркин иқтисодий ҳудудлар учун



танланиши тасодифий эмас. ЭИХнинг Гонконг, Сингапур, Тайвань, Аоминга яқин жойлашганлиги муҳим аҳамиятга эга. ЭИХ ташкил этганда Хитой ҳукумати хориждаги хитойликлар билан анъанавий хўжалик алоқаларидан кенг фойдаланишни назарда тутган. Таъкидлаб ўтиш керакки, бу масалада, Хитой хато қилмади. 90-йиллар бошларигача 80 % хорижий капитал Гонконг, Аоминь, Сингапур ва Тайвань ҳиссасига тўғри келди.

**II-босқич (1983-1989 йиллар)** биринчидан хорижий инвесторлар билан шартномавий-ҳуқуқий асосдаги ҳамкорликнинг такомиллашуви, иккинчидан хорижий капитални жалб қилиш ва ундан фойдаланиш давлат сиёсатининг эркинлаштирилиши билан ажралиб туради. Мисол учун майдони 131 кв. км., аҳолиси 350 минг киши бўлган “Сямин” ЭИХини олсак, бу ҳудудга 1981-1989 йиллар мобайнида капитал қўйилмалар ҳажми 1,5 млрд. долларни ташкил этди, шундан 500 млн. доллар хорижий инвестициялар ҳисобланади. Бу давр мобайнида 315та саноат корхонасини куриш тўғрисида шартнома тузилди. Улардан 194таси 1989 йили фойдаланишга топширилди.

Бу комплекс ҳудуд саноат, савдо ва туристик функцияларни бажаришга ихтисослашган. Асосий капитал қўйилмалар (54 %) электроника, энгил ва кимё саноати, аниқ машинасозлик, курилиш саноатига йўналтирилган. Бу ерда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналар хомашё ва бутловчи қисмларни қаердан сотиб олишни ўзи мустақил белгилайди. Шартномада хориж иштироки шартлари белгиланади ва у 20 йилгача муддатга тузилади. Қўшма корхона одатда директорлар кенгаши томонидан бошқарилади. Тезкор масалаларни бош директор хал қилади. Қўшма корхонада хорижий мутахассислар билан биргаликда Хитой мутахассислари ҳам ишлайди. Улар иш тажрибалари ва технологияларни ўзлаштиради. Кўпчилик қўшма корхоналарда мутахассисларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказлари иш олиб боради.

Шенчъжен махсус иқтисодий ҳудуди 1989 йил 5 млн. аҳолига эга бўлган замонавий шаҳарга айланди. Унинг ривожланишига 9 млрд. юан сарфланди, шундан 10 % инвестициялар хорижий инвестицияларни ташкил этади. Бу ерда инфратузилма ва саноат ҳудудлари, 12 минг кв. км. ишлаб чиқариш ва яшаш иншоотлари, университет, хорижий капитал иштирокида 1000дан ортиқ корхоналар, бир неча юздан ортиқ кооперативлар ташкил этилди. Ҳудудда 24та хорижий банкларнинг бўлим ва ваколатхоналари

фаолият кўрсатиб турибди. Худуд саноат ишлаб чиқарилишига йўналтирилган бўлиб, 1980-1987 йилларда ишлаб чиқариш 90 баробарга кўпайди, жон бошига тўғри келадиган миллий даромад эса 1000 доллардан ошиб кетди (бундай даромадга 2000 йилда эришиш кутилган эди). Ўша пайтдаги ЭИХ тўғрисидаги қонунчиликка кўра, хорижий капитал иштирокида исталган шаклдаги кўшма корхона ташкил этишга руҳсат берилган.

Кўйилмалар, хорижий инвесторларнинг фойдалари қонунга асосан муҳофаза қилинган. Хорижликлар худудда ўз корхонасини мустақил бошқаради. Ишчи кучи тўплаётганда улар танлаб олиш ҳуқуқига эга. Худуддаги корхоналарга фойдадан солиқ тўлашда имтиёзлар берилган (15 %, мамлакатнинг бошқа худудларида 55 %) худудга киритилган маҳсулотлар маълум миқдори бож тўловларидан озод қилинган, махсус божсиз магазинлар ташкил этилган бўлиб, бу ерда четдан келтирилган маҳсулотлар сотилади.

Экспортнинг сезиларли қисми солиқдан озод қилинган, имтиёзли ижара ҳақи белгиланган. Барча солиқ тушумлари худуд маъмурияти ихтиёрида қолдирилади. Бу имтиёзлар юқори иқтисодий самарадорлик кўрсатди. 1979-1985 йиллар мобайнида 30 минг дона саноат асбоб-ускуналари импорт қилиниши туфайли Шеньчжен худудида 770та янги саноат корхоналари очилди. Худудда рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, мини ЭХМ, нусха кўчириш ускуналари саноат ишлаб чиқаришини 50 %ини ташкил этади.

Шеньчжен худудида 800 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 1983-1989 йиллар мобайнида янги турдаги махсус иқтисодий худудлар – денгиз бўйи иқтисодий очик худудлари ташкил этилди. Улар Янцзи дарёси хавзаси ва Фуцзян провинцияси жанубидаги Чжунцзян (1985 йил) ва Ляодун, Шандун ярим оролларида (1988 йил) жойлашган. Уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тартиби 70-йилларда ташкил этилган ЭИХ тартибидан фарқ қилади. Улар кўпроқ денгизбўйи очик шаҳарларига (ДОШ) ўхшайди ва 1984 йилда ташкил этила бошлади. Улардан энг йириги Хайнан оролида ташкил этилди.

II-босқич охирида ЭИХ ўзининг иқтисодий ривожини бўйича Хитойнинг бошқа районларидан ўзиб кетди. Хитой мутахассислари улар ўртасидаги тафовут ўсишидан хавфсирамоқдалар. Шунинг учун вужудга келган мутаносибликни тўғрилаш масаласи вужудга келди. Бу мамлакатда имтиёзли инвестиция тартиби жорий қилинган худудларни кенгайтиришга сабаб бўлди. Бироқ, бунда ҳукумат

хорижий инвестицияларни минтақавий ва соҳа устуворлиги асосида амалга оширди.

Соҳа устуворлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, илғор технологиялар асосида экспортга йўналтирилган корхоналар устунликка эди. ЭИХда озиқ-овқат саноати, мехмонхона хўжалиги ва бошқа корхоналар ривожланиши маъмурий жихатдан чекланган.

Минтақавий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, инвестиция сиёсати мамлакатнинг қирғоқ бўйи ва ички минтақаларни ривожлантиришга мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бу босқичда 1984 йилда Хитойда денгизбўйи очик шаҳарлар институти ташкил этилди. 14та денгизбўйи шаҳри шу мақомга эга бўлди. Уларда мамлакат аҳолисининг 8 фоизи яшайди ва Хитой ЯММнинг 20 фоизи ишлаб чиқарилади.

Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг ривожланиш даражаси ва функциясига кўра бу шаҳарларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Комплекс саноат шаҳарлари (Шанхай, Тяньцзинь, Гунчжоу). Шанхайда Хитойда мавжуд 164та саноат соҳасининг барчаси, Тяньцзиньда – 154таси, Гуанчжоуда – 147таси мавжуд. Бу шаҳарлар мамлакатнинг йирик порт шаҳарлари ҳамдир. Шанхай Янцзи дарёси хавзасида, Тяньцзинь Сарик денгиз бўйида (Пекиннинг «денгиз дарвозаси»), Гуанчжоу Жанубий Хитой денгизи бўйида жойлашган.

2. Йирик портлар (Дальянь ва Циндао) ривожланган, лекин саноат базаси номувофиқ жойлашган. Дальянда оғир саноат, Циндаода енгил саноат ривожланган.

3. Ўртача катталиқдаги (Яньгай, Наньтун, Чжаныцзи) ва катта бўлмаган (Фучжоу, Венчжоу, Бейхай) маҳаллий хомашёни қайта ишлашда кўп меҳнат талаб қиладиган саноат соҳалари портлари.

4. Йирик (Цзянькуандао) ва ўртча (Ляньюнган) саноат базаси ривожланмаган, юк ташиш, юк ортиш-туширишга ихтисослашган портлар.

ДОШ ЭИХларга қараганда бошқача функцияни бажаради, улар бевосита мамлакат ички қисмидаги минтақалар ривожланишига таъсир кўрсатди, бироқ бунинг учун улар илғор технологиялар асосида иш юритаётган корхоналар шу районларнинг бозорини маҳсулот билан тўлдиради. Шу сабабли давлат ДОШ ривожланишида танланма (селектив) сиёсатни амалга оширмоқда. Биринчи навбатда, маблағлар қулай инвестиция муҳитидаги ДОШларга йўналтирилмоқда. Бошқа ҳудудлар давлат ёрдами олиш учун ички ресурсларни ишга солган ҳолда хорижий инвестициялар учун қулай

муҳит яратиши керак. Бунда “кўринмас” муҳитга (бошқарув тизимини мукамаллиги, қонунчилик тизими, виза тартиби ва бошқаларга) эътибор бериш керак. Бундай воситалар катта қўйилмалар талаб этмасада, яхши самара беради. ДОШ учун қуйидаги иқтисодий имтиёзлар яратилган:

- фойдадан олинадиган солиқ миқдори камайтиради;
- 20 млн. доллар хорижий капитал қўйилган объектлар, кўп меҳнат талаб қиладиган ва техник кўп илм талаб этиладиган ишлаб чиқариш учун фойда солиғи 15,5 %ни ташкил этади;
- 70 % маҳсулот экспортга кетадиган ва илғор технологияли корхоналар учун 10-12 %;
- хорижий ишбилармонлар дивиденди ва фоиз даромадига 10 % солиқ солинади.

Қуйидагилардан божхона тўловлари олинмайди:

- ишлаб чиқариш ва бошқарув учун инвестиция қилинган қурилиш материаллари ва деталлари, ускуналардан;
- хорижий капитал иштирокидаги корхонанинг экспорт маҳсулотларидан;
- офис жихозлари ва транспорт воситаларидан (ДОШдаги хорижий корхона ва ташкилотларда, ваколатхоналарда фойдаланиш учун).

Бундан ташқари ДОШ халқ ҳукумати мустақил равишда қўшма корхона лойиҳаларини тасдиқлаш, ер ва иншоотлар учун ижара ҳақи институтлари ва фойда солиғини чеклаш каби хорижий капиталнинг кириб келишини тартибга солиб турувчи қонунлар чиқариши мумкин. Шанхай ва Тяньцзин 30 млн. долларгача қийматдаги, Дальян ва Гунчжоу 10 млн. долларгача, қолганлари (Цинхуандао, Циндао, Фучжоу ва бошқалар) 5 млн. долларгача қийматдаги қўшма корхона лойиҳаларини мустақил тасдиқлайди.

ХХРдаги қолган провинциялар шаҳарлари 30 млн. доллар қийматидаги қўшма корхона лойиҳаларини, ЭИХдаги қўшма корхоналар 50 млн. долларгача лойиҳаларни мустақил тасдиқлайди. 14та очик порт шаҳарлари ўзини оқлади. Улар мамлакатни илғор хорижий техника, технология билан боғловчи марказлар ва жаҳон иқтисодиётига “кўприк” бўлди. 1984-1990 йилларда ДОШ экспорт савдоси 2 марта кўпайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 1/3 қисми ташқи бозорларга чиқарилди. Порт шаҳарларни очиш билан бирга улар ҳудудида иқтисодий ва техник ривожланиш ҳудудлари (ИТРХ) ташкил этилди, бу ДОШдаги субҳудудлар ҳисобланади. Улар учун

автоном бошқарув органлари ва хорижий капитал учун имтиёзлар амал қиладиган махсус ҳудудлар ажратилган.

Иқтисодий техник ривожланиш ҳудудининг асосий вазифаси илмий техник тараққиётни рағбатлантириш, замонавий саноатни ривожлантириш, бошқа турдаги иқтисодий ҳамкорлик, яъни илмий техник алмашув ҳисобланади. ИТРХ ДОШ ва унга туташ районларнинг “ўсиш нуқтаси” бўлиши керак эди. ДОШ эса ИТРХ учун қулай иқлим яратиши керак эди. ИТРХга рағбатлантирувчи тадбирлар орқали хорижий инвестициялар йўналтирилган. Уларда ЭИХ каби барча импорт маҳсулотларидан божхона тўловлари ундиришдан озод қилинмаган бўлиб, фақат саноат аҳамиятидаги маҳсулотлар божхона тўловларидан озод қилинган.

Хорижий капитал қўйиш соҳалари ҳам чекланган бўлиб, фақат янги маҳсулот ва технология билан иш олиб борадиган корхоналарга капитал қўйилади. ИТРХнинг бошқа ихтисослашув йўналиши бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳисобланади. Уларнинг ташкил этилганлигига 5 йил бўлган бўлсада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш икки марта, ЯММдаги экспорт улуши 7 %дан 25 %гача ўсди. Бироқ давлат ИТРХнинг саноатга ихтисослашувига кўпроқ эътибор берди.

Хитойда ташкил этилган техник иқтисодий ривожланиш ҳудудларида чет эл инвестициялари билан биргаликда ташкил этилган корхоналар сони 15 мингга ташкил этган, жалб қилинган чет эл инвестициялари эса, 11 млрд. долларни ташкил этган. Экспорт миқдори бу зоналарда 10 млрд. долларни, яъни ХХР умумий экспортининг 7 %ни ташкил этади, унинг 3 млрд. доллари Пудун махсус ҳудудига тўғри келади. Демак фақатгина Пудун махсус ҳудудига ХХР экспортининг 2 фоиздан ортиғи тўғри келмокда. Бу иқтисодий ривожланиш ҳудудларида саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 30 млрд. доллар миқдорини ташкил қилса, биргина Пудун махсус ҳудудига ана шу миқдорнинг 3 фоизи, яъни 10 млрд. долларга яқин саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилади. 1993 йил охирига келиб Хитойда 61 млрд. АҚШ доллари миқдorigа эга бўлган 50000та чет эл инвестициялари билан ҳамкорликда тузилган корхоналар фаолият кўрсатган эди. Бу корхоналарнинг экспорт қилиш ҳажми 1990 йилда Хитой экспортининг 13 фоизини ташкил этган бўлса, 1993 йилда 27,5 фоизни ташкил этди. Бу махсус иқтисодий ҳудудда жаҳон хўжалигида катта нуфузга эга бўлган “VOLKCVAGEN”, “MITSUI”, “MARUBENI”, “MOTOROLA”,

”SIMENS”, “COCA-COLA”, “IBM” корпорациялар ўз корхоналарини қуриб ишга туширдилар. ХХР иқтисодиётида биргина Япониянинг машина ва бошқа асбоб-ускуналарни экспорт қилувчи 300дан ортиқ компанияларнинг 70дан ортиқ корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

1996 йилнинг сентябр ойида Шимолий Кореяда Япония, АҚШ, Ғарбий Европа, Россия ва Хитойнинг ишбилармонлари доирасида БМТнинг ривожланиш дастури асосида амалий анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуманда ХХРнинг Жанубий Корея ва Россия чегараларида жойлашган Нажин шаҳрида халқаро эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этиш тўғрисида фикрлашиб олишди. Чунки ХХРда ташкил этилган ЭИХлар асосан мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашганлиги учун ҳам ушбу минтақада саноат ишлаб чиқаришни, ташқи савдони, технологик кооперацияни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар билан бир қаторда юқори технологик зоналар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундау ҳудудларнинг ташкил этилиши фан ва техника ютуқларини саноат ишлаб чиқаришига тезроқ жалб қилиш имконини бермоқда. 1985 йилда ХХР Фанлар Академияси раҳбарияти томонидан Пекин шаҳрига яқин бўлган Чжунгуанцун ҳудудида “Электрон кўчалар” деб аталган ҳудудни ва шунингдек Шеньчжен районида илмий-техник саноат ҳудудини ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда (5.8-жадвал).

### 5.8-жадвал

#### Хитой Халқ Республикасида фаолият кўрсатаётган юқори технологик ҳудудлар

№	Технологик ҳудудларнинг номи	Жойлашган жойи
1	Янги тажрибали технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Пекин шаҳри
2	Экспортга мўлжалланган юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Ухань шаҳри
3	Янги саноат-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Нанкин шаҳри
4	Фан ва технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шэньян шаҳри
5	Янги саноат технологиялари ҳудуди	Тяньцзинь шаҳри
6	Янги саноат технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Сиань шаҳри

№	Технологик ҳудудларнинг номи	Жойлашган жойи
7	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чэнду шаҳри
8	“Вэйхай” юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Вэйхай шаҳри
9	“Чжуншань” юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чжуншань шаҳри
10	Янги саноат технологиялари ҳудуди	Чанчунь шаҳри
11	Юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Харбин шаҳри
12	Фан-техника ютуқларини тажрибадан ўтказиш ҳудуди	Чанша шаҳри
13	Фан-техника ҳудуди	Фучжоу шаҳри
14	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Гуаньчжоу шаҳри
15	Фан ва техникани ривожлантириш ҳудуди	Хэфэй шаҳри
16	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чунцин шаҳри
17	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чанчжоу шаҳри
18	Янги технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Гуйлинь шаҳри
19	Юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чжэнжоу шаҳри
20	Янги технологиялар тажрибасини ривожлантириш ҳудуди	Ланьчжоу шаҳри
21	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шицзячжуан шаҳри
22	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Цзинань шаҳри
23	Янги технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шанхай шаҳри
24	Юқори технологиялар саноат ҳудуди	Далянь шаҳри
25	Фан ва техникани ривожлантириш ҳудуди	Шэнчжен ЭИХ
26	Юқори индустриал-технологияларни ривожлантириш ҳудуди	“Сямин” ЭИХ
27	Халқаро фан-техникани ривожлантириш ҳудуди	“Хайнань” ЭИХ

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 91-93 бетлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, эркин юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди мамлакат территориясида бир текисда тақсимланган. Мамлакатда бундай тақсимланиш фан-техника ютуқларини барча эркин иқтисодий ривожланиш ҳудудларида тажрибадан ўтказиш имконини

беради. Бундай иқтисодий ҳудудиларнинг барчаси ўз-ўзини иқтисодий маблағ билан таъминлашга қаратилган бўлиб, бундай ҳудудларга хорижий инвестицияларнинг киритилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда бу ҳудудларда жойлашган корхоналар солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўлиб, ушбу корхоналарда бошқарув аппаратининг барча мулк кўринишларидаги лойиҳалари синовдан ўтказилади. Давлат томонидан ушбу корхоналар фаолиятини молиялаштириш миқдори кўп эмас, шунинг учун ҳам бу корхоналар кўпинча ўз фаолиятини олиб боришда банк кредитларидан кенг фойдаланади.

Энг яхши ривожланаётган ИТРХ «Мавей» (Фучжоу шаҳри) бўлиб, 4,4 кв. км. майдонга эга. Бу ерда қатор саноат корхоналари, денгиз порти ва иккита электростанция жойлашган. 4 йил ичида (1985-1989 йиллар) бу минтақанинг ривожланишига 110 млн. доллар сарфланди, 18 корхона (8таси ҚК) 20та давлат билан иқтисодий алоқалар олиб боради. «Мавей» ИТРХ электроника, оптика ва ўлчов асбоблари, аниқ машинасозлик саноатига ихтисослашган, лекин шу билан бир вақтда унда бошқа соҳалардаги кичик ва ўрта корхоналар ҳам фаолият юритади. ДОШлардаги қулай инвестиция муҳити даражаси ЭИХдан кейин 2- ва 3- даражада баҳоланмоқда.

Бу турдаги ЭИХ Хитой иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди ва Хитойнинг 40 % экспорти, ялпи саноат маҳсулотининг 23 %ини ишлаб чиқаради, бу ерда меҳнат унумдорлиги мамлакатдагидан 66 % юқори. ЭИХ ривожланишининг иккинчи босқичидаёқ унинг самарадорлиги исботланди. Биринчи навбатда хусусий мулкнинг халқ хўжалигининг барча соҳаларида улуши ҳисобига бозор механизми мустақамланди. Бу ЭИХ капитал қўйилмалари таркибида акс этди. Мутахассислар баҳолашича, миллий хусусий корхоналар капитал қўйилмалари юқори суръатда ўсди. Уларнинг маҳаллий хокимият органлари ва ички заемлар билан биргаликдаги қўйилмадаги улуши 1989 йилда 70 %дан ортди, хорижий инвестиция 20 %дан ошмади, давлат улуши эса атиги 2,3 %ни ташкил этди.

Эркин иқтисодий ҳудудлардаги юқори иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келган муаммоларни ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

**Биринчидан,** ҳудудда кутилганидек илғор технологияларнинг оммавий кириб келиши содир бўлмади. Бу Гонконг ва Тайвандан келган кичик ва ўрта ишбилармонлар билан боғлиқ бўлиб, улар ўз қўйилмаларини қисқа муддатли лойиҳаларга сарфладилар. Асосий



капитал Хитой томонидан таъминланди. Баъзида хорижий инвесторлар фақат Хитой бозорига киришга ҳаракат қилдилар. Хитойга ўрта даражадаги технологиялар кириб келди.

**Иккинчидан,** ЭИХ миллий саноат ва хорижий технология ўртасида алоқа бўғини эмас эди. Ҳудуд индустрия ривожланишининг асосан ускуналардан бошлаб хомашёгача бўлган барча ишлаб чиқариш қисмларини импорт қилишга таянди. Натижада миллий соҳада ЭИХда ривожланаётган янги соҳадан узилиб қолди. Хитой ЭИХларида Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал давлатларидагидек тўлиқ цикли саноат эмас, балки саноат циклининг маълум кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнлари яратилди. Бу алоҳида туманлардан ишчи кучини олиб келиш заруриятини туғдирди. Уларнинг умумий ҳажми сермеҳнат соҳада банд бўлганларнинг 30 %ини ташкил этди (баъзи корхоналарда 70-80 %). Бироқ бу паст малакали ишчи кучи бўлиб, ҳудуднинг ривожланишини орқага сурди. Мисол, Шенчъжен ЭИХда 5 % ишчи ва хизматчилар олий ва ўрта маълумотга эга эди. Бу хорижий технологияни ўзлаштиришни қийинлаштирди ва ҳудуд фаолияти самарадорлигини пасайтирди. Ҳудуддаги меҳнатни рағбатлантиришнинг номукамаллиги муаммони чуқурлаштирди. Ишчилар маоши юанда тўланди, қаттиқ валюта марказга ва маҳаллий хокимиятга кетди. Юандаги маош ҳам малакасиз меҳнатдан фойдаланиш баҳонаси билан камайтирилди.

**Учинчидан,** ҳудудда иқтисодий ўсиш даражасининг, хомашё, электр энергияси, яримтайёр маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасини қувватининг етишмаслиги сезилиб туради. Бу марказлашган ресурслар билан таъминлашнинг чекланганлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида хорижий ускуналарни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳам катта қийинчилик билан амалга оширилди. Хитой матбуотида япон ишлаб чиқариш линиялари учун қисмларни Хитойда ишлаб чиқаришнинг йўқлиги Хитой иқтисодиётининг Японияга қаттиқ боғланиб қолишига олиб келди. Натижада ишлаб чиқариш ихтисослашувида техникани талаб қиладиган соҳага эмас, балки анъанавий сермеҳнат соҳага (савдо-қурилишга) эътибор берилди. Бу хорижий инвестицияларни тез фойда берадиган хизмат кўрсатиш соҳасига сарфланишини келтириб чиқарди. Иккинчи босқич охирида ҳудудга хорижий инвестициялар кириб келиши секинлашди. Бу Хитойнинг очиқ сиёсат ўтказишдаги барқарорлигига боғлиқ. Жаҳон тажрибасидан маълумки, хорижий инвесторларни мамлакатнинг

сиёсий барқарорлиги, аҳоли ва ҳукуматнинг хусусий мулкка бўлган муносабати, халқаро шартнома ва келишувларга амал қилиш анъаналари қизиқтиради.

**Тўртинчидан,** аҳоли даромади ўсиши билан истеъмол эҳтиёжлари ҳам ўсди. Бироқ шу билан бирга ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархи ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўсди. Бу ички ва ташқи бозордаги уларнинг рақобатдошлигини пасайтирди. Охирида у субсидиялар кўпайтирилиши ва юаннинг девальвацияси (1998 йил охири) билан кўллаб-қувватланди. 1989 йил ЭИХда экспорт сотиб олиш нархи 1 долларга 4,5-5,9 юан муносабатида расмий курсда 3,72 юан эди. Зарарсиз меҳнат қилиш учун маҳсулот нархининг 20 %дан кам бўлмаган миқдорда субсидия берилиши керак эди. Юан девальвацияси ҳолатни бироз юмшатди, бироқ бунда харажатларнинг ўсиши давом этди, бу эса муаммони чуқурлашишини билдиради.

**Бешинчидан,** ҳеч бир ҳудуд фақат экспортга йўналтирилган эмас эди. ЭИХларнинг маҳсулотининг умумий ҳажмида экспортнинг улуши 60 %дан ошмади.

**Олтинчидан,** ҳудудларни ташкил қилиш йирик харажатлар орқали олиб борилди, баъзида улар ўзини оқламади. Хитой хорижий капитал учун рақобатда ғолиб бўлиш учун имтиёзларни кенгайтиришга мажбур бўлди. Бунда асосий харажатлар «нол циклни» яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, бошланғич ишчи кучини тайёрлашда қабул қилувчи мамлакат зиммасига тушди. Натижада Хитойдаги ЭИХларда йирик харажатлар (ҳудуд, биноларни қуриш, халқаро реклама ва ҳ.к.) вужудга келди. Мамлакат учун керак бўлган маблағлар кредит шаклида олинди. Бу эса инфратузилмани яратиш харажатларини йилига 8-10 % оширди. Бу ва бошқа муаммолар Хитой ҳукуматининг учинчи босқичда ЭИХ ташкил этиш ва фаолият юритиш тактикасига кейинги тузатишларни киритишни шарт қилиб қўйди.

**Учинчи босқич 1990 йилда бошланди.** 1990 йил Шанхай шаҳри яқинида янги очик район Пудун барпо этилди. Бу районнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тартиби ўз хусусиятига кўра эркин иқтисодий ҳудудга мос келади. Пудун районини ташкил этишдан мақсад Шанхай шаҳрини модернизация қилиш ва Янцзи дарёси ҳавзаси минтақасини ривожлантириш эди. 1990 йил унинг ҳудудида биринчи эркин савдо ҳудуди (ЭСХ) – “Вейгацяо” ташкил этилди, у экспорт ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Бу ердаги хорижий

инвестиция иштирокидаги 202 корхонанинг 140таси тўлиқ хорижий корхона эди. Унинг ташкил этилиши мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига очилишини таъминлаган янги босқичга ўтиш деб баҳолаш мумкин.

Вейгацяо ЭСХ асосий функцияси экспорт-импорт операциялари (сақлаш, қайта ишлаш, юкни суғурталаш ва бошқалар) билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш ҳисобланади. 1992 йил охирида Хитойда 8та ЭСХ бўлган – Дальян, Тяньцзин, Гуанчжоу шаҳарлари, Цзянсу провинциясида, Шеньяжен ва Хайнан оролида иккитадан. Уларнинг жойини танлашда асосий эътибор географик ҳолати ва яқинлигига қаратилди. Шеньчжен ЭСХ Гонконг билан, Чжухай ЭСХ Аомин билан, Сямин ЭСХ Тайвань билан жадал муносабатда бўлди. 90-йилларда Пудун райони ривожланишида Хитой ҳукуматининг мамлакат очиклигини ва ислохотларни кейинги ўтказилиши асосий рол ўйнади.

Унинг ҳудудида ЭСХдан ташқари экспорт қайта ишлаш ҳудуди (Диншао) ташкил этилди. Бу ерда юқори технологик қайта ишлаш саноати соҳалари; молия банк ҳудуди; порт франко фаолият олиб борди. Ҳозирги вақтда Пудунда инфратузилмани ташкил этиш якунланган, қишлоқ хўжалиги ва саноат жадал ривожланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми Шанхай ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 %ини беради.

Бунда жаҳоннинг машҳур ТМК ва концернлари инвестицияларининг бу ерга олиб келиниши муҳим силжишларга олиб келди. Биргина 1994 йилда 56 ТМК 106та объектга инвестиция киритди. Хорижий капитал иштирокида 10 млрд доллардан ортиқ миқдордаги 240та лойиҳа тасдиқланди. 1994 йил охиригича Пудунга 6 млрд доллар сарфланди. Пудунда саноат, молия, савдо, техник хизмат, инфратузилма қурилиши соҳалари ривожланмоқда. Пудун лойиҳаларнинг миқёси ва техник даражаси бўйича мамлакатда биринчи ўринда туради. Пудунда 1991-1994 йилларда ЯММ ишлаб чиқариш 4 марта ўсди ва 29,1 млрд. юанни ташкил этди.

Учинчи босқичда Хитой ҳукумати экспорт ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция сиёсатига эътибор беришни сақлаган ҳолда юқори ва янги технология лойиҳаларига кўпроқ эътибор бермоқда. Айнан шу лойиҳалар алоҳида солиқ ва бошқа имтиёзларга эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда паст малакали ишчи кучи ишлатиладиган қайта ишлаш саноатига бўлган муносабатда чекловлар қўлланилмоқда. Бу босқичда олдин ташкил қилинган ва

ташкил этилаётган ЭИХ, ДОШ, ИТРХ иқтисодий очик районлар ривожланмоқда.

Давлатнинг мамлакат иқтисодиёти очиклиги асосан “очик белбоғлар”ни ташкил этиш сиёсатида акс этмоқда. Шарқий денгизбўйи районлари – Ляонин, Хэбэй, Шандун, Цзянсу, Чжензян, Фуцзян, Гуандун, Гуанси-Чжуан автоном районлари, Пекин, Шанхай ва Тяньцзинни ўз ичига олган шарқий очиклик белбоғи вужудга келди деб айтишимиз мумкин. Унинг аҳолиси 200 млн киши, 320 минг кв км майдонда жойлашган. Бу районлар қулай географик ҳолати ва ортиқча ишчи кучи билан ажралиб туради.

“Шарқий очиклик белбоғи” турли даражадаги ва кўринишдаги ЭИХларни ўз ичига олади. Бу эса хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратади. 1992 йилдан бошлаб Хитой «шимол очиклик белбоғи”ни ташкил қилишга киришди. Бу Россия ва Монголия билан чегарадош шимоли-шарқий минтақада ЭИХ тартибини жорий этилишида кўринади. Бу ерда Хайхэ, Суйфинхэ (Хейлунцзян провинцияси), Хуанчуан (Цзимен провинцияси), Менчжоули (ички Монголия)автоном райони) шаҳарлари ДОШга ўхшаш тартиб ўрнатилган.

Шу қаторда Марказий Осиё мамлакатлари билан чегарадош – Инин, Гачен, Гуанчжоу, Сичуан, Шаньси, гуанси, Цинхай, Жануби-Шарқий Осиё билан чегарадош – Наньнин, Пинсян, Дунсин (Гуанси-Чжуан автоном райони), Кунмин, Хэкоу, Ваннин (Юннан провинцияси) “очиклик белбоғи” барпо этилмоқда. Шу тарзда мамлакат иқтисодий очилмоқда. Бунда ҳозиргача ички минтақаларни “очиш” ва ривожлантириш асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Буни Хитой хукматининг марказий очиклик белбоғини ташкил этишга қарор қилганидан билиш мумкин. Бунга Шанси, Хейлунцзян, Анхай, Цзянси, Хэнан, Хубэй, Хунан ва ички Монголия провинциялари ҳамда Янцзи дарёси қирғоғидаги 6 та порт шаҳар ҳам кирази. Шу тарзда ҳозирги вақтда Хитойда кўп қаватли ва кўп каналли ташқи дунёга барча йўналишлар бўйича очик бўлган иқтисодиёт барпо этилмоқда. Бу тизимнинг хар бир бўғини маълум аниқ вазифаларни бажариб, умуман улар босқичма-босқич хорижий капитал, илғор техника, технология, жаҳон илмий техник ютуқларига “очилади”.

### **5.3. Сянган (Гонконг) муҳим маъмурий аҳамиятга молик райони**

Гонконг Буюк Британиянинг охирги мустамлакаларидан бири бўлиб ҳисобланади. 1984 йилнинг декабрида Гонконгни ХХРга қайтариб берилишини кўзда тутган Хитой ва Буюк Британия қўшма декларацияси имзоланди. Ушбу битим асосида “битта мамлакат – иккита тизим” тамойили ётади.

Муҳим маъмурий аҳамиятга эга бўлган Сянган (Гонконг) райони 1997 йилнинг 1 июлида Британия қиролигидан олиниб, ХХР ихтиёрига барча юрисдикция қонунларига амал қилиниши кўзда тутилган ҳолда ўтказилди. Осиёнинг тўртта йирик аждархоларидан бири бўлмиш Гонконг (Сянган) иқтисодий оффшор ҳудуди ҳозирги кунда ХХРнинг муҳим маъмурий аҳамиятга молик районларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Гонконг жаҳоннинг йирик реэкспорт савдо маркази ҳисобланиб, у юқори даражада ривожланган замонавий саноат ва технологик базага эга. Ҳозирги кунда Гонконгда 110 мингдан ортиқ савдо фирмалар, мингга яқин ТМКларнинг бўлимлари, 500дан ортиқ банклар ва жаҳоннинг 40дан ортиқ мамлакатларининг 60 мингдан ортиқ молиявий компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Гонконг иқтисодий эркинлик даражасига кўра жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ушбу ҳудудда деярли кузатилмайди.

1978 йилда бошланган кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотлар Гонконгни иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнади. Икки томонлама савдо (шу билан биргаликда реэкспорт) ҳажми 1978 йилда 160 марта ўсиб, 1994 йилда 140 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. Ана шу йилларда Хитойнинг Гонконг орқали товар айланмасидаги улуши 9,3 %дан 45 %га ўсганлигини кўрамиз.

Гонконг Хитой учун маҳсулотлар сотиладиган анъанавий йирик бозор ҳисобланади. 1994 йилда ўз истеъмоли учун ХХР Гонконг орқали 20 млрд. АҚШ долларидан ортиқ қийматга эга бўлган товарларни импорт қилди. 70-90-йилларда Хитой товарларининг Гонконг орқали олиб чиқилиши эса йилига ўртача 25-26 %ни ташкил этди.

Хитой Гонконг орқали жаҳон мамлакатларига мато, кийим-кечак, электротехника асбоб-ускуналарни, ўйинчоқ ва спорт анжомларни, заргарлик буюмларини сотади. Гонконг орқали жаҳон мамлакатларидан эса минерал ўғитлар, электроника асбоб-ускуналари, соатлар, телекоммуникация ускуналарини, ўлчов

асбоблари ва юқори технологик тармоқларда ишлаб чиқарилган бошқа маҳсулотларни харид қилади.

Гонконгга киритиладиган инвестициялар асосан кemasозлик, банк ва суғурта иши, кўчмас мулк, чакана савдо ва қайта ишлаш тармоқларига йўналтирилган киритилаётган хорижий инвестицияларнинг деярли ярми ХХРга тўғри келади. Гонконгда умумий капитал қиймати 25 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 2000дан ортиқ Хитой корхоналари ва фирмалари фаолият кўрсатади. Бу Гонконгга Япония фирмалари томонидан киритилган инвестициялардан 2 марта, АҚШдан 3 марта, Буюк Британиядан эса 7 марта кўпдир.

Гонконгнинг Кай Так аэропорти ҳозирги кунда юк ташиш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. 1988 йилда Гонконг ялпи ташқи савдо айланмаси киши бошига тўғри келган миқдори бўйича Осиёда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 1994 йилда жаҳонда саккизинчи ўринга кўтарилганлигини кўрамыз.

1990 йилнинг 4 апрелида Бутунхитой Халқ вакилларининг йиғилишида қабул қилинган “Сянган муҳим аҳамиятга молик райони” тўғрисидаги қонунининг 5-бандига асосан «Сянган мамлакати ҳудудида 50 йил мобайнида социалистик тузум ёки сиёсий усткурма ўзгармайди, яъни капитализм тузуми сақланиб қолаверади» деб кўрсатилган. Бу низом асосида тайёрланган бошқа ҳужжатлар ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Чунки 50 йил мобайнида Сянган райони нафақат ўзининг давлат ва шунингдек ижтимоий-иқтисодий тузумини, балки маъмурий, ҳуқуқий ва молиявий тузилмаларини ҳам ривожлантириб, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб, ташқи сиёсатни ҳам юритиши лозим бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида қайд этилган қонуннинг 7-бандига асосан «Сянган райони мустақил равишда жаҳоннинг барча мамлакатлари билан эркин иқтисодий ҳудудлари ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодиёт, савдо, молия, алоқа, туризм, денгиз флотлари ва спорт соҳаларини ривожлантириш учун шартномаларни имзолаш, граждaнлар ва норезидентларнинг кириб-чиқишлари учун кўшимча қонун-қоидаларни ҳам ишлаб чиқиш ҳуқуқига ...» эга бўлган мустақил давлатлардан биридир.

1898 йилда Хитой ҳукумати томонидан 99 йилга Буюк Британияга ижарага берилган Гонконг (Сянган) районининг умумий майдони 1092 кв.км. дан иборат бўлиб, аҳолиси 6,2 млн. кишини ташкил этади. Аҳолининг 95 фоизи этник келиб чиқиши жиҳатдан

хитойликлардир. Сянган маъмурий райони табиий ресурсларининг озлигига қарамасдан дунёда ривожланаётган кучли ўнлик давлатлар қаторига киради. Денгиз савдо флотининг ривожланганлиги бу мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлиб, жуда кўплаб халқаро савдо йўллари шу порт орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Хитой бозорларига кириб келаётган товарлар авваламбор ана шу худудда ташкил топади. Шунинг учун ҳам транзит савдо алоқаларининг бошланғич даврларини «GAEISON & PTRE» («очик порт») деб аталган. 1941 йилга қадар Гонконг Буюк Британиянинг муштамлакаси сифатида фаолият кўрсатган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса муштақил иқтисодий марказлардан бири сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Буюк Британия ҳукумати эса фақатгина жамоа тартибини сақлаб, сиёсий бошқарувни амалга ошириб турган холос.

Гонконг муштамлака йилларидаёқ Кай-Так аэропортига эга бўлиб, бу аэропорт ҳозирги кунда юк ташиш бўйича жаҳон аэропортлари ичида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. 1988 йилда Гонконг жаҳоннинг 200дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини олиб бориб, ташқи савдо айланмаси 310 млрд. АҚШ долларини ташкил этган эди. Ана шу йили аҳоли жон бошига тўғри келган савдо айланмаси 21600 АҚШ долларини ташкил этган. 1996 йилда Гонконг порти контейнерлардан юкларни тушириш ва ортиб бериш ишлари бўйича жаҳон мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллади. Гонконг портлари франко-порто усулида ишлаётганлиги сабабли, яъни импорт товарларга бож солиғи тўламаганлиги сабабли (фақатгина тамаки ва тамаки маҳсулотлари, спиртнинг барча турларидан ташқари) ички бозорлар катта тезликда ривожланиб борган эди. Бу мамлакатга йилига 10-12 млн. киши келиб кетади. 80-90 йилларда Гонконг жаҳондаги йирик халқаро молиявий марказлардан бирига айланди. Сянган маъмурий райони банк муассасаларининг кўплиги жихатидан фақатгина Лондон ва Нью-Йоркдан кейинги ўринда туради. 90-йилларнинг охирида Сянган муҳим иқтисодий аҳамиятга молик районида 190га яқин барча турдаги банк операцияларини амалга оширувчи, 60дан ортиқ масъулияти чекланган банклар, 130дан ортиқ молиявий қўйилмаларни қабул қилувчи банклар ва 160га яқин чет эл банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатган эди (5.9-жадвал).

## 5.9-жадвал

### Сянган муҳим иқтисодий аҳамиятга молик районда банклар ташкил этишнинг ўсиш суръатлари

№	Банк фаолиятининг номланиши	1977 йил	1987 йил	1997 йил	Ўсиш суръатлари, % ҳисобида 1977 йилга нисбатан
1	Барча турдаги операцияларни амалга оширувчи банклар	151	172	185	122,5
2	Чет эл банкларининг ваколатхоналари	117	134	156	133,0
3	Молиявий кўйилмаларни қабул қилувчи банклар	93	116	131	141,0
4	Масъулияти чекланган банклар	42	51	63	150,0
	ЖАМИ	403	473	535	133,0

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 95-96 бетлар.

Жадвалда кўриниб турибдики, 1997 йилда банклар сони 535тани ташкил этиб, 1977 йилга нисбатан 33 фоизга кўпайган. Барча турдаги операцияларни амалга оширувчи банклар 22,5 %га, чет эл банкларининг ваколатхоналари 33 %га, молиявий кўйилмаларни қабул қилувчи банклар 41 %га, масъулияти чекланган банклар эса 50 %га кўпайган эди. Демак, сўнгги йилларда Гонконгда масъулияти чекланган, шунингдек молиявий кўйилмаларни қабул қилувчи банкларни ташкил этишга кўп эътибор берилган. Чунки бу банклар орқали хорижий инвесторларнинг молиявий кўйилмаларини қабул қилиш ва валюта операцияларини амалга ошириш анча қулайдир. Сянган валюта бозоридаги қайд этилган савдонинг ҳажми бўйича жаҳонда Лондон, Нью-Йорк, Токио, Цюрих ва Сингапурдан кейинги олтинчи ўринни эгаллайди. Қимматбаҳо металлар савдоси бўйича эса Лондон, Нью-Йорк ва Цюрих билан биргаликда “катта тўртлик”ни ташкил этади.

1891 йилдан бери Гонконгда фонд биржаси фаолият кўрсатиб келмоқда. 1986 йилда Сянганнинг тўртта фонд биржаси кўшилиб, Сянган фонд бирлашмасини ташкил этган эди. 1997 йилнинг бошларида ушбу фонд биржада 545та компания-эмитентлар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 1038та турдаги қимматбаҳо



қоғозлари котировка қилиниб, активларининг қиймати 343 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

1997 йилнинг бошларида Инвестиция фондларининг 40дан ортиқ аъзосидан 36таси Сянган иқтисодий районида ўз ваколатхоналарини очган эди. Чунки Сянган Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари учун ҳам ва шунингдек ХХР учун ҳам турли хилдаги иқтисодий жараёнларни ўтказувчи муҳим плацдарм бўлиб ҳисобланади. 1997 йилнинг бошларида ушбу инвестиция фондларининг активлари 94,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 22,2 млрд. АҚШ доллари фонд биржасининг қимматбаҳо қоғозлари учун қўйилган. Чет эл инвесторлари ва халқаро ҳамжамиятнинг Сянган иқтисодий районида бўлган қизиқишини қуйидаги мисоллардан ҳам кўрсак бўлади. 1997 йилнинг февралида чет элдан кўчиб келиб, Сянган резидентлигини олган фуқаролар сони 370 минг кишини ташкил этган бўлса, шу йилнинг декабрь ойида эса уларнинг сони 438200 кишини ташкил этиб, 18,4 %га кўпайган эди. Сянган муҳим аҳамиятга молик районнинг «солиқ бандаргоҳи» деб аталишининг асосий сабабларидан бири рўйхатдан ўтган барча компаниялар бу районда фақатгина фойда солиғини (фойда солиқ ставкаси 16,5 фоизни ташкил этган) тўлайдилар холос. Ташқи манбалар асосида олинган фойда учун солиқ тўланмайди. Бироқ транспорт, консалтинг ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи оффшор компаниянинг чет эл манбаларидан олинган фойдаси учун 10 % фойда солиғи олинади. Лекин олинган фойда солиғининг 7,5 % қайтариб берилади, тўланган 2,5 % (2/3 қисми) кейинчалик қайтариб берилади. Охир-оқибатда компания тўлайдиган солиқ ставкаси 1,65 %ни ташкил этади. Албатта бундай имтиёзларга эга бўлиши учун компания аудитор текширувларидан ўтганлиги тўғрисидаги далолатномани тақдим этган бўлиши лозим.

Гонконгда компанияни рўйхатдан ўтказиш давридаги тўлов бадали «Registration Free»деб аталиб, унинг миқдори 475 АҚШ долл. ташкил этади. Мамлакатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун тўлов бадали эса 300 АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари Гонконг иқтисодий районида бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилган компанияларни ҳам қайта рўйхатдан ўтказиш мумкин. Бундай компаниялар учун тўлов миқдори 640 АҚШ долларини ташкил этиб, 7 иш куни мобайнида қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бундай компанияларда директор лавозими учун ҳеч қандай талаб қўйилмаса ҳам, лекин албатта директорга

тенглаштирилган секретарь резидент бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам 1996 йилнинг охирларида Гонконг реестрида қайд қилинган корхоналар сони 478880тани ташкил этиб, унинг 33570таси 1995-1996 йилларда рўйхатга олинган эди. Гонконгда ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг аъзоларини сони 50дан ошмаслиги лозим.

Сянган муҳим иқтисодий аҳамиятга молик районининг 99 йиллик ижарадан сўнг ХХРга қайтарилиши «бир мамлакатдаги икки тузум» тизими асосида ташкил этилганлиги билан характерлидир. Чунки иқтисодий интеграцияни амалга ошириш Сянган районида Хитой Халқ Республикасига нисбатан бирмунча олдин амалга оширилган. Реэкспорт масаласида Гонконг Хитойнинг асосий шерикларидан бири ҳисобланади. 1997 йилнинг бошларида Гонконг районида Хитойни ички районлари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 110 млрд. АҚШ долларилек маҳсулот айирбошланган. Бу даврда АҚШнинг йиллик товарайланмаси бор-йўғи 40 млрд. АҚШ долларини ташкил этган холос. Гонконг билан ХХРнинг Шеньчжен эркин иқтисодий ҳудудининг барча соҳалардаги иқтисодий алоқалари чамбарчас боғланиб кетган. Чунки бу ерда Гонконгнинг 30 мингдан ортиқ компаниялари фаолият кўрсатиб турибди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда Гонконг иқтисодий райони Хитой Халқ Республикаси учун «асосий иқтисодий дарвоза» бўлиб ҳисобланади. Чунки чет эл товарлари ва валюта тушумларининг асосий қисми Гонконг иқтисодий ҳудудлари орқали амалга ошириб келинмоқда.

#### **5.4. Хитой иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни**

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланишида хорижий инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатиш муҳим ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, Хитой иқтисодиётининг ташқи дунёга очик бўлишида ташқи давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиши Хитой мўъжизасини юз беришига олиб келди.

Ҳозирги вақтда Хитой хорижий капитални жалб қилишда дунёда етакчи ўринда туради. Бунинг учун ҳукумат ЭИХ, қулай инвестиция муҳити каби кўплаб имтиёзли тартибни вужудга келтирдик, бунинг натижасида иқтисодиёт тез суръатлар билан ўсди (5.10-жадвал).

## 5.10-жадвал

### 1998-2004 йилларда ХХРнинг иқтисодий ўсиш динамикаси

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
ЯИМнинг қўшимча ўсиши	7.8	7.8	8.0	7.3	8,0	9,0	11,2
ЯИМ ўсишида ички талаб ҳиссаси индекси	74	94	89	103	-	-	-

Манба: Китай 2005 г. Сборник. Издательство Синьсин. С. 79

“Очиқлик сиёсатининг” дастлабки тадбирларидан бири 70-80 йилларда Гуандун провинциясида махсус имтиёзли инвестиция иқлимига эга ҳудуд ташкил қилиш бўлди. Ишчи кучи, ижара ҳақи арзонлиги турли хил солиқлар бўйича имтиёзлар, виза тартибининг соддалиги хорижий капитални бу ҳудудга оқиб келишини таъминлади.

Махсус иқтисодий ҳудудлар экспорт, ишлаб чиқариш, савдо, илмий ишлаб чиқариш вазифаларини бажаради. Ҳозирги вақтда ХХРда 5та ЭИХ фаолият юритади: Шеньчжен, Чжухай, Шантоу (Гуандун провинцияси) ва Сямин (Фуцзян провинцияси) ҳамда Хайнан ороли. ЭИХга инвестиция қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий манбаи Хуацяо (хориждаги хитойликлар) капитали ҳисобланади. ЭИХда хуацяоларга бошқа хорижий инвесторларга караганда кўпроқ имтиёзлар берилган. Хитой қонунчилигида қўшма корхона 5 йил мобайнида бутунлай ёки қисман солиқдан озод қилинса, хуацяолар учун 6 йил, кейинги 10-15 йилда тўланадиган солиқдан 20 ва 40 % чегирим кўзда тутилган. Хуацяолар учун энг имтиёзли шароитлар Гуандун ва Фуцзян провинцияларида яратилган, бу ерда уларнинг асосий капиталлари тўпланган. Бундан ташқари уларга Хитой ички бозорига маҳсулот чиқаришда кўпроқ эркинлик берилган ҳамда аралаш ва қўшма корхона капиталида кўпроқ ҳиссага эга бўлишга руҳсат этилган.

ЭИХларга ташриф буюрадиган хорижий инвесторлар учун келиб-кейтиш тартиби соддалаштирилган. Инвесторлар учун нисбатан паст ижара нархлари ўрнатилган. Бу кўплаб ЭИХларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини ўзгартириш имконини берди.

Биринчи босқичда ташкилотчилар ҳаракати қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, қатор саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, ҳозир бу ерда кўп сонли қайта ишлаш корхоналари янги технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги ва денгиз маҳсулотлари

ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар жаҳон бозорида юқори ва барқарор талаб билан сотилмоқда. Шу сабабли ЭИХнинг ташқи савдо айланмаси ўсиб бормоқда. 1994 йилда ЭИХ ташқи савдо айланмаси 53 млрд. долларни ташкил этди, бунда уларнинг улуши мамлакат экспорт-импортнинг 22,4 ва 22,3 %ини ташкил этди.

Шеньчжен ЭИХ 35,8 млрд. доллар миқдорида ташқи савдо айланмасига эришган ҳолда бу кўрсаткич бўйича мамлакатнинг катта ва ўрта шаҳарлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳудуд корхоналарида 10 турдан ортиқ рақобатбардош маиший электроника маҳсулоти ишлаб чиқарган ҳолда унинг 85 фоизи ташқи бозорга чиқарилади. Мамлакатга хорижий инвестицияларни киришини рағбатлантирган ҳолдаулар мамлакатда вужудга келган молиявий камомад муаммосини қисман ҳал қилди. Фақатгина 1994 йилда ЭИХга 5,8 млрд. доллар ҳажмида хорижий инвестиция кириб келди. 1990-1994 йиллар мобайнида Хитойнинг барча ЭИХларида 46 млрд. доллар хорижий капитал қайд этилди (шундан 16,4 млрд. долл. ўзлаштирилди). Биргина 1994 йилда 17,9 млрд. доллар ҳажмида ЯИМ (мамлакат ЯИМнинг 3,36 %) ва 16,7 млрд. долларлик ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. ЭИХдаги экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши бутун мамлакат ишлаб чиқаришининг ривожланишига олиб келди. ЭИХларга меҳнат ресурслари, хомашё мамлакатнинг ички районларидан келтирилиши керак эди. Айнан шундай технологик схема мамлакат иқтисодиёти саноат секторининг қайта қурилишини рағбатлантирди.

ЭИХнинг муҳим функцияси мамлакатда ўтказилаётган бозор ислоҳотлари тажрибаҳонаси эканлигидир. Хусусан, бу Гуандун провинциясидаги ЭИХ учун тегишлидир (бу ерда 3та махсус ҳудуд жойлашган). Бу ерда мамлакатда биринчи кўшма корхона очилган (1977-78 йиллар). 80-йилларда Гуандун провинциясининг ўсиш суръатлари мамлакатдагига қараганда 30-40 % юқори эди, бу Хитойнинг жанубий районлари иқтисодиётининг бугунги фаоллашувига олиб келди. 1991-1995 йилларда Гуандун 20 млрд. доллар миқдорида хорижий инвестиция жалб қилди. Илғор техника ва технологияларнинг жалб қилиниши мамлакат саноат корхонасининг таъмирланишига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келди, бу ЯИМ ва даромаднинг ўсиш суръатида акс этди. Хитой статистикаси маълумотларига кўра, 1988-1992 йилларда ЯИМ ва даромадларнинг ўсиш суръати ЭИХларда қуйидагича: Шенчъжен – 39,8 ва 36,3; Сяминь – 17,4 ва 16,9 %; Хайнан – 12,0 ва 11 %. Бу

ердаги корхоналарда экспорт маҳсулотлари улуши 50-80%ни ташкил қилади, уларнинг рентабеллик даражаси етарлича юқори.

Хитой иқтисодиётига хорижий капиталнинг дастлабки кириб келиши Шарқий Осиё давлатлари, аввало, янги индустриал давлатлар билан боғлиқ. Хитой иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми ҳам шу давлатларга тўғри келади.

1997 йилда юз берган Шарқий Осиёдаги молиявий инқироз нафақат шу минтақада жойлашган мамлакатлар иқтисодига, балки дунёнинг бошқа минтақалари мамлакатлари иқтисодига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу инқирознинг таъсир кучи жаҳоннинг Ғарбий Европа ва Шимолий Америка каби қудратли иқтисодий марказларига ҳам бориб етди.

Ушбу инқирознинг Хитой иқтисодига таъсирини ва бу мамлакат ҳукуматининг инқироз оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни тахлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Осиёда рўй берган молиявий инқироз сўзсиз Хитой иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аммо бу таъсир Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилган кучли ва издан чиқарувчи таъсирга эга эмас.

1997 йилда Хитойда асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришилди. Шу йил натижаларига кўра Хитой жаҳоннинг энг йирик иқтисодий ривожланган мамлакатлари орасида 7 ўринни эгаллади.

Ижобий натижалар ташқи иқтисодий соҳада ҳам ўз аксини топди. Хитой ташқи савдо ҳажмини 325 млрд. долларга етказиб, Дунё савдо гигантлари ўнлигидан ўрин олди. Валюта захиралари 140 млрд. долларга етиб, бу кўрсаткич бўйича Хитой Япониядан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Шунингдек, хорижий капитални жалб қилиш борасида ҳам рекорд кўрсаткичга эришилди: амалга оширилган инвестициялар ҳажми 45,3 млрд. долларни ташкил этди<sup>1</sup>.

Бу муваффақиятлар бир қатор омиллар таъсирида рўй берган. Улар сирасига кўп йиллар мобайнидаги иқтисодий ўсиш, бозор ислохотларининг муваффақиятли олиб борилиши ва улкан ички бозорнинг мавжудлигини киритишимиз мумкин. Шунингдек, кўпгина мутахассисларнинг фикрича, Осиёда рўй берган инқирознинг Хитой иқтисодиётига кучсиз таъсири мамлакатда йирик валюта захираларининг мавжудлиги ва юаннинг тўлиқ конвертирланмаганлиги билан боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Жэньминь жибао. 21.03.98.

1966 йил декабрда юаннинг жорий счётлар бўйича конвертацияси жорий қилинди, аммо Хитой ҳукумати юаннинг капитал счётлар бўйича конвертациясини жорий қилишга шошилмади ва бу нарса ХХР валюта-молия тизимига қисқа муддатли хорижий капиталнинг салбий таъсирининг олдини олиш имконини берди.

Шу билан бирга 1997 йилнинг охирида минтақада рўй берган инқироз оқибатларидан Хитой ҳам четда қолмаганлигини кўрсатувчи белиглар пайдо бўла бошлади. Таиланд, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар валюталарининг девальвациясидан кейин хорижда ва Хитойнинг ўзида ҳам юани девальвация қилиш ёки қилмаслик масаласи муҳокама қилина бошланди. Бу бежиз эмас, чунки минтақадаги экспорт таркиби Хитойникига ўхшаш мамлакатлар ўз валюталарининг девальвацияси натижасида маҳсулотларини жаҳон бозорида сотиш бўйича қулай шароитларга эга бўлишди. Бунинг акси ўлароқ Хитой товарларини олиб чиқиш шароитлари ёмонлашди. Натижада Хитой ҳам ўз валютасини девальвация қилиш устида бош қотира бошлади. Бироқ юан девальвацияси Шарқий Осиё мамлакатларида такрорий девальвацияга сабаб бўлиши ва унинг Хитой учун бўладиган салбий натижасидан келиб чиқиб, Хитой ҳукумати юани девальвация қилмасликка қарор қилди. Бунинг ўрнига инфратузилма ва смиллий хўжаликнинг асосий тармоқларига давлат инвестициясини кучайтириш орқали умумий талабни рағбатлантириш дастури қабул қилинди.

Молиявий инқироз минтақада бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Маълумки, Хитой бу соҳада етакчилардан ҳисобланади. 1993 йилдан бери Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб турибди. 1997 йилда Хитойга киритилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми Осиё-Тинч океан минтақасига жалб этилган инвестициялар ҳажмининг деярли ярмини, ривожланаётган мамлакатларга кириб келаётган инвестицияларнинг эса 1/3 қисмини ташкил этди.

Бу соҳадаги ноқулай омил келишилган инвестициялар ҳажмининг 1993 йилдаги 111 млрд. доллардан 1997 йилги 52 млрд. долларгача камайиши ҳисобланади. Бевосита инвестициялар охириги йилларда асосий фондларга йўналтирилган ялпи инвестицияларнинг

15 %дан ортиғини ташкил этиб, уларнинг камайиши Хитой иқтисодий ўсишига жиддий таъсир кўрсатади.

1998 йил январидан октябрига қадар ўзлаштирилган хорижий инвестициялар 41 млрд. доллар бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 %га ўсган. Шу йилнинг ноябрида келишилган инвестицияларнинг сезиларли кучайиши рўй берган Унинг ҳажми 4,54 млрд. доллар бўлиб, ўтган йилга нисбатан 12,5 %га ўсган.<sup>1</sup>

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш инқироз ва ундан кейинги даврда ҳам Хитой ташқи иқтисодий сиёсати ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Хитой ислоҳотлари ва модернизациясининг иқтисодий жихати бўлиб, очиқлик сиёсати ҳисобланади. Очиқлик сиёсати энг аввало глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англатади. Хитойда ташқи савдо ислоҳоти ўтказилган, валюта даромадлари ва ҳаражатларини режалаштириш бекор қилинган, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда. Марказий банкнинг ва давлатнинг хорижий капитал қўйилмалари учун ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларнинг комплекс тизими ташкил этилган. Давлат керакли шароитларга эга давлат корхоналарининг бевосита инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия бозорига чиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Хитойга кириб келаётган хорижий инвестициялар миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Бунда бевосита инвестициялар хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил этади. 2006 йил боши ҳолатига кўра деярли 200 мамлакатдан Хитой иқтисодиётига киритилган ялпи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 620 млрд. долларни ташкил этди.<sup>2</sup> Ушбу кўрсаткич бўйича ХХР дунёда 4-ўринда турибди ва 12 йилдан бери ривожланаётган мамлакатлар ўртасида етакчилик қилиб келмоқда. 2004-2005 йилларда Хитойда ўртача йиллик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 60 млрд. долларни ташкил этди. Бу ривожланаётган мамлакатларга жами тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан 22 % ортиқ. ХХР хўжалигида 240 мингта қўшма ва тўлиқ хорижий корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Хитой иқтисодиётида барча етакчи инвестор-мамлакатлар фаолият юритишига қарамай, уларнинг тутган ўрни бир хил эмас.

---

<sup>1</sup> China Daily. 15.12.98

<sup>2</sup> Проблемы теории и практики управления. 2006, №2, с71.

Масалан, ЕИ мамлакатлари ва АҚШ компаниялари охириги йилларда ўзининг Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари оқимини барқарорлаштиридилар, уларнинг улуши хар йили жами хорижий инвестицияларнинг 5-7 ва 7-9 фоизини ташкил этмоқда. Япония бундан ҳам фаолроқ харакат қилмоқда, унинг улуши 8-10 фоизга тенг. Хорижий тадбиркорликнинг асосий ривожланиши эса Жанубий Корея ва Тайванга тегишли бўлиб, сўнгги беш йил ичида улар ўз улушини 2 марта кўпайтиришга эришдилар (2004 йилда 16 %га етди.) Ушбу жиҳатдан мустаҳкам ўринни Гонконг эгаллайди ва хар йили у 20 млрд. долларгача инвестиция киритади. Британиянинг Виргиния ороллари, Кайман ороллари, Маврикий, Самоа каби машхур оффшор ҳудудлари ўзининг инвестицион фаоллигини оширмоқда, уларнинг жами инвестициялари 7-8 млрд. долларни ташкил этмоқда.<sup>1</sup>

### 5.11-жадвал

#### ХХР иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакатлар бўйича тақсимланиши

Мамлакатлар	1995 йил		2001 йил		2002 йил		2003 йил	
	млрд. долл	%	млрд. долл	%	млрд. долл	%	млрд. долл	%
Жами	37,8	100,0	46,9	100,0	52,7	100,0	53,5	100,0
Шу жумладан								
Гонконг	20,2	53,4	16,7	35,7	17,9	33,9	17,7	33,1
Сингапур	1,9	4,9	2,2	4,6	2,3	4,4	2,1	3,8
Тайвань	3,2	8,5	3,0	6,4	4,0	7,5	3,4	6,3
Корея Республикаси	1,0	2,8	2,2	4,6	2,7	5,2	4,5	8,4
Япония	3,2	8,5	4,4	9,3	4,2	7,9	5,1	9,5
ЕИ	2,2	5,7	4,3	9,1	3,9	7,3	4,1	7,6
АҚШ	3,1	8,2	4,4	9,3	5,4	10,2	4,2	7,8
Британиянинг Виргиния ороллари	0,3	0,8	5,0	10,7	6,1	11,6	5,8	10,8
Кайман ороллари	-	-	1,1	2,3	1,2	2,2	0,9	1,6
Австралия	0,2	0,6	0,3	0,7	0,4	0,7	0,6	1,1

Манба: Чжунго тунцзи няньцань – 2004, Пекин, 2004, с. 732-734.

<sup>1</sup> //Российский экономический журнал. 2006, №4, с67.



Хитойда хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибини таҳлил қилиб, уларнинг қайта ишлаш саноатига йўналтирилаётган қисми жадал ўсиб боришини кузатишимиз мумкин. Агар 1997 йилда бу ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 62,1 фоизи йўналтирилган бўлса, 2005 йилда 70,4 % инвестициялар киритилган (5.12-жадвал).

### 5.12-жадвал

#### 1997-2005 йилларда ХХРда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тармоқ тузилиши

	1997	2000	2003	2004	2005
Жами ТХИ, млрд. долл	45,3	40,7	53,5	60,6	60,3
Шу жумладан уларнинг улуши, %					
Қайта ишлаш саноати	62,1	63,5	69,0	71,0	70,4
Кўчмас мулк	11,4	11,4	9,8	9,7	9,0
Электрэнергетика ва газ саноати	4,6	5,5	2,4	1,3	2,3
Хизматлар соҳаси	4,4	5,4	5,9	5,4	7,1
Транспорт ва алоқа	3,7	2,5	1,6	1,5	3,0
Қурилиш	3,2	2,2	1,1	2,1	0,8

Манба: //Российский экономический журнал. 2006, №4, с68.

Турли башоратларга қараганда 2006 йилдан 2010 йилгача Хитой иқтисодиётига инвестицияларнинг йиллик миқдори 100 млрд. долларга етади. Бу кўрсаткич 2002 йилда 50 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 92,4 млрд. долларни ташкил қилди (5.13-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, ХХРнинг 2001 йилда БСТга киришининг ижобий натижалари ҳозирча салбий оқибатлардан кўпроқ, яъни иқтисодиётнинг “очиклиги” (кайфан чженцэ) самарали бўлмоқда. Жаҳоннинг йирик компанияларининг Хитойда кўплаб ўз корхоналарини ташкил этаётганлиги ҳам бундан далолат беради. Шу ўринда ҳозирги кунда Хитой бозори бевосита хорижий инвестициялар учун жиддий равишда очиклигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Иқтисодиётнинг айрим соҳаларида, энг аввало хизмат кўрсатиш соҳасида чеклашлар мавжуд. Бироқ, минтақавий жиҳатдан Хитойда хорижий инвесторлар учун ёпиқ ҳудудлар деярли қолмади.

**1978-2008 йилларда хорижий инвестицияларнинг мамлакатлар  
бўйича тақсимланиши**

Мамлакатлар	1979-2008 йиллар		2008 йил		
	Ҳажми, млрд. долл	Жамига нисбатан, %	Ҳажми, млрд. долл	Жамига нисбатан, %	2007 йилга нисбатан %
Жами	852,6	100,0	92,4	100,0	23,6
Гонконг	341,0	40,0	41,0	44,4	48,1
Британиянинг Виргиния ороллари	89,8	10,5	16,0	17,3	-3,6
Япония	69,3	8,1	3,7	4,0	1,8
АҚШ	64,0	7,5	2,9	3,2	12,5
Тайвань	47,6	5,6	1,9	2,1	-0,3
Сингапур	37,5	4,4	4,4	4,8	39,3
Жанубий Корея	31,8	3,7	3,1	3,4	-14,8

Манба: <http://www.allchina.ru/>

ХХРда иқтисодий ривожланишни бозор механизмлари асосида тартибга солиш иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий барқарорликни, экспорт ва импортни, инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган. Ташқи иқтисодий сиёсатда асосий мувозанатни қўллаб-қувватлаш билан бирга рақобатбардош соҳаларнинг экспортини ошириш, ташқи савдо таркибини яхшилаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарда тутилади. Очқлик сиёсати ХХРга инвестициялар кириши ва Хитой капиталининг чет элга чиқишини рағбатлантиради.

Хитой миллий иқтисодий, сиёсий, давлат инқирозидан чиқиб кетди ва охириги 20 йилда кўп кўрсаткичлар бўйича жаҳон ривожланишининг етакчи даражасига чиқиб олди. ХХРнинг муваффақиятлари шунчалик ёрқинки, жаҳон банки ва ХВФ каби глобал иқтисодий таҳлил марказларининг фикрича, 2015-2020 йилга келиб Хитой иқтисодий ривожланишининг мутлоқ кўрсаткичлари бўйича Япония ва АҚШдан ўтиб кетади.

### Хулоса

Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ташаббуси 1979 йилда Хитой коммунистик партияси томонидан илгари сурилди.

Бунда илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестициялар жалб қилишга асосланган очик ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган эди.

Хитойнинг эркин иқтисодий ҳудудларга бўлган давлат сиёсатининг эволюциясини уч босқичга ажратиш мумкин. I-босқичда (1978-1982 йиллар) хорижий капитал жалб қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. II-босқич (1983-1989 йиллар) хорижий инвесторлар билан шартномавий-ҳуқуқий асосдаги ҳамкорликнинг такомиллашуви ва хорижий капитални жалб қилиш ва ундан фойдаланишдаги давлат сиёсатининг эркинлаштирилиши билан ажралиб туради. Учинчи босқич 1990 йилда бошланиб, Шанхай шаҳри яқинида янги очик район Пудун барпо этилди. Бу районнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тартиби ўз хусусиятига кўра эркин иқтисодий ҳудудга мос келади. Пудун районини ташкил этишдан мақсад Шанхай шаҳрини модернизация қилиш ва Янцзи дарёси хавзаси минтақасини ривожлантириш эди. 1990 йил унинг ҳудудида биринчи эркин савдо ҳудуди (ЭСХ) – “Вейгацяо” ташкил этилди, у экспорт ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади.

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланишида хорижий инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларни мамлакатга жалб қилишда ЭИХлар муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда Хитой хорижий капитални жалб қилишда дунёда етакчи ўринда туради. Бунинг учун ҳукумат ЭИХ, қулай инвестиция мухити каби кўплаб имтиёзли тартибни вужудга келтирган. “Очиқлик сиёсатининг” дастлабки тадбирларидан бири 70-80 йилларда Гуандун провинциясида махсус имтиёзли инвестиция иқлимига эга ҳудуд ташкил қилиш бўлди. Ишчи кучи, ижара ҳақи арзонлиги турли хил солиқлар бўйича имтиёзлар, виза тартибининг соддалиги хорижий капитални бу ҳудудга оқиб келишини таъминлади.

Махсус иқтисодий ҳудудлар экспорт, ишлаб чиқариш, савдо, илмий ишлаб чиқариш вазифаларини бажаради. Ҳозирги вақтда ХХРда 5та ЭИХ фаолият юритади: Шеньчжен, Чжухай, Шантоу (Гуандун провинцияси) ва Сямин (Фуцзян провинцияси) ҳамда Хайнан ороли. ЭИХга инвестиция қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий манбаи Хуацяо (хориждаги хитойликлар) капитали ҳисобланади. ЭИХда хуацяоларга бошқа хорижий инвесторларга қараганда кўпроқ имтиёзлар берилган. Хитой қонунчилигида кўшма корхона 5 йил мобайнида бутунлай ёки қисман солиқдан озод қилинса, хуацяолар учун 6 йил, кейинги 10-15 йилда

тўланадиган солиқдан 20 ва 40 % чегирим кўзда тутилган. Хуацяолар учун энг имтиёзли шароитлар Гуандун ва Фуцзян провинцияларида яратилган, бу ерда уларнинг асосий капиталлари тўпланган. Бундан ташқари уларга Хитой ички бозорига маҳсулот чиқаришда кўпроқ эркинлик берилган ҳамда аралаш ва қўшма корхона капиталида кўпроқ ҳиссага эга бўлишга руҳсат этилган.

ХХР ҳукумати томонидан мамлакат иқтисодиётида интеграциялашувни фақатгина бир ҳудудга йўналтириб қолмасдан, балки инвестицияларни бутун бир мамлакат ҳудудига бир маромда жойлаштириб, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш лозим деб кўрсатишмоқда. Бу соҳада қўшма корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги қонун-қоидаларни такомиллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Агар 80-йилларга қадар қўшма корхоналар тузиш учун ХХРнинг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан руҳсат олинган бўлса, 90-йилларга келиб бундай ҳуқуқ маҳаллий ҳукумат органларига берилган эди. Чет эллик ва хитойлик инвесторларнинг имтиёзлари тенглаштирилиб, фойда (даромад) солиғи 33 %, Приморье ўлкасида эса, 25 % қилиб белгиланди. Чет эллик инвесторларнинг имтиёзлари фақатгина юқори технологияли, фундаментал инфратузилма соҳаларни ривожлантириш тармоқларида сақлаб қолинди холос. Имтиёзларнинг олиб ташланиши албатта хорижий инвесторларнинг фойда нормасини анча чеклаб қўйган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда хорижий инвесторлар асосан Хитойнинг имтиёзлар сақланиб қолинган ЭИҲларига кўплаб кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодиётида ЭИҲларни ва шунингдек чет эл инвесторларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шундай қилиб, Хитой тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий томонларини республикамизда ташкил этилаётган ЭИҲлар фаолиятида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

### **Таянч иборалар:**

Дипломатик муносабатлар, иқтисодий ҳамкорлик, цивилизация, БМТ, ШҲТ, ЖСТ, ХВФ, “Хитой модели”, “маданий инқилоб”, “аграр мўъжиза”, “очиқ эшиклар сиёсати”, солиқ тизими, банклар, ТМКлар, қўшма корхоналар, инвестиция, экспорт, импорт, юқори технологиялар ҳудуди.

## Назорат учун саволлар

1. Хитой-Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни боришини характерлаб беринг
2. Хитой қандай нуфузли ташкилотларга аъзо эканлигини кўрсатиб беринг
3. ХХРнинг иқтисодий ривожланиш омилларини очиб беринг.
4. Мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестициялар қандай роль ўйнашини тушунтиринг
5. “Хитой моделининг” мазмун ва моҳиятини характерлаб беринг
6. ХХРнинг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожланишини ўзига хос томонларини ёритиб беринг.
7. Хитойда ЭИХларни ташкил қилиш ва ривожлантириш босқичларини тушунтириб беринг.
8. Хитойда ташкил этилган Сянган, Шэньчжен, Чжухай, Шаньтоу, Сямин, Пудун ЭИХлари фаолиятининг асосий хусусиятларини характерлаб беринг.
9. Хитой ЭИХларининг ижобий ва салбий томонларини тавсифлаб беринг.

## **6-БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР**

### **6.1. Россия Федерациясида ЭИХларнинг ташкил этилиши**

90-йилларда Россияда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этила бошланди. 1989 йил декабрда СССР ҳукумати қарори билан Находка ва Выборг шаҳарларида ЭИХни ташкил қилинди. Бошқа мамлакатларда ЭИХларни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб топилган бўлса, Россияда бу жараён ортиқча сиёсийлаштириб юборилган эди. ЭИХ собиқ иттифоқдош республикаларнинг ва йирик минтақаларнинг мустақилликка эришишлари доирасида ҳокимият ва ресурсларни тақсимлаш қуролига айланиб қолди. Натижада 1990 йилнинг июль ойидан 1991 йилнинг июнь ойигача РСФСРнинг (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) Олий Совети қарори билан 11та минтақага расман ЭИХ мақоми берилди. Бу минтақаларга Приморье ўлкаси, Находка шаҳри, Олтой ўлкаси, Санкт-Петербург шаҳри, Ленинград вилояти, Выборг шаҳри, Зеленоград шаҳри, Калининград, Чита, Новгород вилоятлари, Яхудий автоном округи киради.<sup>1</sup> Ушбу ҳудудларнинг умумий майдони 1 млн. кв. км.дан (Россия территориясининг 7 %), аҳолиси 18,5 млн. кишидан (мамлакат аҳолисининг 13 %) ортиқ эди. Ушбу ЭИХлар ўз майдони бўйича дунёда ташкил этилган барча ЭИХлар майдонидан катта бўлиб, уларни ташкил қилиш жараёни мақсад ва вазифаларнинг аниқ белгиланмаганлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, маҳаллий ҳокимиятларнинг ЭИХ орқали мустақилликка интилиши, имтиёзларнинг аниқ мезонларсиз ёппасига берилиши ва бошқа хусусиятларга эга бўлди.

1991 йилда қабул қилинган “РСФСРда чет эл инвестициялари тўғрисида”ги РСФСР қонунида ЭИХ тўғрисидаги бўлимнинг мавжудлиги бу жараёни бироз тартибга келтирди. Мазкур қонунга мувофиқ ЭИХлар хорижий капитални, илғор хорижий технологияларни, бошқарув тажрибасини жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилади.

---

<sup>1</sup> Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

ЭИХда хорижий инвестициялар ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар учун хўжалик фаолиятининг қуйидаги имтиёзли тартиби жорий этилади:

- хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби;
- Россия Федерацияси территориясида хорижий инвесторлар учун ўрнатилган солиқ ставкаларининг 50 %гача миқдорда имтиёзли солиққа тортиш;
- ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўлов ставкасини пасайтириш;
- ерни 70 йилгача узок муддатли ижарага олиш ҳуқуқи;
- товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга божхона тўловларини камайтириш;
- хорижий фуқароларнинг чегарадан ўтиш, кириш-чиқиш (шу жумладан визасиз) тартибни соддалаштириш;
- бутунлай хорижий инвесторларга тегишли корхоналар, шунингдек 30 %дан юқори хорижий инвестицияларга эга қўшма корхоналар учун қонунда мўлжалланган лицензиясиз экспорт-импорт қилиш ҳуқуқи. Ўз маҳсулотини экспорт қилишдан олинган валюта тушуми бутунлай уларнинг ихтиёрида қолади.

1992 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва хўжалик фаолиятини либераллаштириш туфайли ЭИХларни ташкил этишга муносабат ўзгарди. Россияда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш тўрисида қабул қилинган қонунлар ЭИХларда хўжалик фаолиятининг махсус режимини назарда тутмас эди. ЭИХларда амал қилаётган имтиёзлар ва шароитларни ҳеч ким бекор қилмаган бўлсада, мамлакатнинг молиявий-солиқ органлари уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблади.

ЭИХларнинг қонуний-ҳуқуқий ҳолатидаги бундай ноаниқликлар хорижий инвесторларнинг хавотирланишига олиб келди. 1992 йил июнда РФ Президентининг “РФ территориясида эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш бўйича айрим чоратadbирлар тўғрисида”ги фармонида хорижий ва россиялик инвесторлар учун аввалги ҳудудий преференцияларнинг сақланиб қолишининг белгилаб берилиши вазиятнинг барқарорлашишига олиб келди.

Шунга қарамай РФ ҳукуматида 11та улкан территорияга эга ҳудудларни беркитиш ва уларнинг имтиёзларини бекор қилиш фикри устунлик қилар эди. Бунинг ўрнига микроҳудудларни, асосан эркин

божхона ҳудудларини ва экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил қилиш концепцияси илгари сурилди. Ушбу ҳудудлар турларини ташкил қилишнинг танланма стратегияси асосида уларнинг қулай географик жойлашувини инфратузилмавий қурилишларга минимал харажатлар билан биргаликда қўшилиши тамойили туради. Натижада ЭИХлар атрофида ноаниқлик муҳити, аниқроғи катта бўлмаган экспорт ҳудудларигача қисқартириш истикболи пайдо бўлди. Ушбу истикбол ҳам қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асосланмаган эди.

Ҳукумат ушбу икки турдаги ЭИХларни шакллантириш йўналишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1993-1995 йилларда ЭИХларда фаолият кўрсатаётган хорижий ва маҳаллий корхоналар учун инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича қатор ишларни амалга оширди. Улар орасида биринчидан, хорижий инвестицияли корхоналар фойдасига солиқ солишда имтиёзлар бериш, иккинчидан, қўшимча қиймат солиғидан ва импорт қилинган технологик ускуналарга махсус солиқдан озод қилиш, учинчидан 1996 йил 1 январдан иш ҳақиға харажатларнинг меъёридан ортиб кетишига солинадиган солиқни бекор қилиш ва бошқалар киради. Ушбу чоралар 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Россияда ЭИХларни ташкил қилишнинг фаоллашишига олиб келди. Қатор минтақалар меъёрий-қонуний ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини кутиб ўтирмасдан, локал функционал ҳудудларни ташкил қилиш лойиҳаларини амалга оширишга киришиб кетди. “Находка” ЭИХ маъмурияти биринчи бўлиб ушбу жараённи бошлади. Ҳукумат қарорларига таяниб, шунингдек ушбу мақсадларга ажратилган бюджет кредитларидан фойдаланиб, 1995 йил ёзида ўз территориясида биринчи божхона ҳудудини ташкил қилди. Москва вилоятининг, Санкт-Петербург ва Ульяновск шаҳарларининг ҳукумати ҳам ушбу йўналишда, бироқ федерал ҳукумат ёрдамига таянмай эркин божхона ҳудудларини ташкил этди.

1999 йил февралда Санкт Петербургда 20та махсус режимга эга иқтисодий ривожланиш ҳудудларини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилиб, ушбу ҳудудларда фаолият кўрсатаётган корхоналарга инвестицион лойиҳаларни фаоллаштириш, шаҳар халқаро транспорт-юк мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қатор имтиёзлар берилди.

Бошқа ҳудудлар аввалги имтиёзларни тиклаш ёки янги преференцияларга эга бўлишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни



кучайтирди. Масалан, Калининград вилояти 1995 йил ноябрда Давлат Думаси томонидан “Калининград вилоятида махсус иқтисодий ҳудуд тўғрисида”ги федерал қонунни қабул қилинишига эришди, ушбу қонун унга махсус божхона ҳудуди тартиботини қайтариб берди. 1995 йилда “Кабардино-Балқария” ЭИХ, 1996 йилда эса “Ингушетия” халқаро бизнес-маркази ташкил этилдики, ушбу ҳудуд классик оффшор ҳудуди сифатида ташкил этилди.

2003 йилда Россияда 23та федерал аҳамиятга эга ЭИХлар, шу жумладан федерал қонунлар асосида учта ҳудудда (Калининград ва Магадан вилоятлари, Ингушетия) ЭИХ фаолият кўрсатмоқда эди. 1990-2000 йилларда Россия Федерацияси ҳудудида ташкил этилган федерал аҳамиятга эга ЭИХлар рўйхати қуйидаги жадвалда берилган.

### 6.1-жадвал

#### 1990-2000 йилларда Россияда ташкил этилган федерал аҳамиятга эга ЭИХлар

Эркин иқтисодий ҳудудлар	Ташкил этилган вақти	Меъёрий ҳужжат
Приморье ўлкасидаги “Находка” ЭИХ “Зеленоград технополис” ЭИХ Калининград вилоятидаги ЭИХ	1990	РСФСР Олий Совети резолуцияси
		РСФСР Олий Совети қарорлари
Чита вилоятидаги “Даурия” ЭИХ Санкт-Петербургдаги эркин тадбиркорлик ҳудуди Виборгдаги эркин тадбиркорлик ҳудуди	1991	РСФСР Олий Совети Президиум раиси фармонлари
Олтой ўлкасидаги ЭИХ Яхудий АОдаги “Ева” ЭИХ Новгород вилоятидаги “Садко” ЭИХ Кемерово вилоятидаги “Кузбасс” ЭИХ “Сахалин” ЭИХ  “Тоғли Олтой” экологик ва иқтисодий ҳудуди	1991	РСФСР Олий Совети Президиум қарори
		РСФСР Министрлар Совети қарори
“Шереметьево” эркин савдо ҳудуди	1992	РФ Президенти
“Москва франко-порт” ва “Терминал франко-порт” эркин божхона ҳудудлари	1993	Фармонлари
Кавказ минерал сувлари – РФ минерал манбалари экологик қўриқхона тумани чегарасида жойлашган махсус иқтисодий ҳудуд	1994	РФ ҳукумати қарори

Эркин иқтисодий ҳудудлар	Ташкил этилган вақти	Меъёрий ҳужжат
“Кабардино-Балқария” ЭИХ	1995	РФ Президенти Фармони
“Ульяновск-Восточний” аэропортига туташ территориядаги эркин божхона ҳудуди	1996	РФ ҳукумати қарори
“Ингушетия” халқаро бизнес-маркази Калининград вилоятидаги махсус иқтисодий ҳудуд	1996	Федерал қонун
Елабуга автомобиль заводининг “Елабуга” ЭИХ “Осетия” жадал иқтисодий ривожланиш минтақаси		РФ ҳукумати қарорлари
Хакасия Республикасидаги ЭИХ		РФ Президенти Фармони
Калининград вилоятидаги махсус иқтисодий ҳудуд	1999	Федерал қонун

Манба: Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. С. 197-198.

## 6.2. Россияда ЭИХларни ривожлантиришнинг асосий муаммолари

Россия ЭИХларнинг ташкил этилганидан бери қисқа давр ўтганлигига қарамай, уларнинг фаолиятини айрим дастлабки натижаларини баҳолаш мумкин. Кўпчилик ЭИХлар фаолиятининг натижалари халқаро стандартлар бўйича самарасиз ҳисобланади. Халқаро ЭИХларни ривожлантириш ассоциацияси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, Россияда ЭИХларни ташкил этишдан кўзланган мақсадларга эришилмаган. ЭИХларни ташкил қилиш бўйича ишончли қонуний базанинг йўқлиги ушбу ЭИХлар фаолиятининг иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўстириш, минтақавий ривожланиш ва федерализмни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишига олиб келмади. ЭИХлардаги имтиёзлар мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, чет эл инвесторларини жалб қилиш қуроли бўлиш ўрнига, айрим лоббистик гуруҳларни яширин субсидиялаш, шунингдек кейинчалик хорижга чиқиб кетадиган капиталларни дастлабки тўплаш усулига айланиб қолди.

Россияда ЭИХларни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишидаги асосий камчилик бўлиб ЭИХларни яратишнинг давлат концепциясининг, шунингдек қонуний ва меъёрий базанинг йўқлиги ҳисобланади.

Фақатгина 2005 йил 10 мартда уч йиллик қизғин баҳслардан сўнг Россия ҳукумати махсус иқтисодий ҳудудлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Ушбу қонун лойиҳасига кўра мамлакатда икки турдаги ҳудудлар – саноат-ишлаб чиқариш ва техникани жорий этиш ҳудудларини ташкил қилиш кўзда тутилади. Биринчи турдаги ҳудудлар – саноат ишлаб чиқаришлар жамланган ҳудудлар йирик сармоялар билан боғлиқ бўлиб, депрессив туманларни, хусусан Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирни ривожлантиришнинг муҳим қуролига айланиши лозим. Иккинчи турдаги ҳудудлар янги иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларида йирик илмий-тадқиқот марказлари яқинида ташкил этилади ва илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришга кўмаклашади.

Россия Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги махсус иқтисодий ҳудудларнинг резидентларини 5 йил муддатга мулк ва ер солиқларидан озод қилишни кўзда тутди. Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудларида тезлашган амортизация (оддийга нисбатан 2 марта жадал) тўловларини жорий этиш, шунингдек илмий харажатларга солиқ базасини камайтириш кўзда тутилади. Техникани жорий этиш ҳудудларида ташкил қилинган компаниялар учун ягона ижтимоий солиқнинг максимал ставкасини 14 %гача тушириш мўлжалланган.

ЭИХлар фаолиятидаги яна бир йирик муаммо хорижий инвестициялар фаолиятини қонуний таъминлаш билан боғлиқдир. Бу борада қонуний асос сифатида узоқ вақт 1991 йил июлда қабул қилинган “РСФСРда хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонун хизмат қилди. Бироқ, ушбу қонун 90-йилларнинг биринчи ярмидаёқ эскирган эди, янги “Россия Федерациясида хорижий инвестициялар тўғрисида”ги федерал қонун эса 1999 йил июлда қабул қилинди. Бундан ташқари ушбу қонунда ЭИХлар территориясидаги хорижий капитал фаолияти тўғрисидаги бўлим мавжуд эмас. Натижада ЭИХда хорижий капитал фаолияти тўғрисидаги қонуний ва қонуности ҳужжатлар РФ Фуқаролик кодексининг, шунингдек солиқ, валюта ва маъмурий қонунчилигининг айрим бўлимларида сочиб акс эттирилган. Айрим ҳолларда эълон қилинган имтиёзлар бекор қилинарди ва хорижий инвесторларнинг хавотирланишига сабаб бўларди. Натижада 2004 йил бошида Россияда тўғри хорижий

инвестицияларнинг умумий ҳажмида (26,1 млрд. доллар) ЭИХларнинг улуши атиги 2 %ни ташкил этди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ЭИХларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун керакли инфратузилмавий база ҳам мавжуд бўлиши зарур. Масалан, хитойда 1 доллар хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун 5,5 доллар миллий маблағларни транспорт тармоғи, барқарор сув ва энергия таъминоти, қулай уй-жой қурилиши учун сарфлаш лозим. Россияда ЭИХни ободонлаштириш учун давлатнинг кўмаги ниҳоятда кам. 1993 майда Россия ҳукумати “Находка” ЭИХга технопаркларни ташкил этиш, харбий аэропортни қайта жиҳозлаш, самарали алоқа тизимини ташкил қилиш ва юк ортиш терминаллари қуриш учун 20,1 млн. рубль ажратди. Шунингдек, “Сахалин”, “Ева”, Калининград вилоятидаги “Янтарь” ЭИХлари имтиёзли равишда молиялаштирилди. Бошқа ЭИХларга молиявий ёрдам кўрсатилмади ва бу уларнинг самарали фаолият брителишини қийинлаштирди.

ЭИХларнинг улкан майдонларга эгаллиги ҳам уларнинг фаолиятини қийинлаштиради. Дастлабки 11та ЭИХнинг умумий майдони Франция ва Испания каби давлатларнинг биргаликдаги майдонидан ҳам катта эди. Бу уларни ҳатто техник жиҳатдан божхона ҳудуди сифатида шакллантиришга ҳам катта тўсқинлик қилади. Бунда махсус божхона ҳудудини ташкил қилиш харажатлари келгуси даромадлардан анча юқори бўлади.

Россия ЭИХлари фаолиятидаги заиф бўғинлардан бири – бу федерал ва маҳаллий даражадаги бошқарувнинг самарали эмаслигидир. Барча ЭИХлар учун хос бўлган дастурий-мқсадли, молиявий ва ташкилий муаммолардан ташқари умумий бўлган қуйидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириш мумкин:

- корхоналарнинг хўжалик алоқаларининг узилиши ва қайта тақсимланиши;

- халқаро бозорларда миллий товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан ҳимояланмаслиги;

- эркин тадбиркорликни ривожлантиришда бюрократик ва криминал тўсиқларнинг мавжудлиги;

- россиялик ишчи ва раҳбар ходимларнинг малака даражасининг, тажрибасининг пастлиги;

- ҳукуматга ишончнинг камлиги ва бошқалар.

### **6.3. Олтой эркин экологик худудининг худудлараро ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлари**

1997 йил декабр ойдан бошлаб Олтой эркин экологик худуди гарчи фаолият кўрсата бошлаган бўлсада, аслида ушбу ЭИХни ташкил топишида 1991 йил 25 майда чиқарган собиқ Россия ҳукуматининг «Олтой ўлкаси – эркин иқтисодий худудининг хўжалик ва ҳуқуқий мавқеи» тўғрисидаги қарори муҳим роль ўйнаган.

Олтой ўлкаси Ғарбий Сибирнинг жанубий–шарқида жойлашган бўлиб, Новосибирск ва Кемерово вилоятлари билан, Қозоғистон ва Олтой Республикаси билан чегараланиб туради. Экологик худуднинг умумий ер майдони 168 минг кв. км.ни ташкил этиб, ўлкада 12та шаҳар, 14та шаҳар типидagi поселка, 7та шаҳар ва қишлоқ районлари, шу жумладан немис миллий райони ҳам фаолият кўрсатади. Олтой ўлкасининг маркази Барнаул шаҳри бўлиб, ўлкада 110дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Жумладан, аҳолининг 91 %ни руслар, 4 %ни немислар, 3 %ни украинлар, 0,4 %ни белоруслар ва қозоқлар, 0,3 %ни мордвинлар, татарлар ва чувашлар, 0,1 %ни эса олтойликлар ташкил этади.

Ўлканинг шарқий томонлари тоғли худудлар билан, ғарбий томонлари эса чўл ландшафт зоналари билан ўралган. Ўлкада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай иссиқ иқлим бўлиб, асосан сабзаёт ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилади. Ўлка территориясидан оқиб ўтувчи Бия ва Катунь дарёлари кўшилиб, Сибирнинг йирик Обь дарёсини ташкил этади. Ўлкада 13 мингдан ортиқ кўллар бўлиб (8-9 мингтаси чучук сувли кўллар ҳисобланади), уларнинг энг каттаси Кулундин кўли (майдони 728 кв. км.) ҳисобланади. Олтой тоғ тизмасида эса табиатдан жуда чиройли А номли кўл ҳам жойлашган.

Олтой ўлкасининг кўпчилик жойлари қалин ўрмонлардан иборат бўлиб, бир неча минг юз километрлаб майдонлар ўзига хос ўсимлик дунёси билан қопланган. Ўлка ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой бўлиб, унда 300га яқин турдаги озикланувчи ҳайвонлар, 300га яқин турдаги қушлар, судралиб юривчилар ва шунингдек сув ҳавзалари эса балиқларга бойдир.

XVII асрда Олтой ўлкаси биринчи марта руслар томонидан кашф этилган бўлиб, полиметалл руда конларининг очилиши билан ўлкада саноат ривожлана бошлади. Олтой ўлкасида (маъноси “Олтин

тоғлар”) саноатни ривожлантиришда таниқли рус саноатчиси А.Н.Демидовнинг ҳиссаси катта бўлиб, бу инсон биринчи бўлиб, қазиб олинаётган ер ости бойликларини ўлканинг ўзида қайта ишлашга эришган эди. Шунингдек бу даврда Каливано-Воскресенск (1729 й.), Барнаул (1740 й.) заводлар қурилиб ишга туширилди. Бу заводларда асосан олтин, кумуш ва мис рудалари қайта ишланганлиги сабабли ҳам, Олтой ўлкаси қадимги Русияда юқори рентабелли минтақалардан бири ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Барнаул заводи қурилган посёлка ва кейинчалик Барнаул шаҳри бунёд этилган

Ўлкада фан ва техника, маданият ривожлана бошлади. Жаҳонга машҳур буғ машинасининг ва гидроқурилманинг яратилиши ҳам шу ўлкада яшаб ўтган Козма Фролов ва И.И. Ползуновларнинг номи билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда Олтой ўлкасида 370дан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатиб турибди. Саноатнинг ривожланган тармоқлари бўлиб машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат корхоналари, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлар, ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхоналари ҳисобланади. Ўлкада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларнинг 30 % машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат тармоқларига тўғри келиб, булар ҳайдов ва тревалли тракторлар, комбайн ва трактор двигателлари, станоклар, буғ қозонлари. Бурғул, юк ташиш учун мўлжалланган магистрал вагонлар, дизелли генераторлар, пресловчи машина ва станоклар, автомобиль ва тракторларнинг генераторлари, ҳайдов мосламалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлардан иборатдир.

Олтой ўлкасида ёқилғи-энергетика саноат мажмуасини ривожланишида хўжалик юритишда муҳим аҳамият касб этади. Ўлкада йилига 12,4 млн. кВт. соат электр энергияси истеъмол қилиниб, унинг 50 % ўлканинг ўзида ишлаб чиқарилади. Ўлкада 8та йирик иссиқлик электростанциясининг марказлари бўлиб, унинг 4таси РФ энергетика вазирлиги таркибига кирса, 4таси эса ўлкага тегишли блокстанциядир. Ўлкада электр узатувчи линияларнинг умумий узунлиги 75 минг километрни ташкил қилса, кабель қурилмаларнинг узунлиги 130 км.ни иссиқлик трассаларининг узунлиги эса 172 км.ни ташкил этади. Иссиқлик электростанцияларнинг (Зарин иссиқлик электрэнергияси марказидан ташқари) асосий қисми тошқўмир ва мазут билан ишлайди. 1995

йилда ўлкага табиий газнинг кириб келиши муносабати билан иссиқлик электростанциянинг бир қисми газ билан ишлай бошлади.

Олтой ўлкаси ер ости қазилма бойликларга бой бўлган иқтисодий райондир. Ўлкада полиметаллар (заҳираси 50 млн. тонна), ош тузи, тошкўмир, сода мирабилит конларининг катта заҳираси мавжуд. Бундан ташқари темир рудаси, қимматбаҳо нодир металлларнинг заҳираларини борлиги ўлка мкроиқтисодиётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда Олтой ўлкаси ноёб қазилма бойликларга, яъни мрамор, гранит, минерал тузларга ва ичимлик сувларга бой бўлиб, даволаш балчиқлари билан ҳам бутун дунёга машҳурдир.

Олтой ўлкасида кимё ва нефть кимёси саноат тармоқлари ҳам ривожланган соҳа бўлиб, ўлкада синтетик тола ва иплар, синтетик материаллар, самолет ва автомобиллар учун шиналар, резина ва асбесттехника маҳсулотлари, техник углерод кислотаси ва бошқа кимёвий (эритувчи суюқлик, бўёқлар ва ҳоказолар) ишлаб чиқарилади. Маиший кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳиссасига умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 12 % тўғри келади.

Саноат ишлаб чиқариш структурасида қора металлларнинг ялпи салмоғи 95 %ни ташкил этади. 1984 йилда Олтой коксокимё заводнинг қурилиши (ҳозирги “Олтойкокс” ҳиссадорлик жамияти) МДХ давлатларининг металлургия комбинатларини ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Ўлкада енгил ва тўқимачилик саноат корхоналари ва шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланган соҳадир.

Олтой ўлкасининг маданияти ҳам кўп асрлик тарихга эга. Ўлкада тоштарошлик санъати, рассомчилик маданияти, фан-техника, сайёҳлик ва туризм соҳалари ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Олтой ўлкаси табиий ресурсларга бой ҳудуд бўлиб, ЭИХни ташкил этиш борасида ўлка маъмурияти инвестицияларни асосан қуйидаги йўналишлар бўйича тақсимлаб келмоқда:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга;
- халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришга;
- қурилиш ва конструкциявий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга;

- мудофаа комплекси корхоналарини таъмирлаб, машинасозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга;
- ўрмон хўжалиги ва ёғоч материалларни қайта ишлашга;
- темир рудаларни, кўмир а қимматбаҳо тошларни, мрамр ва олтин рудали тошларни қайта ишлаш саноат корхоналарига;
- кимё ва нефткимё саноат комплексига қарашли корхоналарни қайта таъмирлаб, шиша ва шишадан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга;
- тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришга;
- туризм соҳасини ва шунингдек санаторий ва курорт районларни ривожлантиришга ва ҳоказоларга.

Олтой эркин-экологик ҳудудни ташкил этилиши ва табиий ер ости ва ер усти ресурсларга бойлиги, туризм, санаторий ва курорт индустриясининг ривожланганлиги, чуқур иқтисодий ислоҳотларни ўтказилиши, чет эл капитали учун ҳуқуқий қафолатларнинг мавжудлиги ва шунингдек солиқ имтиёзларга эгалиги каби бир қатор объектив ва субъектив омиллар муҳим роль ўйнамоқда.

Олтой эркин-экологик ҳудудининг ташкил этилишида Россия Федерацияси (В.С.Черномирдин) билан Олтой ўлкасининг ҳукумат бошлиқлари (Л.А.Коршунов) томонидан имзоланган «Россия Федерацияси ҳукумат органлари томонидан Олтой ўлкасининг ҳукумат органларига берилган ҳуқуқ ва қафолатларни чеклаш тўғрисидаги» шартнома ва Россия Конституциясининг 72-моддасига асосан «бошқаришдаги қўшма ҳамкорлик» тўғрисидаги қоидалар муҳим аҳамият касб этади.

1996 йилда Олтой ўлкасининг маъмурияти собиқ РСФСР Олий Советининг “Олтой ўлкаси эркин иқтисодий ҳудудининг хўжалик ҳуқуқий мақоми тўғрисида” фармойиши (1991 йил 25 май) ва собиқ РСФСР Министрлар Советининг «Олтой ўлкаси эркин иқтисодий ҳудудини ривожлантиришни кечиктириб бўлмайдиган вазифалари тўғрисида»ги қарори (1991 йил 7 июнь) ва шунингдек россия ҳукуматининг 1996 йил 21 октябрдаги № 1256 сонли “Олтой ўлкаси иқтисодиётидаги турғунликни бартараф этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ҳужжатлари асосида «Олтой эркин иқтисодий ҳудуди тўғрисида» қонунни қабул қилди. Олтой эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этишнинг асосий мақсади – бу Олтой ўлкаси иқтисодиётини ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланган ҳолда тадбиркорлик



фаолиятини кенгайтириш, ўлкада мавжуд бўлган рекреацион потенциалдан унумли фойдаланиш, чет эл инвестициясини кенг жалб этиш ва такомиллаштириш, ўлкани ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли миграциясини олдини олиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва янги иш жойларни ташкил этишдир.

Олтой эркин-экологик ҳудуднинг тартиботи бўйича ҳукуқий асослар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади. Биринчидан, Олтой ЭИХнинг территориясида Россия Федерацияси ва Олтой ўлкасининг қонунлари амал қилиши, иккинчидан ЭИХнинг локал, божхона ва бошқа кўринишлари бўйича амал қилиш тартиблари ўлканинг қонун қабул қилувчи ташкилотлари томонидан ўлка маъмуриятининг таклифига асосан белгилаб берилиши, учинчидан ҳукуматнинг ва Олтой ўлкасининг маҳаллий бошқарув органлари ЭИХда «Олтой эркин иқтисодий ҳудуди тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар доирасида фаолият кўрсатиши, тўртинчидан Олтой ЭИХни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўлка маъмурияти томонидан амалга оширилиши, бешинчидан Олтой ЭИХда федерал қонунларга зид келувчи ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, олтинчидан ер ва табиий бойликларга эгалик қилиш ҳукуқи Россия Федерациясининг қонунларига асосан ва шунингдек ўлкадаги ўзгаришлар асосида тартибга солиб турилиши, еттинчидан экологияни зарарсизлантириш ва тадбиркорликни қонунда ман этилган турлари билан шуғулланган ҳукуқий ва жисмоний шахслар РФ ва Олтой ўлкасининг қонуларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ва бошқалар.

Олтой эркин иқтисодий ҳудудининг фаолият юритиш механизми эса қуйидаги қонун-қоидалар асосида белгалаб берилган. Биринчидан Олтой ЭИХни бошқариш Давлат ташкилоти ҳисобланмиш ўлка маъмурияти томонидан амалга оширилади. Иқтисодий ҳудуднинг ўзида эса хўжалик бошқаруви учун ҳиссадорлик жамиятлари кўринишида ҳудудий маъмурият ташкил этилиб, унга акциялар пакетининг 51 %ни ушлаб туриш ҳукуқи берилган. Иккинчидан, Олтой ЭИХнинг маъмурияти акционерлар йиғилишида ўлка маъмуриятининг таклифига кўра 4 йил муддатга сайланган бош директор томонидан бошқариладиши ва бошқалар. Бундан ташқари Олтой ЭИХнинг маъмурияти ўз фаолияти доирасида қуйидаги функцияларни бажариш ҳукуқига эга бўлиб ҳисобланади:

- Олтой ЭИХни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- чет эл ва маҳаллий инвесторларнинг таклифларини экспертизадан ўтказди;

- Олтой ЭИХнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқади;

- Олтой ЭИХнинг фаолият юритишини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида ўлканинг қонун чиқарувчи ташкилотларига иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича таклифлар мажмуаси, шунингдек солиқ ва божхона тўловлари бўйича таклифларни такдим этади;

- Олтой ЭИХни ривожлантириш учун қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини муомалага чиқариш, кредит олиш ва чет эл инвестициясини жалб қилиш билан шуғулланади;

- хўжалик субъектларини ЭИХнинг иштирокчиси сифатида рўйхатга олиб, улар билан хўжалик шартномаларини имзолайди;

- ЭИХга хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларни янги корхоналар ва янги иш жойларини ташкил этиш учун йўналтирилиши устидан назоратни олиб боради;

- кичик ва ўрта тадбиркорликни ташкил этиб, уни ривожлантириш билан шуғулланади;

- ҳудудлараро иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга эътиборни қаратади;

- ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга эътиборни қаратади;

- Олтой ЭИХ учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

- турли хил мавзуларда маслаҳатлар беришни ташкил этади;

- ЭИХнинг федерал ташкилотлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида иштирок этиб, муаммоларни биргаликда ҳал этади.

Олтой эркин-экологик ҳудудини ташкил этишда турли хилдаги мулк ва ташкилий ҳуқуққа эга бўлган юридик ташкилотлар ва корхоналар иштирок этишди. Ушбу ҳудуднинг иштирокчилари учун барча қулайликларга эга бўлган солиқ имтиёзлари ва ҳуқуқлар ҳам яратиб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Олтой ЭИХнинг иштирокчилари учун қонунда белгиланган барча турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга руҳсат этилади;

2. Олтой ЭИХнинг иштирокчилари ўз фаолиятини амалга ошириши даврида қуйидаги шарт-шароитларга эътибор қаратмоғи лозим:

- ўлкада истиқомат қилаётган аҳолининг соғлиги ва турмуш тарзи учун барча шарт-шароитларнинг яратиб берилиши;
- ўлканинг табиий, тарихий ва маданий меросини асраб авайлаши;
- Олтой ЭИХни ижтимоий-иқтисодий ва маданий манфаатдорлик асосида ривожлантириши;
- Ўлкада ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилишини тўлиғича экспертизадан ўтказиш ва бошқалар.

3. Олтой ЭИХда рўйхатга олинган хўжалик субъектлари ўз ҳошишлари билан молиявий ресурсларини бирлаштириш мақсадида иттифоқлар, ассоциациялар ва корпорацияларга бирлашишлари ҳам мумкин. Бундай бирлашувлар фақат монополияга қарши сиёсатга зид келмаслиги лозим.

4. ЭИХ таркибида чет эл инвестициялари билан ҳамкорликда корхоналар, банк тизимлари ва суғурта компанияларини тузиш мумкин. Бунда ташкил топган корхоналарнинг баъзи-бирлари тўлиғича хорижий инвестициялари асосида ҳам ташкил этилган бўлиши мумкин.

5. ЭИХ иштирокчиларининг фаолияти ҳудуд маъмурияти билан тузилган махсус шартномада кўрсатилган бўлиб, бу шартнома ўзаро тенглик, манфаатдорлик ва ҳошиш тамойиллари асосида 5 йил муддатга тузилиши мумкин. Бунда хўжалик субъектларининг фаолияти тўғрисидаги шартнома ўз моҳиятига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Олтой ЭИХни бошқариш ва мақсадларини тан олиш;
- Олтой ЭИХнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар;
- Олтой ЭИХнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий мақомини бажаришда хўжалик субъектларининг мажбурияти;
- Олтой ЭИХнинг аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориши;
- ҳудуд иштирокчиларининг хўжалик, ташукилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги мажбуриятлари;
- шартноманинг бажарилишида томонларнинг жавобгарлиги;
- шартномани бекор қилиниши шартлари ва бошқаларни.

Олтой ЭИХнинг маъмурияти билан ҳудуд қатнашчиси ўртасидаги инвестицияларни ҳудудга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома одатда 5 йил муддатга имзоланади. Бу шартномага кўра ҳудуд маъмурияти Олтой ЭИХ тўғрисидаги қонунга амал қилган ҳолда иштирокчи давлатлар томонидан киритилган инвестицияларни ҳимоя қилиши, Олтой ўлкасини ривожлантиришнинг Давлат дастурини қўллаб-қувватлаши, ер ва табиий бойликлардан Россия қонунчилигида кўрсатилган мажбуриятлар асосида фойдаланиши ва бошқаларни ўз зиммасига олади.

Олтой иқтисодий ҳудудида Россиялик ва чет эллик инвесторлар қуйидаги ҳуқуқларга эга ҳисобланади.

1. Россиялик ва чет эллик инвесторлар Олтой ЭИХга қуйидаги ҳолатлар бўйича инвестиция киритиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Биринчидан, Россия ва бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари томонидан ташкил этилаётган қўшма корхоналарида пайчилик асосида иштирок этиши мумкин, иккинчидан чет эллик инвесторлар ўз маблағлари ҳисобидан корхоналар ташкил этиши мумкин, учинчидан Россия Федерацияси ва Олтой ўлкаси қонунлари биноан корхоналарни, бино ва муассасаларни сотиб олиши ёки эмиссияга чиқарилган акцияларни, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни пайчилик асосида бошқариши мумкин, тўртинчидан қонунда кўрсатилган тадбиркорлик фаолиятининг барча турлари билан шуғулланиши мумкин.

Олтой ЭИХнинг иштирокчилари қуйидаги солиқ имтиёзларига эга:

1. Олтой ЭИХнинг иштирокчилари 5 йил муддатга ўлканинг бюджетига тўланадиган барча солиқлардан озод қилиниши билан бир қаторда Федерал солиқларнинг ҳам бир қисмидан озод қилинган. Фақатгина табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун, лицензия олиш учун, экологияга етказилган зарарни қоплаш учун, нафақа ва бандлик фондлари учун, ижтимоий таъминот фонди учун ва шунингдек аҳоли даромадидан олинадиган солиқларгина РФ қонунчилигида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади ҳолос.

2. Олтой эркин иқтисодий ҳудудининг иштирокчилари 10 йил муддатга фойда ва қўшимча қиймат солиғини ўлка бюджетига тушадиган қисмидан, яъни энергетика, алоқа воситалари, аэропортлар, йўллар, газ ўтказиш тармоқлари, экологик тизимни қайта тиклаш, ижтимоий инфратузилма, қурилиш материалларини

ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, меҳмонхоналар ва туристик комплекслар, ресурсларни тежаб, чиқиндисиз ишлайдиган корхоналарни куриш, техник спирт ва дори-дармон ишлаб чиқарадиган объектларни куриш ва ҳоказолар солиқдан озод этилади. Ушбу корхоналар 10 йилдан сўнг эса кейинги 5 йил мобайнида юқорида кўрсатилган солиқ турларининг 50 %ни тўлайдилар.

3. Юқорида кўрсатилган имтиёзлар тугагандан сўнг – иштирокчилар томонидан ўлка бюджетига келиб тушадиган маблағларнинг барчаси Олтой ЭИХни ривожлантириш, қайта инвестиция билан таъминлаш, хўжалик субъектларига кредитлар бериш ва ҳ.к. ЭИХни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун сарф қилинади.

Шундай қилиб, Олтой ЭИХни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиши ишлаб чиқилган дастурлар, режалар ва лойиҳалар комплекси асосида амалга оширилмоқда. Макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан устунликка эга бўлган саноат тармоқларини вужудга келтириш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Олтой ЭИХни ривожланишини назорат қилиб туриш Олтой ўлкасининг маъмурияти томонидан олиб борилади. Бунда ўлканинг маҳаллий органлари ҳам ўз ҳуқуқлари доирасида бошқариш функциясини бажаради. Ўлка маъмурияти иқтисодий ҳудудни бошқаришда Россия федерал қонунчилигига мувофиқ ЭИХга жалб қилинган инвестицияларни ҳимоя қилиб, норезидент тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилади.

Маълумки, Олтой ЭИХни уч йўналишда (экспортга маҳсулотни эркин ишлаб чиқариш ҳудуди, эркин савдо ҳудуди, оффшор рекреацион ҳудуди) ташкил этиш кўзда тутилган. Бироқ, ҳозирги кунда ЭИХларни ташкил этишнинг бир қатор муаммолари (катта имкониятга эга бўлган инветорларни мавжудлиги, лекин инвестицияларни йўналтирадиган мукамал дастурнинг йўқлиги, ЭИХда Россияда истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб аҳолининг асосий қисми яшаётганлиги, яъни улар Олтой ЭИХ тўғрисидаги федерал қонуннинг йўқлигига ишора қилиб, бу ерда эркин божхона ҳудуди эмас, эркин савдо омборлар ҳудудини ташкил этиш мақсадга мувофиқ дейишмоқда) ҳам мавжуд.

Олтой ЭИХ Кипр оролидаги ҳудудлар билан халқаро ҳамкорлик қилишга доир бир қатор шартномалар (инвестицияларни жалб қилиш,

халқаро савдо-сотиқ, қўшма корхоналар куриш, Олтой кўрғазмалар ярмаркасида Кипр Республикасининг халқаро кўрғазмасини ташкил этиш ва бошқалар) имзоланган. Ушбу шартномалар асосида халқаро майдондаги инвестицияларни жалб этиш учун тадбиркорлик дастурлари ишлаб чиқилган. Дастурлар доирасида бутун дунёга машҳур бўлган “Белокуриха” дам олиш ва соғломлаштириш марказида туристик рекреацион ҳудуди ташкил этилди.

Хуллас, Олтой эркин иқтисодий ҳудуди ўзининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан пухта ишланганлиги билан чет эл инвесторларининг, шунингдек тадбиркорларнинг қизиқишларини тобора жалб этиб келмоқда.

#### **6.4. Калининград вилоятида жойлашган «Янтарь» эркин иқтисодий ҳудудининг ривожланиш имкониятлари**

90-йилларнинг бошида Калининград вилояти учта давлат чегаралари билан ўзаро боғланганлиги сабабли муҳим ЭИХ деб эълон қилинган эди. Бироқ, бу даврда ушбу иқтисодий ҳудудни ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар бўлмаганлиги сабабли ўз фаолиятини кўрсата олмади.

1996 йилнинг 22 январида Россия Президенти томонидан тасдиқланган «Калининград вилояти муҳим иқтисодий ҳудуди тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан бу ҳудудга эркин божхона мақоми берилди ва ушбу ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш даврида божхона тўловлари олинмайдиган бўлди, ташқи иқтисодий фаолият ҳам назорат қилинмайдиган бўлди. Бундан ташқари импорт қилинадиган товарлардан божхона, қўшимча қиймат ва акциз солиқлари ҳам олинмайдиган бўлди.

Калининград муҳим ЭИХ орқали олиб ўтиладиган транзит юклар учун божхона ва бошқа солиқлар олинмайди. Хаттоки, бу юклар Россия Федерациясининг бошқа жойларига жўнатилган тақдирда ҳам, маҳсулотни экспорт қилишдан тушган валюта тушуми учун 30 %лик мажбурий тўловлар ҳам талаб қилинмайди. Инвесторларнинг олган фойдалари ва дивидендларини чет эл банкларига ўтказишда ҳам ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Калининград вилояти Россия Федерациясининг вилоятлари орасида чет эл капитали иштирокида тузилган корхоналарнинг сони бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 1996 йилда 1175та чет

эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 1/3 қисми 100 фоиз чет эл капитали иштирокида курилган корхоналарни ташкил этган. Ушбу вилоятда корхоналарни ташкил этишда Польша, Германия ва Литва давлатлари етакчи ўринлардан бирини эгалласа, киритилган инвестициялар миқдорининг кўплиги жиҳатидан эса Буюк Британия, Швеция ва Франция давлатлари олдинги ўринлардан бирида туради.

Хорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқаларни олиб боришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Россия Президенти томонидан қабул қилинган № 495-сонли Фармони (1995 йил 18 май) ҳисобланади. Ушбу Фармондан сўнг Калининград вилоят маъмурияти чет эл мамлакатларининг вазирликлари ва ҳукумат органлари билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш мақомига эга бўлди. Вилоят ҳудудига хорижий инвесторларнинг кириб келиши айниқса, Калининград муҳим иқтисодий ҳудуди тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг янада кенгайди. Ҳозирги кунда ҳудуднинг “Янтарь” номидаги эски кема қурилиш заводи базасида йилига 55 мингдан ортиқ машиналарни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган автомобиль (14-16 русумдаги) йиғиш конвейери қурилиб ишга тушди.

Калининград вилоятининг муҳим эркин иқтисодий ҳудудини ривожлантириш кўмитасининг маълумотларига кўра охириги 4 йил ичида ташқи савдо айланмаси ўлкада 7-8 маротаба ўсган. 1992 йилда ўлканинг ташқи савдо айланмаси 145 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 1996 йилда – 765 млн. АҚШ долларни, 1997 йилда эса 1,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Нефть экспорт қилиш эса 2,5 маротаба ўсган, яъни 1992 йилда 138,1 минг тонна нефть экспорт қилинган бўлса, 1996 йилда – 348,3 минг тонна нефть экспорт қилинган. Қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқариш эса 1,9 баробарга ўсган, яъни 1992 йилда 68,5 минг тонна қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1996 йилда эса 113,0 минг тонна ишлаб чиқарилган эди. Бу даврда ишлаб чиқарилган қоғоз целлюлозасини экспорт ҳажми Венгрияга 7 марта ўсган бўлса, Буюк Британияда – 1,6 марта, Латвияда – 2 марта, Литвада эса 2,1 марта ўтган эди. Бироқ, бу даврда Польшага қоғоз целлюлозасини экспорт қилиш ҳажми бироз камайган эди. Бунинг асосий сабаби польшалик воситачиларга бўлган эҳтиёж ҳам Калининград вилоятида пасайганлигидан келиб чиқади.

90-йилларда Калининграддаги “Янтарь” муҳим аҳамиятга молик иқтисодий ҳудудида 1175та чет эл капитали билан ташкил этилган

корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг устав капитали 157607 млн. рублани ташкил этган (6.2-жадвал).

## 6.2-жадвал

### Калининград вилояти “Янтарь” муҳим иқтисодий ҳудудида рўйхатга олинган ва чет эл капитали билан ташкил этилган корхоналар

№	Инвестиция киритган мамлакатлар номи	Корхоналар сони	Устав фондида чет эл капиталининг улуши (млн. рублда)	Умумий чет эл капиталига нисбатан % ҳисобида
1	Буюк Британия	15	10717	15,8
2	Швеция	11	6735	10,0
3	Франция	4	5382	8,0
4	Панама	1	4894	7,2
5	Германия	238	4588	6,8
6	Польша	381	4423	6,5
7	Швейцария	20	4356	6,4
8	Литва	199	2566	4,0
9	Финляндия	5	2126	3,1
10	Қозоғистон	13	1150	1,7
11	Лихтенштейн	7	825	1,2
12	Латвия	82	812	1,2
13	Чехия	13	446	0,7
14	Британ-Виргин ороли	3	438	0,6
15	АҚШ	21	426	0,6
16	Япония	2	381	0,6
17	Бошқа мамлакатлар	159	12441	18,4
	Жами	1175	67600	100

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.114-115 бетлар.

Жадвалдан кўришиб турибдики, “Янтарь” иқтисодий ҳудудига энг кўп инвестиция киритган давлат Буюк Британия ҳисобланиб, унинг киритган маблағи 10717 млн. рублани ташкил этган. Қурилган корхоналар сони эса 15та. Ушбу ҳудудда Швеция (6735 млн. рубль) ва Франция (5382 млн. рубль) мамлакатлари 2-3 ўринни эгаллаб турибди. Швеция капитали иштирокида 11та корхона қурилган бўлса, Франция иштирокида – 4та қурилган. “Янтарь” иқтисодий ҳудудда қурилган корхоналарнинг сони бўйича Польша (381та) биринчи



ўринда, Германия (238та) иккинчи ўринни эгаллаб турсада, киритган инвестициялар миқдори бўйича Польша (4423 млн. рубль) Германиядан (4588 млн. рубль) кейинда туради.

Калининград вилоятидан кўпроқ хомашё материаллари, қора ва рангли металлар экспорт қилинади. Экспортга жўнатилган товарларнинг 20 % қоғоз целлюлозасига тўғри келса, 14 %ни минерал ўғитлар, 10 %ни нефть маҳсулотлари, 9 %ни балиқ маҳсулотлари ва 4 %ни қора ва рангли металлар ташкил этган. 90-йилларда вилоятнинг ташқи савдо айланмасида экспортнинг ҳажми бирмунча камайганлигини кўрамыз. Масалан, 1992 йилда экспортнинг ҳажми 63 %ни ташкил этган бўлса, 1995 йилда - 43 %ни, 1996 йилда эса, 30 %ни ташкил этган. Худудда экспорт ҳажмининг камайиш сабабларидан бири ЭИХнинг ташкил этилиши билан, бу маҳсулотларнинг қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватининг ошганлигидир.

Калининград вилоятига асосан озиқ-овқат, пойафзал ва кийим-кечак маҳсулотлари, теле-радиоаппаратура маҳсулотлари импорт қилинади. 90-йилларда Буюк Британиядан импорт қилинган маҳсулотлар миқдори 43 баробарга ўсган бўлса, Литвадан – 38, Чехиядан – 15, Венгриядан – 9 маротабага ошган эди. 1999 йилда умумий қиймати 256,1 млн. долларга тенг бўлган 1,3 млн. тонналик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, умумий қиймати 834 млн. долларга тенг бўлган 1,8 млн. тонналик маҳсулот импорт қилинган эди.

Шундай қилиб, Калининград вилоятида «Янтарь» эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этилиши ва эркин божхона ҳудуди тартиботини ўрнатилиши билан ҳудуднинг инфляция даражаси бирмунча камайди, чет эл капитали иштирокида қурилган корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларининг ҳажми эса бирмунча ошди. Ташқи савдо айланмасида худудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорти ва импорти бирмунча кўпайди. Калининград портларига олиб келинган ва олиб кетилган юкларнинг ҳажми ҳам бирмунча кўпайиб, ишчи ва хизматчи ходимларга тўланадиган ўртача иш ҳақи бироз кўтарилди. Калининград вилоятида «Янтарь» эркин иқтисодий ҳудуди ташкил этилгандан бери вилоят бюджети томонидан федерал бюджетга тўланиши лозим бўлган маблағнинг 93,4 % компенсация қилинди. Бироқ, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этишдан кутилган фойда ўз натижасини ҳозирги кунга қадар бергани йўқ. Чунки, иқтисодий ҳудуднинг тўлалигича

фаолият юритиши учун авваламбор тўлиқ ҳуқуқий база ва меъёрий ҳужжатлар яратилгани йўқ. ЭИХга босқичма-босқич ўтиш мақсадга мувофиқдир.

### Хулоса

90-йилларда Россияда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этила бошланди. 1990 йилнинг июль ойидан 1991 йилнинг июнь ойигача 11та минтақага расман ЭИХ мақоми берилди. Бу минтақаларга Приморье ўлкаси, Находка шаҳри, Олтой ўлкаси, Санкт-Петербург шаҳри, Ленинград вилояти, Выборг шаҳри, Зеленоград шаҳри, Калининград, Чита, Новгород вилоятлари, Яхудий автоном округи киради. Ушбу ҳудудларнинг умумий майдони 1 млн. кв. км.дан (Россия территориясининг 7 %), аҳолиси сони 18,5 млн. кишидан (мамлакат аҳолисининг 13 %) ортиқ эди.

1991 йилда қабул қилинган “РСФСРда чет эл инвестициялари тўғрисида”ги РСФСР қонунида ЭИХ тўғрисидаги бўлимнинг мавжуд бўлиб, унга мувофиқ ЭИХлар хорижий капитални, илғор хорижий технологияларни, бошқарув тажрибасини жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилади.

2003 йилда Россияда 23та федерал аҳамиятга эга ЭИХлар, шу жумладан федерал қонунлар асосида учта ҳудудда (Калининград ва Магадан вилоятлари, Ингушетия) ЭИХ фаолият кўрсатмоқда эди.

Россия ЭИХларининг ташкил этилганидан бери қисқа давр ўтганлигига қарамай, кўпчилик ЭИХлар фаолиятининг натижалари халқаро стандартлар бўйича самарасиз ҳисобланади. Барча ЭИХлар учун умумий бўлган қуйидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириш мумкин:

- корхоналарнинг хўжалик алоқаларининг узилиши ва қайта тақсимланиши;
- халқаро бозорларда миллий товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан ҳимояланмаслиги;
- эркин тадбиркорликни ривожлантиришда бюрократик ва криминал тўсиқларнинг мавжудлиги;
- россиялик ишчи ва раҳбар ходимларнинг малака даражасининг, тажрибасининг пастлиги;
- ҳукуматга ишончининг камлиги ва бошқалар.

Олтой эркин экологик ҳудуди Ғарбий Сибирнинг жанубий–шарқда жойлашган бўлиб, Новосибирск ва Кемерово вилоятлари билан, Қозоғистон ва Олтой Республикаси билан чегараланиб туради.

Экологик ҳудуднинг умумий ер майдони 168 минг кв. км.ни ташкил этиб, маркази Барнаул шаҳри ҳисобланади. Олтой ўлкасида ҳозирги кунда 370дан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатиб турибди. Саноатнинг ривожланган тармоқлари бўлиб машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат корхоналари, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлар, ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхоналари ҳисобланади.

Олтой эркин-экологик ҳудудни ташкил этилишида табиий ер ости ва ер усти ресурсларга бойлиги, туризм, санаторий ва курорт индустриясининг ривожланганлиги, чуқур иқтисодий ислохотларни ўтказилиши, чет эл капитали учун ҳуқуқий кафолатларнинг мавжудлиги ва шунингдек солиқ имтиёзларга эгаллиги каби бир қатор объектив ва субъектив омиллар муҳим роль ўйнаб келмоқда.

90-йилларнинг бошида Калининград вилояти учта давлат чегаралари билан ўзаро боғланганлиги сабабли муҳим ЭИХ деб эълон қилинган эди. 1996 йилнинг 22 январида Россия Президенти томонидан тасдиқланган «Калининград вилояти муҳим иқтисодий ҳудуди тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан бу ҳудудга эркин божхона мақоми берилди ва ушбу ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш даврида божхона тўловлари, импорт қилинадиган товарлардан эса божхона, кўшимча қиймат ва акциз солиқлари олинмайдиган бўлди. Инвесторларнинг олган фойдалари ва дивидендларини чет эл банкларига ўтказишда ҳам ҳеч қандай муаммолар йўқ.

### **Таянч иборалар:**

Географик жойлашув, табиий ресурслар, аҳоли, қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, тадбиркорлик, ҳиссадорлик жамиятлари, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, инвестиция, божхона, солиқ тўловлари, ҳамкорлик.

### **Назорат учун саволлар**

1. Россияда ЭИХларни ташкил қилиш хусусиятларини тушунтиринг
2. Россияда ЭИХларни ривожлантиришнинг қандай меъёрий-ҳуқуқий асосларини биласиз?
3. Россияда ЭИХларни ривожлантиришда қандай асосий муаммолар мавжуд?

4. Олтой эркин экологик ҳудуднинг географик ўрни, табиий шароити ва аҳолисини характерлаб беринг.

5. Олтой ЭИХнинг иштирокчилари қандай имтиёزلардан фойдаланишади?

6. Калининград ЭИХни ривожланишида Ғарбий Европа давлатлари инвесторлари қандай роль ўйнамоқда?

7. “Янтарь” ЭИХни ташкил этилиши вилоят иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга?

## **7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

### **7.1. Республикада эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий индикаторлари**

Ўзбекистон истиқлолга эришганига 20 йил тўлди. Ана шу йиллар ичида республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришлар асосида давлатимизнинг сиёсий пойдевори мустаҳкамланди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида илгари сурган беш тамойилга асосланган иқтисодий сиёсат жиддий равишда амалга оширилмоқда. Биринчи галда деҳқонларга қўшимча ер берилиб, кишилар меҳнати рағбатлантирилди. Маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган бошқарув тизими тубдан янгиланди, назорат қилувчи ва тафтиш ўтказувчи идоралар сони кескин камайтирилди. Бир қатор вазирликлар тугатилиб, уларнинг ўрнида бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи ҳиссадорлик компаниялар, уюшмалар ташкил топди. Айтилган бир пайтда республикада биржа ва савдо уйлари сингари бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилиб, мулк муносабатлари эса ислоҳ қилинди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш чоратadbирлари ишлаб чиқилди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам қабул қилинган қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилди. Миллий валютанинг жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, ўтказилган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилаб олинди.

Моварауннаҳр ёки Туркистон номлари билан қадимдан машҳур бўлиб келган Ватанимиз ҳудуди 3-3,5 минг йиллар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлиб, Буюк ипак йўлида жойлашган. Республикамиз ҳудуди Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан боғланган муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни олиб борувчи макон ҳисобланади.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон, шимолий-шарқда Қирғизистон, жанубий-ғарбда Туркменистон, жанубий-шарқда Тожикистон Республикалари билан, жанубда эса қисман Афғонистон билан чегараланиб туради. Республиканинг шимолий ва жанубий чекка нуқталари орасидаги масофа 925 км.ни ғарбий ва шарқий нуқталар орасидаги масофа 1400 км.ни, умумий ер майдони эса 447,4 минг кв.км.ни ташкил этади.

Республика ҳудуди жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга томон чўзилган бўлиб, ер юзаси ҳам худди шу йўналишда йирик дарёлар оқимиغا мос ҳолда пасайиб боради. Мамлакатнинг шимолий-ғарбий чеккасида Устюрт билан Қизилқум оралиғида Орол денгизи жойлашган. Республика майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми эса тоғ ва тоғ олди адирликлардан иборат. Ўзбекистон ҳудудидан Ўрта Осиёнинг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтиб, Орол денгизига қуйилади. Бу икки азим дарё орасидаги ҳудуд Турон пасттекислиги деб аталиб, ушбу текисликнинг асосий қисми Қизилқум чўлларида иборат, баъзи жойларда қир ва адирликлар учрайди. Республиканинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмига борган сари улкан тоғлар пасайиб, тоғ ён бағри текисликлари гўзал хушманзара водийларга айланади. Сўнг водийлар тугаб, аста-секин чўллар, поёнсиз қумликлар бошланади.

Ўзбекистон ерлари турли фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, ҳудудда 90дан ортиқ турдаги минерал хом ашё борлиги аниқланган. Олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, радиоактив элементлар (уран), табиий газ, нефть ва бошқа фойдали қазилмалар миқдори бўйича кўпгина давлатлар орасида етакчи ўринда туради. Республика ҳудудида туз, алюминий хомашёси, турли қимматбаҳо тошлар ва баъзи бир камёб элементларнинг катта захиралари аниқланган. Ўзбекистон қурилиш материаллари ва ёқилғи-энергетика ресурсларига ҳам бой ҳисобланади.

Ўзбекистон иқлими қуруқ, ёғингарчилик кам кескин континентал ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Республика ҳудудининг шимолий қисмлари мўътадил минтақага мансуб бўлса, жанубий қисмлари эса субтропик минтақага мансубдир.

Ўзбекистон аҳолиси 27 млн.дан ортиқ кишини (2010 й.) ташкил этади. Жумладан, шаҳар аҳолиси 12 млн. кишидан ортиқроқни, қишлоқ аҳолиси эса 15 млн. кишини ташкил этади. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.км.га 50-51 киши тўғри келади. Аҳоли сони бўйича

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин 3 ўринда туради. Бу ерда Марказий Осиёдаги жами аҳолининг 1/3 қисми яшайди. Мамлакатнинг туб аҳолиси ўзбеклар бўлиб, уларнинг умумий сони 15 млн. кишини ташкил этади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда 100дан ортиқ миллат ва элат халқлари яшайди.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий тараққиёт йўлида муайян давлатларнинг маълум бир моделини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан воз кечди. Айни бир вақтда Республикамиз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган барча ижобий тажрибалардан самарали фойдаланиб келмоқда. Ўзбекистон аҳолининг тарихий миллий турмуш тарзидан, халқ анъаналари, урф-одатларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва ўзига мос йўлни ишлаб чиқди. Бу йўлни ишлаб чиқишда Республикамиз Президенти И.А.Каримов илгари сурган 5та тамойил асос қилиб олинди. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат. Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш зарур. Иккинчидан, давлат асосий ислоҳатчи бўлиши керак. У энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳатларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириб, жаҳолатпарастларни ва шунингдек консерваторларнинг қаршилигини енгиши керак. Учинчидан, қонуннинг устунлиги, бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар. Тўртинчидан, фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш керак. Чунки аҳолининг салкам 50 %ини 18 ёшга етмаган болалар ташкил этган Ўзбекистонда бу сиёсат алоҳида аҳамиятга эга. Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишда иқтисодиётнинг объектив қонунларига амал қилиб, «инқилобий сакрашларга» йўл қўймай, эволюцион йўл билан пухта ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Хуллас, республикамизда ислоҳотлар номига ўтказилиб қолмасдан уларнинг асосий мақсади халқнинг моддий фаровонлигини кўтаришга қаратилган бўлмоғи зарур.

Ушбу ислоҳотларни амалга ошира бориб, республикамиз ўз олтини ва бошқа нодир қимматбаҳо металлларни, газ ва нефтни қазиб чиқариб, қайта ишламоқда, энергетика ресурсларидан самарали

фойдаланмоқда. Ўзбекистон худуди ва иқтисодий кудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб давлат ҳимоясидадир.

Юқорида келтирилган фактик ва статистик манбалардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти миллий манфаатлар учун хизмат қилади. Республикамиз табиий ва меҳнат ресурсларига жуда бой бўлиб, 4,2 млн. гектар суғорма деҳқончилик қилинадиган ерлар, минерал хомашёнинг 100га яқин тури ва жуда кўплаб конлари бор. Ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги табиий газнинг 40 %и, кўмирнинг 55 %и, пахта толасининг 75%и, гидроэнергетика ресурсларининг 14 %и, меҳнат ресурсларининг 40 %и Ўзбекистонга тўғри келади.

Республиканинг иқтисодий салоҳияти жуда каттадир. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 507,3 мингтага етди. Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,2 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,6 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,2 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизини акциядорлик жамиятлари, 18,3 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.<sup>1</sup> Ушбу корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида қуйидагича белгилаб берилган: “...бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди...”

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилмоқда.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган

---

<sup>1</sup> www.stat.uz



ҳолда иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган эди.


Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Президентимиз иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар: “Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб

борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқироzi кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора кенг ва чуқур қамраб олиб, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келганлигига қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори ўсиш суръатлари изчил таъминланди. Республикада 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди (7.1-расм).



**7.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, (фоизда) \***

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.<sup>1</sup>

2010 йил якунига кўра Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 6,8 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 14,7 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,4 фоизга ошди (7.1-жадвал).

### 7.1-жадвал

#### Ўзбекистонда 2010 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4
Қишлоқ хўжалиги	6,1	4,5	5,7	6,8
Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6	14,7
Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+ 1,1	+ 1,5	+ 0,2	+ 0,3
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40,0	32
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,3 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ижобий сифат ўзгаришларига эришилди. Бу авваламбор ЯИМнинг тармоқ таркибида рўй берган ўзгаришларда ўз аксини топади (7.2-жадвал).

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь

## 7.2-жадвал

### ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

Тармоқлар	Йиллар				
	2000	2005	2008	2009	2010
Саноат	14,2	21,1	22,3	23,6	24
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	19,4	18,2	17,5
Қурилиш	6,0	4,8	5,6	7,4	7,7
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	12,7	11,9	12,4
Савдо ва умумий овқатланиш	10,8	8,8	9,1	9,1	9,2
Бошқа тармоқлар	18,7	17,8	21,5	23,1	22,2
Соф солиқлар	12,5	10,6	9,3	6,7	7,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


Саноатни устувор тарзда ривожлантириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш борасидаги саъй ҳаракатлар натижасида тармоқнинг ЯИМдаги улуши кескин ортди. “Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди”.<sup>1</sup>

Саноат ишлаб чиқаришида ўсиш суръатларининг юқорилиги тармоқнинг ЯИМдаги улуши ортиб боришига олиб келди. Саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатда ўсиши, авваламбор, янги қувватларни ишга тушириш, корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш мақсадида жалб қилинган инвестициялар миқдорининг ортиши ва уларнинг самарали ўзлаштирилиши натижасида таъминланди.

Мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши, жумладан, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнинг бюджет олдидаги ва банк кредитлари бўйича қарзларини тўлаш муддатларининг узайтирилиши, саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича кўрилган

<sup>1</sup> Ислон Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

чоралар, ички талабни кўпайтириш орқали саноат корхоналари маҳсулоти бозорини кенгайтириш, зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарини банклар балансига ўтказиш орқали уларни молиявий соғломлаштириш ишлари йирик инвестиция дастурларини муваффақият билан амалга ошириш ва саноат ишлаб чиқаришининг 2010 йилда ҳам ижобий динамикаси таъминланишига олиб келди (7.2-расм).



**7.2-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)\***

Мамлакатимиз бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2000 йилда 29,7 фоизи, 2005 йилда 32,6 фоизи, 2008 йилда 34,5 фоизи, 2009 йилда 28,4 фоизи саноат тармоқларига йўналтирилган. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисми (2000 йилда 62,4 фоизи, 2005 йилда 46,4 фоизи, 2008 йилда 47,2 фоизи, 2009 йилда 21,5 фоизи) саноат тармоқларига йўналтирилгани ҳам юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

2000-2010 йиллар давомида саноат ишлаб чиқариш таркибида ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати тармоқларининг улуши ортди.

\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


**Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

Тармоқлар	Йиллар				
	2000	2005	2008	2009	2010
Саноат	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	8,5	11,3	8,6	8,9	8,4
Ёқилғи	15,3	16,2	20,1	21,5	19,7
Металлургия	11,4	19,4	15,5	14,1	14,7
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	13,0	16,2	16,2	16,2
Қурилиш материаллари	5,4	3,6	4,9	4,7	5,0
Ёнгил саноат	19,1	16,6	12,9	12,2	12,2
Озиқ -овқат саноати	13,3	8,2	10,6	11,2	12,6
Бошқалар	17,1	11,7	11,2	11,2	11,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг улуши 2000 йилда 9,9 фоиздан иборат бўлган бўлса, 2008-2010 йиллар давомида 16,2 фоизни ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиб бориши соҳанинг ЯИМдаги улушининг ортиб боришига ва 2010 йил якунларига кўра 49 фоиз даражасига етишига олиб келди. Анъанавий хизмат турларидан ташқари янги хизмат турларининг кўлами кенгайиб борди (7.3-расм).



**7.3-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, (фоизда)\***

\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

“Ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ошди. Бу борада мобил алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда солиқ юкини камайтириш чораларининг мунтазам равишда кенг қўлланилаётгани ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, солиқ ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратилиши солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизга, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизга туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур.

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида фикр юритар экан, асосий эътиборни иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратди. Маълумки, иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар ҳажми ва уларнинг архитектураси муҳим аҳамият касб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодий сиёсати истиқболини белгилаб беришда устувор йўналишлардан бири сифатида инвестицияларни кенг жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитларни яратишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аграр-индустриал давлат бўлиб, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг

---

<sup>1</sup> И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь

асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2000-2010 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич амалдаги нархларда 2000 йилдаги 1 387,2 миллиард сўмдан 2010 йилда 15 810,7 миллиард сўмга етган ёки қарийб 11,4 мартага ўсди. Ўтган ўн йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳар йили ўртача 5 фоиздан юқори бўлди.

#### 7.4-жадвал

### 2008-2010 йилларда Республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Озиқ-овқат маҳсулотлари турлари номи	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоиз
Сабзаёт	минг тонна	5217,4	5704,7	6346,4	111,2
Картошка	минг тонна	1398,7	1524,5	1692,9	111,0
Полиз	минг тонна	981,2	1071,0	1182,4	110,4
Мева	минг тонна	1402,8	1542,9	1710,3	110,8
Узум	минг тонна	791	899,6	987,3	90,3
Гўшт (тирик вазнда)	минг тонна	1288	1367,7	1461,4	106,8
Сут	минг тонна	5426,3	5779,0	6169,0	106,7
Тухум	млн.дона	2429,0	2715,9	3058,8	112,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда 2010 йилда 2008-2009 йилларга нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари бўйича ишлаб чиқариш ўсган.

Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда бу мақсадлар учун амалдаги нархларда 42,6 миллиард сўм сарфланган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 385,6 миллиард сўмни ташкил этди ёки 9,05 мартага ошди. Бундай натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати ҳамда табиий ва иқтисодий омиллардан, айниқса суғориладиган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазига эришилмоқда.



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2000-2010 йиллар давомида деярли барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилди. Жумладан, шу даврда дон ишлаб чиқариш ҳажми 3 929,4 минг тоннадан 6 897,3 минг тоннага ёки 175,5 фоизга, сабзаотлар 2 644,7 минг тоннадан 6 218,2 минг тоннага ёки 235,1 фоизга, полиз маҳсулотлари 451,1 минг тоннадан 1 246,8 минг тоннага ёки 276,4 фоизга, мева 790,9 минг тоннадан 1 696,4 минг тоннага ёки 214,5 фоизга, чорвачилик маҳсулотларидан гўшт ишлаб чиқариш 501,8 минг тоннадан 1 461,4 тоннагача ёки 291,2 фоизга, сут 3 632,5 минг тоннадан 6 169,0 минг тоннага ёки 169,8 фоизга ва тухум 1 254,4 миллион донадан 3058,8 миллион донага ёки 243,8 фоизга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш ёки чорва моллари бош сонини кўпайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 2008-2010 йилларнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят мураккаб ва оғир бўлганлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда

чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш изчил давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни биргина 2010 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўпдир. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

<sup>2</sup> “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (7.5-жадвал), 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 7,4 фоиз; чет эл инвестициялари 28,8 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 фоизни ташкил этган.

**7.5-жадвал**

**2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши,  
(фоизда)**

<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>	<b>2010</b>	<b>2011 й. (башорат)</b>
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2011 йилда давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49,0 фоиз ва бошқа манбалар 20,6 фоизга тенг бўлиши башорат қилинмоқда.

Кўрсаткичлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлмоқда.


2006-2010 йиллар давомида давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2010 йилда 2006 йилга қараганда 3,6 баробарга кўпайган. 2010 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 84 фоизини, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар эса атига 16 фоизини ташкил этган. Ваҳоланки 2006 йилда ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 23,7 фоизини ташкил қилган. Бу Президентимиз томонидан мамлакатни

---

Йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлаштириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги 1213-сонли Қарори<sup>1</sup> тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш давомида 2010 йилнинг ўзидаёқ барча барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал аҳамиятга эгадир.



**7.4-расм. 2005-2010 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасидатўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси, (млн АҚШ доллари) \***

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси”, 2009 й., 10-сон, 403-модда.

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган

Биргина 2010 йилнинг ўзидаёқ Инвестиция дастури доирасида 200дан зиёд лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий конметаллургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги объектларни барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган 7.4-расмдан кўриш мумкинки, 2010 йилда иқтисодиётга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар 2009 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошган ва унинг катта қисми, яъни 60,1 фоизи нефть-газ тармоғини модернизация қилишга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуриш ва геология қидирув ишларига сарфланган. Агар ушбу кўрсаткич таҳлилини 2005 йилга нисбатан оладиган бўлсак, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар 2010 йилда қарийб беш баробарга кўпайганини қайд этиш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган умумий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 25 фозини ташкил этгани тўғрисидаги таҳлилларини давом эттирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 6,8 фозини ташкил қилмоқда. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати таъминланганини санаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, “ноу-хау”ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2011.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш ўринларига эга қилади, янги техника ва технологияларни иқтисодиёт тармоқларига олиб киради, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан самолётсозлик, электроника ва радиэлектроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

## 7.6-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳажмининг ўзгариши

Йиллар	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодийтимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.<sup>1</sup>

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодийтимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

#### 7.7-жадвал

#### 2011 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар, (млн АҚШ долл.)

Кўрсаткичлар	2011 йил
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3723,8
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2734,89

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т.: 2011.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодийтимизнинг кўплаб тармоқларида 70тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи куриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига кўшилишига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Ўзбекистонда кўплаб қўшма корхоналарни ташкил этилиши мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бундай тажрибаларни биз кўплаб ЭИҲлар фаолият кўрсатиб келаётган мамлакатлардан бири бўлмиш ХХР мисолида кўришимиз мумкин. 1979 йилдан сўнг ХХР иқтисодиёти учун чет эл капиталини жалб этишнинг туб бурилиш даври бўлди. Бунда 1979 йилнинг 1 июлида «Хитой Халқ Республикаси қўшма корхоналари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу қонун асосида мамлакатда турли хилдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри инвестициялар киритилишига руҳсат берилди. Мазкур тадбирнинг қўлланилиши натижасида 1978-1989 йилларда киритилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 57,8 млрд. долларни ташкил этди. Бу миқдор ўтган 30 йиллар мобайнида жалб этилган чет эл инвестициялари миқдоридан 10 баробар кўп демакдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналар ташкил этиш учун катта аҳамият берилмоқда. 1999 йилда мамлакатимизда ишлаб турган қўшма корхоналар сони 1910тани



ташкил этган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 4500тадан ортди. Қўшма корхоналар кўплаб ташкил этилган вилоятларга Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри киради.

Республикамизда қўшма корхоналар ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш Президентимиз И.А.Каримов томонидан берилган аниқ кўрсатмалар асосида амалга оширилиб борилмоқда. Жумладан, йўлбошчимиз ўзининг Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқида «...Биз асосий эътиборни қўшма корхоналар тузишга қаратдик, ... навбатдаги муҳим вазифа экспортни кенгайтиришдан иборат. Экспортни кенгайтириш Республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани мустаҳкамлаш демакдир...»<sup>1</sup> деган эди. Бу кўрсатмаларга амал қилиш мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини биз 1999 йилда қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 50,9 %ни ташкил этганлигида ҳам кўрамиз. Бунда қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорти ҳажми 108,4 %, яъни 28,6 млн. АҚШ долларига кўпайди. Ўсиш суръатлари асосан Навоий вилоятида 39,4 %, яъни 43 млн. АҚШ долларига, Фарғона вилоятида – 140,6 %, яъни 9,7 млн. АҚШ долларига, Тошкент шаҳрида эса 39,7 %, яъни 21,7 млн. АҚШ долларига кўпайгани билан характерланади. Навоий, Андижон, Фарғона, Тошкент ва бошқа вилоятларда ташкил қилинган қўшма корхоналар томонидан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Биргина автомобилсозлик саноатида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамиятини оладиган бўлсак, инқироз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг етакчиси GM Uzbekistan қўшма корхонаси 2010 йилда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 2009 йилга нисбатан 6,2 % фоизга оширди ва 217 минг 733 дона автомобил ишлаб чиқарди (7.8-жадвал).

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1996.

**2010 йилда GM Uzbekistan компаниясида автомобиллар  
ишлаб чиқариш ҳажми**

Автомобиллар русуми	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	2009 йилга нисбатан ўзгариш, %да
Nexia	87100	96,1
Matiz	72999	105,6
Damas	20900	88,4
Lacetti	23917	123,3
Epica	3185	290
Captiva	1835	167
Spark	7797	-
Жами	217 733	106,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Асака заводи 2010 йилда 87100та Nexia русумли автомобил (3,9 % пасайиш), 72999та - Matiz (5,6 % ўсиш) ва 20900 Damas (11,6 %га камайиш) ишлаб чиқарди. Lacetti русумли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 23917тани (23,3 % ўсиш), Epica – 3185та (2,9 марта ўсиш), Captiva – 1835та (67 %) ва Spark янги автомобиллари – 7797та (августда ишлаб чиқариш бошланган) ташкил этди. 2009 йилда GM Uzbekistan корхонасида автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 5,1 % ўсиб, 205011та автомобилни ташкил этган эди.

2011 йилда ўтказилган Ўзбек-америка бизнес форумида жорий йилда Ўзбекистон GM Uzbekistan заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сонини деярли 80 %гача оширилиши, шунингдек автомобиль двигателларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхона - GM Powertrain Uzbekistan ишга туширилиши эълон қилинди.<sup>1</sup>

Мазкур корхона Ўзбекистон экспортини ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган автомобилларнинг кўп қисми Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади. 2010 йилда автомобиллар экспортининг башорат кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Россия ва МДҲ мамлакатларида Uz-Daewoo нинг ўртача бозор улуши 3,9 %ни ташкил қилди.

<sup>1</sup> <http://nav.uz/>

Европа бизнес Ассоциациясининг автоишлаб чиқарувчилар кўмитасининг маълумотларига кўра, GM Uzbekistan ўзбек-америка кўшма корхонаси 2010 йилда Россияда енгил ва тижорат автомобилларини сотиш бўйича етакчи ўнликка киради. 2010 йилда Россияда 74419та автомобиллар сотилган, бу 2009 йилга нисбатан 45 фоиз кўп (7.9-жадвал).<sup>1</sup>

### 7.9-жадвал

#### 2010 йилда Россияга автомобиллар экспорти кўрсаткичлари

	2010 й	2009 йилга нисбатан фоизда	Сотувлар бўйича эгаллаган ўрни
Nexia	43943	156	8
Matiz	30476	131	11
Жами, дона	74419	145	10

Манба: <http://www.uzdaily.uz/PVKXM/articles-id-6685.htm>

Ўзбекистан машиналари оммавийлиги бўйича дунёдаги машхур Opel, Peugeot, Renault, Toyota, Nissan, Kia, Suzuki, Hyundai, Skoda каби ишлаб чиқарувчиларнинг қатор етакчи моделларидан ўзиб кетди. Бу "GM Uzbekistan" автомобилларининг юқори обрўга эгаллиги ва ишончлилигидан далолат беради.

2010 йилда "GM Uzbekistan" ҚК ишлаб чиқариш ҳажми \$1,5 млрд.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 15 % ошди. Сўнгги 10 йилда автомобиллар экспорти 7,6 марта кўпайди.

Автомобилсозлик соҳасида чет эл корпорациялари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхоналарнинг сафи кенгайиб бормоқда. 2011 йил 11 апрелда Самарқанд вилоятида Германиянинг «MAN Truck & Bus AG» компанияси билан ҳамкорликда оғир юкли тижорат техникасини ишлаб чиқариш бўйича янги завод қурилиши бошланди. 2011-2013 йиллардаги биринчи босқич доирасида йиғиш, бўйлаш цехлари ва диагностика участкаси қурилади. Умуман лойиҳа доирасида йилига Заводнинг ишлаб чиқариш қувватини йилига 20 мингтага етказиш режалаштирилган.<sup>2</sup> Самарқандда янги ишлаб чиқариш мажмуасининг ишга туширилиши билан Ўзбекистон Республикасида оғир юкли тижорат техникасини ишлаб чиқариш янги сифат босқичига кўтарилди ва мамлакатда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даржасини оширади,

<sup>1</sup> <http://www.uzdaily.uz/PVKXM/articles-id-6685.htm>

<sup>2</sup> <http://www.12.uz/ru/news/show/economy/5471/#>

шунингдек тижорат автотранспорт ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи «MAN Truck & Bus AG» компанияси билан ҳамкорликни кенгайтиради.

Ўзбекистон автомобилсозлигида шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Япониянинг «Исузу Моторс» корпорацияси билан ҳамкорликда «Самавто» корхонаси ташкил этилган бўлиб, у йилига 3000дан ортиқ «Исузу» русумли автобуслар ва 500дан ортиқ оғир юк машиналари ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Бугунги кунда Республиканинг асосий экспортини анъанавий хом-ашё ресурслари энергия ресурслари, пахта толаси, рангли ва қора металллар, минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар ташкил этмоқда.

Маълумки, экспортни кенгайтириш мамлакатимизга биринчидан, эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтирса, иккинчидан миллий валютани мустаҳкамлаш учун асос яратилади. Яъни, экспортни кенгайтириш бу корхоналарни янги технологиялар билан жиҳозлаб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш (иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш ва амалга ошириш) демакдир.

Мамлакатда мавжуд хўжалик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун замин яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан зарурий ҳуқуқий асослар ва кенг имтиёзлар тизими яратилди. Бундай имтиёзлар чет эл сармояси билан ишлаётган кўшма корхоналар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор”.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асос ва тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хомашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоизлик озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;

- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл


жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан яқунлаш имконини берди. 2010 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 21,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 4,2 млрд. АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо таъминланди (7.5-расм).



**7.5-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси (млрд.долл.) \***

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бугунги кунга қадар давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг

\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.<sup>1</sup>

2000-2010 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (7.10-жадвал).

## 7.10-жадвал

### Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3	13044,5
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):					
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6	11,3
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0	5,1
Қора ва рангли металлар	6,6	9,2	7,0	5,0	6,8
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9	5,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0	9,7
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2	24,8
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8	9,1
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5	27,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, хомашё ресурсларининг улуши камайиб бормоқда, тайёр товарларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Масалан, пахта толасининг экспортдаги улуши мустақилликнинг илк йилларида 50 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 11,3 %ни ташкил қилади. Бироқ сўнгги йилларда энергия ресурсларининг (нефть, газ) экспортдаги улуши юқориликча сақланиб қолмоқда. Уларнинг ҳажми умумий экспортнинг 24,8 фоизини ташкил этди. 1992 йилда деярли мавжуд бўлмаган хизматлар соҳасининг экспортдаги улушининг ўсиш

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь

тенденциясига эгаллиги ҳам экспорт таркибининг яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Ташқи савдо айланмасининг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2010 йил якунларига кўра 43,1 фоизни ташкил этди. Ўзбекистоннинг МДХ давлатларига бўлган экспорт ҳажми 2010 йилда 50,4 фоизга ошди ва 5,9 млрд. долларни ташкил этди. Бошқа давлатларга бўлган экспорт эса 9 фоизга қисқарди ва 7,14 млрд. долларни ташкил этди.

2010 йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг 29,2 фоизи Россия Федерацияси, 8,3 фоизи Қозоғистон, 2,5 фоизи Украина ҳиссасига тўғри келди. Россия Федерацияси Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда. 2010 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 6,38 млрд. долларни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 43,4 фоизга кўпайган. Жумладан, Россияга экспорт 4,4 млрд. долларни ташкил этиб, деярли икки бараварга ошган. Россиядан импорт эса 1,9 млрд. долларгача камайиб, 11,6 фоизга қисқарган (7.11-жадвал).

#### 7.11-жадвал

### 2010 йилда республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	Товар айланма ҳажми, млрд. долл	2009 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	29,2	6,4	143,4
Хитой	9,5	2,1	101,7
Қозоғистон	8,3	1,8	138,3
Корея Республикаси	7,4	1,6	131,4
Туркия	4,4	1,0	142,4
Афғонистон	3,0	0,66	94,3
Эрон	3,0	0,65	111,0
Украина	2,5	0,53	36,2
Германия	2,2	0,48	103,6
Буюк Британия	1,0	0,23	131,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш



ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини оширишга катта аҳамият бериш заруратини янада кучайтирди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, ташқи савдо айланмасининг диверсификация даражаси, унинг овар ва географик таркибининг, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Улар орасида экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”.<sup>1</sup> Бу

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

вазифани амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради. Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради. Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайитиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайитириш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, Республикамиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш ва шунингдек қўшма корхоналар тузиш учун тўлалигича иқтисодий ва ҳукуқий асослар яратиб берилган. Хорижий инвестицияларни кириб келиши ва кўплаб қўшма корхоналар Республикамизнинг маълум бир ҳудудларида тўпланиши, ўз-ўзидан бу ҳудудларда экспорт-импорт, божхона, солиқ ва валюта соҳаларида маълум имтиёзларнинг қўлланилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил топиши учун замин яратилаётганлигидан дарак беради.

Буни олдиндан кўра билган ҳукуматимиз 1996 йилда “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Шу йилнинг июнь ойида эса «Буюк Ипак» йўли коммуникацион йўналишида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларининг муайян табиий ресурслари, хўжалик юритиш потенциали, турли этник ва маданий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ушбу шаҳарларда эркин ҳудудлар тузилмасини ташкил этиш тўғрисида фармон эълон қилинди. Кўрилган ушбу чора-тадбирларнинг барчаси

мамлакатимизда ЭИХлар ташкил этиш учун қўйилган муҳим қадам бўлди.

## 7.2. Орол эркин-экологик ҳудуди

60-90 йилларда Оролбўйи минтақасини сув ресурслари билан таъминлаб турган Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланмаслик оқибатида ушбу дарёларнинг сув ҳавзаларининг экологик тизимини кескин бузилишига, Орол денгизининг сув сатҳини кескин пасайиб кетишига, қадимги Хоразм воҳасидаги тупроқларнинг унумдор қатламида катта миқдорда туз қатламларининг кескин кўпайишига олиб келди. Буларнинг оқибатида минтақа аҳолиси ўртасида (айниқса, болалар ўртасида) турли хил касалликларни пайдо бўлиши, ўртача умр кўришни эса кескин пасайиши келиб чиқди. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди. Оролбўйи минтақаси бу даврда экологик ҳалокат ҳолатига тушиб қолди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди. Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.<sup>1</sup>

Бундай глобал экологик муаммоларни ҳал этиш учун нафақат Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқалар), балки жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ҳам муҳим экологик аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. 20.09.2010.

Оролбўйи минтақасидаги глобал муаммоларни халқаро майдонда ҳал этиш чора-тадбирларини излаб топиш ташаббуси билан республикаимиз Президенти И.А.Каримов БМТ минбаридан туриб Орол денгизи фожиасининг глобал оқибатларини халқаро майдондаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан, шунингдек халқаро жамғармаларнинг молиявий ташкилотларини ёрдами асосида ҳал этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Бугунги кунга келиб ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган БМТ, ЮНЕСКО, ЮНЕП, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, ЕТТБ, ОТБ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар Орол денгизи муаммосини ҳал этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш устида қизғин амалий ишларни олиб боришмоқда. Ушбу ташаббус Марказий Осиё мамлакатларининг (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон) ҳукумат бошлиқлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, ҳукуматлараро Оролни қутқариш комиссиясини тузишган. 1997 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган Олмаота учрашувида эса “Орол муаммосини ҳал этишнинг 2000 йилгача ва ундан кейинги йиллардаги асосий йўналишлари тўғрисида”ги дастур ишлаб чиқилган бўлиб, дастурда Орол муаммосини ҳал этишнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлари кўрсатиб берилди.

Оролбўйи минтақасида юзага келган бундай глобал экологик ва ижтимоий-иқтисодий бўғронлардан чиқиш муаммолари Парижда бўлиб ўтган (1994 й.) донор мамлакатлари учрашувида ҳам қизғин муҳокама қилинди. Учрашувда муҳокама қилинган муаммолар бўйича Марказий Осиё давлатларининг ҳукумат вакиллари ўзларининг дастурлари билан чиқишиб, фикрлашгандан сўнг, Париж учрашуви қатнашчилари томонидан қабул қилинди. Мазкур дастур ўзининг таркибига қуйидаги йирик лойиҳаларни олган эди. Жумладан, “Сув ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий ва минтақавий стратегияси”, “Ахборотлар алмашуви ва гидрометцентрларни қайта таъмирлаш системаси”, “Сувнинг сифатини яхшилаш ва дренажлар, ирригация инфратузилмасини такомиллаштириш”, “Орол денгизи ва Амударё, Сирдарё дарёларида экологик вазиятни, сувнинг биологик таркиби бўйича яхшилаш”, “Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, соғлиқ ва санитария”, “Сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш”, “Амударё ва Сирдарё сув бассейнларидаги сув ресурсларини

автоматлаштириш”, “Оролни кутқариш халқаро фондининг ташкилий структурасини ва маъмурий бошқариш ташкилотларини фаолиятини кучайтириш” кабимасалалар қизғин муҳокама қилинган эди.

Бундай йирик лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш эндигина мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатлари учун бирмунча қийин бўлганлиги учун ҳам халқаро ҳмжамиятга аъзо давлатларнинг ёрдамлари керак эди. Бундай ёрдамни Ўзбекистон Республикаси учун халқаро ташкилотлар кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 1992 йилда Жаҳон банки (1992 йилда Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган) томонидан 327 млн. АҚШ доллари миқдорида, Араб давлатларини иқтисодий ривожлантиришнинг Қувайт фонди томонидан 20 млн. АҚШ доллари миқдорида, KfW Германия банки томонидан 23 млн. ДМ, Франция (1 млн. АҚШ доллари), Швейцария (7 млн. АҚШ доллари) ҳукуматлари томонидан эса ёрдам фондлари ажратилган эди.

Мазкур ёрдам маблағлари асосан республикамизда икки лойиҳа устида – Тоза сув, соғлиқ ва санитария (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида) ва Хоразм вилоятини қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш” глобал миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларнинг асосий мақсади Оролбўйи ҳудудларида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, аҳоли орасида юқумли ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш ва иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш тармоқларини меҳнат ресурслари билан таъминлашни йўлга қўйиш, оқава сувларни тозалаб берадиган гидротехник иншоотларда самарадорликни кўтариш бўлиб, бундай ишларни амалга ошириш учун сарфланадиган маблағларнинг умумий баҳоси 117 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди.

Ушбу лойиҳада Жаҳон банки (75 млн. АҚШ доллари), Қувайт фонди (19,8 млн. АҚШ доллари), KfW немис ривожланиш банки (9,4 млн. АҚШ доллари), Ўзбекистон ҳукумати (12,7 млн. АҚШ доллари) ўз улушлари билан иштирок этди. Статистик рақамлардан кўриниб турибдики, лойиҳанинг асосий иштирокчиси бўлиб Жаҳон банки ҳисобланиб, умумий лойиҳа қийматининг 64,1 % унинг улушига тўғри келган бўлса, 16,9 % Қувайт фондига, 10,9 % эса KfW немис ривожланиш банкига тўғри келганлигини кўрамыз. Жаҳон банкининг кредити ўрнатилган тартибда берилади. Шунинг учун ҳам ушбу лойиҳалар устида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида махсус гуруҳ иш олиб борган эди. Бундан ташқари бу лойиҳани амалга оширишда “АНТ” немис консалтинг

фирмасининг аудиторлари ҳам иштирок этишган бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш тизимининг операторларига сув билан таъминлаш ва сувнинг исроф этилишига қўл қўймасликнинг замонавий усулларини қўллашида катта ёрдам кўрсатишган эди.

Лойиҳа дастурига асосан бигина Нукус шаҳри яқинида жойлашган Қизкетген поселкасини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишларини амалга ошириш учун 3 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, қурилиш ишларини эса асосан Миср Араб Республикасининг “The Arab Contractors” фирмаси амалга оширган эди.

Хоразм вилоятида ҳам қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси устида ишлар олиб борилди. Бу лойиҳанинг ижрочиси бўлиб, 60-йиллардан бери Республикамизда “Оби ҳаёт” инвестиция-ҳиссадорлик компания фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу компания ҳозирги кунга қадар 30 минг км. сув ўтказиш иншоотларини, 33-35 мингдан ортиқ скважина ва 11 мингдан ортиқ сув қудуқларини қазиб ишга туширди. Қурилган бу сув иншоотлари орқали 30 млн. гектарга яқин ерларни сув билан таъминлаш имкониятини бермоқда.

90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб компания Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларини ичимлик суви билан таъминлайдиган 4та лойиҳани амалга оширди. Лойиҳа-дастурлар асосан KFW немис ривожланиш банкининг маблағлари асосида амалга оширилган бўлиб, бу маблағ (30 млн. ДМ) Ўзбекистонга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида берилган эди. Ажратилган маблағларнинг 20 млн. ДМ 40 йил муддатга имтиёзли заём ҳисобида берилган бўлиб, 10 йил давомидаги фоиз ставкаси 0,75 %ни ташкил этади. Қолган 3 млн. ДМ эса қайтариб берилмайдиган ссуда ҳисобида ёрдам тариқасида берилган эди. Лойиҳада қурилган иншоотларнинг барчаси қурилиш тугуллангандан сўнг “Оби ҳаёт” инвестиция-ҳиссадорлик компаниясининг мулкига айланиши ҳам кўзда тутилган.

Орол минтақасини кутқариш учун мазкур ҳудудда махсус эркин экологик иқтисодий ҳудудни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларининг иқтисодий имкониятларини мазкур ҳудудда жамланиши ва ЭИҲлар ташкил этишнинг АҚШ, Япония, Хитой,

Буюк Британия, Россия ва ҳоказо давлатлар тажрибасини қўллаш асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳудудни ташкил этиш учун Марказий Осиё давлатларида ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Чунки, ушбу мамлакатларнинг барчасида эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Ана шу қонунлар асосида Қозоғистонда “Лисаков”, Қирғизистонда эса “Бишкек”, Россияда “Олтой”, “Янтарь”, Ўзбекистонда эса “Навоий” эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай ҳудудларни ташкил этишдан асосий мақсад минтақани ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини барқарорлаштириш, иқтисодий қонунлар ва қонуниятларни иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Ташкил этилган ЭИҲларни бошқариш учун давлатлараро ҳудудни бошқариш Кенгашини тузилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Ушбу кенгаш ҳозирги кунда ҳам ЭИҲлар қайси ҳудудда фаолият кўрсатишидан қатъий назар ҳукуматлараро келишилган бошқарув сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

### **7.3. Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудуди**

Жиззах вилояти Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг оралиғида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 20,5 минг кв. км.ни ташкил этади (республикамиз умумий ер майдонининг 4,6 %ни ташкил этади). Вилоят ҳудуди шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикаси билан, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси билан, жанубда Самарқанд вилояти билан, шимолий-шарқда эса Сирдарё вилоятлари билан чегараланиб туради. Жиззах вилоятининг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, иқлими тез ўзгарувчан кескин континенталдир (хавонинг йиллик ўртача ҳарорати + 14,2 градусни ташкил этади). Июль ойи (ўртача +28,8 градус) йилнинг энг иссиқ ойи ҳисобланади, энг совуқ ой бўлиб, январь (ўртача – 0,6 градус) ҳисобланади. шамолнинг тезлиги эса ҳудудда секундига 1,2 метрдан 10,9 метргача бориши мумкин.

Жиззах вилоятининг маркази бўлиб Жиззах шаҳри ҳисобланади. Шаҳарнинг умумий ер майдони 484 гектарни ташкил этиб, унинг 182,2 гектарида саноат корхоналари жойлашган, 11 гектари эса умумий алоқа объектлари билан банд. Қолган 120,6 гектари

келажакда саноат корхоналарини куришга мўлжалланган резерв майдонларни ташкил этади. Жиззах шаҳрида 30га яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатиб турибди. Бундан ташқари шаҳарда 6 минг кв. метрга эга бўлган улгуржи савдо базаси ва 450та машинага эгалик қилувчи автобаза, 1200 тонна ҳажмдаги мева-сабзавот қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган музхона-омбор, 100 минг кубометр темир-бетон маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган уй-жой куриш комбинати, смена давомида 10 тонна гўшти қайта ишлайдиган ва 5 тонна колбаса ишлаб чиқарадиган гўшт комбинати, ишқорли аккумуляторларни ишлаб чиқарадиган завод ва бошқа завод ва фабрикалар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жиззах вилояти жуда бой минерал хомашё ресурслари захирасига эга бўлиб, асосан вилоятнинг бта районидан (Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Зарбдор, Фориш) казиб олинади (7.12-жадвал).

#### 7.12-жадвал

#### Жиззах вилояти ҳудудида минерал хомашё ресурсларнинг миқдори ва жойлашуви

№	Туманлар номи	Ўлчов бирлиги	Хомашё ресурслари	Миқдори
1	Бахмал тумани	минг кубометр	Безаш учун керакли тошлар Кучли ёнғинга бардош берувчи ғишт хомашёси	3500 4051
2	Ғаллаорол тумани	млн. тонна минг кубометр минг тонна	Цемент хомашёси Кучли ёнғинга бардош берувчи ғишт хомашёси Волостанит	42,6 1430 1849
3	Жиззах тумани	минг кубометр минг тонна	Безаш учун мрамарлар Оҳак хомашёси Силикат хомашёси Корунда абразивлари	2506 25671 9545 20,8
4	Зомин тумани	минг кубометр	Кучли ёнғинга бардош берувчи ғишт хомашёси	12534
5	Зарбдор тумани	минг кубометр	Кучли ёнғинга бардош берувчи ғишт хомашёси	1630
6	Фориш тумани	минг кубометр	Цемент хомашёси Тупроқли гравл Оҳак хомашёси	13671 2256 59611

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002. 150-151-бетлар.



Жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти табиий ресурслар ва минерал моддалар бўйича етарли захирага эга. масалан, кучли ёнғинга бардош берувчи ғишт хомашёси Бахмал туманида 4051 минг кубометрни ташкил этса, Ғаллаорол туманида – 1430, Зомин туманида – 12534, Зарбдор туманида эса 1630 минг кубометрни ташкил этади. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун асосий хомашё (цемент) миқдори Ғаллаорол туманида 42,6 млн. тоннани ташкил этса, Фориш туманида 13671 минг кубометрни ташкил этади. Бундан ташқари Жиззах вилоятининг Учқулоч поселкасида жойлашган кондан йилига 2 млн. тоннадан ортиқ кўрғошин ва қалай хомашёси қазиб олиниб қайта ишлаш учун Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатига етказиб берилади. Қўйтош вольфрам конидан асосан волостанит, гранит ва оҳак хомашёси қазиб олинса, Маржонбулоқ конидан эса олтин рудаси қазиб олинади. Фориш туманининг Кўтарма поселкасида бунёд этилган Янги-Жиззах заводи (қазиб олинган оҳакни қайта ишлайдиган завод) йилига 260 минг кубометр оҳакни ва 2500 минг кубометр фракцияли оҳакни қайта ишлаш қувватига эга. Шунингдек вилоятда йилига 90 млн. дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12та катта ва кичик бўлган ғишт заводлари фаолият кўрсатиб турибди. Вилоятда хомашё ресурсларининг кўплиги сабабли яна 20дан ортиқ ғишт заводларини қуриш имконияти мавжуд. Бундан ташқари вилоят ҳудудида мрамор, базальт ва гранит табиий ресурсларининг ҳали очилмаган конлари ҳам бор.

Жиззах вилоятининг қишлоқ хўжалик соҳаси йилига 370 минг тоннадан ортиқ дон маҳсулотларини, 250 минг тоннадан ортиқ пахта, 137 минг тоннага яқин сабзаёт ва 138 минг тоннага яқин полиз экинларини, 21 минг тоннадан ортиқ картошка ва 16 минг тоннага яқин уруғчилик маҳсулотларини республиканинг ички бозорларига етказиб турибди. Бундан ташқари вилоятнинг чорва ва деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам ривожланган бўлиб, йирик шохли қорамоллар кўпайтириш бўйича махсус чорвачилик комплекслар ҳам ташкил этилган. Айдаркўл ҳавзасида эса йилига 300 тоннадан ортиқ балиқ ва балиқ маҳсулотлари олинади. Шунингдек вилоятда “Ўзмева сабзаёт саноат” концернининг йилига 16 млн. шартли банкаларда сабзаёт консерваларини ва 700 минг далл вино ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган комплекс заводлари ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Хуллас агросаноат тармоғи

томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми вилоятнинг таъминотидан ҳам бир неча баробар устун турибди.

Жиззах вилоятида эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудни ташкил этиш учун ижтимоий-иқтисодий, маданий шарт-шароитлар, бой табиий ва меҳнат ресурслар мавжуд. Ушбу вилоятда эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудни ташкил этишдан асосий мақсад Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши борасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳал этишдир. Шунингдек вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириб, вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини боса оладиган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳолининг ўсиб келаётган талабларини тўлиқ қондириш ва шунингдек турмуш тарзини яхшилашдан иборатдир.

Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудини ташкил этишни бир неча босқичда олиб бориш Дастури ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич. Бу босқич ўз ичига 2001-2005 йилларни олади. Бу даврда вилоят ҳудудида иқтисодиётни мувофиқлаштириш, замонавий бошқарув тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлган инфратузилмани ривожлантириб, бир қатор тармоқлараро муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган.

Иккинчи босқич. Мазкур босқич 2005-2010 йилларни ўз ичига олиб, бу даврнинг характерли томонларидан бири шундан иборат бўлдики, вилоят ҳудудида иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички шаклларида аста-секинлик билан ташқи шаклларига ўтиб, узоқ муддатли дастурлар асосида бошқариш кўзда тутилган.

Учинчи босқич. Бу давр ўз ичига 2011-2015 йилларни олиб, вилоят ҳудудида эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудини ташкил этиш учун мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини чет эл инвестициялари ва техник-технологияси асосида қайта таъмирлаб, янги ишлаб чиқариш корхоналарни қуриш эвазига экспорт учун мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш кўзда тутилган.

Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудини ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноат корхоналарини ривожлантириш ҳисобланади.

Бундай мақсадларга эришиш учун (реконструкция қилиш ва модернизациялаш ва шунингдек янги корхоналарни бунёд этиш)

маълум миқдорда капитал қўйилмалар (12768 млн. сўм атрофида) талаб этилади (7.13-жадвал).

### 7.13-жадвал

#### Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудуди учун керакли бўлган капитал қўйилмаларнинг тақсимланиши

Қурилиш йиллари	ўлчов бирлиги	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	Жами
Инвестиция маблағлари	млн. сўм	2558,0	2850,0	2850,0	2810,0	1700,0	12768,0

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.153-бет.

Жадвалдан кўриниб турибдики, қурилишнинг биринчи йили учун 2558,0 млн. сўм атрофида маблағ ажратилган бўлса, иккинчи ва учинчи йиллар учун бир хил миқдордаги – 2850 млн. сўм, тўртинчи йил учун – 2810,0 млн. сўм ва бешинчи йил учун эса 1700 млн. сўм атрофида маблағ ажратилганлигини кўрамиз. Инвестиция маблағлари биринчи уч йилда ошиб борган бўлса, 4-5 йилларда эса камайиб борганлигини кўриш мумкин. Агар ҳар бир қурилиш объектларини қурилиши учун ўртача 6 ойдан 32 ойгача муддат талаб қилинса, бу қурилишлар учун сарфланган маблағларнинг қопланиш муддати 2 йилдан 5-7 йилгача ташкил этиши мумкин. Бунда қурилиш учун кетган маблағларнинг умумий қопланиш муддати эса ўртача 5 йилни ташкил этади. Яъни ЭИХда қурилган асосий ишлаб чиқариш воситалар ишга туширилгандан сўнг беш йил ўтгач ўзларининг бошланғич қийматларини тўлиғича қоплаб, мулк эгалари учун фойда бера бошлайди.

Жиззах ЭИХни электр энергияси билан тўлиқ таъминланиши учун ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лозим бўлади. шунингдек транспорт хўжалигини тугалланмаган қурилиш объектларини ҳам тугаллаш мақсадга мувофиқдир (7.14-жадвал).

**Жиззах эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этиш ва  
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳаси**

№	Тармоқлар	Ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
1	Электр таъминоти объектлари бўйича	Вилоятдаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш
2	Транспорт хўжалиги объектлари бўйича	Қурилиши тугалланмаган объектларни қуришни тугаллаш
3	Сув таъминоти ва канализациялар объектлари бўйича	Янги ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил этиш
4	Иссиқ сув ва буғ қозонлари билан таъминлаш объектлари бўйича	Қозонхоналарни таъминлаш
5	Алоқа объектлари бўйича	Бошқарув хизмати биноларини қўриқлашни амалга оширувчи божхона биноларини таъминлаш
6	Консигнация омборхоналари (божхона омборхоналари)	Омборхоналарни таъмирлаш
7	Банклар, халқаро савдо марказлари	Социал-ижтимоий муҳофаза учун керакли объектлар

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.154-бет.

Маълумки, ЭИХларни ташкил этиш ва ривожлантириш учун маълум миқдорда капитал қўйилмаларни қўйилиши талаб этилади. Чунки ЭИХлар транспорт ва алоқа воситалари билан темир йўл ва автомобиль йўли, шунингдек ҳаво-сув транспорти йўллари билан, юкларни ортиш ва тушириш майдонлари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Агар биз вилоятда инфратузилманинг анчагина қисмини мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қолган қурилиш объектларини (божхона омборлари ва қўриқлаш объектлари) ЭИХ ташкил этилгандан сўнг ҳам амалга ошириш мумкин. Қурилиш ва ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш ишлари бир неча босқичда амалга оширилса, вақтни ва шунингдек олинадиган даромадни биз анчагина қисмини иқтисод қилган бўламиз. Бунда қурилишнинг дастлабки босқичи 3 йилда амалга оширилиб, маблағларнинг қопланиш муддати эса 5-7 йилни ташкил этиши ҳам мумкин.

Жиззах ЭИХнинг консигнация омборларини таъмирлаш ишлари ҳам қўшимча маблағларни талаб қилади. Чунки консигнация омборларида меъёрдан ташқари хорижий мамлакатлардан келтирилган товарлар билан бир қаторда, иқтисодий ҳудудда ишлаб чиқарилган товарлар ҳам сақланиши мумкин. Консигнация омборларида одатда божхона постларидан олиб келинган ва олиб кетиладиган товарлар сақланади. Барча консигнация омборларида товарларнинг сақланиши учун хавфсизлик чоралари кўрилган бўлиб, юкларни ортиш ва тушириш жараёнларини юқори даражада амалга оширувчи транспорт воситалари билан ҳам таъминланган бўлиши лозим.

ЭИХга кириш ва чиқиш ишларини назорат қилиб турувчи божхона ва чегара хизмати постлари ҳам ана шундай жиҳозлар билан таъминланган бўлиши талаб этилади (7.15-жадвал).

#### 7.15-жадвал

### Жиззах эркин иқтисодий ҳудудида консигнация, божхона ва чегара хизматлари учун лозим бўлган капитал қўйилмаларнинг тақсимланиши

№	Объектларнинг номланиши	Капитал қўйилмалар миқдори, млн. сўм
1	Консигнация омборлари учун	36,4
2	Божхона омборлари учун	24,0
3	Ортиш-тушириш мосламалари учун	35,0
	ЖАМИ	95,0

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.156-бет.

Жадвалдан кўриниб турибдики, консигнация омборларини қуриш учун 36,4 млн. сўм атрофида маблағ ажратилган бўлса, божхона омборларини қурилиши учун 24,0 млн. сўм, ортиш ва тушириш мосламаларини қурилиши учун эса 35,0 млн. сўм маблағ, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами маблағ 95,0 млн. сўмни ташкил этган. Бунда йиллар бўйича капитал маблағларнинг тақсимланиши ҳам ортиб борганлиги билан характерланади (7.16-жадвал).

## 7.16-жадвал

### Жиззах эркин иқтисодий ҳудудида консигнация, божхона ва чегара хизматлари учун лозим бўлган капитал қўйилмаларнинг йиллар бўйича тақсимланиши

Қурилиш йиллари	Ўлчов бирлиги	1-йил	2-йил	3-йил	Жами
Инвестиция харажатлари	млн. сўм	15	35	45	95

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.156-бет.

Жадвалдан кўришиб турибдики, қурилишнинг биринчи йили учун сарф қилинган инвестиция харажатлари 15 млн. сўмни ёки жами инвестиция харажатларининг 16 %ни ташкил этган бўлса, иккинчи йилда сарф қилинган капитал харажатлар 35 млн. сўмни, яъни жами капитал қўйилмаларнинг 37 %ни, учинчи йилда сарф қилинган маблағлар 45 млн. сўмни, ёки жами инвестиция харажатларининг 47 %ни ташкил этган. Қурилишни тугаллаш муддати эса 4,6 йилни ташкил этади.

Жиззах эркин иқтисодий ҳудуди ўзининг дастлабки фаолият кўрсатиш йилларида ҳам ишлаб турган темир йўллардан кенг фойдаланади. Бироқ, кейинчалик бу темир йўлларни ва темир йўл станцияларини қайта таъмирламаслик бирмунча қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу темир йўлларни ва станцияларни қайта таъмирлаш учун 21 млн. сўм миқдорида капитал маблағлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг 15 млн. сўми мавжуд бўлган станцияларни кенгайтириш учун мўлжалланган бўлса, 6 млн. сўми эса амалдаги темир йўлларни қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган эди.

Жиззах ЭИХда молиявий ва кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи марказларни (бизнес марказлари, банклар, биржа марказлари, меҳмонхона комплекслари, супермаркетлар ва алоқа объектлари) ҳам бунёд этилиши кўзда тутилади (7.17-жадвал).

## 7.17-жадвал

**Молия ва кичик бизнес-тадбиркорлик фаолияти учун жалб қилиниши лозим бўлган капитал қўйилмалар**

№	Капитал қўйилмалар сарфланадиган объектлар	Капитал қўйилмалар миқдори (млн. сўм)	Жами капитал қўйилмаларга нисбатан % ҳисобида
1	Бизнес марказлари, банклар	382,0	39
2	Меҳмонхона комплекслари учун	320,0	32
3	Спорт комплекслари учун	60,0	6
4	Супермаркетлар учун	18,0	2
5	Алоқа объектлари учун	183,0	19
6	Нашриёт комплекслари учун	25,6	2
	<b>ЖАМИ</b>	<b>988,6</b>	<b>100</b>

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.157-бет.

Жадвалдан кўриниб турибдики, молиявий ва кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун сарф қилинадиган жами маблағлар миқдори 988,6 млн. сўмни ташкил этган. Умумий капитал қўйилмаларнинг 39 % яъни 382,0 млн. сўми банкларни, кичик бизнес ва тадбиркорлик марказларини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлса, 32 % яъни 320,0 млн. сўми меҳмонхона комплекслари қурилиши учун, 6 % (60 млн. сўм) спорт комплекслари қурилиши учун, 2 % (18 млн. сўм) супермаркетлар қурилиши учун, 19 % (183,0 млн. сўм) алоқа объектларини қурилиши учун ва ниҳоят 2 %, яъни 25,6 млн. сўми эса нашриёт комплексларини қурилиши ва қайта таъмирланиши учун ажратилган эди.

Жиззах ЭИХни электр энергияси билан таъминлашда асосан иккита йирик (110/35/10 кв. ва 110/10 кв.) энергия берадиган станциялар ҳамда 2\*16,0 кВА ва 2\*25,0 кВА трансформаторлар муҳим роль ўйнамоқда. Бундан ташқари шаҳар ҳудудида иккита иккибаҳоли ВЛ-110 кв. трансформаторлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ЭИХнинг дастлабки фаолият кўрсатиш йилларида ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бироқ, Жиззах ЭИХдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналар ва молиявий ташкилотлар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фермер хўжаликлар тўлиқ ишга тушгандан сўнг, ушбу электр станцияларнинг қуввати ҳам етмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам кейинчалик энергетика

хўжалигини тўла қувват билан ишлашини таъминлаш мақсадида қўшимча 75 млн. сўм атрофида капитал маблағлар сарф қилиниши ҳам кўзда тутилди.

Жиззах ЭИХдан 17-18 км. узоқликда, умумий майдони 18-20 кв. км. ташкил этувчи аэропорт ҳам жойлашган бўлиб, у асосан оғир авиалайнерлар учун хизмат қилади. Аэропорт кенглиги 50 ва 58 метрга тенг бўлган иккита учиш майдончага эга. ЭИХ билан аэропортни кенглиги 15 метр ва узунлиги 14 км.ни ташкил этган автомобиль йўллар ва шунингдек учинчи техник йўлга кирувчи кенглиги 25,1 метр ва узунлиги 4 км.ни ташкил этган биринчи тоифага кирувчи автомобиль магистрал йўллари билан узвий боғланган. Бундан ташқари Жиззах шаҳри орқали Тошкент-Жиззах-Красноводск йўналишидаги магистрал темир йўли, шаҳарнинг шимолида бир йўналишли узунлиги 122 км. бўлган Мехнат-1 – Пахтакор – Жиззах магистрал темир йўли, шаҳарнинг шарқида бир йўналишли узунлиги 89 км. бўлган Ховос – Жиззах магистрал темир йўли ва шаҳарнинг ғарбида эса Самарқанд – Жиззах йўналишидаги икки йўлли магистрал темир йўллар фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек шаҳарнинг йирик корхоналарини бир-бири билан боғлаб турувчи тумир йўллар ҳам мавжуд. Шаҳардан аэропортгача узоқлиги 17 км. бўлган автомобиль йўл ва Тошкент-Жиззах автомобиль магистралигача узоқлиги 21 км. бўлган автомобиль йўллари ҳам мавжуд.

Жиззах ЭИХни ташкил этишда вилоятнинг минерал табиий хомашё захираларига бойлиги, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Вилоят иқтисодиётини халқаро майдонда кўтарилишда кириб келаётган чет эллик инвесторлар ҳам муҳим роль ўйнайди (7.18-жадвал).

### 7.18-жадвал

#### Жиззах эркин иқтисодий ҳудудига инвестициялар киритишга розилик билдирган инвесторлар

№	Инвесторлар	Инвесторлар томонидан киритилган таклифлар
1	Швейцариянинг “Ронани” холдинг компанияси	Қишлоқ хўжалиги учун полиэтилен пленкаларини ишлаб чиқариш
2	Россиянинг “Туламашзавод” акциядорлик жамияти	Мотоцикл ва мотороллерлар ишлаб чиқариш
3	Венгриянинг “Паннопласт” масъулияти чекланган жамияти	Пластмасс маҳсулотларни ишлаб чиқариш



4	Германиянинг “Келлер ГМБХ” компанияси	Бетонли черепицалар ишлаб чиқарувчи машина мосламаларини ишлаб чиқариш
5	“Шефер-Санаско” Франция-Швейцария фирмаси	Трикотаж, бўяш ва тикув ишлаб чиқаришлари
6	Болгариянинг “Интеррад” фирмаси	Мармар плиталарни ишлаб чиқариш
7	Германиянинг “Ферростал А.Г.” фирмаси	Қуйидаги саноат тармоқлари учун янги техника-технологиялар, ноу-хау, бутлаш маҳсулотларини етказиб берувчи бош пудратчи: <ul style="list-style-type: none"> <li>- пахта тозалаш саноати;</li> <li>- тўқимачилик саноати;</li> <li>- енгил саноат;</li> <li>- қурилиш материаллари саноати;</li> <li>- оғир саноат;</li> <li>- мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноати;</li> <li>- гўшт-сут саноати;</li> <li>- нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати</li> </ul>
8	Германиянинг “Отто-Вольф” фирмаси	Машинасозлик ва зиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва нефть кимё маҳсулотлари, қурилиш ва автомобилсозлик саноати учун комплекс мосламалар ишлаб чиқариш
9	Германиянинг “Вемекс-Хендель ГМБХ” фирмаси	Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун мосламалар
10	Италиянинг “Ронкалья ОПР” компанияси	Ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш
11	Туркиянинг “Интемар” компанияси	Гўшт ва сут саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш
12	Чехия Республикасининг “Конреал” фирмаси	Шарикли авторучкалар ишлаб чиқариш
13	Германиянинг “Сименс” фирмаси	Телекоммуникация алоқалари учун мосламаларни ишлаб чиқариш
14	Малайзиянинг “Бакри комьюникейшнз Корпорейшн” фирмаси	Телекоммуникация алоқалари учун мосламаларни ишлаб чиқариш
15	Франциянинг “Ситек” фирмаси	Рухланган металларни ишлаб чиқариш
16	Туркиянинг “Астоп” фирмаси	Трикотаж маҳсулотлари учун пахта толасидан иплар ишлаб чиқариш
17	АҚШнинг “Эскайд” фирмаси	Аккумулятор мосламаларини ишлаб чиқариш

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.159-160 бетлар.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах ЭИХга инвестиция киритмоқчи бўлган компанияларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш компаниялари ташкил этади. Компанияларнинг 5таси, яъни жами инвесторларнинг 29 % Германияга тўғри келган бўлса, 2таси яъни 12 % Туркияга тўғри келганлигини кўрамиз.

Жиззах вилоятида 45дан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосий қисми пахта толаси ва дон маҳсулотларини, мева ва сабзаёт маҳсулотларини, тери ва шунингдек пилла маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган. Бу эса ўз навбатида ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган қуйидаги саноат корхоналарни замонавий техни-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни ва модернизациялашни талаб этади:

- аккумулятор ишлаб чиқарадиган заводни қайта таъмирлаш асосида йилига 500 минг дона қўрғошинли АКБ аккумуляторларни ишлаб чиқариш;

- Жиззах электротехника заводи базасида қалай-пўлат литейлари ва ойна-керамика саноати учун мўлжалланган ёнғинга чидамли материалларни ишлаб чиқариш;

- Жиззах электротехника заводи қошида Т-28 тракторлари учун йилига 460 минг дона керакли маҳсулотларини (Д-37 гильзаларни) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона тузиш;

- Жиззах электротехника заводи базасида йилига 5000 дона “Муравей” мотороллери ва мототехника асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона тузиш ва ҳоказолар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, агар Жиззах ЭИХ ташкил этилса, юқоридаги лойиҳаларда кўзда тутилган корхоналар инфратузилмасини вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этиш мумкин.

Шундай қилиб, Жиззах эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилиши кўзда тутилган эди. Биринчи йўналишда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш кўзда тутилган бўлса, иккинчи йўналишда божхона омборлари ва омборхоналарини ташкил этиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган. Учинчи йўналишда транспорт хизматларини ривожлантириш кўзда тутилган бўлса, тўртинчи йўналишда эса кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Мазкур йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун тахминан 14206,6 млн.

сўм атрофида маблағ сарф этилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ишлари эса 10-15 йилга мўлжалланган эди.

Жиззах эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудини молиялаштириш ишлари маҳаллий ва республика бюджети ҳисобидан ва шунингдек халқаро дастурлар асосидаги чет эл инвесторларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Республика ва маҳаллий бюджетидан молиялаштириш ишлари анча чекланганлиги сабабли, Жиззах ЭИХда республиканинг молия-кредит инфратузилмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу инфратузилма ўз таркибига “Жиззах ЭИХ” ипотека банкни, банк томонидан бериладиган кредитларни суғурталаш ва уларни ўз ватида қайтарилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган гаров-суғурта фондини бирлаштиради. Мазкур банк давлат капиталининг 30 % Республика Марказий банки томонидан, Давлат Мулк қўмитасининг мулк капитали ва маҳаллий бюджетнинг кредитлари асосида шаклланиб, ўз ваколати доирасида бериладиган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини ва чет эл инвесторларининг оладиган фойдасини кафолатлайди. Гаров-суғурта фонди эса ўз навбатида банк томонидан бериладиган кредитларни ва чет эл инвесторларининг инвестицияларини таваккалчилигини суғурталайди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган барча қарашлар концепцияни умумлаштириб, Жиззах ЭИХ тўғрисида шундай хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, ЭИХни ташкил этиш учун молиялаштириладиган капитал қўйилмаларнинг миқдори жуда катта бўлганлиги сабабли иқтисодий ҳудудни ташкил этишда чет эл ва маҳаллий инвесторларнинг маблағларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, Жиззах ЭИХда олиб бориладиган қурилиш ишлари 3-5 йилни ташкил этади. Баъзи бир фаолият турлари бўйича қўйиладиган маблағларнинг қопланиш муддати 2-5 йилни ташкил этиши ҳам мумкин. Учинчидан, жаҳон хўжалигида фаолият кўрсатаётган ЭИХлар тажрибасидан маълумки, мазкур иқтисодий ҳудудлар инфратузилмасини ташкил этишда давлат мулкининг улуши 25-30 %ни ташкил этади. Жиззах ЭИХда бу миқдор қитъмат кўринишида қуйидаги ҳолатда бўлиши мумкин (7.19-жадвал).

**7.19-жадвал****Жиззах эркин иқтисодий ҳудудида инфратузилмани  
ривожлантиришда давлат мулкнинг улуши**

<b>Инфратузилманинг номланиши</b>	<b>Капитал қўйилмалар миқдори (млн. сўм)</b>
Иқтисодий ҳудуднинг инфратузилмаси ҳажми	1565,8
шу жумладан давлат улуши (30 %)	469,7

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.163-бет.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах ЭИХнинг инфратузилмасини ривожлантириш учуни 1565,8 млн. сўм миқдорида маблағлар сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур маблағнинг 30 %, яъни 469,7 млн. сўми давлат улушига тўғри келиб, маблағларнинг қолган қисми эса чет эллик ва маҳаллий инвесторлар бериши кўзда тутилган (7.20-жадвал).

**7.20-жадвал****Давлат томонидан молиялаштирилдиган капитал  
қўйилмаларнинг йиллар бўйича тақсимланиши**

<b>№</b>	<b>Инвестицияларнинг номланиши</b>	<b>1-йил млн. сўм</b>	<b>2-йил млн. сўм</b>	<b>3-йил млн. сўм</b>	<b>Жами</b>
1	Инфратузилмалар учун инвестициялар (республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган қисми)	200,0	135,0	134,7	469,7

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.163-бет.

Жадвалдан кўриниб турибдики, давлат томонидан молиялаштирилдиган жами инвестициялар 3 йил мобайнида ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Ушбу режага асосан биринчи йилда 200,0 млн. сўм, яъни жами инвестицияларнинг 43 %, иккинчи йилда 135,0 млн. сўм (29 %), учинчи йилда эса 134,7 млн. сўм (28 %) ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Жиззах ЭИХни молиялаштиришда давлат тўғридан-тўғри қурилиш ишларида иштирок этиб, имтиёзли кредитларни бериб туриши мумкин.

#### 7.4. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикасини марказий қисмида жойлашган бўлиб, 1982 йилнинг 20 апрелида ташкил топди. Майдони 110,8 минг кв.км.ни ташкил этади. (Республика ҳудудининг 24,8 % и Навоий вилояти территориясига тўғри келади).

Навоий вилояти шимол ва шимолий-шарқда Қозоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти билан, ғарбда Қорақалпоғистон Республикаси билан, жанубда эса Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари билан чегараланиб туради. Вилоятнинг шимолий-ғарбий қисми Қизилқум чўллари билан, шарқий томонлари Нурота тоғ тизмалари билан ўралиб турса, жанубда эса Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Вилоятнинг иқлими кескин континентал бўлиб ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши эса нисбатан кам қорли ва совуқ.

Вилоят аҳолиси 829 минг кишини ташкил этади (1.01.2009 й). Аҳолининг 349,5 минги шаҳар аҳолисини ва 480 минг кишиси эса қишлоқ аҳолисини ташкил этиб, аҳолининг ўртача ёши 25,2 ёшни ташкил этади.

Навоий вилоятида иш билан банд бўлган аҳолининг сони 389,2 минг кишини ташкил этади (меҳнат қобилиятига эга бўлган умумий аҳолисининг 80,8 %). Меҳнат қилаётган аҳолининг 68,4 % корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ишчи ва хизматчиларни ташкил этса, 20,8 % қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда банд. Аҳолининг қолган қисми эса меҳнат қобилиятига эга бўлган ўқувчи ёшлардан ва кичик бизнес-тадбиркорлик билан шуғулланувчи аҳолидан иборат.

Навоий вилоятида транспорт инфратузилма алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб. Ҳозирги кунда 8та темир йўл, 9та автомобиль станциялари ва автомобиль йўл алоқалари фаолият кўрсатиб турибди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 390,7 км.ни ташкил этса, автомобиль йўлларнинг узунлиги эса 4,1 минг км.ни ташкил этади. Ҳозирги кунда вилоят ҳудуди орқали Тошкент-Туркманистон, Тошкент-Учқудуқ темир йўл алоқалари фаолият кўрсатиб турибди.

Узоқ тарихий ўтмишда вилоят ҳудуди асосий савдо йўли бўлиб, Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Ўрта ер денгизигача ва Европагача, шунингдек Ҳиндистонни ғарбий ва шимолий мамлакатлар билан боғлаб турувчи савдо йўлида жойлашгандир. Навоий вилояти орқали халқаро транспорт коридори ўтган. Ушбу халқаро алоқа йўллар Марказий Осиё мамлакатларини Афғонистон билан боғлаб туради.

Бундан ташқари ушбу йўллар Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси ва шунингдек Россия ва Болтиқ бўйи давлатларининг портларига чиқиш имконини беради.

Навоий аэропорти замонавий техник-технологик жиҳозланганлиги билан халқаро стандартларга жавоб бериб, барча русумдаги самалиётларни қабул қилиш имкониятига эга. вилоят аэропортида узунлиги 4 минг метр, кенглиги 45 метр бўлган учиш ва қўниш майдонларида реконструкция ишлари амалга оширилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари аэродромда иккинчи категорияли ИКАО ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятларини берувчи радио-техник ёруғлик сигналлари ўрнатилди.

Навоий вилояти таркиби 8та туман (Конимех, Қизилтепа, Навбахор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи), 6та шаҳар (Зарафшон, Кармана, Қизилтепа, Нурота, Учқудук, Навоий), шунингдек 8та шаҳар типидagi посёлкалар ва 53та қишлоқлардан иборат. Вилоятнинг маъмурий бошқарув маркази бўлиб Навоий шаҳри ҳисобланади. Ушбу шаҳар 1960 йилда бош режа асосида Зарафшон дарёси бўйига қурилган бўлиб, ўзбек халқининг буюк шоири, донишманди ва давлат арбоби Алишер Навоий номига қўйилган.

Вилоят ҳудудида банк ва молиявий соҳанинг 11та тижорат банкларининг филиаллари ва 8та суғурта компаниялари фаолият кўрсатиб турибди. Навоий вилояти давлат бошқарув тизимида саноат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан, шунингдек иқтисодий ривожланиш ва экспорт имкониятлари билан республиканинг бошқа вилоятлари ичида муҳим ўринда туради. Бу албатта минтақанинг илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши билан, шунингдек ишлаб чиқариш ва демографик имкониятлари билан боғлиқдир. Вилоят ҳудуди табиий хомашё ресурсларига эга бўлиб, ушбу ресурсларни ҳозирги кунда иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

**1. Ерости ресурслари.** Бундай ресурсларга асосан қумли кварц қатламларни (1,5 млрд. тоннадан ортиқ), гранит (1,9 млрд. куб. м.) ва мрамор (420,0 млн. куб. м.) тошларни, фосфоритларни (1,5 млрд. тонна) қимматбаҳо нодир металлларни, уран, цемент, бентонаб тупроқларни, базальт, каолин, оҳақтош, доломитлар, волостонитлар, табиий пигментларни ва бошқа кўплаб қурилиш материалларни киритиш мумкин.

Навоий вилояти худудида жойлашган Мурунтов фойдали қазилма конларидан олинаётган олтиннинг сифати жуда юқори бўлиб, қиймати тўртта тўққизлик (9999) белгисига эга. Корхонада ишлаб чиқарилаётган олтин қуймалар Лондон Арбитраж бозорининг лабораториясида энг қимматбаҳо металл бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Токио товарлар биржасида Мурунтов олтин қуймаларига “олтиннинг оптимал қуймаси” деган мақом ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикасининг минерал хомашё ресурсларининг асосий захираси қизилқум минтақасида жойлашган. Марказий Қизилқум худудида каолиннинг 50дан ортиқ турлари борлиги аниқланган бўлиб, унинг захираси 240,8 минг тоннани ташкил этади. Лангар фойдали қазилма конлари – ёнувчи сланец, доломит, оҳақтош, дала шипати каби фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, захираси 9,2 млн. тоннани ташкил этади.

Навоий вилояти худудида кенг кўламли разведка-кидирув ишлари олиб борилиши натижасида Лавлякан (Конимех тумани) ва Тузқудуқ (Учқудуқ тумани) каби йирик туз конлари борлиги аниқланди. Вилоят худуди қурилиш материалларига (Ғозғон ва Нурота мрамари, Лангар ва Қорасой гранити ва габроси, Азлартол ва Қорасой гранит тошлари, волостонитлар ва бошқаларга) ҳам бойдир.

**2. Ерусти ресурслари.** Вилоят қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш тармоқларига пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик, қорамолчилик ва ипакчилик хўжаликлари киради. Қишлоқ хўжалигида айниқса пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва полиз экинларини етиштириш ҳамда узумчиликка катта эътибор берилмоқда. Вилоят хўжалигида гўшт-сут чорвачилиги, паррандачилик ва шунингдек хавзаларда балиқчилик хўжалигини ривожлантириш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.


Вилоят қишлоқ хўжалигида йилига 110 минг тоннадан ортиқ пахта, 215 минг тонна ғалла ва 270 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалигида 30 минг тонна картошка, 40 минг тоннага яқин узум, 50 минг тонна мева маҳсулотлари, 30 минг тонна полиз маҳсулотлари олинади. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг умумий ҳажмини 20-22 % вилоятнинг ўзида қайта ишланади.

Республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида вилоятнинг улуши қуйидагича: ғаллачилик 3 %ни ташкил этса, сабзавотчилик – 2 %ни, картошка –

2,1 %ни, полиз маҳсулотлари – 3,7 %ни, мева маҳсулотлари – 2,4 %ни, узумчилик – 3,6 %ни, қоракўлчилик – 32,2 %ни ташкил этади.

Вилоят йилига 500 минг донадан ортиқ қоракўл териларини ишлаб чиқаради. Ушбу кўрсаткич бўйича Навоий вилояти Бухоро вилоятидан сўнг иккинчи ўринда туради. Йирик қорамолларнинг сони 265 минг бошдан ортиқ бўлса, қўйлар – 1,8 млн. бошни, чўчқалар – 17 минг бошни ташкил этади. Бундай кўрсаткичлар албатта терини қайта ишлаш саноат корхоналарини ривожлантириш имконини беради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ресурслар вилоятда пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноат тармоқларни, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат тармоқларни, ун, гўшт-сут ва ёғ-мой тайёрлаш саноат корхоналарни, вино, консерва ва кондитерлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларини ривожланишига олиб келмоқда.

2008 йилда Навоий вилоятида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2125,4 млрд. сўмни ташкил этди (7.6-расм).



**7.6-расм. 2008 йилда Навоий вилоят ЯИМнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши (фоизда) \***

2008 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 161,9 млрд. сўмни ташкил қилди, 2007 йилга нисбатан 115,7 % ўсишга эришилди. Истеъмол товарлари структурасида 38 % озиқ-овқат, 9,8 % енгил саноат маҳсулотлари ҳисобланади.<sup>1</sup>

\* www.navoi.uz

<sup>1</sup> www.navoi.uz



Кўп укладли иқтисодий ташкил қилиш мақсадида нодавлат тармоқда иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Саноат маҳсулотлари таркибида нодавлат тармоқнинг улуши 91,3 %ни ташкил этади. Вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони 14,1 мингга ташкил қилиб, вилоят ЯИМда 28,7 %ни эгаллайди.


Республикада ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларнинг 10 % Навоий вилоятининг саноат корхоналари улушига тўғри келади. Вилоят иқтисодийнинг ривожланиб боришига асосан қуйидаги саноат корхоналар Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, химия саноати корхоналари – (“Навоийазот” ОАЖ, “Электрохимзавод” ОАКК), қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари (“Қизилқум цемент” АЖ, “УПП” АЖ), машинасозлик ва электрокимё заводлари, гидроэлектростанция (“Навоий ГЭС” ОАЖ), тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат корхоналари ва бошқалар муҳим рол ўйнамоқда. Вилоят бўйича ҳозирги кунда жами 800га яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, улар йилига 750 млрд. сўм ҳажмидаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Навоий вилоятининг саноат корхоналари ҳозирги кунда 50дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, аммиак селитраси (республикада ишлаб чиқарилаётган аммиакнинг 70 %), нитрон тўқималари (100 %), олтингугурт кислотаси (25,4 %), кимёвий воситаларни (4,1 %), оммон сульфатини (1 %), цемент (50 %), темир бетон маҳсулотларни (4,2 %), пахта толасини (3,5 %), пойафзал маҳсулотларни (1 %) ва кийим-кечакни (0,5 %), заргарлик маҳсулотларини (5 %), биноларни жиҳозлаш материалларни (6 %), озиқ-овқат маҳсулот турларидан нон-булочка маҳсулотларини (2,4 %), гўшт ва гўшт маҳсулотларни (2,5 %), кондитерлик маҳсулотларни (1,3 %), пиво (2,6 %) ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Навоий вилоятининг ташқи савдо айланмаси йилдан-йилга ўсиб, кенгайиб бормоқда. Агар 2006 йилда ташқи савдо айланманинг ўсиши 2005 йилга нисбатан 11,4 %ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 26 %га ўсиб, 886 млн. АҚШ долларини, шу жумладан узок хорижий мамлакатлар билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 570,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 924,7 млн. АҚШ доллардан иборат бўлиб, узок хориж мамлакатларига 570,2 млн. АҚШ доллар, яқин хориж мамлакатларига 315,8 млн. доллар тўғри келди.<sup>1</sup>


<sup>1</sup> www.stat.uz

Вилоят хўжалигида ташқи савдо айланманинг ўсиши асосан кимёвий саноат маҳсулотларни, рангли ва қора металлларни, машина ва унинг эҳтиёт қисмларини, цемент ва бошқа қурилиш материалларнинг экспорти ва шунингдек технологияларнинг импортига тўғри келади. Шу билан бир қаторда вилоят ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. Агар 2005 йилда вилоят ташқи савдосида экспорт улуши 53,8 %ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда – 56,5 %ни, 2007 йилда эса – 60,7 %ни ташкил этиб, 538,11 млн. АҚШ долларини ташкил этди.



**7.7-расм. Экспорт структураси (фоизда) \***


2008 йилда экспорт ҳажми 553,4 млн. АҚШ долларни, импорт 371,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Экспортнинг товар таркибида олтин ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллаган бўлиб, умумий экспорт ҳажмида 86,3 %ни ташкил этди (7.7-расм). Умумий импорт ҳажмида асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар эгаллаган бўлиб, уларнинг улуши 50,2 %ни ташкил этди (7.8-расм).



**7.8-расм. Импорт структураси (фоизда) \***

\* [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)

Навоий вилояти 60дан ортиқ Яқин ва Узоқ хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни олиб бормоқда. Саноати ривожланган узоқ хориж мамлакатлари билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш натижасида 2008 йилда вилоят ташқи савдо айланмасининг 64,5 % уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Бу мамлакатлар умумий экспорт ҳажмида 59,8 %, импортда эса 40,1 % улушни эгаллади. Бунда вилоят ташқи савдо айланмасининг асосий қисми Европа (66,0 %), Осиё (20,0 %) ва Америка (11,0 %) қитъаси мамлакатларига тўғри келади (7.9-расм).



**7.9-расм. Ташқи савдо айланмасининг географик таркиби (фоизда) \***

Навоий вилоятида хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-3594-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу эса ўз навбатида хорижий инвесторлар ёрдамида йирик ишлаб чиқариш корхоналарни куриш имкониятини бермоқда.

\* [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)

Ҳозирги кунда вилоят хўжалигида хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган 40дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. АҚШ, Панама, Хитой, Россия ва Украиналик инвесторлар иштироки билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми озиқ-овқат саноатига (7та), кимё саноати (6та), транспорт ва алоқа тармоғи (5та), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати (6та), машинасозлик (4та), енгил саноат (4та), савдо (3та), рангли металлургия (2та), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (1та) саноат тармоқларга тўғри келади.

2008 йилда қўшма корхоналар томонидан умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 111,7 млрд.сўмни (88,7 млн. АҚШ доллар) ташкил этиб, энг кўп маҳсулотлар товар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди. Шу йили қўшма корхоналар томонидан 55,1 млн. АҚШ доллар ҳажмида маҳсулотлар экспорт қилинди. 2007 йилда эса хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган корхоналарнинг умумий ишлаб чиқарган маҳсулоти 111,7 млрд. сўмни, шу жумладан экспорт маҳсулотлар 55,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган эди. Хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг ўсиши 2006 йилга нисбатан 138,2 %ни ташкил этган.

Навоий вилоятининг инвестицион мавқеини (имиджисини) ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

- транспорт йўлларини (автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари) ривожланганлиги ва замонавий алоқа телекоммуникация воситалари билан таъминланганлиги;

- энергетика бозорининг мавжудлиги;

- интеллектуал кадрлар салоҳиятига эгаллиги;

- қулай ижтимоий-иқтисодий ва маданий, шунингдек туристик муҳитнинг мавжудлиги;

- ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг барқарорлиги;

- шаҳар аҳолисининг юқори тўлов имкониятларига эгаллиги;

- инфратузилмани ривожлантириш ва шунингдек инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватловчи имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилган:

- қайта тиклаш, мавжуд корхоналарни техник жиҳозлаш ва кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, комплекс иқтисодий чора-тадбирларни кўриш;

- вилоятда хомашё ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиб, янги корхоналарни қуриш;

- минерал хомашё ва сув ресурсларни ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Навоий вилоятининг иқтисодий ва экспорт имкониятларини янада раванқ топишида тоғ-кон ва кимё саноат корхоналари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқлари муҳим рол ўйнамоқда.

Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бўйича республикада олдинги ўринлардан бирида туради. 2007 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 419,8 млрд. сўмни (ёки 333,2 млн. АҚШ долларини) ташкил этган бўлса, 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажми 463 млрд. сўмни (330,2 млн. АҚШ доллар) ташкил этди. Уларнинг 80,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 20 % хориждан жалб қилинди. Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар 97 доллардан тўғри келди. Шунингдек қайд этиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар учун миллий тартиб ва қоидалар ўрнатилган. Бу эса албатта фойда келтирувчи саноат тармоқларни ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Туризм жаҳоннинг кўплаб давлатларининг миллий иқтисодиётини ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Навоий вилояти гарчи Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши ва Термиз каби шаҳарлардан бир неча юз километр узоқликда жойлашган бўлсада, муҳим халқаро туристик марказлардан бири ҳисобланади. Тарихий аҳамиятга эга бўлган кўплаб ёдгорликларни (Кармана, Нурота, Сармишсой қадимги ёдгорликлари ва бошқалар) ва дам олиш зоналарининг (Янгиқазғон дам олиш чўл зонаси, Ҳайдарқўл дам олиш зонаси ва ҳоказолар) мавжудлиги кўплаб туристларни ўзига жалб қилиш имконини беради. Шундай қилиб, Навоий вилоятида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши ва шунингдек чет эл инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга ортиб бориши, ўнлаб янги замонавий саноат корхоналарни ишга туширилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятини

тобора кенгайиб бориши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш тарзини янада яхшиланиб боришига имкон бермоқда.

Ушбу омилларни ва шарт-шароитларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги № ПФ-4059-сонли Фармони қабул қилинди.

Ўтказилган солиштирма таҳлиллар ва изланишлар асосида эркин иқтисодий ҳудуднинг жойлашиш ўрни учун энг қулай жой сифатида Навоий аэропорти яқинидаги ҳудуд белгиланди. Навоий шаҳри атрофида эркин саноат-иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш асослари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- республикада энг йириклардан бўлган кимё, энергетика, тоғ-кон, цемент корхоналари асосида юзага келган Навоий шаҳрининг саноатлаштириш даражаси. Бу жиҳатдан шаҳар янада ривожланиш имкониятларига эга бўлган етарли даражадаги саноат ва коммуникация инфратузилмага эга;

- Навоий вилоятидан жанубдан Эрон ва Туркия портларига, ғарбдан ва шимолдан Қора денгиз ва Болтиқ денгизи портларига чиқувчи барча асосий темир йўл трассалари ва шунингдек Хитойдан Европагача энг қисқа темир йўл маршрути ўтади;

- саноат объектларини жойлаштириш мумкин бўлган катта бўш ер майдонининг мавжудлиги. Масалан, шаҳар ва аэропорт ўртасида Э-40 трассаси бўйлаб фойдаланиш мумкин бўлган ерлар майдони 1000 гектарни ташкил қилади;

- Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга тобора чуқур интеграциялашиб бориши нафақат ички бозорда, шунингдек хорижда ҳам ва айниқса 300 млн. аҳолига эга ва Ўзбекистон билан эркин савдо ҳудуди ўрнатилган МДХ давлатларида ҳам талабга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни рағбатлантиради;

- Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудудида келажак технологиялари, янги ресурс ва энергия тежамкор технологияларни жалб қилиш йўли билан кейинги 20-30 йил ичида долзарб бўлиб қолувчи экологик соф, замонавий, диверсификацияланган саноат базасини яратиш имконияти мавжуд.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, инновацион технологияларни жорий қилишни ва жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган товарлар турларини ўзлаштиришни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан Навоий вилояти ҳудудида алоҳида административ марказга эга бўлган мамлакатда биринчи маротаба “Навоий ЭИИХ” ни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг йирик минтақавий бозорлар: Жанубий-Шарқий Осиё, Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва МДХ мамлакатларининг қулай савдо маршрутларининг кесишиш нуқтасида жойлашганлиги ҳал қилувчи омил ролини ўйнади. Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро транспорт логистика марказини яратиш учун қулай шароитларнинг мавжудлиги бу ерда янги рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни Европа ва Осиёдаги охириги истеъмолчиларга тўхтовсиз етказиб бериш шарт-шароитларини келтириб чиқаради.

**“Навоий” ЭИИХнинг бошқарув тузилмаси.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2009 йил 27 январдаги қарорига кўра “Навоий” ЭИИХ фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи орган Бошқарув кенгаши ҳисобланади. Бошқарув кенгаши “Навоий” ЭИИХнинг самарали фаолиятини таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари вакиллари коллегиясидан иборат.

Бошқарув кенгаши қуйидаги функцияларни бажаради:

- “Навоий” ЭИИХга жойлаштириш учун инвесторлар танловини ўтказиш, асосий инвестициялаш шароитларини келишиб олиш;
- “Навоий” ЭИИХ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича жойларда давлат органлари ва давлат бошқарув идоралари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш;
- давлат мулки ҳисобланган бинолар ва ускуналар, шунингдек ер майдонлари ижарасининг қийматини белгилаш;
- марказий манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётган “Навоий” ЭИИХнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси қурилиши лойиҳаларини тасдиқлаш;

- “Навоий” ЭИИХнинг Дирекцияси директорини тайинлаш, “Навоий” ЭИИХнинг Дирекцияси фаолиятини назорати ва бошқарувини амалга ошириш, шунингдек “Навоий” ЭИИХ тараққиёт фонди ва мустақил фондлари маблағларининг фойдаланишини назорат қилиш;

- инвестициялаш мажбуриятларини бажарилмаганлиги сабабли муддатидан олдин битимни бекор қилиш қарорларини қабул қилиш.

“Навоий” ЭИИХ фаолиятининг оператив бошқарувини Дирекция амалга оширади. Дирекция уставини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

“Навоий” ЭИИХи Дирекцияси :

- “Навоий” ЭИИХи иштирокчиларининг реестрини назорат ва регистрация қилиш, шунингдек уларга мувофиқ равишда гувоҳномалар бериш;

- “Навоий” ЭИИХининг иштирокчилари бўлмаган бошқа субъектларни ҳисобга олиш;

- “Навоий” ЭИИХининг иштирокчилари ва бошқа хўжалик субъектларига ҳудуддаги ерларни ижарага бериш. Ҳудуддаги ерларни сотиш ёки бошқа бировнинг номига ўтказиш маън қилинади;

- “Навоий” ЭИИХи территориясида жойлашган давлат мулкига кирувчи кўчмас мулк объектларини ўзининг доирасида бошқаради;

- инвесторларни ўзига тегишли мажбуриятларни бажариши юзасидан назоратни амалга оширади;

- Бошқарув кенгаши қарорлари асосида инвестициялаш келишувларини бекор қилишни судда кўриб чиқади;

- “Навоий” ЭИИХи фаолиятининг бошқа оператив бошқаруви бўйича функцияларни бажаради.

**“Навоий” ЭИИХнинг концепцияси.** Навоий шаҳри аэропорти базасида эркин иқтисодий-индустриал зонани ташкил қилиш концепцияси 3 босқичда уларнинг ҳар бирида 500 гектар эркин майдонни ўзлаштириш режаси асосида инновацион-индустриал, транспорт-логистика ва ижтимоий-рекреацион комплексни ташкил этишга асосланган.

Яратилаётган индустриал ЭИИХ комплексида маҳаллий хомашёга асосланган хорижий бозорда рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил қилиш режалаштирилган. Мавжуд хомашё потенциали йирик номенклатурада тайёр маҳсулотларни, айниқса, тўқимачилик, тикув ва чарм-пойафзал товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий, нефт-кимёвий, фармацевтика, қурилиш,



шунингдек электротехника, телекоммуникация ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Инновацион технологияларини қўллаш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш натижасида экологик жиҳатдан тоза ва энергия тежамкор ишлаб чиқариш афзалликларини олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш комплексининг территорияси Навоий шаҳрига яқин бўлган 556 га. майдонга жойлашиши режалаштирилган. Биноларни қуриш режасига асосан ЭИИХ территориясида биринчи босқич давомида 220тагача турли қувват ва масштабдаги корхоналар ташкил қилиш имконияти мавжудлиги сабабли, саноат корхоналарини жойлаштириш учун 6,5дан 250га гача бўлган 21та кластер майдони ажратилади. 2009 йилга келиб умумий қиймати 900 миллион долларгача бўлган 20-40та инвестиция лойиҳаларини, 2010 йилда эса умумий қиймати 5,5 млрд. доллардан ортиқ бўлган 120тагача бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш имконини берувчи ташкилий чора-тадбирлар олиб борилди.

Навоий ЭИИХ махсус иқтисодий ҳудуднинг барча классик функцияларини – янги технологияларни, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқаларни бажаради. ЭИИХ “ўсиш нуқтасининг” локомотивини ташкил этиб, бу нарса умуммиллий масштабда иқтисодий модернизация жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга Навоий ЭИИХ оддийгина иқтисодий саноат ҳудуди бўлмасдан, ўзининг йирик транспорт-логистика салоҳияти ва қулай географик жойлашувига асосланган жозибадорлиги билан ажралиб туради. Чунки Навоий ЭИИХ нафақат саноат-инновация маркази, балки логистика маркази ҳам бўлади.

Навоий ЭИИХни ташкил этилиши Навоий вилоятининг бир тармоқли тараққиётини бартараф этиш имконини беради. Ҳозирги кунда бу ерда тоғ-металлургия тармоғи яхши ривожланган. Аммо ҳар қандай конлар ҳам одатда тугайди. Стратегик тараққиёт дастури асосида 20-30 йилдан сўнг вилоятдаги мавжуд тармоқлар атрофида янги соҳаларни яратиш орқали индустриал-инновацион тараққиёт салоҳияти ошади.

Навоий ЭИИХда саноатнинг машинасозлик, станоксозлик тармоқларини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Минтақада катта фойдаланилмаётган кремний захираси мавжуд бўлиб, қуёш батареялари учун кремний пластиналарини ишлаб чиқарувчи корхона ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун фақат замонавий техника-технологияларни олиб кириш керак. Маҳаллий

хомашёга асосланган замонавий тўқимачилик тармоғини, озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

**Фаолият кўрсатиш муддати.** “Навоий” ЭИИХнинг фаолият кўрсатиши 30 йил бўлиб, кейинчалик чўзилиши мумкин. Бу давр мобайнида, бу ерда алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими, кириш, яшаш ва чиқиб кетиш, шунингдек Ўзбекистон фуқаролари ва норезидентларининг иш фаолиятини амалга оширишга рухсат олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади.

**Қонунчилик ва институционал асослар.** Ўзбекистонда “Навоий” ЭИИХ концедиясини самарали амалга оширилиши учун ҳозирги пайтда ЭИИХ фаолиятининг қонуний ва ташкилий шароитларига мувофиқ кенг қўламли ишларни амалга ошириш давом этмоқда.

ЭИИХ фаолиятининг қонуний асосларини 2009 йилнинг январида қабул қилинган “Навоий” ЭИИХ ҳақидаги низом аниқлаб беради. Низомга мувофиқ ЭИИХ фаолиятининг оператив ва координацион бошқаруви давлат ташкилотлари вакиллари ва зона дирекциясидан иборат бошқарув кенгаши томонидан амалга оширилади.

“Навоий” ЭИИХнинг бошқарув кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан халқаро тан олинган бошқарув компаниялари билан зонанинг бошқаруви бўйича улар билан ўртоқлашиш мақсадида шартномавий қонунчилик бўйича дирекция сифатида танлаши мумкин. “Навоий” ЭИИХ ўзининг мустақил бюджетига эга бўлиб, мавжуд қонунчиликка биноан кўрсатилган хизматлар ва бошқа ишлардан олинган даромадлар, шунингдек ерларни, биноларни, асбоб ускуналарни ижарага беришдан олинган даромадлар ҳисобига шаклланади. Бюджет ҳисобидан зона фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фойдаланилаётган инфратузилмани ривожлантириш мақсадида ЭИИХнинг тараққиёт фондини тузиш мумкин.

**“Навоий” ЭИИХда ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари.** “Навоий” ЭИИХдаги хўжалик субъектларининг асосий хўжалик фаолияти замонавий хорижий юқори технологик рақобатбардош асбоб ускуналарни, техникаларни, технологик линиялар ва моделларни, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш орқали жаҳон товарлар бозорига кенг доирадаги

рақобатбардош маҳсулотларни етказиб берувчи юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат.

“Навоий” ЭИИХ территориясида саноатнинг барча тармоқларида хомашёдан то тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида тўлиқ акс эттирувчи саноат комплексини яратиш учун барча шарт-шароитлар барпо этилмоқда.


“Навоий” ЭИИХни яратиш концепцияси ва устувор йўналишлари асосида “Навоий” ЭИИХда қуйидаги тармоқ ва йўналишларда корхоналар жойлаштирилмоқда:

- электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш;
- машинасозлик, асбобсозлик ва ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқарувчи комплекс корхоналар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш;
- пластик ва полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

**Ижтимоий-рекреацион шарт-шароитлар.** Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва яшаш фаолиятининг хавфсизлик тизимига мувофиқ инженеринг инфратузилмасини яратиш, сув коммуникацияси ишларини амалга ошириш борасида бир қатор қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. ЭИИХ аҳолиси, ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёти ва дам олиши учун қулай шарт-шароитларини таъминлаш имконини берувчи ижтимоий-рекреацион комплекс яратилмоқда. Ушбу мақсадларда Навоий шаҳрига яқин бўлган Зарафшон дарёсининг қирғоқларидан 120 га. ер майдони ажратилди ва бу ерда “Korean Air” авиакомпанияси томонидан ижтимоий объектлар қурилиши олиб борилмоқда. Зарафшон дарёсида бассейн, гольф-клуб ва бошқа спорт комплексларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

2008 йилнинг охирида Навоий аэропортига яқин бўлган жойда 60 ўринли 3 юлдузли меҳмонхона ишга туширилди. Ҳозирги пайтга келиб ушбу меҳмонхона халқаро тан олинган компания бошқарувида берилди.

**Жойлашуви ва транспорт инфратузилмаси.** “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди мултимодал транспорт логистика узелининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида халқаро аэропортга, Е-40 автомагистрали ва халқаро темир йўлга яқин жойда жойлашган (7.10-расм).



**7.10-расм. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудининг мултимодал транспорт логистика узели \***

Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудуди жойлашган майдонни танлашда Навоий халқаро аэропортига, E-40 автомагистралига ва халқаро аҳамиятга эга темир йўл йўналишларга яқинлиги, электр, сув ва газ билан таъминловчи инфратузилманинг мавжудлиги, ишчи кучи манбаи бўлган аҳоли пунктларининг яқинлиги ҳамда қулай меҳнат шароитини таҳлил этиш ва эркин иқтисодий ҳудуд резидентларининг турмушлари учун қулай экосистема мавжудлиги каби омиллар инобатга олинади.

“Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача” тамойилида ишловчи оптимал логистика тизимини яратиш мақсадида E-40 автомагистралидан 2 км.ли 4 қаторли автомобил йўлини қуриш ва темир йўл тармоғини қуриш ишлари якунланди.

Ҳудудда 40 гектарли контейнер майдончасига эга темир йўл юк терминали фаолият кўрсатади. Эркин иқтисодий ҳудуд майдонида 26 километрли автомобил йўллари қурилмоқда. ЭИИХ майдонида кириш учун юк терминали яқинида автомобил трассасининг икки томони бўйлаб ҳар бири 5 гектар майдонга эга бўлган автомобиллар ва юк машиналари тўхташ жойлари жойлаштирилади.


\* [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)

Эркин иқтисодий ҳудудга киришда умумий майдони 14 гектарни ташкил қилувчи иккита майдончада юкларни божхонадан ўтказиш ва расмийлаштириш, банк-молия ва бошқа маъмурий хизматларни кўрсатишга мўлжалланган маъмурий-молиявий ҳудуд жойлаштирилади.

Хизмат кўрсатиш объектлари, шу жумладан ёнғинга қарши курашиш депоси ва коммунал-хўжалик хизматлар учун 12 гектар ер ажратилган.

Саноат корхоналари учун 380 гектар ер ажратилган бўлиб, 3 гектардан 20 гектаргача ва ундан ҳам кўп майдонни эгаллайдиган корхоналар ташкил қилиниши мумкин. Бу корхоналар республиканинг хомашё салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда юқори қўшилган қийматга эга, маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиздан кам бўлмаган экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг кенг туркумини ишлаб чиқариши мумкин. Тоғ-металлургия, нефт ва газ, кимё, энергетика, автомобилсозлик, электротехника, енгил ва озиқ-овқат саноати каби асосий саноат тармоқларнинг ривожланганлиги Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудудида улар учун керакли ускуналар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Ҳаво коридоридан фойдаланишда Ўзбекистон ҳудудида қўниш юкларни транспортда ташишга кетадиган вақт ва харажатларни сезиларли иқтисод қилиш имконини беради (7.11-расм).



7.11-расм. Ҳаво коридори \*

\* www.navoi.uz

Жанубий-Шарқий Осиёдан Европагача бўлган масофа Навоий шаҳри орқали ўтадиган бўлса, Дубай орқали учишга қараганда 1000 км.га қисқаради. Шунингдек авиақатновлар вақти 1,5 соатга, ёқилғи сарфи 15 тоннага камаяди. Навоий аэропорти базасидаги халқаро транспорт хабини яратиш дастури доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг “Кореан Эйр” компанияси ўртасида узок муддатли шартномани имзолашда ушбу шарт-шароитлар ҳисобга олинган.

ЭИИХнинг бевосита “Е-40” автомобил магистралига яқинлиги энг қисқа йўл билан Европа ва Хитойга қўшилиш имконини беради, шунингдек бу ердан ўтувчи темир йўллар орқали Марказий Осиё, МДХ, Жанубий-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази бозорларига кириш имконини беради.

Хитой-Европа йўналиши бўйича автомобилда юк ташиш қатнови Ўзбекистон орқали ўтадиган бўлса масофа Россия орқали юк ташишга қараганда 1000 км.га қисқаради. Бу автомобилда юк ташиш харажатлари 800 долларга қисқаришини билдиради. Тошкентдан Бандар-Аббас портигача поезд контейнери 7 сутка юради, Тошкентдан Техрон орқали Истамбулга 10 кунда бориш мумкин. Ўзбекистон орқали юкларни ташиш 2 марта тезроқ амалга ошишини билдиради.

Навоий орқали Жанубий Эрон ва Туркиянинг портларига, шунингдек ғарб ва шимол томондан Қора ва Болтиқ денгизлари портларига чиқувчи барча асосий темир йўл трассалари ўтган. Хитойдан Европагача бўлган энг қисқа темир йўл маршрути ҳам Навоий орқали ўтган. “Тошгўзар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўлини ишга тушириш орқали Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга чиқувчи энг қисқа транзит алоқани ўрнатиш мумкин.

**Халқаро интермодал-логистика маркази.** Транспорт-логистика комплексини ривожлантириш Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро логистика марказини яратиш режаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Навоий аэропорти базасида ташкил этилган халқаро интермодал логистика маркази Ўзбекистондаги мавжуд транспорт-транзит салоҳиятидан, халқаро транзит имкониятларидан фойдаланиш, халқаро транспорт коммуникацияси тизимида кенг иштирок этиш имконини бермоқда (7.12-расм). Жанубий Кореянинг йирик “Korean Air” авиакомпанияси 2008 йилнинг августида Навоий шаҳри аэропортида Сеул-Милан-Сеул йўналиши бўйича доимий юк ташиш авиарейсларини биринчи қадам сифатида бошлади.





**7.12-расм. Халқаро интермодал-логистика маркази \***

Навоий ЭИИХ ҳаво алоқасидан ташқари юқори даражадаги ерусти транзит юк ташиш салоҳиятига эга. МДХ ва Марказий Осиё транспорт коммуникация тизимига, шунингдек халқаро транспорт тизимига интеграциялашиш учун шаҳардан халқаро транспорт коммуникация тармоғи ўтган. “Навоий” аэропорти бевосита Пекин-Париж халқаро “Е-40” автомагистралли ва “Афғонистон–Марказий Осиё-Европа” темир йўли каби халқаро транспорт коридорларига яқин жойлашган.

Ҳозирги пайтда шаҳарни қуйидаги магистрал темир йўлларга боғлаш учун аэропорт яқинида қурилиш ишлари олиб борилмоқда:

- шимолий-ғарбий йўналишда – Учқудуқ-Нукус-Волгоград (Россия) орқали Европа мамлакатларига чиқиш;
- шарқий йўналишда – Самарқанд-Тошкент-Дўстлик орқали Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш;
- жанубий йўналишда – Бухоро-Туркманистон-Бандар-Аббос (Эрон) орқали Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш.

Бундан ташқари 2007 йилда ишга туширилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Навоий шаҳри темир йўл разъездига яқин бўлиб, жанубий йўналиш бўйича Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятини беради (7.13-расм).

\* [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)



**7.13-расм. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли \***

**Хорижий инвестицияларни жалб қилиш.** Навоий вилояти бўйича 2008 йилда хорижий инвестицияларини жалб этиш ҳудудий Дастурига 11 та лойиҳа киритилган бўлиб, бу лойиҳалар бўйича йил давомида 24,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган эди, амалда 28,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, режа 15,6 %га ошириб бажарилди. 2007 йилнинг мос даврида 3,6 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, 2008 йилда ўтган йилга нисбатан 2,8 марта кўп, яъни 10,2 млн. АҚШ доллари жалб этилди.

Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бўйича республикада олдинги ўринлардан бирида туради. 2007 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 419,8 млрд. сўмни (ёки 333,2 млн. АҚШ долларини) ташкил этган бўлса, 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажми 463 млрд.сўмни (330,2 млн. АҚШ доллар) ташкил этди. Уларнинг 80,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 20 % хориждан жалб қилинди. Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар 97 доллардан тўғри келди.

2007 йилнинг 17 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган, 02-19-205-сонли “2007-2009

\* [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)



йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш Дастури”га умумий қиймати 11190,0 минг АҚШ доллари ва 16744,2 млн. сўмлик жами 42та лойиҳа киритилган. Жумладан, 2008 йилда 10402,5 минг АҚШ доллари ва 7723,8 млн. сўм миқдоридаги 19та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. 8та лойиҳа тўлиқ амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Жумладан, „Кармана мой инвест” МЧЖ, „Омад бизнес Зарафшон” МЧЖ, „Қизилтепа қурилиш сервис” МЧЖ, „Қурилиш савдо” МЧЖ, „Навои голд пласт” ХК, „Зарафшон овози” МЧЖ, „Навоий карпет” ХК, „Ортомедфармсервис” ИЧТК корхоналари маҳсулот ишлаб чиқара бошлашди. 4та – „Навбахор текс” ЧЭК ва „Қизилкуменгилсаноат” МЧЖ, „Навоийулгуржисавдо” МЧЖ (жамият негизида „Кармана гипс маҳсулотлари” ҚҚси ташкил этилди), „Қизилқум селикати” ҚҚ лойиҳалари тўлиқ молиялаштирилди ва лойиҳани ишга тушириш ишлари бормоқда. Қолган 7та лойиҳадан 2таси қисман молиялаштирилган. „Багил Медикал” ШКнинг бир мартали шприц ишлаб чиқариш лойиҳасига Кореялик ҳамкорлар жалб этилиши муносабати билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ташкил этилиши 2009 йилда режалаштирилган ва „Таъмирлаш қурилиш монтаж” ИЧКсининг шифер ишлаб чиқариш лойиҳаси ташаббускорнинг шахсий маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари молиялаштирилиб, яқунланган. Аммо, банк муассасидан ускуна учун кредит олиш масаласи кредит фойзалари юқорилиги учун ташаббускор томонидан рад жавоби берилган ва бошқа манбалар изланиши бошланган.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2008 йил якунига кўра, жами 6283,7 минг АҚШ доллари ва 5041,3 млн. сўмлик инвестициялар киритилиб, 1144,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 321та янги ишчи ўринлари яратилган.

Ўзбекистонда Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200дан зиёд лойиҳа амалга оширилган бўлса, „Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7та корхона фойдаланишга топширилди. Навоий кон-металлургия комбинати, „Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги

объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар ҳам давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди.<sup>1</sup>

Навоий ЭИИХда чет эллик инвесторлар учун қатор имтиёзлар белгиланган. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади.<sup>2</sup>

- 3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

- 10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида белгиланади;

- 30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида белгиланади.

ЭИИХда белгиланган тартибга кўра рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИХ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга (ҳозирча 30 йил) экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 % миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги №ПФ-4059-сонли Фармони. 02.12.2008 йил.

ташқари) ундирилади. Бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши ҳам мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИХ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом-ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар руҳсат этилади:

- улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИХ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

- экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлар татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно).

Президент Фармонида шунингдек қуйидагилар ҳам белгилаб қўйилган:

- “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин;

- ЭИИХ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун руҳсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши;

- алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИХ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИХ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилиши;

- “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИХ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши;

- “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИХ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилиши;

- “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИХ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИХ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланиши ва бошқалар.

Фармонга кўра “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгаши зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИХ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИХни бошқариш;

- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

- мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИХни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий

зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга оид маблағларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ- 4059-сонли фармонида мувофиқ Навоий ЭИИХ фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати қуйидаги тартибда тасдиқланди (7.21-жадвал).

## 7.21-жадвал

### "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

№	Ҳужжат номи	Масъул ижрочилар
1.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгаши ва дирекцияси тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
2.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси
3.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг хўжалик фаолияти қатнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудига кириш, чиқиб кетиш, ҳудудда бўлиш ва меҳнатга ёлланганининг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом	Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада алоҳида валюта режими фаолияти тартиби	Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
7.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги

Манба: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 49-сон, 478-модда.

Шунингдек, хорижий автотранспорт воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш, наркотрафикка ва контрабандага қарши курашни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдага 274-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2009 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобусларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун қуйидагича қўшимча йиғим ставкалари белгиланган:<sup>1</sup>

1. Тожикистон Республикасининг автотранспорт воситалари ва автобуслари учун 50 АҚШ доллари.

2. Туркманистон юк автотранспорт воситалари учун:

- 10 тоннагача юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун - 20 АҚШ доллари;

- 10 тонна ва ундан ортиқ юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун – 30 АҚШ доллари.

- 12та ўриндикдан кам бўлган автобуслар учун – 20 АҚШ доллари;

- 12та ўриндикдан ортиқ бўлган автобуслар учун – 30 АҚШ доллари.

3. Бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун – 100 АҚШ доллари.

Қўшимча йиғим Ўзбекистон Республикаси автомобил йўлларида фойдаланганлик учун ушбу давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан йиғимлар ва тўловлар қўлланилмаслигини назарда тутадиган халқаро шартномалар тузган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланилмайди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон ҳудудига кирганлиги ва транзит ўтиши учун ҳар бир хорижий автотранспорт воситасидан олинadиган қўшимча йиғимни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги № 274-сонли қарорига 1-илова.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2008 йил, 51-сон, 502-модда.

ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади.

Навоий ЭИИХни ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, вилоятда Самарқанд, Фарғона водийси, Хоразм вилоятларидаги каби меҳнат ресурслари унчалик кўп эмас. Айни вақтда Навоий шахрининг индустриал жихатдан тараққий этиб бориши республиканинг бошқа минтақаларидан аҳолининг оммавий кўчиб келиши натижасида тез орада йирик агломерация шахрига айлантиради.

Навоий аэропортини транспорт-логистика марказига айлантирар эканмиз, транспортда юк ташиш борасида ҳам турли муаммоларга дуч келамиз. Чунки ҳар бир вилоят чегарасида юкларни ва ҳужжатларни давлат органлари томонидан текшириш жараёни кўп вақтни олади. Ушбу жараёнга боғлиқ бўлган органлар орасида бу муаммони ўзаро келишув асосида ҳал этишни амалга ошириш лозим. Юкларни ўз вақтида ва хавфсиз етказиш учун замонавий юк транспортлари паркларини ҳам яратиш лозим.

Бугунги кунда Навоий вилоятида ЭИИХни ва Навоий транспорт-логистика марказини яратилиши, лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатнинг индустриал-инновацион сиёсатини жиддий ривожлантиришга асос қўйиш имконини беради. Бироқ, ЭИИХни оффшорга айлантирмаслик жуда муҳим ҳисобланади. Чунки МДХ мамлакатлари тажрибасидан кўриш мумкинки, оффшорларнинг аксарият қисми пулни четга чиқиб кетиши учун “қора тешик” вазифасини ўтайди. Бунинг учун чора-тадбирлар ва муайян тўсиқлар тизимини, ҳатто бошқарувни ҳам қайта ишлаш ва такомиллаштириш зарур.

Навоий вилояти ва “Навоий” ЭИИХда инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва бу орқали хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, мамлакатда юксак технологияли илм талаб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ўйлаймиз:

- ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарига газ, сув, электр энергияси, ёқилғи, турли хизматлар кўрсатиш нархларини пасайтириб бериш;

- Қўшимча қиймати юқори бўлган товарларнинг, айниқса хизматлар соҳасининг хилма хиллигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификация қилиш. Молия, суғурта,

консалтинг, маркетинг, менежмент, тиббиёт, туризм, транспорт, юридик, алоқа, телекоммуникация хизматларини, компьютер техника технологиялари ва дастурларини яратишга эътибор қаратиш;

- Қишлоқ жойларини шаҳарлаштириш орқали марказдаги турли ишлаб чиқариш корхоналарини нисбатан қолоқ бўлган ҳудудларга кўчириш, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда маҳаллий тадбиркорларга маслаҳатлар бера оладиган профессионал уюшмалар тузиш;

- Қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ташкил қилган хорижий инвесторларга фонд ҳисобидан субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш (Покистон, Хитой, Ҳиндистон тажрибаси);

- Республика тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат бюджети ва хорижий инвестициялар ҳисобидан минтақаларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаларига инвестиция грантларини ташкил этиш;

- Вилоят туманларида минтақа тадбиркорлари учун хорижнинг илғор минитехника-технологиялари кўрғазмасини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият бериш;

- Инновацион жараёнларни, техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилган хўжалик субъектларнинг фаолиятини янада рағбатлантириш.

### **7.5. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг истиқболини белгилаш ва ривожланиш муаммоларини бартараф этишнинг ҳуқуқий асослари**

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали фаолият кўрсатишига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири – бу ҳудудларнинг истиқболини белгилаш ва самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий асосларни тўлалигича ишлаб чиқмасдан туриб, ҳеч бир эркин иқтисодий ҳудуд етарли даражада самарали фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эркин иқтисодий ҳудуддаги хўжалик субъектлари учун ҳам, чет эл инвесторлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро майдонда ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти шунини кўрсатмоқдаки, бу давлатларнинг барчасида турли



даврларда «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Масалан, бу қонун АҚШда 1934 йилда қабул қилиниб, кейинчалик унга кўплаб ўзгартиришлар киритилган бўлса, 1946 йилда Мексикада, 1970 йилда Жанубий Кореяда, 1978 йилда Руминияда, 1982 йилда Венгрияда, 1984 йилда Буюк Британия ва Словенияда, 1985 йилда Колумбияда, 1987 йилда Болгарияда, 1992 йилда Украинада, 1990 йилда Қозоғистонда, 1996 йил апрелда Ўзбекистонда қабул қилинган эди. Халқаро майдонда ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий ҳудудлар нафақат қонунни, балки халқаро шартномалар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган барча талабларни ҳам бажаришлари зарур. Бундай ҳужжатлар таркибига 1973 йилнинг 18 майида қабул қилинган Киото конвенцияси қарорларини, Европа Иттифоқи кенгашининг 1988 йил 15 майдаги «Эркин божхона ҳудудлари ва омборлари тўғрисида»ги қарорини киритиш мумкин. Бу қарорлар асосида ЭИХларда маҳсулотни импорт ва экспорт қилиш, божхона ҳудудларига кириш ва чиқиш, омборхоналарда маҳсулотни сақлаш тартиблари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, бу талабларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Украинада «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун 1992 йилнинг 13 октябрида Олий кенгаш томонидан қабул қилинган бўлиб, бу қонунда асосан мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, тугатиш, ҳудудда фаолият кўрсатиш механизми ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари, иқтисодий ҳудудда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг маҳаллий бошқарув органлари билан бўлган муносабатлари белгилаб берилган. Мазкур қонун умумий кўрсатмалар, ЭИХларни ташкил этиш ва бошқариш, ЭИХларда божхона, солиқ ва валюта-кредит сиёсати, инвесторларга давлат томонидан бериладиган кафолатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, меҳнат ресурслари, иқтисодий ҳудудга кириш ва чиқиш тартиби, ЭИХларни тугатиш тўғрисидаги бир қатор масалаларни ўз ичига олган 10дан ортиқ бўлимдан иборат.

Жаҳон иқтисодиётида ЭИХларни ташкил этишнинг асосий мақсади – бу миллий давлатлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида мамлакатда тадбиркорлик фаолиятни активлаштириш, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш, мамлакатнинг ички бозорига юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматларнинг, янги

техника-технологияларнинг кириб келишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида янги хўжалик юритиш усуллари жорий қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда самарадорликни ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни такомиллаштиришдан иборат.

Украинада қабул қилинган қонунда, ташкил этиладиган ҳар бир ЭИХ учун алоҳида қонун ишлаб чиқилиши кўрсатилган бўлса, Қозоғистонда эса ҳар бир иқтисодий ҳудуд учун алоҳида қарор қабул қилиниши билан кифояланади. Лекин Қозоғистонда ЭИХларни ташкил этишдан олдин мазкур ҳудудда яшайдиган маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинган бўлса, Украинада қабул қилинган қонунда эса бу тўғрида ҳеч қандай фикр-мулоҳаза билдирилмаган.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунда эса ҳар бир ЭИХ Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан Олий Мажлис қарори билан ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизмини ўзида акс эттиради.

Мазкур Қонуннинг “Эркин иқтисодий зонани тузиш” деб номланган 3-моддасида эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилиши, эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек, унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур ҳужжат билан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида 3 йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилиши тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилди. 4-моддага биноан эса, эркин иқтисодий зонанинг мақоми уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда

белгиланган муддат тугаганда ҳамда унда назарда тутилган мақсад ва вазифалар бажарилмаганда тугатилиши белгиланади.

Республикада эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш тўғрисида маҳаллий ҳоқимиятнинг қарори.

2. Эркин иқтисодий ҳудудга берилган мавқе, бошқарув органлари ва низом лойиҳаси.

3. Мазкур ҳудуднинг аниқ тасвирланган харитаси.

4. Ташкил этиладиган ҳудуднинг техник-иқтисодий асосномаси. Ушбу техник-иқтисодий асосномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт. Биринчидан, иқтисодий ҳудуднинг мақсади ва аниқ фаолият кўрсатиш йўналиши, иккинчидан, ривожланиш босқичлари (муддатлари кўрсатилган ҳолда), учинчидан, ишлаб чиқаришда ижтимоий инфратузилмани ривожланиш даражаси ва унинг имкониятлари, тўртинчидан ҳудудни ташкил этишнинг иқтисодий, илмий ва бошқа имкониятлари, бешинчидан малакали ходимлар билан таъминланиш даражаси, олтинчидан молиялаштириш даражаси ва унинг манбалари, еттинчидан баҳолаш, солиққа тортиш, божхона, валюта-кредит сиёсатининг тартиблари ва ҳоказолар.

5. Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси ва бошқалар.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига кўра эркин ишлаб чиқариш зоналари – тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётни устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, у ўз ичига экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа эркин зоналарни қамраб олади<sup>1</sup>.

Албатта, эркин ишлаб чиқариш зоналарида иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали истиқболли технологиялар жорий этилади, пировардида маҳаллий хом ашёлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Эркин иқтисодий зонанинг мазкур тури бугунги кунда Осиёнинг 20га

---

<sup>1</sup> "Халқ Сўзи", 05.09.2009.

яқин давлатида, Лотин Америкасидаги аксарият давлатларда, шунингдек, Венгрия, Руминия, Буюк Британия, АҚШда учрайди. Эркин иқтисодий зонанинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, бу ҳудудда алоҳида имтиёзли божхона, валюта ва солиқ режимлари давлат томонидан таъминланади. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилган Фармонга асосан, эркин иқтисодий зона мамлакатимизда илк мартаба индустриал-иқтисодий зона кўринишида ташкил этилди. Энг муҳими, унинг ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши-замонавий хорижий юқори унумли асбоб ускуналар ва техника технологик линиялар ҳамда модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланган. Шу боис Қонуннинг 7-моддасида эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам эркин ишлаб чиқариш зоналар турларидан бири сифатида назарда тутилди.

Қонуннинг “Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув органлари” деб номланадиган 20- моддасида бу ҳудуд фаолияти эркин зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши ҳамда зона дирекцияси эркин иқтисодий ҳудуднинг оператив бошқарув органи эканлиги, “Эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши” номли 21-моддаси биринчи қисмида эса Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ҳуқуқий жиҳаттан мустаҳкамлаб қўйилди.

Маъмурий кенгашнинг ваколатлари қаторига эркин иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини амалга ошириш ҳамда давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалаларга доир фаолиятни мувофиқлаштириш ҳам киритилди. Қонуннинг “Эркин иқтисодий зона дирекцияси” номли 24-моддаси “Дирекция юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади” деган таҳрирдаги биринчи қисм билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, мазкур Қонунга терминалларни бир хил талқин қилиш ва амалдаги қонунчиликдаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида бир қатор аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Қонуннинг “Солиқ имтиёзлари” деб номланувчи 14-моддаси номи ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 12 ва 30-моддаларига мослаштирилди. “Корхоналар,

муассасалар, ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш” номли 26-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, “Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, қонун ҳужжатларда белгиланган кафолатлар меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда сақланиб қолади” деган таҳрирда баён этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Сенатда маъқулланган мазкур Қонун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда катта имконият беради. Шу билан бирга, у тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос ва бетакрор механизмини жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун вакиллик қилувчи ташкилотларнинг функциялари қарорда кўрсатилган бўлиб, ушбу қарор қонунда кўрсатилган тарзда амалга оширилади. Бундай вакиллик Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 21-бандига асосан «...Маъмурий кенгаш...»га берилади. Қонунда кўшимча равишда шу нарса ҳам кўрсатилганки, агар ЭИХларнинг маъмурий чегаралари бирор-бир район ёки шаҳар чегараларига тўғри келиб қолса, маъмурий кенгашга раҳбарлик қилиш шу район ёки шаҳар ҳокимига юклатилади.

Ўзбекистон билан Украинада Маъмурий кенгашга берилган вакиллик ҳуқуқлари бир-бирига ўхшаб кетади. Қозоғистонда эса бироз бошқачароқ бўлиб, бу мамлакатда солиқ, божхона ва молия масалалари бўйича имтиёزلарни белгилаш маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади. ЭИХларга бериладиган ҳар қандай имтиёзлар Республиканинг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган мазкур ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган бўлиб, улар аввалдан Давлат Солиқ ва Божхона Қўмиталари билан келишилган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудга ижрочи Директорни тайинлаш маъмурий кенгашнинг қарорига асосан амалга оширилади. Маъмурий кенгаш таркибига эса давлат ва маҳаллий ҳукумат вакиллари, тармоқлараро бошқарув органларнинг вакиллари, инвесторлар, шу жумладан хорижий фуқаролар таркибидан ҳам вакиллар аъзо бўлиб киришлари мумкин. Демак, республикада эркин

иқтисодий ҳудуднинг ижрочи директори бўлиб, чет эл фуқароси ҳам тайинланиши мумкин яъни, Ўзбекистон ва Украинада чет эл инвесторларига ҳуқуқлар кенгроқ берилган, лекин Қозоғистонда ижрочи директор бўлиб фақат мамлакат фуқароси тайинланиши кўзда тутилган.

Эркин иқтисодий ҳудудларда инвесторлар ва иштирокчилар учун қулай божхона ва бож солиқларининг имтиёзли шакллари, махсус валюта-молия ва банк-кредит, суғурта, инвестициялар учун махсус шароитлар ҳам яратиб берилади. Шунинг учун махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш учун қонун ва қарорларни қабул қилишда мазкур имтиёзларнинг амалий ижросига ҳам катта эътибор қаратилади.

Ҳар қандай ЭИХни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб, бошқарув органларининг фаолияти, мулк ва ижара муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалари, божхона тартиби, солиққа тортиш масалалари ва имтиёзлар, хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш каби масалалар ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудларда хўжалик субъектлари ўртасидаги низолар икки хил кўринишда (эркин иқтисодий ҳудудда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро низолар, эркин иқтисодий ҳудуд маъмурияти ва хўжалик субъектлари ўртасидаги низолар) бўлиши мумкин.

Биринчи кўринишдаги низоларни ҳал этиш маъмурий кенгашда ёки ЭИХда халқаро экспертчи бўлиб қатнашиш ваколатига эга бўлган арбитражда ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бунинг учун корхона ташкил этилаётган ҳудудда арбитраж ишлари билан таништирилиши ва низоларни кўриб чиқиш тартиби билан танишганлиги тўғрисидаги қайдномани эса маъмурий кенгашга тақдим этган бўлиши зарур. Арбитраж шартномани ҳар иккала томон ҳам имзолагандан сўнг низоларни кўриб чиқади. Агар томонлардан бири шартномани имзоламаган бўлса, бундай низоларни кўриб чиқиш халқаро конвенцияларнинг меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Низоларнинг иккинчи кўриниши, яъни хўжалик субъектлари ва маъмурий кенгаш ўртасидаги низоларни кўриб чиқиши учун махсус арбитраж органи ташкил этилиши лозим. Масалан, Хитойда ташкил этилган ЭИХлардаги маъмурий кенгаш ва хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни Тяньцзин шаҳридаги махсус арбитраж кўриб чиқади. Арбитражга қўшимча равишда ЭИХда ишлаб чиқарилган ва

шунингдек олиб келинаётган маҳсулотларни техник жиҳатдан экспертиза қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Жанубий Кореяда эса бундай низоларни кўриб чиқиш тартиби бироз бошқачароқ. Яъни, Жанубий Кореяда бундай ваколат касаба уюшмалари кўмитасига берилган. Албатта касаба уюшмаларининг бундай низоларни кўриб чиқишига ваколат берилганлиги, мамлакатда амал қилаётган қонунчиликка бирмунча ўзгартишларни киритган бўлсада, инвесторлар фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратилишига олиб келган эди. Бундай омил ўз навбатида Кореяда ЭИҲларнинг фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамият касб этиб, оқибатда макроиктисодий индикаторларнинг самарадорлиги кўтарилган эди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонуннинг 27 моддасида «... низолар халқаро шартномалар ва келишувларда кўзда тутилмаган бўлса... судларда ҳам кўриб чиқилиши мумкин...» деб кўрсатиб ўтилган.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва ривожланиш истиқболлини белгилашда ҳуқуқий асослар билан бирга молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий асослар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ЭИҲда йирик ва кичик тадбиркорлик субъектларининг самарали кооперациясини ташкил этиш имконияти мавжуд. Шунингдан олиш лозимки, кичик ва йирик бизнес тараққиётида чегаралар мавжуд бўлиб, у барча муаммоларни ечиш имконига эга эмас. Кичик бизнес тараққиёти бандликни таъминлайди, истеъмол салоҳиятини оширади, сиёсий барқарорликни мустаҳкамлайди. Аммо катта молиявий ресурслар йирик молия-саноат гуруҳларида тўпланади, ва улар ҳақиқий ўсишни бошқаради. Бу компаниялар атрофида минтақавий ягона тузилма ташкил қилинади. Бу стратегия ҳозирги босқичда миинтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида оптимал ва долзарб эканлигини намойиш этади. Улар географик маҳаллийлаштириш ва ўзаро алоқадор корхоналар, ускуналарни етказиб берувчилар, комплекс, ихтисослашган хизматлар, инфратузилма, илмий-тадқиқот институтларининг бир бутун ягона тузилмаси кўринишида намоён бўлади. Корхоналарнинг ўзаро кооперацияси – бу йирик ва кичик корхоналарни ўзаро манфаатли муҳитда яшашидир. Уларнинг барпо этилиши харажатларни камайишига олиб келади. Натижада паст

нархлар ва юқори рақобатбардош маҳаллий ишлаб чиқарувчилар шаклланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларини тобора кенг жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу рақам олдинги ярмаркадаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 марта кўпдир. Ярмаркада умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик экспорт битимлари тузилди ва бу 2009 йил даражасидан 1,2 баробар ортиқдир.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга берилаётган улкан эътибордан дарак беради. Бу соҳа иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришни таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда ўта муҳим рол ўйнайди. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш, шунингдек 2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш кўзда тутилаётганини айтиш муҳим.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Президентимиз таъкидлаганларидек, биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.



чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор. Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратилган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор. Тўртинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур. Ушбу вазифаларни амалга ошириш эса ЭИҲларни ривожлантириш мақсадларига билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.<sup>1</sup> Бунда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ана шу мақсадларга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди. Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур. Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиетилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Ўзбекистон ҳукумати ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқда. Хусусан, 2011 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш “Кореан эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

Ўзбекистонда ЭИХларни бошқа вилоятларда, Тошкент шаҳри ёки Фарғона водийси атрофида технопарклар кўринишида ҳам ташкил этиш мумкин. Хусусан, Фарғона ва Андижонда саноат, кадрлар, транспорт-логистика (Хитойдан Европа ва Ўрта Шарқга бўлган транспорт коридори лойиҳасини амалга ошириш имкониятлари ҳисобига) борасидаги имкониятлар “ўсиш нуқтаси”га айланиши мумкин. Навоий ЭИИХнинг барпо этилиши индустриал-инновацион иқтисодиётни ташкил қилиш йўналишида Ўзбекистоннинг саноат сиёсатида янги босқичдир. Республиканинг бошқа минтақаларидан инновациялар ва инвестицияларнинг бу ҳудудга босқичма-босқич кириб келиши мультипликация самарадорлиги учун жуда муҳим.

Шундай қилиб, ЭИХларни ташкил қилишнинг жаҳон тажрибаси Республикамиз ҳукумати ва раҳбарияти томонидан чуқур ўрганилиб, мамлакатимизда ЭИХларнинг истиқболини белгилаш ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда.

## **7.6. Эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш борасидаги имтиёзлар**

Жаҳон мамлакатларида ташкил топган ЭИХлар тажрибасидан маълумки, агар ташкил этиладиган иқтисодий ҳудудни лойиҳаларига инвестицияни киритувчи инвесторларга бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари, ҳудуднинг географик ўрни ва шунингдек ташкил этишнинг муаммолари ва йўлларини асосий йўналишлари белгилаб берилмаган бўлса, бундай ЭИХларнинг фаолият кўрсатиши ижобий натижаларни бермаслиги мумкин. Буни биз бунуги кунда Польша ва Ҳиндистонда ташкил этилган ЭИХлар мисолида кўришимиз мумкин. Чунки бу иқтисодий ҳудудларни лойиҳалаштириш даврида қуйидаги муҳим муаммолар ўз ечимини топмаган эди:

- ташкил этилган ЭИХлар қулай географик жойлашмаганлиги;
- инфратузилманинг, яъни темир йўл ва автомобиль йўллари, шунингдек ҳаво транспорти йўллари етарли даражада ривожланмаганлиги;
- жаҳоннинг бошқа мамлакатлари билан алоқа қилишнинг ноқулайлиги;
- электр ва телекоммуникация воситалари билан таъминланиш даражасининг пастлиги;

- ЭИХ маъмурияти мамлакатдаги мавжуд давлат ташкилотлари ва муассасалари билан етарли даражада ўзаро алоқани олиб бормаслиги;

- Инвесторларга берилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосланмаганлиги ва бошқалар.

Юқорида келтирилган бир қатор сабабларга кўра Польша ва Ҳиндистонда ташкил этилган ЭИХлар фаолиятини биз етарли даражада ривожланган деб айта олмаймиз. Агар ушбу камчиликларга қўшимча равишда биз мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тушкунликларини ҳам қўшадиган бўлсак, ЭИХларни ривожланиши учун яна бир тўсиқлар пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида ташкил этилган ЭИХлар фаолиятини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, ташкил этиладиган ЭИХлар ягона дастур асосида лойиҳалаштирилиб, бу дастурни ишлаб чиқишда Давлат қўмиталари ва муассасалари фаол иштирок этишлари лозим. Иккинчидан, мазкур дастур асосида ташкил этиладиган ЭИХлар фаолияти учун йўналтирилган лойиҳалар қатъий матрица асосида амалга оширилиши лозим (7.22-жадвал).

## 7.22-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятига йўналтирилган чет эл инвестициялари

№	Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ихтисослашуви	Эркин иқтисодий ҳудудлар	
		Орол эркин экологик ҳудуди	Жиззах эркин ишлаб чиқариш ҳудуди
1.	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш	Озиқ-овқат саноати. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида салқин ичимликлар, турли хил балиқ ва мева-сабзавот консерваларини, вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш.	Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида салқин ичимликлар, турли хил консерва ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
		Тери ва тери маҳсулотларини қайта ишлаш саноати.	Қурилиш материалларини (мармар, асбест ва оҳак маҳсулотлари, керамика

		Қорақўл терисини қайта ишлаш.	махсулотлари, ёнфинга чидамли ғиштларни) ишлаб чиқариш.
		Целлюлоза ва қоғоз махсулотларини (қоғоз, картон) ишлаб чиқариш.	Тўқимачилик саноати махсулотларини (пахта, жун пиллани қайта ишлаш асосида трикотаж буюмлари ва гиламлар) ишлаб чиқариш.
		Кема (кемалар) қурилиши ва таъмирлаш саноати. Кемаларни (кема) ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш.	Кимё ва кимё саноати махсулотларини (шина, резина ва пластмасса махсулотларини ишлаб чиқариш, нефть ва газ махсулотларини қайта ишлаш асосида турли хил бўёқлар) ишлаб чиқариш.
		Сув хўжалиги учун махсулотлар (насослар, поршенлар, вентиляторлар, боғ инвентарлари ва агрегатлар) ишлаб чиқариш.	Автомобиль саноат мосламалари учун эҳтиёт қисмларини ва йиғув жиҳозларини (енгил ва юк автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ва аккумуляторлар) ишлаб чиқариш.
2.	Молиявий хизматлар кўрсатиш	- Банк хизматлари. - Лизинг хизматлари. - Суғурта хизматлари	- Банк хизматлари. - Лизинг хизматлари. - Суғурта хизматлари
3.	Бошқа хизматлар кўрсатиш	Улгуржи савдо билан шуғулланиш. Шу жумладан: Товарларни маркалаш, қутиларга жойлаштириш, ўраб бериш. Бошқа жойга олиб кетиш учун мўлжалланган божхона ва бошқа юкларни ҳаво, темир йўл, автомобиль ва дарё транспорти орқали ортиб жўнатиш, сақлаш хизматларини амалга ошириш.	Улгуржи савдо билан шуғулланиш. Шу жумладан: Товарларни маркалаш, қутиларга жойлаштириш, ўраб бериш. Бошқа жойга олиб кетиш учун мўлжалланган божхона ва бошқа юкларни ҳаво, темир йўл, автомобиль ва дарё транспорти орқали ортиб жўнатиш, сақлаш хизматларини амалга ошириш.

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.169-170 бетлар.

Жадвалдан кўриниб турибдики, лойиҳалаштирилган ҳар иккала ЭИҲларда ҳам инвестициялар асосан озиқ-овқат санотаини ривожлантириш учун йўналтирилган. Чунки, иқтисодий зона ташкил этиладиган ҳар иккала ҳудудда ҳам асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган бўлиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш асосида консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Орол эркин экологик ҳудудида эса балиқ консерваларини ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Бундай имкониятлар ҳозирги кунда Жиззах эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудудида ҳам йўқ эмас. Бироқ, Жиззахнинг Айдаркўлида етиштирилаётган балиқлар асосан мамлакатнинг ички истеъмол бозорини қондиришга қаратилган. Кейинчалик Жиззах ЭИҲда балиқчилик хўжалигини ривожланиши билан боғлиқ ҳолда экспорт учун ҳам балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

Ташкил этиладиган ҳар иккала ҳудудда ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқаришнинг хўжалик тармоқлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҳудудларда саноат тармоқларининг ривожланиши учун хомашё ресурслари ва меҳнат ресурсларга бойлиги, шунингдек ходимларнинг малакаси етарли даражада ривожланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ушбу ҳудудларга тери ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кўплаб чет эл инвестицияларини жалб этиш мумкин. Чунки жаҳон хўжалигида теридан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига бўлган талаб жуда катта. Шунингдек ушбу иқтисодий ҳудудларга тери хомашёсини олиб келиш ва уни қайта ишлаш учун саноат корхоналарни қурилиши ҳам унчалик катта миқдордаги капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Иккала ЭИҲларда ҳам кема ва кемасозлик саноат корхоналарини қурилиши учун, целлюлоза ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарни қурилиши учун ҳам шарт-шароитлар мавжуд.

Жиззах эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудудини ўзига хос хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Бу тармоқлар туркумига тўқимачилик, қурилиш материаллари ва кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини киритиш мумкин. Чунки ушбу саноат тармоқларини вилоят ҳудудида ривожлантириш учун етарли даражада хомашё ресурслари ва меҳнат ресурслари мавжуд.

ЭИХлар фаолиятига инвестицияларни йўналтиришнинг муҳим асосларидан бири бўлиб, чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар ҳисобланади. Ташкил этилиши лойиҳалаштирилаётган ҳар иккала иқтисодий ҳудудлар учун ҳам бундай имтиёзларни алоҳида-алоҳида характерлаб ўтиш лозим. Чунки ҳар иккала иқтисодий ҳудудларнинг жойлашиши шунингдек инвестицияларнинг жалб этиш манбалари ва мақсадлари турли-тумандир (7.23-жадвал).

### 7.23-жадвал

#### Орол эркин-экологик ва Жиззах эркин иқтисодий ҳудудларида инвестицияларни жалб этишнинг шароитлари ва уларга берилган имтиёзлар

№	Номланиши	Ишлаб чиқариш соҳаси		Молиявий хизматлар	Номолиявий хизматлар
		Экспорт учун	Ички бозор учун		
<b>I. МАЪМУРИЙ ТАРТИБОТ</b>					
1.1.	Рўйхатдан ўтказиш	Ҳар йили 100 АҚШ доллари ҳисобида	Ҳар йили 200 АҚШ доллари ҳисобида	Ҳар йили 1000 АҚШ доллари ҳисобида	Ҳар йили 800 АҚШ доллари ҳисобида
1.2.	Лицензиялаш тириш	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда
1.3.	Капиталнинг миқдорига қўйиладиган талаблар	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
<b>II. СОЛИҚ ТАРТИБОТИ</b>					
2.1.	Фойда солиғи	Биринчи беш йилликда озод этилади. Кейинги йилларда пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади. Ароқ ва тамакаи маҳсулотларига биринчи йилдан бошлаб пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади	Пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади. Ароқ ва тамакаи маҳсулотларига биринчи йилдан бошлаб пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади	10 %гача	5 %гача
2.2.	Ижтимоий суғурта ва бюджетдан ташқари фондга ажратмалар	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда

III. БОЖХОНА ТАРТИБОТИ					
3.1.	Импорт қилинадиган маҳсулотлар учун ҚҚС	Барча солиқ турларидан озод этилади	Асосий ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларни олиб кириш даврида озод этилади ва бошқа маҳсулотларни импорт қилишда пасайтирилган ставкалар қўлланилади	Эркин иқтисодий зона ҳудудида кўрсатиладиган хизмалар туридан озод этилади	
3.2.	Акциз солиғи		Камайтирилган ставкалар қўлланилади	Бекор қилинади	
3.3.	Божхона солиғи	Озод этилади	Пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади	Озод этилади	Озод этилади
IV. ВАЛЮТА ТАРТИБОТИ					
4.1.	Жорий операциялар бўйича конвертация	Чегараланмаган миқдорда	Чегараланмаган миқдорда	Чегараланмаган миқдорда	Чегараланмаган миқдорда
V. ТАШҚИ САВДО ТАРТИБОТИ					
5.1.	Экспорт фаолиятини тартибга солиш	Қонунда кўрсатилган тартибда, чегараланмаган миқдорда		Қонунда кўрсатилган тартибда, чегараланмаган миқдорда	
5.2.	Импорт фаолиятини тартибга солиш	Қонунда кўрсатилган тартибда, чегараланмаган миқдорда			
VI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАР ТАРТИБОТИ					
6.1.	Импорт ва экспорт фаолияти бўйича контрактларни ҳисобга олиш	Қисқартирилган тартибда амалга оширилади	Қисқартирилган тартибда амалга оширилади	Қисқартирилган тартибда амалга оширилади	Қисқартирилган тартибда амалга оширилади
6.2.	Молиявий ва статистик ҳисоботлар	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда	Қонунда кўрсатилган тартибда

Манба: Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.172-174 бетлар.



Жадвалдан кўриниб турибдики, ташкил этиладиган иқтисодий ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва экспортга ҳамда ички бозорга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар йилига 100-200 АҚШ доллари, номолиявий хизматлар (туризм, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи корхоналар, умумий овқатланиш шоҳобчалари, транспорт хизматларини кўрсатувчи тармоқлар, ички савдо ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи фирмалар) кўрсатувчи фирмалар 800 АҚШ доллари миқдорида, молиявий хизматларни (банклар, суғурта ва лизинг хизматларини) кўрсатувчи корхоналар 1000 АҚШ доллари миқдорида тўловларни тўлаб туриши талаб қилинади.

Бу корхоналарни лицензиялаштириш ишлари қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилиб, олиб келинадиган капитал қўйилмалар миқдorigа ҳеч қандай чегара қўйилмайди. Солиқ тартиботида ҳам имтиёзлар берилган. Яъни экспортга чиқариладиган маҳсулотлар учун ва шунингдек ички истеъмол бозорлари учун маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фойда солиғидан озод этилади. Фақатгина тамаки ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун камайтирилган фойда солиғи ставкалари қўлланилиши (номолиявий хизматлар учун фойда солиғи 5 %, молиявий хизматлар учун эса 10 %, миқдорида) кўзда тутилган.

Қўшимча қиймат солиғи бўйича чет элдан олиб келинадиган асосий ишлаб чиқариш воситалари учун ҳар иккала ҳолда ҳам, яъни экспорт ёки ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари озод этилади. Бошқа маҳсулотларни импорт қилган хўжалик субъектлари учун қўшимча қиймат солиғининг камайтирилган ставкалари қўлланилади. Номолиявий хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектлари эса ЭИҲда қиймат солиғидан озод этилади.

Валюта тартиботида жорий операциялар бўйича конвертация чегараланмаган миқдорда амалга оширилади. Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича экспорт ва импорт маҳсулотлар ҳажми чегараланмайди. Экспорт ва импорт шартномаларини рўйхатга олишнинг қисқартирилган тизими жорий этилиб, ҳисоботларни топшириш муддати ҳам қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шундай қилиб, ташкил этиладиган ушбу ЭИҲларда яратилган имтиёзлар инвесторларнинг таклифлари билан қайта кўриб чиқилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари маҳаллий бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда бериладиган

имтиёзлар иқтисодий ҳудудларнинг маъмурияти билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Чет эл инвестициялари учун қонун ва имтиёзлар ишлаб чиқиш борасидаги чет эл тажрибасини қарайдиган бўлсак, саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестицияни махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имконини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгилликлар ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Чет эл инвестицияларини қабул қилувчи энг катта давлатлардан бири Хитой давлатининг тажрибаси аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли равишда мувофиқлаштириб келмоқда. Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестициялар йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса айна вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш учун “солиқ таътили” ва енгилликлари, импорт тарифлар бўйича енгилликлар каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Бир қатор эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан айнан шундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички туманларига кўплаб хорижий инвестицияларни жалб этиш учун уларга узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб этишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларнинг руҳсатисиз ҳаётга тадбиқ этишлари мумкин.

Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари кўп жиҳатдан Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур каби давлатларнинг қонунларига ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган.

## Хулоса

Ўзбекистон истиқлолга эришганига 20 йил тўлди. Ана шу йиллар ичида республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришлар асосида давлатимизнинг сиёсий пойдевори мустаҳкамланди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ислохотлар амалга оширилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам қабул қилинган қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилди.

Республикамиз табиий ва меҳнат ресурсларига жуда бой бўлиб, 4,2 млн. гектар суғорма деҳқончилик қилинадиган ерлар, минерал хомашёнинг 100га яқин тури ва жуда кўплаб конлари бор. Ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги табиий газнинг 40 %и, кўмирнинг 55 %и, пахта толасининг 75%и, гидроэнергетика ресурсларининг 14 %и, меҳнат ресурсларининг 40 %и Ўзбекистонга тўғри келади.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозига қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига Республикамизда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзидаёқ Инвестиция дастури доирасида 200дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Мамлакат иқтисодиётига киритилган умумий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 25 фоизини ташкил этган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 6,8 фоизини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати таъминланганини санаб ўтиш лозим. Хорижий инвестицияларни кириб келиши ва Республикамизнинг маълум бир ҳудудларида тўпланиши, ўз-ўзидан бу ҳудудларда экспорт-импорт, божхона, солиқ ва валюта соҳаларида маълум имтиёзларнинг қўлланилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил топиши учун замин яратмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан 1996 йилда “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мамлакатимизда Орол минтақасини қутқариш учун мазкур ҳудудда махсус эркин экологик иқтисодий ҳудудни, Жиззах вилоятида эркин ишлаб чиқариш иқтисодий ҳудудини ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бироқ айрим сабабларга кўра бу лойиҳалар ҳали амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 2 декабрь Фармони билан Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ташкил этилди. Навоий вилоятида хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд: транспорт йўллари ривожланганлиги ва замонавий алоқа телекоммуникация воситалари билан таъминланганлиги, энергетика бозорининг мавжудлиги, интеллектуал кадрлар салоҳиятига эгаллиги, қулай ижтимоий-иқтисодий ва маданий, шунингдек туристик муҳитнинг мавжудлиги, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг барқарорлиги, шаҳар аҳолисининг юқори тўлов имкониятларига эгаллиги, инфратузилмани ривожлантириш ва шунингдек инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватловчи имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар киради.

Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилган:

- қайта тиклаш, мавжуд корхоналарни техник жиҳозлаш ва кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, комплекс иқтисодий чора-тадбирларни кўриш;

- вилоятда хомашё ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиб, янги корхоналарни қуриш;

- минерал хомашё ва сув ресурсларни ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бўйича республикада олдинги ўринлардан бирида туради. 2007 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 419,8 млрд. сўмни (ёки 333,2 млн. АҚШ долларини) ташкил этган бўлса, 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажми 463 млрд.сўмни (330,2 млн. АҚШ доллар) ташкил этди. Уларнинг 80,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 20 % хориждан жалб қилинди.

ЭИХларни ташкил қилишнинг жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимизда ЭИХларнинг истиқболини белгилаш ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Чет эл инвестициялари учун ишлаб

чиқилган қонун ва имтиёзлар чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгилликлар ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

### **Таянч иборалар:**

Макроиқтисодий барқарорлик, “ЭИХ тўғрисида”ги қонун, табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, Орол эркин экологик ҳудуди, Жиззах эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудуди, Навоий ЭИИХ, транспорт-логистика маркази, солиқ имтиёзлари, божхона имтиёзлари.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш учун қандай ижтимоий-иқтисодий имкониятлар мавжуд?

2. Ўзбекистонда ЭИХларни ташкил қилиш учун қандай лойиҳалар ишлаб чиқилган?

3. Орол эркин экологик ҳудудини ташкил қилиш хусусиятларини тавсифлаб беринг.

4. Жиззах эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил қилиш хусусиятлари нимадан иборат?

5. Навоий ЭИИХ фаолиятининг ўзига хос томонларини тушунтириб беринг.

6. ЭИХларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий асослар қандай аҳамиятга эга?

7. ЭИХлар фаолиятида чет эл инвестициялари учун ишлаб чиқилган кафолатлар ва имтиёзлар қандай роль ўйнайди?

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

1. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

2. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги ПК 26-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2009 й. 37-сонли «2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» Фармони 04.12.2008 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПК-1073-сон қарори. 17.03.2009 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июнь «Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида»ги Фармони

7. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 2000 й.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 й.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 й.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 й.

12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2010.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

13. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

14. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.

15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Халқ сўзи, 30.01.2010.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. //Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи. 2010 йил 21 сентябрь

## **III. Асосий адабиётлар**

19. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008-196 б.

20. Друзник Я.С. Свободные экономические зоны. М: 2008.

21. Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. Т.: Академнашр, 2010.

22. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

23. Ломакин В.К.. Мировая экономика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. -735 б.

24. Ломакин. В.К. Мировая экономика: учебник. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

25. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

26. Мировая экономика: учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.

27. Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Т.: НУУз, 2005.

28. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

30. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009.

31. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

32. Холикулов А.Р. Эркин иқтисодий ҳудудлар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: 2002.

#### **IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

33. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2008-2010 йиллар.

34. UNIDO Industrial Development Report.

35. World Economic Outlook. IMF.

36. Андрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, 1997.

37. Всемирный банк. Доклад о мировом развитии.

38. Мозиас П., Яковлева В. Внешнеторговая политика Китая после присоединения к ВТО. // МЭ и МО, 2009, №12.

39. Потанин В. Инвестиционный климат в Китае. Журнал “Внешняя торговля”. 1995, №1.

40. Рахимова А.Ф. Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим қадам. “Хусусий мулк “ газетаси 1995 йил №25 (109) сони.

41. Статистическое обозрение Узбекистана. Т.: 2011

42. Султанова Л. «Экономические реформы в Китае». //Рынок, деньги и кредит. –Т. 2003, март.

43. Христов А.Г. Свободные экономические зоны мира. Журнал



«Бизнес». 2003, №4.

44. Цель создания Свободной индустриально-экономической зоны “Навои”. //Деловой партнер УЗ. 2009. №14 (783).

45. Шукуров Д. XXI асрда “Ипак йўли”. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил №54 сони.

46. Эркаев Б. Миллий хусусиятли технополис. “Правда востока” газетаси 5 май 1996 й.

#### **V. Интернет сайтлар**

47. [www.12.uz/ru/news/show/economy/5471](http://www.12.uz/ru/news/show/economy/5471)

48. [www.allchina.ru/](http://www.allchina.ru/)

49. [www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf](http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf)

50. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

51. [www.navoi.uz](http://www.navoi.uz)

52. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

53. [www.uzdaily.uz/PVKXM/articles-id-6685.htm](http://www.uzdaily.uz/PVKXM/articles-id-6685.htm)